1.	Психологиянинг методологик масалалари	2
2.	Методология илмий тадқиқотнинг методлари, усуллари мажмуаси эканлиги	2
3.	Психология фанининг категориялари талқини	2
4.	Умумий психологиянинг асосий кетегориялари, психология фанининг предмети	2
5	Шахс хулқи, фаолияти ва муомаласи камолот негизи эканлиги	2
6.	Комил инсоннинг ҳозирги замон назарияси	2
7	Ички регуляция ва унинг психологик баёни	2
8	Мотивация: Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммолар	2
9	Психологик принципларининг XXI асрда талқини	2
10	Детерминизм ва монизм принциплари ва уларнинг XXI асрдаги талқини	2
11	Онгнинг психологик тавсифи ва унинг даражалари тўғрисида баҳслар	2
12	Онг ва унинг шаклланиши	2
13	Когнитив психология ва борлиқ муносабат	2
14	Билиш назариялари. Ассоциатив назариялар психологияси	2
15	Шахснинг индивидуал типологик хусусиятларига XXI асрдаги ёндашувлар	2
16	Шахс назариялари тўғрисида умумий тасаввурлар	2
17	Умумийлик ва хусусийлик муносабатлари	2
18	Миллий психология муамолари	2
19	Миллий менталитетнинг тузилиши ва тавсифи	2
20	Ўзбек миллий ўйинлари тавсифи	2

***Изоҳ:** маъруза машғулотлари режаслари мавзунини тўлиқ қамраб олади.*

VI. Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари мавзу бўйича режа ва тавсия қилинган адабиётлар асосида ўтказилади. Магистр мустақил тайёргарлик кўриб, тўплаган билимларини дарс вақтида ҳимоя қилади.

Семинар машғулотларини уюштириш бўйича тавсия қилинадиган тахминий мавзулар:

1. Психологиянинг методологик масалалари.
2. Психология фанининг категориялари талқини.
3. Шахс хулқи, фаолияти ва муомаласи камолот негизи эканлиги.
4. Ички регуляция ва унинг психологик баёни.
5. Психологик принципларининг XXI асрда талқини.
6. Онгнинг психологик тавсифи ва унинг даражалари тўғрисида баҳслар.
7. Когнитив психология ва борлиқ муносабати.
8. Шахснинг индивидуал типологик хусусиятларига ххI асрдаги ёндашувлар.
9. Миллий психология муаммолари.

Семинар машғулотларининг мавзулари ва соатлар бўйича тақсимланиши.

№	Семинар мавзулари ва режаси	Соат
1	Психологиянинг методологияси масалаларининг шахс камолотига таъсири	2
2	Психология фанининг категориялари талқини	2
3	Шахс назариялари тўғрисида умумий тасаввур	2
4	Шахс хулқи, фаолияти ва муомаласи камолот негизи эканлиги.	2
5	Ички регуляция ва унинг психологик баёни.	2
6	Психологик принципларининг XXI асрда талқини.	2
7	Онгнинг психологик тавсифи ва унинг даражалари тўғрисида баҳслар.	2
8	Шахснинг психодинамик назарияси	2
9	Шахснинг Эго-психологияси	2
10	Шахснинг социал-когнитив таълимоти.	2
11	Шахснинг диспозиционал назариялари	2
12	Шахсни ўрганишнинг гуманистик йўналиши	2
13	Россия психологиясида шахсга ёндашувлари	2
14	Шахснинг индивидуал типологик хусусиятларига XXI асрдаги ёндашувлар.	2
15	Характер ва қобилият тўғрисида ҳозирги замон талқини.	2
16	Мамлакатимиз психологиясида шахснинг ҳозирги замон назариялари	2
17	Миллий психология муаммолари.	2
18	Миллий менталитетнинг тузилиши ва тавсифи.	2
19	Шахсни ўрганиш методлари	2
20	Умумийлик ва хусусийлик муносабатлари	2
	Жами:	40

Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Магистр мустақил таълимни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- семинар машғулотларга тайёргарлик;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабанинг ўқув, илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий таълим.

Мустақил таълим учун мавзулар ва уларнинг соатлар бўйича тақсимланиши

№	Мустақил таълим мавзулари	Берилган топшириқлар	Бажариш муддати	Соат
1	Замонавий шахс психологиясининг долзарб муаммолари.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	1-ҳафта	6
2	Шахс психологиясининг замонавий концепциялари.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	2-ҳафта	4
3	XX-XXI асрларда комил инсон муаммоси.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	3-ҳафта	4
4	Психогенетика муаммолари.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	4-ҳафта	4
5	Шахсни ўрганиш методлари.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	5-ҳафта	4
6	Шахснинг психодинамик назариси.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	6-ҳафта	4
7	Шахс назариялари тўғрисида умумий	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал	7-ҳафта	4

	тасаввур.	топшириқларни бажариш		
8	Шахс хулқи, фаолияти ва муомаласи камолот негизи эканлиги	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	8-хафта	4
9	Онгнинг психологик тавсифи ва унинг даражалари тўғрисида баҳслар	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	9-хафта	6
	Жами			40

Замонавий психология муаммолари фанидан 1-курс талабалари учун назорат шакллари бўйича баллар тақсимооти ва талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг мезонлари

“Замонавий психология муаммолари ” фани бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек, жорий ва оралиқ назоратларининг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- **жорий назорат (ЖН)** - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллеквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

- **оралиқ назорат (ОН)** - семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг назарий билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорат бир семестрда икки марта ўтказилади ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

- **яқуний назорат (ЯН)** - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Яқуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган "Ёзма иш" шаклида ўтказилади.

ОН ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда **ОН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ОН** қайта ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан мониторинг ва ички назорат бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида **ЯН** ни ўтказиш жараёни

мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда **ЯН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ЯН** қайта ўтказилади.

Талабанинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Фан бўйича талабаларнинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади, шундан: Я.Н.-30 балл, Ж.Н.-40 балл ва О.Н.-30 балл қилиб тақсимланади.

Балл	Баҳо	Талабаларнинг билим даражаси
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш. Ижодий фикрлай олиш. Мустақил мушоҳада юрита олиш. Олган билимларини амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада қилиш. Олган билимларини амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш
55-70	Қониқарли	Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш Тасаввурга эга бўлиш
0-54	Қониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик

- Фан бўйича саралаш бали 55 баллни ташкил этади. Талабанинг саралаш баллдан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайди.

- Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

- Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади: $P = B * \checkmark / 100$,
бу ерда: V- семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкмаси (соатларда); \checkmark -фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талаба якуний назоратга киритилмайди.

- Жорий **ЖН** ва оралиқ **ОН** турлари бўйича 55 балл ва ундан юқори бални тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

- Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

- **ОН** ва **ЯН** турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. **ЯН** семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

- **ЖН** ва **ОН** назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун эса якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

• Талабанинг семестрда **ЖН** ва **ОН** турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр давомида жорий, оралик ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндиси 55 балдан кам бўлса, у академик қарздор деб ҳисобланади.

• Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) нафардан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

• Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида ҳулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув-услубий бошқарма ҳамда мониторинг ва ички назорат бўлими томонидан назорат қилинади.

Талабалар ОН дан тўплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

№	Кўрсаткичлар	ОН баллари		
		мах	1-ОН	2-ОН
1.	Дарсларга қатнашганлик даражаси. Маъруза дарсларидаги фаоллиги, конспект дафтарларининг юритилиши ва тўлиқлиги	14	10	4
2.	Талабаларнинг мустақил таълим топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариши ва ўзлаштириш.	8	5	3
3.	Оғзаки ва ёзма савол-жавоб.пар, коллоквиум ва бошка назорат турлари натижалари бўйича	8	5	3
Жами ОН балл		30	20	10

Талабалар ЖН дан тўплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

№	Кўрсаткичлар	ЖН баллари		
		мах	1-ЖН	2-ЖН
1.	Дарсларга қатнашганлик ва ўзлаштириши даражаси. Семинар машғулотлардаги фаоллиги, семинар машғулот дафтарларининг юритилиши ва ҳолати	24	12	12
2.	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши. Мавзулар бўйича уй вазифаларини бажарилиш ва ўзлаштириши даражаси.	10	5	5
3.	Ёзма назорат иши ёки теъ саволларига берилган жавоблар	6	3	3
Жами ОН балл		40	20	20

Якуний назорат “Ёзма иш” шаклида белгиланган бўлса, у ҳолда якуний назорат 30 баллик “Ёзма иш” вариантлари асосида ўтказилади.

№	Кўрсаткичлар	ЯН баллари	
		максимал балл	ўзгариш оралиғи
1.	Фан бўйича якуний ёзма иш назорати	30	0-30
2.	Фан бўйича якуний тест назорати	30	0-30
	Жами	30	0-30

Якуний назоратни “Ёзма иш” асосида ўтказиш

М Е З О Н И

Талабалар фандан якуний назоратни тест топшириқлари ёки “Ёзма иш” усулида топширадилар ва уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 0 дан 30 баллгача баҳоланади. Агар якуний назорат “Ёзма иш” усулида амалга оширилса, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариантда мавзулар юзасидан бештадан савол бўлиб, ҳар бир саволга тегишли жавоблар ёзилади. Ҳар бир саволга ёзилган жавоблар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 0-6 балл оралиғида баҳоланади. Берилган ҳар бир саволга талаба томонидан фаннинг назарий ва услубий асослари тўғри ва тўлиқ ёритилса, фан доирасида мустақил фикрга эга бўлса ва уни ёзма шаклда баён эта олса, жавобда мантиқий яхлитликка эришилса, ўзлаштириш умумий кўрсаткичи 0-6 балл билан баҳоланади.

Берилган ҳар бир саволга жавоб ёзилмаса, нотўғри жавоб ёзилса ёки ўқув адабиётидан сўзма-сўз кўчириб ёзилса, амалий топшириқ шартида белгиланган амаллар бажарилмаса, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга таъсир этувчи омиллар аниқланмаса, хулоса ёзилмаса ўзлаштириш кўрсаткичи 0-1 балл билан баҳоланади. Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг ҳар бири учун ёзилган жавобларга қўйилган ўзлаштириш баллари қўшилади ва йиғинди талабанинг якуний назорат бўйича ўзлаштириш бали ҳисобланади.

Маъруза ва семинар машғулотлар бўйича (Якуний баҳолаш)

№	Баҳолаш тури	Ўтказиш шакли	Бажариш механизми	Талаба тўплайдиган балл	Бажариш вақти
III	ЯН	ёзма	5 та саволдан иборат вариантларга жавоб ёзиш.	Ҳар бир саволга тўғри жавоб учун 6 балдан 30 балл	Белгиланган режа асосида.

Дастурнинг информацион -методик таъминоти

Дастурдаги мавзуларни ўтишда замонавий интерфаол методлардан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологияларнинг “Кластер”, “Матбуот конференцияси”, “Бумеранг”, “Мунозарали дарс”, “Блиц”, “Сукротча бахс”, “Ақлий хужум”, “Думалоқ стол” ҳамда мавзуларга доир слайдлардан фойдаланиш, дидактик ва ролли ўйин усуллари кўллаш назарда тутилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари:

Асосий адабиётлар:

- 1.Немов Р.С. Психология. В трёх томах.-М.,1998.
- 2.Сольсо Р. Когнитивная психология. – М.: 2004. – 516 с.
- 3.Фозиев Э.Ф. Методологические проблемы в психологической науке. Чимкент, 2005.
- 4.Фозиев Э.Ф. “ Умумий психология”.Т.2010 й.
- 5.Фозиев Э.Ф. “Психология методологияси”.Т.” Университет”. 2002й

Қўшимча адабиётлар:

- 6.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
- 7.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва манфаатларини таъминлаш – юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
- 8.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017.
- 9.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти, 2017
- 10.Вертегеймер М.Продуктивное мышление. М.,1987.
- 11.Гальперин П.Я.,Кабыльницкая С.Л.Экспериментальное формирование внимания. М., 1974.
- 12.Грановская Р.М. Элементы практической психологии. Л.,1984.
- 13.Гримак Л.П. Резервы человеческой психики. М.,1989.
- 14.Китаев – Смык Л.А. Факторы напряженности творческого процесса. Ж.»Вопросы
- 15.Никитин Б.П. Ступеньки творчества или развивающие игры. М.,1991.
- 16.Овчарова Р.В. Практическая психология в начальной школе. М.,1998.
- 17.Практикум по общей и экспериментальной психологии. Под ред. А.А. Крылова. М.,1987.
- 18.Практические занятия по психологии. Под ред. А.В.Петровского. М., 1972.
- 19.Развивающие игры для детей. Составитель: Ешевич И. М., 1990.
- 20.Родари Дж. Грамматика фантазии. Введение в искусство придумывания историй. М..1978.

Интернет сайтлари:

- 21.Психологик кутубхона: <http://www.psychol-ok.ru/library.html>
- 22.Психологик тадқиқотлар. Илмий электрон журнал. <http://www.psystudy.ru/>
- 23.Психология бўйича материаллар. <http://www.psychology-online.net>
- 24.Флогистон. <http://flogiston.ru/>
- 25.Электрон кутубхона. <http://www.koob.ru>
- 26.Handbook-of-research-methods-in-experimental-psychology
- 27.<https://ru.wikipedia.org/wiki/>
- 28.www.e-reading.club/.../Konovalova_Eksperimental'naya_psihologiya
- 29.www.psyho.ru › Библиотека › Книги

I-модул. Психологиянинг методологик масалари.

1-мавзу: ПСИХОЛОГИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ.

Режа:

1. Психология фанининг предмети. Фаннинг методологик масалалари ва уларнинг психологик тавсифи.
2. Социал (ижтимоий) гармония, гуруҳий хулқ, бегоналанишнинг илдишлари ва уларнинг психологик тавсифи.
3. Психология фанининг категориялари тўғрисидаги мулоҳазалар тарихи.
4. XX аср охирида категориялар моҳиятига оид баҳслар ва уларнинг илмий психология учун аҳамияти. Ҳозирги даврда XXI асрда психологик категориялар классификациясининг ўзига хослиги.

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар.

Психология, психика, мақсад, вазифа, метод, методика, предмет, методология, социал гармония, тавсиф, гуруҳий хулқ, бегоналаниш, категория, классификация, руҳий олам, ички дунё, объектив олам, жараёнлар, ходисалар, акс эттириш.

“Психология” сўзи иккита грек сўзларидан – “псюхе” – жон, руҳ ва “логос” – таълимот, илм сўзларидан иборат бўлиб, анъанавий маънода инсон руҳий дунёсига алоқадор барча ходисалар ва жараёнлар унинг предметини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, психологиянинг предметини ҳар биримизнинг ташқи оламини ва ўз-ўзимизни билишимизнинг асосида ётган жараёнлар, ходисалар, ҳолатлар ва шаклланган хислатлар ташкил этади. Психология бўйича адабиётларда унинг предметини қисқача қилиб, психикадир, деб таъриф беришади. Психика – бу инсон руҳиятининг шундай ҳолатики, у ташқи оламини (ички руҳий оламини ҳам) онгли (баъзан онгсиз ҳам) тарзда акс эттиришимизни, яъни билишимиз, ҳис қилишимиз, тасаввур қилиб, англашимизни таъминлайди. Анъанавий таърифларда психология фан сифатида ана шу “психиканинг фактларини, қонуниятларини ва механизмларини ўрганади”, – деб ҳам баён этилган. Лекин бу қисқа таърифлардан психикага алоқадор жараёнлар онгнинг акс эттириш шакллари экан, деган юзаки хулосага келиш нотўғри бўлади. Чунки инсон психикаси ва унинг руҳий оламига алоқадор ходисалар ва жараёнлар шу қадар мураккаб ва хилма-хилки, биз баъзан ўз-ўзимизни ҳам тушунмай қоламиз. Шунинг учун ҳам одамларнинг билимдонлиги нафақат ташқи оламда рўй бераётган объектив ходисалар моҳиятига алоқадор билимлар мажмуига эга бўлиш билан, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, ўз ички имкониятлари ва салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда фаолиятини оқилона ташкил этишнинг барча сирларидан бохабар бўлиш, ўзига ва ўзгаларга таъсир кўрсатишнинг усулларини билиш ва улардан ўз ўрнида унумли фойдаланишни назарда тутати. Психологик билимдонликнинг мураккаблиги айнан шундаки, атрофимиздаги нарсалар ва ходисаларнинг моҳиятини бевосита ҳис қилиб билишимиз мумкин, лекин психик ҳаётга алоқадор бўлган жараёнларни, ўзимизда, миямиз, онгимизда рўй бераётган нарсаларнинг моҳиятини билвосита биламиз. Масалан, ўртоқларимиздан бири бизга ёқади, доимо бизда яхши, ижобий таассурот қолдира олади, лекин унинг у ёки бу хатти-харакатларини бевосита кўриб, баҳолаб, таҳлил қилолсак-да, унга нисбатан ҳис қилаётган меҳримизни, узоқ кўришмай

қолганимизда уни соғинаётганлигимиз билан боғлиқ ҳисни бевосита кўриб, идрок қилиш имкониятига эга эмасмиз. Айнан шунга ўхшаш ҳолатлар психология ўрганадиган ҳодисалар ва ҳолатларнинг ўзига хос табиати ва мураккаблигидан дарак беради ва уларни бошқа турли ҳодисалардан фарқ қилади.

Шундай қилиб, психология фани ўрганадиган жараёнлар ва ҳодисалар мураккаб ва хилма-хил. Уларни ўрганишнинг икки жиҳати бор: бир томондан, уларни ўрганиш қийин, иккинчи томондан осон ҳам. Охирги жиҳати хусусида шуни айтиш мумкинки, бу ҳодисалар бевосита бизнинг ўзимизда берилган, уларни узоқдан қидириш, мавҳум аналогиялар қилиш шарт эмас, бошқа томондан, улар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ ва умумий қонуниятлар ва принципларга бўйсунди. 1-расмда психик жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар акс эттирилган. Демак, қисқа қилиб, психологиянинг предмети конкрет шахс, унинг жамиятдаги ҳулқ-атвори ва турли ички кечинмалари, амаллари ва фаолиятларининг ўзига хос тарзда онги томонидан акс эттирилишидир, деб таърифлаш мумкин.

Психология фанининг бугунги кундаги вазифалари, табиий, унинг предметиға биров ўзгаришлар киритади. Зеро, инсон онги ва қалби учун кўраш муаммоси бутун дунё миқёсида долзарб тўрган масала сифатида қаралишини инобатга олсак, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, мустақил юрт фуқаролари онгининг миллий-маданий муҳит таъсирида, миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар асосида шаклланиши, улар қалбида соф имон ва соғлом дунёқарашлар, мустақил фикрлашнинг шаклланиши механизмларини ўрганиш ҳам фаннинг муҳим предмети ҳисобланади. Айниқса, бугунги ёшларда аниқ мақсад ва маслакнинг бўлиши, миллий ифтихор ва ғурур туйғуларининг тўғри тарбияланганлиги яхлит халқ ва миллат манфаатлари билан уйғундир. Психология фан сифатида айнан ҳар бир шахсда ўзига, юртдошларига, турли фаолият турлари ҳамда дунёга нисбатан тўғри муносабатларни шаклланиши йўлларини ҳам ўрганиши керак.

Акс ҳолда ёшлар онгидаги ўзгаришларни аниқ башорат қилолмаслик, уларни тўғри тарбиялаш воситаларини танлашда хатоликларни келтириб чиқаради. Юртбошимиз И.Каримовнинг бу борадаги фикрлари жуда ўринли: “Мен кўхна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий”.

Демак, бугунги психология фани ва унинг тармоқларининг предметини белгилашда ёшлар онгида тўғри дунёқарашни миллий истиқлол ғоялари ва унинг асосий тушунчалари ва тамойиллари асосида шакллантириш масалалари нуқтаи назаридан ёндашиш катта амалий аҳамият касб этади.

Психологиянинг алоҳида тармоқларини дифференциация қилиш энг аввало ишлаб чиқаришдаги инсон фаолияти кечадиган соҳалар ва уларнинг вазифаларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврга келиб психологияни инсон шахси ҳақидаги энг муҳим фанлардан бири сифатидаги аҳамиятини ҳамма тан олмоқда. Инсон шахсининг эса бевосита кириб бормаган соҳасини топиш қийин.

Психология иқтисодиёт, таълим-тарбия, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, кибернетика, ахборотлар технологиялари каби қатор халқ хўжалиги соҳалари

билан алоқадор фан тармоғи ҳисобланади. Чунки ҳамма соҳада инсон шахси фаолият кўрсатар экан, ҳар бир соҳада ишни самарали ташкил этиш, инсон хулқ-атворини турли вазиятларда бошқариш учун инсон психологиясини, шахслараро муносабатлар психологиясини, одамларнинг турли вазиятлардаги хулқ-атвор нормаларини билиш, техниканинг инсон қобилиятларига мос тарзда яратиш ва иккинчи томондан, тафаккур ва ҳаракатларни технологик нормаларга кўра тарбиялаш ва мослаштириш муҳимдир. Шунинг учун ҳозирги давр мутахассислари психологик билимлардан бохабар бўлишлари лозимдир.

Бироқ айрим тармоқлардаги психолог мутахассиснинг бажарадиган ишлари ва мавқеида тафовутлар ва фарқлар мавжуд. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида инсон омилига берилаётган эътибор туфайли психология фани ўз ютуқларини халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларига жорий этиш имконияти туғилди. Шу боис ҳам бугунги кунда мактаб психологи, саломатлик психологи тайёрлаш, реклама ва маркетинг соҳаси, бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаннинг амалиётга аралашуви жараёни тезлашди. Олий ўқув юртларида тайёрланаётган психолог кадрларнинг асосий сифат белгиси ҳам уларнинг амалиётда ўз билимларини татбиқ эта олиш малакаси билан аниқланмоқда. Демак, XXI аср психологияси ўзининг татбиқий характери билан ажралиб туради ва унинг тармоқлари ривож ва самарадорлиги илмий ва назарий билимларнинг нечоғли халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий этилиши билан изоҳланади.

Куйида бизнинг шароитимизда ривож топаётган ва амалий тус касб этаётган психология тармоқларининг қисқача тавсифларини келтирдик:

Умумий психология – психологиянинг барча масалаларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганадиган махсус соҳаси;

Педагогик психология – кишига таълим ва тарбия беришни психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади;

Ёш даврлари психологияси – турли ёшдаги одамларнинг туғилгандан то умрининг охиригача психик ривожланиш жараёнини, шахснинг шаклланиши ва ўзаро муносабатлари қонуниятларини ўрганади;

Ижтимоий психология – одамларнинг жамиятдаги биргаликдаги иш фаолиятлари натижасида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ҳиссий кечинмалар ва хулқ-атворларини ўрганади;

Меҳнат психологияси – киши меҳнат фаолияти психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганади;

Инженерлик психологияси – автоматлаштирилган бошқарув системалари операторнинг фаолиятини, одам-техника ўртасида функцияларни тақсимлаш ва мувофиқлаштиришнинг хусусиятларини ўрганади;

Юридик психология – ҳуқуқ системасининг амал қилиши билан боғлиқ масалаларнинг психологик асосларини ўрганади;

Ҳарбий психология – кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитида намоён бўладиган хулқ-атворини, бошлиқлар билан ижро этувчилар ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатларини ўрганади;

Савдо психологияси – жамиятда тижоратнинг психологик шароитлари, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга оид, жинсга оид хусусиятларини, харидорга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайди, модалар психологияси каби масалаларини кўради;

Тиббиёт психологияси – шифокор фаолияти психологиясини, бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади;

Иқтисодий психология – турли вазиятларда ишлаб чиқариш муносабатларига киришиш орқали хўжалик юритишни мақсад қилган шахслар, яхлит гуруҳ, жамоаларнинг иқтисодий тафаккури ҳамда иқтисодий хулқ-атвориغا алоқадор умумий қонуниятлар ва хатти-ҳаракат механизмларини, ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳар бир хўжалик субъекти онгида акс этишини ўрганади.

Шунингдек психологияда **этнопсихология, оилавий ҳаёт психологияси, бошқарув психологияси, шахс психологияси, раҳбар психологияси, психодиагностика** ва бошқа кўплаб соҳалари мавжуд бўлиб, улар бевосита ишлаб чиқаришдан тушаётган талаб ва таклифга мос тарзда ривожланмоқда.

Аниқ изланиш предметиға эға бўлган ҳар қандай фан ўша предметнинг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун махсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг методлари деб юритилади. Фаннинг салоҳияти ва обрўси ҳам биринчи навбатда ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги ва валидлилигига боғлиқ бўлади. Бу фикрлар бевосита психологияға ҳам алоқадор бўлиб, методлар масаласи бу фанда жуда катта аҳамиятға молик масала.

Психология яхлит ва мустақил фан сифатида кишилар онгида гуманистик менталитетнинг шаклланишиға хизмат қилгани учун ҳам унинг ушбу йўналишдаги муаммоларни маълум маънода ўрганадиган барча фанлар билан бевосита алоқаси муҳим аҳамият касб этади. Бўлар биринчи навбатда ижтимоий-гуманитар фан соҳалари бўлиб, психологиянинг улар орасидаги мавқеи ўзига хос ва етакчидир.

Психология ва фалсафа. Энг аввало фанни фалсафа ва унинг охириги пайтларда шаклланиб, ривожланиб бораётган ижтимоий фалсафа қисми билан бўлган алоқаси хусусида. Бу алоқа иккала фаннинг инсон ва унинг ҳаёти моҳиятини тўла англаш ва ривожланиш тенденцияларини белгилашдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади. Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг ривожланишиға оид бўлган умумий қонуниятлар ва тамойилларни психология фалсафанинг базасидан олади ва шу билан бирға ўзи ҳам инсон онги ва тафаккури қонуниятлари соҳасидаги ютуқлари билан фалсафани бой маълумотларға эға бўлишиға ёрдам беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик мафкураси ва миллий онгнинг шаклланишиға тааллуқли умумий илмий қонуниятларни излашда ҳам юртимиз шароитида бу иккала фан – фалсафа ва психологиянинг ҳамкорлиги бевосита сезилмоқда. Бу боғлиқлик аввало янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш муаммоси кўндаланг турган тарихий даврда миллий истиқлол ғояларини юртдошларимиз онги ва шуурида шакллантириш каби долзарб вазифани бажаришға хизмат қилмоқда.

Психология ва тарих. Психология ва тарих фанларининг узвий боғлиқлиги айниқса, мустақиллик йилларида тарихни холисона ўрганиш ва шу билан бирға инсон шахсининг маданий-тарихий шарт-шароитларға боғлиқ тарзда ривожланиши айниятини халқ оммаси онгиға етказишда намоён бўлмоқда. Юртбошимиз И.Каримов ўзининг

“Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида тарихнинг халқлар тақдири ва ривожланишидаги ролини объектив тарихий омиллар орқали тушунтиришнинг аҳамияти ва ўрни катта эканлигини таъкидлаш билан бир қаторда, ана шу тарихни яратувчи инсон психологиясини ҳар бир даврда ҳолисона ўрганиш заруратини алоҳида алоҳида эътироф этган. Зеро, инсон руҳияти ва у вакил бўлган халқ ва элат психологияси орқали тарихий воқеаларга баҳо бериш миллий истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдиришнинг муҳим воситаларидан биридир. Масалан, халқимиз ва давлатчилигимиз тарихида муҳим ўрин тутган темурийлар даври тарихини ўрганиш учун албатта, биз Буюк Темур шахси ва темурийзодаларнинг инсоний фазилатларини ўрганишимиз керак. Айниқса, мактаб ёшида тарихий шахслардаги такрорланмас ва ибратли сифатлар орқали ўша давр тарихий муҳити ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тушунтириш анча самарали ва таъсирчандир. Шунинг учун ҳам тарихчи ва археологлар у ёки бу даврни ёритиш учун ўша давр ижтимоий қатламлари, машҳур шахслари автобиографиясини ўрганишга катта аҳамият берсалар, психологлар, айниқса, ижтимоий психологлар катта гуруҳлар психологияси ва шахснинг маънавий ва ахлоқий қиёфасини тўла ўрганиш учун шахс мансуб тарихий шарт-шароитлар, ҳудудий ўзига хосликларни ҳам ўрганадилар. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг инсон шахси камолотига бераётган чексиз инъомларини тасаввур қилиш учун биз тарихимизни ва истиқлол йилларида қўлга киритган муваффақиятларимизнинг объектив заминларини яхши ўрганишимиз керак. Шундагина “Ўзбекистон – келажак буюк давлат” шиорининг том маънодаги моҳиятини теран англаймиз.

Психология ва социология. Социология фани ҳам янгича ижтимоий муносабатлар шароитида ўз тараққиётининг муҳим босқичига ўтган экан, ўз навбатида психология ҳам ушбу фан эришган ютуқлардан фойдаланади ва уларнинг кўлами кенгайишига баҳоли қудрат хизмат қилади. Айниқса, психологиядан мустақил равишда ажралиб чиққан, бугунги тараққиёт давримизда алоҳида аҳамият касб этган ижтимоий психологиянинг социология билан алоқаси узвий бўлиб, улар жамиятда ижтимоий тараққиёт ва прогрессни таъминлаш ишига хизмат қилади. қолаверса, ҳуқуқий, демократик давлат қуриш ишини собитқадамлик билан амалга ошираётган Ўзбекистон аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ва демократик ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрлигини амалда таъминлаш, бу соҳада мунтазам тарзда ижтимоий фикр ва инсонлар фикр ва қарашларидаги ўзгаришларни ўрганиш, башорат қилиш ва тараққиёт мезонларини ишлаб чиқишда иккала фанлар методологияси ва методларини бирлаштириш татбиқий аҳамият касб этади.

Психология ва педагогика. Педагогика билан психологиянинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқаси анъанавий ҳамда азалий характер касб этиб, уларнинг ёш авлод тарбиясини замон талаблари руҳида амалга оширишдаги роли ва нуфўзи ўзига хосдир. Республикамизда амалга оширилаётган “Таълим тўғрисидаги қонун” ҳамда “Кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури”ни амалга ошириш ҳам бу иккала фан ҳамкорлиги ва ўзаро алоқасини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Миллий дастурда эътироф этилган янгича моделдаги шахсни камол топтириш, унинг чуқур билимлар соҳиби бўлиб етишиши, баркамоллигини кафолатловчи шарт-шароитлар орасида замонавий педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнларига татбиқ этишда педагогиканинг ўз услуб ва қоидалари етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам психология у билан ҳамкорликда ёш авлод онгининг таълим олиш давларидаги ривожланиш тенденцияларидан тортиб, токи янгича ўқитиш технологияларини талаба томонидан ўзлаштирилиши ва ундаги ақлий ҳамда интеллектуал қобилиятларга нечоғлик таъсир кўрсатаётганлигини ўрганиш, шу асосда ишни ташкил этиш психология методларини дидактик методлар билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Айниқса, маънавий баркамоллик тамойилларини мактабда ва янги типдаги таълим муассасаларида, хусусан, академик лисей ва касб-ҳунар коллежларида жорий этиш ҳам шахс психологиясини теран билган ҳолда ўқитишнинг энг илғор ва замонавий шаклларини амалиётга татбиқ этишни назарда тутди.

Психология ва табиий фанлар. Биология, физиология, химия, физика ва бошқа фанлар

психик ҳодисалар ва жараёнларнинг табиий-физиологик механизмларини тушуниш ва шу орқали уларнинг кечиши қонуниятларини объектив ўрганиш учун материал беради. Айниқса, бош миянинг ҳамда марказий асаб системасининг психик фаолиятларини бошқаришда ва уларни мувофиқлаштиришдаги ролини эътироф этган ҳолда психология фани табиий фанлар эришган ютуқлар ва улардаги тадқиқот услубларидан омилкорона фойдаланади. Масалан, шахс қобилиятларини диагностика қилиш унинг туғма лаёқатлари ҳамда орттирилган сифатларини бир вақтда билишни тақозо этгани сабабли, ўша табиий лаёқатнинг хусусиятларини аниқлашда психофизиологиянинг қатор усуллари (мия ассиметрияси қонунлари, мия биоритмларини ёзиб олиш, нейродинамик ҳодисаларни аниқлаш, қон айланиш ва тана ҳароратини ўлчаш методлари) ўз ўрнида фойдаланади ва биология, анатомия, физиология, нейрофизиология каби фанларнинг шу кунгача эришган ютуқларидан фойдаланади. Шунинг учун табиий фанлар соҳасида эришилган барча ютуқлар психологиянинг предметини мукамалроқ ёритишга ўз ҳиссасини қўшган.

Психология ва кибернетика. Кибернетика фани соҳасидаги эришилган ютуқлар психология учун ҳам аҳамиятли ва зарур бўлиб, у инсон шахсининг ўз-ўзини бошқариш ва психик жараёнларни такомиллаштириш борасида ахборотлар технологияси ва кибернетика томонидан қўлга киритилган ютуқлар ва тадқиқот методлари, махсус дастурдан ўз ўрнида фойдаланади. Айниқса, маълумотлар асри бўлган XX ва ҳар бир алоҳида маълумотнинг кадр-қиммати ошиши башорат қилинган XXI асрда глобал информацион жараёнлар ва янги илғор технологияларни моделлаштириш борасида психология ҳамда кибернетика ҳамкорлигининг салоҳияти янада ортади. Масалан, оддий мулоқот жараёнини янада такомиллаштириш, ҳар бир сўзнинг шахслараро муносабатлардаги таъсирчанлигини ошириш мақсадида ҳамда ана шундай ижтимоий фаолият жараёнида шахс тизимини такомиллаштиришда турли кибернетик моделларидан ўринли фойдаланиш замонавий психологиянинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширади, махсус компьютер дастурларининг кенг қўлланилиши инсон мияси ва руҳий олами сирларини тез ва аниқ ўрганишни кафолатлайди.

Психология ва техника фанлари. Техника фанлари билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги айниқса, аср охирига келиб яққол сезилмоқда. Бир томондан мураккаб техникани бошқарувчи инсон онги муаммосини ечишда, иккинчи томондан, психик ҳаётнинг мураккаб қирраларини очишда махсус техник воситалардан фойдаланиш зарурати бу икки йўналишнинг эришган ютуқларини бирлаштиришни назарда тутаяди. Масаланинг яна бир алоҳида томони ҳам борки, у ҳам бўлса, техника прогрессига интилаётган бир вақтда мураккаб техника ва машиналар билан “мулоқот” қилаётган шахс фаолиятини янада мукамаллаштириш ва унинг имкониятларига мослаш масаласи ҳам ана шу ҳамкорликда ҳал қилиниши лозим бўлган масаладир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Методология сўзининг маъноси изоҳланг.
2. Методологиянинг хусусий ва махсус турлари.
3. Методологик тамойиларни биласизми?
4. Методологиянинг психологик ва фалсафий талқин.
5. Хусусий методология манбалари.
6. Метод ва методология манбалари.

2-мавзу.Методология илмий тадқиқотнинг методлари,усуллари мажмуаси эканлиги.

Режа:

1. Инсон психикасини тадқиқ қилиш методлари
2. Ёш даври психологиясида қиёслаш методи
3. Ёш даври психологиясида лонгитюд (узлуксиз) метод
4. Комплекс кўп қиррали дастур
5. Статистик (миқдор) ва психологик (сифат) таҳлил
6. Генетик ва донаш методлари
7. Материалларни махсус босқичлар ёрдамида шархлаш
8. Тадқиқот яқунланиши ва исботи.

Психология фанида инсон психикасини тадқиқот қилиш методларининг турлича таснифи мавжуд. Шулар тўғрисида умумий психология курсида кенг маълумотлар берилган. қуйида атокли психолог Б.Г.Ананьев тавсия қилган классификацияга асосланиб, маъмур методларнинг хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Б.Г.Ананьев психикани ўрганиш методларини тўрт гуруҳга ажратиб, уларни ташкилий, эмпирик (амалий), натижаларни қайта ишлаш ёки статистик яъни натижаларни шархлаш методлари деб номланган. Бу гуруҳлар ўзининг мақсад ва вазибалари бўйича яна бир нечта тоифа ҳамда турларга бўлинади. Қуйида маъмур методларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда қиёсий тавсифи берилади.

Тадқиқот методларининг биринчи - ташкилий гуруҳи ўз ичига қиёслаш лонгитюд (узлуксиз), комплекс(кўпёқлама) деб аталган турларни олади. Қиёслаш методидан умумий психология, социал психология (катта ёки кичик гуруҳларни ҳамда уларнинг ҳар хил тоифаларини ўзаро таққослаш), медицина психологияси (соғлом ва бемор кишиларнинг рухий хусусиятларини қиёслаш), спорт психологияси (спортчиларнинг рухий ҳолати, толиқиши, стрессга берилиши, уқувчанлиги, топқирлиги, тезкорлиги ва ишчанлигини ўзаро таққослаш) каби фанларда унумли фойдаланилади. Ёш даври психологияси соҳасида эса қиёслаш методи турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари, билимларни ўзлаштириш, ақлий қобилияти, тараққиёт динамикаси, жинсларнинг тафовутлари ва ўзига хослиги кабиларни ўрганишда қўлланилади. Психологлардан Л.С.Виготский, П.П.Блонский, А.А.Смирнов, Б.Г.Ананьев, Д.Б.Эльконин, П.Я.Гальперин, Л.И. Божович, А.В.Петровский, Д.И.Фельдштейн, М.Г.Давлетшин, М.В.Вохидов, В.А.Токарева, Э.Г.Ғозиев ва уларнинг шогирдлари олиб борган тадқиқотлар (чақалоқлик, гўдақлик, илк болалик, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, ўспиринлик ёш даврларини ўзаро солиштириш) шу методдан фойдаланиб амалга оширилган. Кейинги йилларда халқ таълими тизими ва ишлаб чиқаришда "инсон омили" муаммосининг кўтарилиши, "Таълим тўғрисида" ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси ҳужжатлари, вақт тақчиллиги, ишчанлик имконияти, шахслараро психологик мослик (рухий муҳит, ўзаро тушунув) масалаларининг алоҳида

аҳамият касб этиши мазкур методни кенг кўламда кўллашни тақозо этмоқда. Бундан ташқари, тажрибада олинган маълумотларнинг ишончлилигини оширишда ҳам қиёслаш методи кўлланилади. Айниқса, синалувчилардаги ўзгаришларни ажратиб олиб қараш, тадқиқотнинг босқичларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш, масалан, тажрибанинг биринчи босқичи турли ёшдаги ва жинсдаги одамларга қандай таъсир этганини аниқлаш ва ҳоказолар бу методга диққат-эътибор ортиб бораётганидан далолатдир.

Ёш даври психологиясида қиёслаш методи билан бир даврда лонгитюд (узлуксиз) методи ҳам кўлланади. Унинг бошқа методлардан фарқи бир ёки бир нечта синалувчилар узок муддат, ҳатто, ўн йиллаб текширилишидир. АҚШ психологи Л.Термен 50 йил давомида (1921-1971) 2000 нафар синалувчилар билан лонгитюд методи ёрдамида тадқиқот ишларини олиб борган. Тадқиқотчининг гувоҳлик беришича, мазкур давр оралиғида 1400 қатнашчи узлуксиз равишда текширишларда иштирок қилишган. Лонгитюд методидан психологлардан немис В.Штерн, француз Р.Заззо, австриялик Ш.Бюлер, рус психологлари Н.А.Менчинская, Е.Н.Кабанова-Меллер, А.Н.Гвоздев, Н.С.Лейтис, В.С.Мухина, республикамиз психологларидан М.Г.Давлетшин, В.А.Токарева, Э.Г.Ғозиев ва бошқалар кўп йиллардан бери фойдаланмоқдалар.

Мазкур метод орқали бир хил жинсли (Ҳасан-Ҳусан, Фотима-Зухра) ёки аралаш жинсли (Ҳасан-Зухра, Фотима-Ҳусан) эгизаклар кузатилган. Шунинг учун қатор тадқиқотларнинг "она кундалиги" (Ш.Бюлер, Н.А.Менчинская, В.С.Мухина, Н.Р.Содиқхужаева, Э.Р.Ғозиев кабилар) деб номланиши бежиз эмас. Узок вақт бир шахсни (кичик гуруҳни) кузатиш унда пайдо бўлаётган янги фазилатларнинг ривожланиш динамикасини, хулқ-атвордаги иллатларни ва уларнинг олдини олиш тадбирларини, мураккаб психологик муносабатлари, ички ботаниш қонунияти, механизми тўғрисидаги мукамал, ишончли, барқарор маълумотлар тўплаш имконини яратади.

Лонгитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослигини, объектив шарт-шароитлар ва ижтимоий муҳитнинг синалувчига таъсирини ўрганилади. Чунончи, эгизакларнинг ўхшашлиги ва тафовути, таъсирланиши, хис-туйғусининг ўзгариши, кишилар ўртасидаги индивидуал фарқлар (ишчанлиги, темпераменти, олий асаб фаолияти тизими ва хаказо) бўйича маълумотлар олиш лонгитюд методи билан амалга ошади. Ҳозирги замондаги фан ва техника тараққиёти психологик текширишларнинг илмийлигини янада ошириш учун субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш мақсадида комплекс кўпқиррали дастур асосида бошқа фанлар (медицина, физика, физиология, философия, биология, кибернетика, статистика, логика ва ҳоказолар) билан биргаликда тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этмоқда. Амалий йўсиндаги илмий-тадқиқот ана шу кўпқиррали ёндашишни талаб қилади. Психология соҳаларида (психофизиология, космос, медицина психологияси, муҳандислик ёки авиация психологиясида тадқиқот объектига тизимли ёндашув принципи амалга оширилмоқда. Комплекс метод ёрдамида ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар турли нуқтаи назардан таҳлил қилинади ёки уларга ҳар хил ёндашилмайди. Масалан, болада оддий билимларни ўзлаштириш хусусияти психологик жиҳатдан текширилаётган бўлса, комплекс ёндашиш таъсирида ана шу ўзлаштиришнинг фалсафий, мантикий, физиологик,

ижтимоий, биологик омилларини ўрганиш унинг психологик, физиологик, мантикий жиҳатларини ёритишга хизмат қилади.

Комплекс дастур ёрдамида амалга оширилган тадқиқот натижаси илмий аҳамиятга молик бўлиб, инсоншунослик муаммоларини ҳал қилишда катта ёрдам беради.

Илмий тадқиқот методларининг иккинчи гуруҳи эмпирик методлардан иборат бўлиб, бу гуруҳга кузатиш (ўзини ўзи кузатиш), эксперимент тест, анкета, сўровнома, социометрия, суҳбат, интервью, таржимаи ҳол (шахсий гувоҳнома, хужжат, турмуш фаолияти воқеаларини таҳлил қилиш) кабилар киради ва улар синаш, текшириш, диагноз (ташхис, аниқлаш) ҳамда прогноз (олдидан белгилаш, пайқаш, башорат қилиш) вазифаларини бажаради. Инсонда тугалганидан умрининг охиригача содир бўладиган психологик ўзгаришларни чуқурроқ ва объективроқ тадқиқ этиш учун эмпирик методлардан навбати билан фойдаланиш яхши натижа беради.

Илмий тадқиқот методларининг учинчи гуруҳи тажрибаларда йиғилган натижаларни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, улар статистик (миқдор) ва психологик (сифат) таҳдил турларига булинади. Психологик тадқиқотларда кўпинча статистик методлардан ўртача арифметик қиймат, ўрта квадрат оғиш, дисперсия, корреляция (Пирсон, Спирмен, Кенделл, Стьюдент критерияси, "Хи квадрат, модда, медина, бир факторли ва мультифакторли таҳлил қилиш" кабилар қўлланилади.

Таъкидлаб ўтилган статистик методлар тажрибалардан олинган қийматларнинг ишончлилик даражасини аниқлашга хизмат қилади. Бундай методлар ҳаддан ташқари кўп ва биз уларнинг энг содаларига тўхталдик, холос. Тўпланган материалларни психологик таҳлил қилиш методи мазкур фан учун алоҳида аҳамиятга эга. Уни аниқловчи, таркиб топтирувчи (тарбияловчи), текшириш ёки назорат тажрибаларда олинган ҳар хил шаклдаги маълумотлар (қийматлар, туркумлар) турли принцип, позиция, кўпқиррали ва яхлит тизимли) ёндашишга асосланиб сўз-мантиқ ёрдамида психологик таҳлил қилинади. Барча фикр ва мулоҳазалар ишончли омиллар орқали исботлаб берилади, психологик қонуният, қонун, хусусият, хосса, ҳолат, ҳодиса, сифат, фазилат, хислат ва камолотнинг ўзига хослиги асосланади. Эмпирик материаллар алоҳида гуруҳлар, туркумлар ва синфларга, даража ҳамда босқичларга ажратилади, психологик воқеликнинг бошқа жиҳатлари билан узвий сабабий боғлиқлиги, ички мураккаб муносабати баён қилинади, синалувчилар муайян тоифаларга киритилади ва тадқиқотдан якуний хулоса чиқарилади.

Илмий тадқиқот методларининг тўртинчи - шарҳлаш гуруҳи генетик ва доналаш методларидан иборатдир. Генетик метод билан тадқиқот давомида тўпланган маълумотлар, натижалар яхлит ҳамда мақсадга мувофиқ йўсинда шарҳланади. Бу методдан фойдаланишнинг асосий мақсади - синалувчида вужудга келаётган янги шахс фазилатининг ривожланиши ва билиш жараёнларининг ўзгаришига тажриба натижасига суяниб таъриф ҳамда тавсиф беришдир. Шунингдек, бунда мазкур фазилат ва хусусиятларнинг намоён бўлиш даври, босқичи ҳамда баъзи машаққатли дақиқаларга, пайтларга қўшимча шарҳлар бериш имконияти туғилади.

Генетик методга асосланиб психик ўзгаришлар билан ривожланиш босқичларининг бевосита боғлиқлигининг илдизи аниқланади. Доналаш методи билан тадқиқот объектига кирган шахс психикасидаги барча ўзгаришлар, ўзига хослик, ўзаро алоқа, ўзаро таъсир ва уйғунликнинг ўзаро боғланишлари ўрганилади. Жумладан, инсон нутқини идрок қилиш учун сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнларининг бир пайтда биргаликда (ҳамкорликда) қатнашиши бунга ёрқин мисолдир. Бунда ҳар бир билиш жараёнининг улуши ифодаланади ёки унинг аҳамияти алоҳида таъкидланади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги асослаб берилади. Лекин тажрибада тўпланган маълумотларни шарҳлаш учун юқоридаги методларнинг ўзи етарли эмас. Узилишларга йўл қўймаслик учун йиғилган материаллар махсус босқичларга ажратиб шарҳланади. Тадқиқотнинг биринчи тайёрлов босқичида кашф қилинадиган психологик қонун тўғрисидаги тахмин, фараз таҳлил қилинади. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида тажриба ўтказиш принципи, шароити, объектив ва субъектив омиллар бўйича мулоҳаза юритилади. Учинчи босқичда эса олинган натижаларни қайта ишланади ва бу ҳам ўз навбатида тўрт поғонага бўлинади: а) материални бирламчи таҳлил қилиш; алоҳида олинган ёки топилган омил, аломат, кўрсаткич, хусусият шарҳланади; таҳлил қилинган материал билан тадқиқот гипотезаси алоҳида шарҳланади; иккиламчи таҳлил; барқарор, устувор далиллар ажратилади; иккиламчи синтез; психологик қонуният, топилган далил, омилга тадқиқот гипотезасини бирлаштириб махсус хулоса чиқарилади.

Тўртинчи босқич - шарҳларга ҳар бир факт, аломат, кўрсаткич, хосса психологик жиҳатдан сўз-мантқиқ орқали таҳлил қилинади. Барча илмий-амалий мулоҳазалар исботланади, ҳеч бир шубҳага, эътирозларга ўрин қолмайди. Ана шу босқичда тадқиқот якунланади, зарур хулосалар чиқарилади, амалий тавсиялар берилади, ўрганилиши зарур муаммонинг аҳамияти, истиқболи ўрганилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Психика нима?
2. Лонгитюд (узлуксиз) метод нима?
3. Қиёслаш методининг моҳияти.
4. Кўпёқлама (комплекс) методни тушунтиринг.
5. Эмпирик методларга нималар киради?
6. Тест методининг аҳамияти нимада?
7. Социометрия ва анкета методлари қандай фарқланади?
8. Сизнингча, кузатиш методи самаралари қандай фарқланади?
9. Статистик методнинг моҳияти нимада?
10. Психологик таҳлил қандай метод?

3-мавзу. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНГ КАТЕГОРИЯЛАРИ ТАЛҚИНИ

Режа:

1. Умумий методологиянинг фан методологиясидаги талқини.
2. Методология тушунчаси талқини ва тузилиши.
3. Замонавий психологияда тадқиқотнинг ўзига хос қирралари.
4. Психология фанинг методологик муаммолари.

Таянч сўз ва иборалар.

Психология, психика, хусусий, махсус, тузилма(структура), тадқиқот, методика, предмет, методология, феномен, категория, классификация, руҳий олам, ички дунё, объектив олам, жараёнлар, ҳодисалар, акс эттириш.

Умумий методологиянинг фан методологияси тармоғи фан тизимининг таркибий қисми бўлиб, илмий тадқиқотнинг умумий ва хусусий методлари илмий ўрگانди, шунингдек объектив реал борлиқнинг турли хусусиятли типларига ҳамда ҳар хил илмий муаммолар туркумига нисбатан илмий ёндашувлар, қарашларнинг принципларини тадқиқот қилади.

Илмий тадқиқотнинг умумметодологик принциплари диалектик билиш (когнитив) назарияси ва мантиқ (логика) фанларида мужассамлашган, бири иккинчисини тақозо қилади ҳамда ўз таъсирини ўтказди. Принципларнинг таъкидлаб ўтилган фанларнинг негизида фан методологияси соҳаси юзага келади, ривожланади ва ўз навбатида тадқиқот муваффақиятини таъминлайди, акс этишни мукамаллигига пухта замин ҳозирлайди. Фан методологияси соҳаси илмий тармоқнинг объекти саналиб, илмий тадқиқотнинг айнан жараёни бўлиб ҳисобланади, яъни илмий билиш фаолияти бир бутун органик узвий бирликда, унинг таркибий қисми бўлмиш фан методологияси билан ўзаро алоқада, изчил уйғунликда олиб қаралади. У ёки бу илмий тадқиқотнинг объекти, яъни мазкур тадқиқот реал воқеликнинг қайси доираси билан муносабатга киришиши таҳлилининг предмети ёки объектнинг махсус жабҳаси яққол ҳолатни ўрганишда намоён бўлади. Тадқиқотни олдига қўйилган мақсад, илмий муаммоларнинг ечими жараёнидаги тадқиқотни амалга оширувчи ақлий фаолиятнинг босқичлари, юзага келган вазиятнинг хусусиятлари, шарт-шароитлари муваффақиятга эришишнинг негизи саналади. Тадбиқий хусусиятли хилма-хил муаммоларн ечишда қатнашув фаннинг ижтимоий функциясининг кенгайиши, илмий (ақлий) фаолиятнинг дифференциаллашуви, мураккаблашуви муносабати билан билимлар ва уларни эгалашни махсус таҳлил предметиға айлантириш зарурати пайдо бўлади. Шунингдек ҳозирги замон фан тизимида кўпгина масалалар ҳар хил соҳадаги мутахассисларнинг намояндалари иштирок этувчи бир қатор илмий гуруҳлар (микромизе кўламли), жамоалар кучини, ақлий салоҳияти, ички имкониятларини бирлаштиришни талаб қилади.

Худди шу муносабат билан фан методологияси фанлараро тадқиқотни ташкил этишнинг рационал ва самарадор методларини ишлаб чиқиш, модификациялаш, қоришиқ шаклга келтириш, қайта қуриш, уларнинг инвариантларини топиш ва янги вазият (шароити)ға фикран кўчириш билан шуғулланади. Ҳозирги замон

фан методологияси билишнинг (когнитив тузилишининг тадқиқ, этувчи фалсафий методология тўрини ажратишга уриниши мавжуд.

Бизнингча, унинг таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Фаннинг ҳар хил соҳаларида қўлланиладиган тадқиқотларнинг умумилмий принциплари ва шакллариининг даражаси (масалан, назарий кибернетика, умумий психология, системали ва фаолиятли ёндашувлар ва ҳоказо).

2. Яққол (конкрет) илмий методологиянинг даражаси, бошқача сўз билан айтилганда у ёки бу илмий предметга тадбиқ қилинувчи тадқиқот ўтказиш принциплари, методларининг мажмуаси.

3. Тадқиқот ўтказишнинг техникаси, технологияси методикасининг даражаси, яъни ишончли амалий маълумотлар олишни ва дастлабки эмпирик материалларни қайта ишлашни (статистик технологияни) таъминловчи йўл-йўриқлар танлаш.

4. Тадқиқот иштирокчиларининг ёши ва жинси хусусиятлари, миллий қиёфаси, интеллектуал даражаси, умумий савияси, амалий кўникмалари ва касбий тайёргарлик кўрсаткичи.

5. Тадқиқот уюштириш жараёнидаги муҳитнинг, вазиятнинг, объектив ва субъектив шарт-шароитнинг «инсон омили»га йўналганлиги.

6. Текширув материалларининг объектларини умумий талабларга мутаносиблиги, кашфиётларга ижтимоий психологик аҳамият касб этиши, жaxon цивилизациясига таъсир ўтказиш имкониятининг мавжудлиги кабилар.

Психология фанининг методологик муаммолари тўғрисида аниқ- равшан мулоҳаза юритиш методологиянинг ўзига кандай таъриф берилганлигини таҳлил қилиб чиқиш лозим, махсус нашрларда (энциклопедия, фалсафий ва психологик луғатларда, айрим монографияларда ҳамда дарсликларда) методология терминида турли-туман шаклда, кенг ва тор кўламда унинг моҳиятини ечиб беришга ҳаракат қилинган ва бу аснода муайян даражада аниқликка эришилган ҳам. Ҳозирги замон психология фанида илмий анъаналарга асосланган ҳолда "методология" терминини таҳлил қилинганида илмий ёндашувнинг ҳар хил хусусиятли уч даражаси назарда тўтилади ва уларнинг ўзаро алоқаси, ўзаро таъсири ҳамда умумийлик тақозо этувчанлик томонлари (жабҳалари) зарурий унсур сифатида эътиборга олинади.

1. Умумий методология-тадқиқотчилар томонидан қўлланиладигани, мажмуавий негиз сифатида асосланадиган билимнинг умумий усули, унга умумий тарздаги фалсафий ёндашув, талқин, табиатшунослик инсоншунослик тўғрисидаги қонуниятлар, механизмлар мукамал тарзда акс эттирилишидир. Психология фани учун ижтимоий тарихий тараққиёт давомида анъанавий тус олиб келинаётган диалектика, билиш назарияси, мантиқ, биосфера ва ноосфера муносабатларининг умумлашган мажмуаси асос бўлиб хизмат қилади. Умумий методология тадқиқотлар учун (қайси соҳа бўлишидан катъи назар) умумий принциплар, қонунлар, қонуниятлар, механизмлар, методлар, тушунчалар, фазалар, босқичлар, муносабатлар яхлитлигини юзага келтиради, аксарият ҳолларда англашилган ёки англашинилмаган аснода улардан фойдаланиш анъанага айланиб бораверади. Психология фанида психиканинг таърифи, унинг эволюцион тараққиёти, жамият,

борлик, онг, шахс ва шунга ўхшаш категориялар моҳияти бевосита қўлланилади. Ушбу ҳолатнинг вужудга келишига асосий сабаб фанимизнинг фалсафа таркибида ривожланиб келганлигидир. Фан тарихи ўзида мужассамлаштирган, объектив ва субъектив муносабатлар барқарорлиги, ўзгарувчанлиги, такомиллашшуви сингари мулоҳазалар умумий методологиянинг ҳам предмета, ҳам объекти ҳисобланади.

2. Хусусий ёки махсус методология - бу муайян соҳаларда қўлланиладиган принциплар, қонуниятлар, методлар мажмуасидир. Хусусий методология умумий методологиянинг (фалсафий илмий асос сифатида) муҳим принципларини махсус тадқиқот объектларида татбиқ этишда мужассамлашади. Бу ўз навбатида билишни муайян усули бўлиб ҳисобланса-да, лекин у тор доирадаги билим тизимига мослаштирилганлиги билан кескин ажралиб туради. Психология фанининг методологияси келиб чиқиши икки манбадан, яъни психология ва социологиядан иборат эканлиги туфайли умумий методологиянинг принциплари худди шу негизлар шарт-шароитига мослашган ҳолда ифодаланади. Бунга яққол мисол тариқасида фаолият тараққиёт принципларини келтириб ўтиш мумкин, чунончи ушбу тушунчалар фалсафий маънода: а) фаолият инсоннинг борлиққа нисбатан муносабати моҳиятини акс эттирувчи усулдир; б) тараққиёт инсоннинг ҳам ижтимоий-тарихий (филогенетик), ҳам индивидуил (онтогенетик) камолотини ифодаловчи меъзондир. Онг ва фаолият бирлиги принципи тўғрисида ҳам худди шундай мулоҳазаларни билдириш ўринлидир, чунки бу билан биз инсонда онг пайдо бўлишида меҳнатнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтишга эришамиз. Шунингдек бу аснода биз, биринчидан, умумий принциплардан бири ҳисобланганлигини акс эттириш (инъикос) принципи, онг эса юксак шаклдаги акс эттиришнинг кўриниши эканлигини, шахснинг фаоллигини келтириб чиқарувчи омил бўлиб хизмат қилишини эътироф этамиз. Иккинчидан, фаолият кишилик жамиятини ҳукм суриш имкониятининг негизи эканлигини; учинчидан, инсоннинг ўзини ўзи бошқаришни амалга оширувчи онг бўлишини, тўртинчидан, тараққиёт мўл-кўлчилик манбаи эканлигини ва жамиятдаги турли шаклдаги муносабатларнинг сифат жиҳатидан таъминланишини таъкидлашга шароит яратади ижтимоий муносабатлар моҳиятини ишлаб чиқиш, жамият қонунларини яратиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш орқали методологик принциплар ўртасида уйғунлик вужудга келади. Фаолият туфайли яратувчанлик юзага келади ва унинг натижасида ҳам яққо шахслар турмушида ўзгаришлар содир бўлади, ҳам жамият фаровонлиги таъминланади. Бошқача сўз билан айтганда, индивид шахслар муносабатга киришиши, шахсга айланиши фаолият замирида вужудга келади, яққо фаолият ҳамкорлик фаолияти билан умумий тизимни ташкил қилади, унинг муваффақиятини эса онг регулятор сифатида таъминлаб туради, бунинг натижасида тараққиёт, цивилизация рўёбга чиқади. Мазкур занжир сифатидаги алоқалар шахснинг махсус фаолият тури тимсолидаги фаолликни вужудга келтиради, субъектив объектга исбатан муносабатини барпо қилади, кейинчалик субъект-объект-субъект тарзидаги ўзаро таъсир ёки ўзаро таъсирланишини акс эттиради.

Инсон шахслараро муносабат услубларини эгаллай бориб, умумий методология принципларини хусусий методологияга татбиқ эта бошлайди, субъект билан объект қутблари ўртасидаги муносабатлар тизими кенг кўламда индивидга яққоллашади, ролларнинг ўзгариш натижасида тенг ҳуқуқлилик шериклик имкониятлари намоён бўлади, алоҳида фаолиятда ёки ҳамкорлик фаолиятда инсон ўз

қизиқишларини қарор топтириш оқибатида атроф муҳитни, яққол воқеликни эгаллай боради ва уларни ўзгартиришга интилади, моддий олам тўғрисида кенгрок маълумотга эга бўла бошлайди. Унинг натижасида шахс ўзининг бир туркумдаги эҳтиёжини қондириш эвазига янги хусусиятли бошқа эҳтиёжлар кўриниши вужудга келади, уларни қондириш эса узлуксиз жараёнга айланади. Фаолият тараққиёти, онг ва фаолият, бирлиги принциплари гоҳ, жараён, гоҳ фаоллик гоҳ мотивация, гоҳ, эҳтиёж тарзида инсон шахси шакллантиришга, камол топтиришга хизмат қилади, бир даражадан иккинчига ўтиш сифат ўзгаришларини филогенетик ҳам, отогенетик даврда) таъминлайди. Бу ўринда тарихийлик мозийлик прициплари муҳим роль ўйнаб, ижтимоий тарихий шароит зарурати, шахснинг индивидуаллигини (бетақрорлигини) далиллаш имконини туғдиради, вазиятни оқилона, омилкорлик билан баҳолашга ёлғиз ҳозирлайди. Умумий методологиянинг прициплари хусусий методологияга, психология методологиясига мослаштирилади, натижада яққа шахс, гуруҳ, жамоа, ёш даври, турли муҳитга, вазиятга татбиқ этилади. Умумий методологик принциплар турлича психологик ҳолатларда ўз ифодасини топади:

- 1) индивидуал фаолиятни эгаллашда шахсда объектив ва субъектив омилларга нисбатан муносабати, ички имконияти рўёбга чиқишида;
- 2) фаолиятни ҳамкорлик дея тушуниш шахслараро коммуникацияни вужудга келиш жараёнида;
- 3) индивидуал гуруҳий, жамоавий ҳамкорлик фаолият субъектига айланишида;
- 4) фаолият субъекти сифатида ҳамкорлик иштирокчиларининг тан олиш ва тушуниш – уларнинг мақсадида, эҳтиёжида, мотивациясида кўриниши кузатилади.

Умумий методология принципларининг тадқиқот меъёрий асос сифатида тан олиниши унинг стратегиясини белгилайди - бу эса ўз навбатида хусусий ёки махсус методология функциясини ижро этади. Бунинг натижасида шахслараро муносабат ижтимоий муносабатлар тизими билан яқинлашади, индивидуал маъно касб этувчи воқелик ижтимоий хусусиятни ўзида акс эттиради.

3. Методология - бу тадқиқотнинг аниқ яққол методик усуллари мажмуасидир деган талқин бир қатор чет эл манбаларида ўз ифодасини топган бўлиб, аксарият ҳолатларда "методика" термини билан айнийлаштиради. Методикалар ёки методлар мажмуаси тариқасида таҳлил ва талқин қилиниши методологиянинг тор ёки кенг маънода тушуниш умумметодологик қарашлар тизимидан ташқарида ҳукм суришини белгилайди, албатта. Методология тушунчасини учинчи маънода талқин қилиш ва унга асосий эътиборни қаратиш ижобий натижаларга олиб келмайди. Чунки ҳар қандай эмпирик экспериментал методикалар (анкета тест, интервью, социометрия ва б.қ.) қўлланилишидан қатъи назар, улар умумий ва хусусий методологиядан ажралган ҳолда таҳлил қилиниши мумкин эмас. Модомики шундай экан, методикалар методологик муаммони ҳал қилишга йўналтирилган бўлади, бунда тадқиқотнинг муҳим жабҳалари ҳар хил шарт-шароитидан келиб чиқилади. Худди шу боисдан умумметодологик прициплар тўғрисида тўғри тадқиқотга татбиқ қилинмасдан, банки улар хусусий методология принциплари ёрдами билан моҳиятга кириб боради.

Ҳозирги замон психологиясида тадқиқотнинг ўзига хос қирраларини ва киёфаларини очиш учун қуйидаги ҳолатларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ:

1. Тадқиқот ҳамisha муайян конкрет объектларга қаратилган бўлиб, у маълум кўламдаги эмпирик маълумотларни умумлаштирган ҳолда фан предметига ёйишга йўналтирилади.

2. Тадқиқотда дифференциал ҳолда амалий, мантиқий, назарий муаммолар ҳал қилиниши, ўз ечимини топиши режалаштирилади.

3. Тадқиқотда ўрнатилган, топилган омиллар билан фаразий мулоҳазалар ўртасидаги тафовутлар яққол тавсифлаб беришга мўлжалланади.

4. Тадқиқотнинг мақсади омиллар ва жараёнлар тузилишини изоҳлашгина эмас, балки уларни олдинда пайқаш, хис этиш (сезиш) ҳамда башорат қилишдир.

5. Тадқиқотда ҳар томонлама текширилган маълумотларни олиш, уларни муайян принцип асосида бирлаштириш, олдидан айтиш (тахмин қилиш) принципларини қўллаш ва текшириш.

6. Маълумотларни статистик методлар ёрдами билан ҳисоблаб чиқиш ва уларнинг негизида умумлашган хулосалар чиқариш.

Методология тушунчаси талқини ва тузилиши

Илмий манбаларда (энциклопедия ва расмий луғатларда) методологияга метод тўғрисидаги таълимот сифатида таъриф берилади, унинг мазмунида билиш фаолиятининг бошқарув принциплари, усуллари, услублари мажмуаси ётиши назарда тўтилади, худди шу мақсадга, ишончли йўл-йўриққа, объектив билимга эришиш таъминланади. қўйилган мақсадга эришишнинг ҳаракат (сенсор, сенсомотор, ақлий) билан мутаносиблиги (мослиги) методнинг туб моҳияти ёки аҳамияти "мақсадга эришув йўли" ни айнан акс эттиришдан иборат бўлиб, уларни ҳаракатнинг операционал томони (жабҳаси) тавсифи сифатида тушуниш ҳоллари ҳам учраб туради. Жумладан, Л.Ф.Ильичев методология тушунчасига берилган таърифдан келиб чикдан ҳолда, тушунчанинг этимологияси, унинг тарихий аҳамияти ва маъносини изоҳлаш учун камлик қилишини таъкидлайди. Тадқиқотчининг қарашига (ёндашувига) асосланиб, методологияни метод тўғрисидаги таълимот деб таърифлаш мумкин эмас, чунки "физиканинг методологик муаммолари"га қуйидаги масалалар, жумладан киритилади: фан сифатида физиканинг предмети, тарихий таракқиёт давомида ушбу фан предметининг ўзгариб бориши, физиканинг математикага муносабати, физик реаллик тушунчаси, мувозанат принципи ва ҳоказо. Бошқача сўз билан айтганда, "физика методологияси" нафақат физикавий тадқиқот методлари назариясини эмас, балки у физикавий назарияни ўрганишни, уни асослашни, илмий билим тизимидаги ўрнини, унинг амалиётга бевосита муносабатини ифодалашни англатади.

Агарда метод тор маънода қўлланилиши ҳисобга олинмаса, у ҳолда ушбу нуқтаи назар ўзини оқлайди. Шунингдек Е.Ф.Солоповнинг нуқтаи назари ҳам тўла қонуний хусусият касб этади, мабодо метод кенг маънода тушунилса, у тақдирда "методология" термини Ильичев томонидан таъкидлаб, кўрсатиб ўтилган барча муаммоларни камраб олади ва метод тўғрисидаги фан дея номланишни сақлаб қолади. Методни шунга ўхшаш кенг маънода тушунишни фалсафа

энциклопедиясида учратиш мумкин, у "ўрганилаётган объект ҳаракатининг қонуниятларидан келиб чиқувчи, борлиқни назарий ва амалий жиҳатдан эгаллашнинг шаклидир".

Чунончи, "метод назария билан изчил бирликда, тадрижийликда ҳукм суради: ҳар қандай объектив билим тизими метод бўла олиши мумкин. Мукамал килиб айтганда, метод - бу амалиёт билан қоникқан назария ёки амалиётга йўналтирилган тадқиқотнинг худди ўзи. "Фаннинг ҳар қандай қонуни, келгусида англашинилувчи принцип сифатида, билишнинг методи тариқасида намоён бўлади. П.Гиндевининг фикрича, ҳаракатдаги назария сифатидаги метод тўғрисида фикр юритиш жоиз.

Ўзига хос тарзда методга таъриф беришга В.Н.Боряз ҳаракат қилади. Метод илмий билишнинг унсурлари (элементлари) нинг, назарияларнинг, қонунларнинг категорияларнинг ва бошқаларнинг муносабат типининг узидир, шунингдек табиий равишда юзага келувчи, онгли тарзда шаклланувчи, илмий билишда фойдаланувчи ва ҳақиқий, янги билим олиш манбаининг адекват қонуниятларга нисбатан нисбий муносабати сифатида, билиш фаолиятининг воситалари, усуллари, чизгиси тизими шаклида ташқи акс эттирилганликдир. Шунинг билан бирга қидирув (когнитив) чегараларини ўрнатиш, унга мансуб ҳаракат шароитларини топиш, унинг ҳақиқийлиги, ҳаққонийлиги даражасини алоҳида аҳамият касб этиши мумкин.

Метод ва методологияни юқоридагига ўхшаш тарзда тушунишнинг ёйик ифодаланишини М.В.Мостепаненко беришга ҳаракат қилган. "Олдинги олинган умумий билимлар (принциплар) нинг муайян мажмуасига асосланувчи, билишнинг йўли - бу методдир. Методология - бу билишнинг принциплари ва методлари тўғрисидаги таълимотдир. Метод дастлабки билимлар билан алоқадор бўлганлиги туфайли, методология, табиий равишда, икки қисмга ажратилади: а) билишнинг принциплари, бирламчи асослари тўғрисидаги таълимот; б) ўша асосларга суянувчи усуллар, услублар хақидаги таълимот. Тадқиқотчи томонидан билиш жараёнида асосланувчи фалсафий тасаввурлар, қарашларни баҳолаш ва таҳлил қилиш билишнинг биринчи қисмини ташкил қилади. Ҳолбуки шундай экан, методологиянинг ушбу қисми фалсафа, дунёқараш билан бевосита алоқадордир. Тадқиқотнинг усуллари, услублари тўғрисидаги таълимотда аксарият ҳолларда унинг умумий методикасини ташкил этувчи билишнинг хусусий методларининг умумий томонлари талқин қилинади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мазкур таърифда тадқиқотни ташкил қилишнинг техник воситалари, усуллари йиғиндиси ёки билиш асосининг ҳам фалсафий, ҳам дунёқарашга оид сифатида тушунишнинг калтис чекланишлари чиқариб ташланган. Илмий қарашнинг иккинчи тури позитивистик йўналишдаги олимларга ва файласуфларга хос бўлиб, дунёқарашнинг билишдаги ролини инкор қилади. Методология терминини шунга ўхшаш тор маънода тушуниш ҳолати, методиканинг синоними деб қараш собиқ шуро тадқиқотчиларининг нашр ишларида ҳам учраб туради (масалан, татбиқий социологик тадқиқот методологияси. Чунончи тадқиқотларни молиялаштириш масалаларидан тортиб, то уни ташкил этишга оид амалий тавсиялар берилади).

Шунингдек терминнинг бошқача аҳамиятини принципал тарзда инкор қилиш ҳодисаси кўндаланг бўлиб турмайди, лекин методологик ишнинг даражаси,

унинг кўринишини жинсдош тушунча орқали ифодалаш мисолида кўзга ташланади, холос. Лекин социолог В.А.Ядов методологик таҳлилдан ўзи ажратган уч босқичнинг бирортасини ҳам киритмайди. Бунинг натижасида тадқиқотни ташкил қилишнинг методологик статуси, амалга ошириш жабҳаси, методик томони акс этишдан маҳрум қилади.

Худди шу боисдан методологик таҳлилнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, тадқиқотчиларнинг термин (атама) ларни қўллаш хусусиятларини фарқлаш мақсадга мувофиқ. Кўпчилик изланувчилар "метод" тушунчасини таҳлил қилинган асарларидан ҳам торроқ тушунишади, оқибатда илмий билишнинг методи тўғрисидаги таълимот сифатида методологияни таърифлаш билан чекланмайдилар. Жумладан, В.П.Кузьминнинг методологияга таъриф беришича, илмий билишнинг методлари ва асосининг тизими (системаси) сифатида; Э.Г.Юдиннинг таърифига биноан фаолиятнинг воситалари, методлари, мантикий жиҳатдан ташкиллаштириш, тузилма (структура) тўғрисидаги таълимот тариқасида ва бошқалар.

Ушбу қўлланмада "методология" термини юқоридаги талқинларга яқин бўлса-да, лекин ҳам шаклан, ҳам мазмунан бирмунча тафовутга эга. Психологиянинг методологияси ўқув предмети фаннинг предмети, унинг мезонлари, категориялари, принциплари, қонуниятлари, механизмлари, хоссалари, қонунлари, сифатлари, даражалари, босқичлари, тараққиёт фазалари (филогенетик онтогенетик онтологик ва ҳоказо) ва уларга ёндашувлар юзасидан маълумотларни ўзида мужассамлаштиради.

Методология ҳақида мулоҳаза юритилганда рефлексиянинг алоҳида шакли бўлиши ўзини ўзи англаш юзасидан ахборот алмашиши мумкин. Фан доирасида ўзини ўзи англаш илмий билим тўғрисидаги мажмуавий хусусиятли маълумотлар тизимининг алоҳида кўринишидир. Бу ўринда билиш жараёнининг ички ва ташқи детерминантларини аниқлаш йўллари юзасидан мулоҳаза юритиш, унинг тузулиши, илмий билимларни танқидий баҳолаш бўйича ахборот бериш муҳим аҳамият касб этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Умумий, хусусий методологиянинг боғлиқлиги.
2. Психология категорияларига нималар киради?
3. Асосий психологик категорияларни санаб ўтинг?
4. XXI асрда психология категориялари классификациясининг ўзига хослиги нимада?
5. Янги давр психологияси нима?
6. Мамлакатимизда ривож топаётган ва амалий характер касб этаётган қандай психология тармоқларидан хабардорсиз?

4-мавзу: Умумий психолологиянинг асосий категориялари, психология фанининг предмети.

Режа:

1. Психология инсоният томонидан кашф қилинган фанларнинг энг мураккабидир.
2. Психологияда «мен» ёки «ўзликни англаш» даври
3. Психологиянинг бошқа фанлардан фарқи
4. Илмий психологиянинг вужудга келиши
5. Психологик билимлар ва илмий-психологик билимларнинг тафовутлари, фарқлари
6. Психик ҳодисаларнинг моҳияти

Ҳозирги даврда психология фани кескин ўзгаришларни бошидан кечираётир. Унда ички тузилиши, таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро уй ғунлиги, моҳияти ва талқин этилиши жиҳатидан қайта қуришлар, ҳар қайси нарса ва инсонга (жонли ва жонсиз табиатга) инсонпарварлик психологияси қонуниятлари ҳамда принциплари асосида ёндашишни татбиқ қилиш намоён бўлмоқда. Нарса ва ҳодисаларга, ҳайвонот ва инсониятга нисбатан янгича ёндашиш, уларнинг шахс томонидан акс эттирилишини фақат онглилик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда таърифлаш билан чекланиб қолмасдан, балки одамнинг онгсизлик ва онгостлилик (ғайри ихтиёрийлик) ҳолатлари бу борада муайян аҳамият касб этишини тушунтириш, унда бир ҳолатдан иккинчисига узлуксиз ўтиб туриш табиий равишда рўй беришини таъкидлаш ўринлидир. Чунки шу давргача психология фанида етакчи принцип сифатида "онг ва фаолият бирлиги" ҳисобланиб келинди, бинобарин, психиканинг ҳар қайси кўриниши, босқичи, хусусияти, даражаси, хоссаси, ўзаро таъсирланиши, бир—бирини тақозо этувчанлиги фаолият нуқтаи назаридан баҳоланиши анъанага айланди. Натижада онглиликдан четланиш ҳолатининг инсон ҳаёти учун аҳамияти тадқиқотчининг диққат марказидан, изланиш мавзусидан анча узоқлашди. Бунинг оқибатида шахснинг онгости, онгсизлик ҳолатлари, буларга унинг мослашиши, интилиши, билиш сабаби ва майли, рухий тайёрлиги, ихтиёрсизлиги, мувофиқлашуви, тўсиқлар ва қарама—қаршилиқларга нисбатан ички кураши, шунингдек, унинг механизмлари каби муаммолар ечими учун қай даражада аҳамиятли эканлигига оқилона баҳо берилмади. Акс эттиришнинг моддий асосларига суянган ҳолда тушунтириш, талқин қилиш назариялари илмийлик жиҳатдан қўпол нуқсонларга эга бўлмаса—да, лекин психиканинг ўзига хослиги, муомала хусусиятлари ва ихтиёрсизликни таърифлашдаги чекланганлиги, бир томонламалиги натижасида уларнинг кўп жиҳатларини тушунтириш имконияти мумкин қадар пасайди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, инсоннинг ҳаёти ва фаолияти ўзаро узвий бо ғлик, бири иккинчисини тақозо қилувчи учта муҳим манбадан, яъни онгсизлик, онгостлилик ва онглилик ҳолатларидан ташкил топган ҳолда ҳукм суради. Шунинг учун ҳам инсоннинг бир кеча — кундуздаги умри онгсизлик, онгостлилик ва онглилик ҳолатларининг ҳукмига тобеликда кечади, уларнинг ҳар қайсиси қандай

вазифа бажаришидан қатъи назар онгсизлик (фаол ҳордиқ) — онгостлилик (мувофиқлашган изланиш) —онглилик (аклий зўриқиш, ихтиёрий ижод) ҳолатларидан иборат узлуксиз ҳалқа ҳаракатларидан тузилган бўлади.

Уларнинг ўзаро мувофиқ ҳаракатлари ички механизмлар, физиологик қонуниятлар, объектив ва субъектив шарт—шароитлар, омиллар, манбалар таъсири остида юзага келади, кўпинча инсоннинг иродасидан ташқари, унга итоат қилмаган тарзда рўй беради, натижада бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш фавқулод тарзида амалга ошаверади. Шунинг учун инсоннинг биологик шартланганлиги, унинг ижтимоий муҳит таъсирида ижтимоийлашуви, фаоллашуви, сустлашуви, мустақиллиги, гоҳо ўзига ишончсизлиги, масъулиятлиги, бефарқлиги ёки лоқайдлиги, бетарафлиги, инсонпарварлиги, тараққийпарварлиги каби хусусиятлар ана шу учала ҳолат негизида юз беради.

Инсоннинг онгсизлик ҳолатида ихтиёрсиз диққат, ихтиёрсиз эсда сақлаб қолиш, эсга тушириш, ассоциациялар, образлар, интуиция, англашилмаган майллар, ирсий аломатлар, тасодифий воқеалар, туш кўришлар, хаёлий тимсоллар, инсоннинг бирон—бир нарсага психологик жиҳатдан тайёргарлиги юзага келади ва уларнинг маҳсули худди шу жараёнда намоён бўлади. Буларнинг кечиши унчалик кўп фурсатни талаб қилмаса—да, лекин маълумотларнинг тўпланиши табиий омиллар таъсирида вужудга келади, бу ҳол атрофдаги муҳит билан танишишда муҳим аҳамият касб этади, улар жисмоний аъзоларнинг умрини узайтиришга хизмат қилади. Ижодий мантиқий фикрлаш шахсга мувофиқлашган хатти— ҳаракатлар вужудга келишига пухта замин ҳозирлайди, уларни муайян материаллар билан таъминлайди.

Одатда онгсизлик ҳолати билан онгли ҳолат ўртасида оралик ҳолат мавжуд бўлиб, у онгостлилик атамаси билан белгиланади, унинг инсон ҳаёти ва фаолияти учун қанчалик аҳамиятли эканлиги ўрганилади. Инсонда кечиши мумкин бўлган фаолият, муомала, хулқ—атвор, ижодий ташаббус, илҳомланиш каби жараёнлар шахсга тобора мувофиқлашиб борса, уларнинг бошқаруви енгил кўчса, шаклланган, барқарорлашган, мустаҳкам, пухта укув ва малакалар ўз вазифасини бажаришга киришса, буларнинг барчаси онгостлилик ҳолатининг бевосита ҳукми остида рўй беради. Одам ихтиёрийликдан кейинги мувофиқлашган диққатга асосланганда ҳар бир жабҳадаги самарадорлик кўрсаткичи юқори бўлади, ташқи кўз ғатувчилар, таъсирларга берилувчанлиги пасаяди, унинг муайян марказга йўналиши, тўпланиши ва барқарорлашуви ижобий натижалар беради. Шахс фаолиятининг суръати, муомала жараёнининг жадаллашуви, унда маъно касб этувчи сабаблар миқдорининг кўпайиши, пухта малакаларнинг устунлиги, унинг муносабатидаги мақсадга мувофиқлик, объектив моҳиятига йўналганлик, ижодийлик онгостлилик ҳолатининг бевосита функциясига алоқадордир. Эҳтимол, бу ўринда англашилмаган майллар ҳам маълум даражада мазкур жараённинг барқарорлиги ва бир текис кечишини таъминлашда иштирок қилиши туфайли, кўз ғалиш ўчо ғида муайян кўз ғатувчиларнинг устунлигини (доминантлигини) бошқариб туришга таъсир этиши мумкиндир. Лекин мазкур ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари, механизмлари, уни намоён қилувчи кучлар, ташқи ва ички шарт—шароитлар, омиллар психологияда ҳали ҳар томонлама тадқиқ қилинмаган. Ушбу йўналишдаги аксарият ҳолатлар ўз ечимини кутиб турибди. Шу сабабли уларга ҳар томонлама ёндашиш, ижодкорлик самарадорлиги юзасидан илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар тўплаш айти мумкиндир.

Онглилик тўғрисида кўпгина назарий ва амалий маълумотлар тўпланганлигини ҳисобга олиб, улар тўғрисида мулоҳаза юритиш ортикча деб ҳисоблаймиз. Чунки психология фанида фаолият категорияси етакчи фаолият концепцияси (Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев), унинг тузилиши, босқичлари, таркибий қисмлари юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг ранг — баранглиги онгли муносабатга нисбатан изланишлар етарли даражада олиб борилишини намоён қилади.

Ҳозирги даврда психология фанининг муҳим, долзарб вазифаларидан бири — бу унинг тадқиқот методлари ва принципларини назарий ҳамда методологик жиҳатдан чуқурроқ тадқиқ қилишдан иборатдир. Жумладан, кузатиш жуда содда, икки кўринишга (кузатиш ва ўзини ўзи кузатишга) эга бўлган амалий тажриба методи тариқасида таҳлил қилинмасдан, балки унинг мураккаблик хусусиятига хос методикаларни қамраб олиш зарурлигини таъкидлаб ўтиш, натижаларни қайд қилишнинг ўта мураккаб технологияси мавжудлигини, ижтимоий психологик ёндашувда у алоҳида аҳамият касб этишини уқтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Психология фанининг назарий муаммолари қаторига яна инсоннинг инсон томонидан идрок қилинишини киритиш мумкин. Чунки инсоннинг айрим хусусиятлари унинг юз аломатлари, чеҳрасидаги ўзгаришлар, тана аъзоларининг ҳаракатлари орқали аниқланади. Одамнинг ташқи кўринишига асосланиб, унинг характер хусусиятлари, хислатлари юзасидан ишончли мулоҳаза билдириш кўп асрлик тадқиқот тарихига эга бўлса—да, лекин муаммонинг туб илмий негизи эндигина кенгроқ ўрганилмоқда. Инсоннинг ташқи қиёфасини таҳлил этиш орқали унинг ички дунёсига баҳо бериш бўйича жаҳон психологлари томонидан тўпланган натижалар умумлаштирилса, мазкур ҳолатни қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

1. Инсоннинг ташқи қиёфасидаги ҳар бир ўзгариш, унинг айнан бир—бирига ўхшашлиги, кишининг яққол шахсий хусусияти билан узвий боғлиқ эканлигини тушунтиришга асосланган аналитик ёки ақл—мулоҳазага мойил талқин услуби, масалан, лабни қаттиқ қисиб юришлик — одамнинг мустаҳкам иродалилиги аломатидир. Ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида аждодлар томонидан тўпланган тажрибаларга асосланиб, одамнинг ташқи қиёфасига қараб руҳий дунёсини баҳолаш.

2. Инсоннинг ташқи қиёфасидаги (аттракция) ихтиёрсиз ифода, нафосатли кўриниш, ўзига маҳлиё этишлик, жозибадорлик, хушбичимлилик шахсининг ҳис—туйғуси хусусиятлари билан уйғунлигини эътироф қилишга қаратилган ёндашув: дид билан кийиниш, меъёри билан ўзига оро бериш, ибо ва ишванинг табиийлиги, гуёки унинг ички дунёси билан мутаносибдир. Идрок қилинаётган инсон муайян масофада мулоқотга киришувчи томонидан қай йўсинда қабул қилинса, демак, унинг тўғрисидаги таассурот бевосита фавқулоддаги ҳолатга боғлиқ бўлади, чунки ёқиш, ёқтириш, симпатия — (юнонча "sympathea" ичдан ёқтириш, ички майл, илиқлик, самимият маъносини англатади), ичдан ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик, антипатия — (юнонча "antipatheio" симпатиянинг аксини билдиради), — мурувват, (юнонча "eratheia" — ҳамдардлик, хайрихоҳлик туйғусини билдиради, ўзгалар руҳий кечинмаларига шериклик, ҳамоҳанглик ҳиссини ифодалайди) бир лаҳзалик идрок қилиш маҳсулида ўз аксини топади.

3. Идрок қилинаётган ташқи кўриниш аломатлари илк таассурот уйғотувчи бошқа шахсга ўхшашлиги туфайли таниш одамдаги психологик хусусиятлар, хислатлар, фазилатлар, сифатлар ихтиёрсиз равишда нотаниш кишига қиёс берилади.

Аввал идрок қилинган таниш инсоннинг барча рухий ҳолатлари ташқи қиёфа эвазига нотанишга кўчирилади, ваҳоланки, бу кезде мантикий таҳлил, узвийлик талқини иштирок этмайди. Шунинг учун бу тарзда инсоннинг инсон томонидан идрок қилинишини ўхшашликка асосланган инъикос деб номласа бўлади.

4. Ташқи қиёфани идрок қилиш замирида инсоннинг у ёки бу ижтимоий гуруҳга (ишчи, деҳқон, зиёли) алоқадорлиги тўғрисида муайян қарорга келинса, унинг шахсий фазилатига нисбатан худди шу нуқтаи назардан баҳо берилади ва ташқи кўринишнинг ижтимоий келиб чиқиши билан ўхшашлигига асосланилади.

Бизнингча, инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши тўртта қатъий манба негизида амалга оширилади:

а) идрок қилинаётган кишини идрок қилувчи шахс ўз хислатлари билан қиёслаш маҳсули бўйича талқин қилиши ва тушуниши; идрок қилиш жараёни ўхшатиш, тақлид қилиш, унга тенглашиш, ибрат олиш, илҳомланиш усуллари орқали юзага келади (идентификация латинча "identificare" айнийлаштириш, ўхшашлик топиш маъносини билдиради);

б) идрок қилинаётган шахс ўрнига идрок қилувчи киши ўзини тасаввур қилиш орқали мулоҳаза юритиш, ҳукм чиқариш, муайян қарорга келиш йўли билан уни тушунишга интилиш ўзини ўзи англаш негизида намоён бўлади (рефлексия латинча "reflexio" инъикос, яъни ўз рухий ҳолатларини оқилона таҳлил қила олиш деган маънони англатади);

в) ўзга кишилар кечинмалар ва ҳис—туйғуларига ҳамдардлик билдириш, меҳр — мурувватлилигини амалий ифодалаш орқали уларни тушуниш — эмпатия (юнонча "empathia" — ҳамдардлик маъносини билдириб, ўзгалар рухий кечинмаларига шериклик туйғусини ифодалайди);

г) ўзга кишига у ёки бу ижтимоий гуруҳ аъзоларига хос хислатларни ёйиш, тавсифлаш, баҳо бериш асосида идрок қилиш — стереотипизация (юнонча "stereos" — қаттиқ, мустаҳкам ва "tyros" — из, нишон деган маънони англатиб, инсониятнинг ижтимоий— тарихий тараққиёти давомида тўпланган, тажрибаларда тасдиқланган, шахсда мужассамлашган ташқи аломатлар унинг ички дунёсига мутаносиб эканлигига асосланади, лекин бундай ёндашув етарли даражадаги илмий негизга эга эмас).

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, психологияда рефлексия, яъни ўзини ўзи англаш шахснинг барча ҳиссий, билишга оид, иродавий, бошқарув хусусиятларини оқилона баҳолашни билдиради, деган қарашлар то ҳозирги кунгача давом этмоқда. Бундай йўсиндаги илмий талқин қилиш инсон томонидан ўзини ўзи акс эттира олишни билдиради, холос. Лекин ўзга кишилар унинг шахсий сифатларини қай ҳажмда билишади, унда қандай баҳолаш имконияти мавжуд, унинг нималарга қодир эканлигини тушуна олишадими, деган саволларга жавоб бериш орқали англашнинг бошқа қирраларини аниқлаш мумкин. Инсонлар ўзаро бир—бирини идрок қилиш жараёнида, **биринчидан**, ҳақиқатан ҳам идрок қилинаётган шахснинг асл рухий қиёфаси ифодаланишида; **иккинчидан**, шахс ўзини аниқ тасаввур қилиб, тўғри баҳолай олиши; **учинчидан**, шахснинг бошқа одамлар томонидан англаниши икки ёқлама инъикос қилиш жараёнининг вужудга келтириши маълум бўлади. Шахсларнинг ўзаро бир — бирларини акс эттириш жараёнининг моҳияти инсон фазилатларини қайта эсга тушириш, қайта тиклаш ва мужассамлаштириш жараёнида ўз аксини топади.

Муаммолар тўғрисида мулоҳазалар юритилаётганда яна бир муҳим жабҳани таҳлил қилиш жуда ўринлидир. Чет эл психологлари асарларини таҳлил қилиш инсон амалга оширадиган фаолият мақсадини руёбга чиқариш режаси ва моделини яратишда ўз ифодасини топувчи антиципация (лотинча "anticipo" — олдиндан сезиш, пайқаш маъносини билдиради) бир неча босқичлардан иборат эканлиги намоён бўлмоқда.

Антиципация ҳозирги замон рус психологиясида беш даражага ажратилиб ўрганилмоқда: чунончи, англашилмаган, субсенсор (лотинча "sub" — ости ва "sensus" — сезиш сўзларидан тузилган бўлиб, идрок қилишнинг онгостки ҳолатини англатади), сенсомотор (лотинча "sensus сезиш, "motor" ҳаракат деган маънони билдириб, назик ҳаракатларни сезиш демакдир), перцептив (лотинча "perceptio" — идрок деган маънони англатади), тасаввур, башорат қилиш (нутқ ва сўз ёрдамида амалга оширилади) кабилар.

Антиципациянинг субсенсор даражаси гавданинг ўзгариши, айрим идеомотор ҳаракатлар, ташқи таъсирга тезкор жавоб қайтаришда ўз аксини топади. У гавданинг мужассамлашуви, ҳаракатлар барқарорлиги, ихтиёрий саъй — ҳаракатга тайёргарлик учун замин ҳозирлайди. Антиципациянинг иккинчи босқичи ҳаракатдаги жисмларни ўзаро таққослаш, солиштиришда, мураккаб ҳаракатларни мувофиқлаштиришда, тезкор ҳаракатларнинг муҳитдаги вақт ва фазовий ўзгаришлар ўртасидаги мутаносибликни узлуксиз равишда идора қилиб туришда намоён бўлади. Перцептив (идрок) босқичда идрок қилиш хотира жараёнлари билан уй ғунлашиб кетади. Ўтмиш тажрибаларига асосланиб, келгусида вақт ва фазовий ўзгаришлар содир бўлиш эҳтимоли таҳлил қилинади. Антиципациянинг тасаввур даражаси образларнинг вақт ва фазовий ўзгаришлари эҳтимолига биноан, уларни фикран қайтадан яратиш, қоришиқ тасвирларни вужудга келтириш, уларнинг режаси ва схемасини тузиш учун инсонда укувчанлик, ижодий фаолликнинг ту ғилишини намоёйиш қилади.

Антиципациянинг охириги босқичи нутқ ва тафаккур ёрдамида ҳолатлар, ҳодисалар, кескин ўзгаришлар тўғрисида башорат қилиш, хулқ— атвор ва фаолиятни режалаштириш жараёнларининг юксаклиги билан бошқалардан тубдан ажралиб туради. Мазкур босқичда умумлаштириш, мавҳумлаштиришнинг сермаҳсул даражалари, мантиқий усуллар, оқилона ҳамда мақсадга мувофиқ хатти — ҳаракатларнинг юқори самара берувчи кўрсаткичлари ўзининг юксаклигига эришади. Инсоннинг янгиликлар моделини яратиши икки йўналишда амалга оширилади: ҳозирги замондан келажакка ва шу келажакдан ҳозирги даврга ўтиш, ҳатто ўтмишга мурожаат қилиш ҳам назарда тутилади.

Бизнингча, антиципациянинг ҳар қайси босқичи биргалик, иерархик хусусиятига эга бўлиб, улар бир — бирларини тақозо қилади, худди шу йул билан маълумотлар таҳчиллигига барҳам берилади. Инсон олдида турган яққол топшириқ ёки вазифадан келиб чиққан ҳолда у ёки бу антиципация босқичи устуворликка эришади. Мазкур қонуниятга биноан унинг босқичлари ўзаро бирикиб кетиши, муаммонинг ўзига хос хусусиятларига кўра кетма—кетлик тизими бузилиши ҳам мумкин.

Юқорида биз кузатиш усули оддий қайд қилишдан иборат эмаслигини, балки у биологик, психологик, техник усуллар мажмуасидан иборатлигини таъкидлаган эдик. Чунки тўпланган материаллар ва маълумотларни чуқур таҳлил қилиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан хулоса чиқаришни, уни яқунлашни тақозо қилади.

Шунга ўхшаш мулоҳазаларни тадқиқотнинг бошқа бир содда турига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Суҳбат методи ҳам тадқиқотчининг муайян мақсадини амалга оширишга қаратилган синалувчи билан фикр алмашув, бир томонлама таъсир ўтказиш жараёни эмас, балки тенг ҳуқуқли субъект сифатида ёндашувнинг бевосита ифодаси талқинидан иборатдир. У муомала жараёнида шерикликка интилувчи даъвогар субъект, яъни синалувчи имконини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотчининг унга муносабатини акс эттиришдир. Шу боисдан очиқ равишда фикр алмашув психологик тўсиқларсиз барпо бўлиши мумкин эмас, чунки суҳбатдошнинг мазкур дақиқалардаги психологик ҳолати зўриқишнинг содда кўринишлари, жиддийликнинг қуйи босқичларини акс эттиришдан бошқа нарса эмасдир. Тадқиқотчига нисбатан ишонч туй ғусининг заифлиги маълумотнинг аниқлигига салбий таъсир кўрсатади, олинган натижалар тафсилот юзасидан тескари алоқанинг мавжуд эмаслиги натижасида бу ҳолатни янада кучайтиради. Суҳбат муқаддимасида синалувчига берилган йўл—йўриқ унинг муомала жараёнида ўзини қай йўсинда бошқаруви, ҳис—туй ғулар барқарорлигини сақлаши, самимийликка интилиши каби ҳиссий ҳолатларни аниқлашни ва уларнинг яққолроқ акс этишини таъминласа, қўйилган мақсад тўғри руёбга чиқаётганлигини билдиради.

Ана шу мулоҳазалар ҳозирги давр талабига мос тушса, фаннинг методологияси ривожига ҳисса қўша олса, демак, психология нуфузига ҳам сўзсиз равишда ўз ижобий таъсирини кўрсатган бўлади.

Психология фанининг категориялари, уларнинг таърифлари, намоён бўлиш, кечиш, ривожланиш қонуниятлари, ўзига хос хоссалари, уларни вужудга келтирувчи омиллар, муҳим шарт—шароитлар, механизмлар юзасидан фикр билдириш, уларни таҳлил қилиш, танқидни талқин билан алмаштириш методологик муаммоларга ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Масалан, одам, шахс, яққа шахс тушунчалари ғарб мамлакатларидан психологияга кириб келган атамалар тарзида талқин қилиб келинмоқда. Ана шунинг учун “шахс” тушунчасини сахнада роль ижро этилаётган артист “ниқоби” дан келтириб чиқармоқдалар, лекин этимологиянинг бундай негизи XVI аср маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этилмоқда, ваҳоланки, бизда бу инсонга тааллуқли тушунчалар узоқ ижтимоий-тарихий тараққиёт негизига эга бўлиб, ушбу атама бошқача талқин ва таҳлил қилиниши лозим.

Биздаги ижтимоий ва инсоншунослик фанларига, шу жумладан, психология фанига шахс билан боғлиқ атамалар араблар дунёсидан кириб келган ва уларнинг туб маъноси, моҳияти бугунги кунгача сақланиб турибди. “Одам” тушунчаси ер куррасида онгли зотнинг яратилиши, дунёга келиши билан борлиқ бўлган диний ақидаларга бориб тақалади, яъни Одам Ато ва Момо ҳаво тўғрисидаги муқаддас манбалардан мазкур “тутилиш”, “яратилиш”, “жон ато қилиш” ҳақида мулоҳаза юритилиб, ўзига хос равишда талқин қилинади.

Бизнингча, “одам” тушунчаси илмий адабиётлардаги “индивид”, яъни онгли мавжудодга хослик белгисини билдирувчи атаманинг моҳиятига мос, мутаносиб бўлса керак. Чунки одам зотининг бошланиши, ҳайвонот дунёсидан фарқли жиҳатларини эътироф этиш мақсадида қўлланилган тушунча бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқдир, худди шунга ўхшаш қиёслаш “индивид”га ҳам тааллуқли эканлиги психологик ва фалсафий манбаларда жуда кўп марта таъкидланади. Айниқса, бу нарса собиқ шўро психологиясининг методологиясида мустаҳкам ва нуфузли ўрин эгаллаган бўлиб, диалектик материализм назариясининг асосий ғояларини акс эттирган.

Одамзотга хос хусусият, хислат, фазилат, хулқ— атвор малакаларини эгаллай бориш жараёнида инсонийлик аломатлари шаклланади. Бу давр одам — инсонийлик — шахс схемаси тарзида ифодаланиши мумкин, чунки “шахс” тушунчаси (араб тилида ҳам шундай маъно касб этади) муайян камолот (ақлий, ахлоқий, сиёсий, етуклик) босқичларини англатади, тараққиётга эришганликни билдиради. Шунинг учун “шахс” тушунчасининг европача талқини маънавиятимизга бефарқлик, ожизлик нишонаси бўлиб, кўпол илмий хато деб баҳоланиши керак, чунки ушбу тушунча тилимиз, маданиятимиз ва фанимизга илмий психология фани пайдо бўлишидан бир неча асрлар илгари кириб келган, чуқур ўзлаштирилиб, маҳаллийлаштирилган. Мазкур ижтимоий ҳолат Марказий Осиёнинг илм—маърифат ўчоғи бўлганлигини тан олган ҳолда психологик атамаларни тушунтириш, психология билимлари талқинидаги чалкашликларнинг барҳам топишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, шахснинг шаклланиши мавҳум ҳолат тариқасида ёритилади, ваҳоланки “ўсиш” (жисмоний), “ривожланиш” (психологик), “камолот” (шахслик, ижтимоийлик), “тараққиёт” (имкониятнинг ушалиши) тушунчалари онтогенезнинг муайян, аниқ босқичларидан иборат эканлигини кўрсатувчи мезонлар вазифасини ўтайди. Якка шахс — индивидуаллик табиатнинг донолиги билан алоҳида олинган инсонга хос жамики нарсаларнинг психологик ҳолатлар, жараёнлар, хусусиятлар, табиий майллар, хулқ кабиларнинг ўзига хос тарзда, суръатда, оҳангда, маромда намоён бўлиши, кечиши, такомиллашуви, ривожланиши сингариларнинг вақт, фазо, ҳаракат ўлчамлари билан қатъий белгиланганлигини билдиради ва турмушда қўлланиб келинаётган қисмат, тақдир тушунчаларига ўхшаб кетади. Лекин кейинги икки тушунча рамзий, мавҳум маъно англантиб, шахснинг имкониятларини илоҳият билан боғлаб тушунтиради, уларнинг тўсиқлар, имкониятлар, ҳислар, кечинмалар олдини олиш, ўзгартириш мумкинлигини туб маънода инкор қилади. Якка шахс миллий, этнопсихологик хусусиятларни ўзида акс эттирган ҳолда умумбашарий, умуминсоний қонуниятларга бўйсунди (хусусийлик билан умумийлик ўрин алмаштириб туради, шу боисдан бирининг маъноси иккинчисига мос туриши мумкин), фавқулудда ҳолатлар унинг қайси биринидир устунлигини таъминлайди, натижада ё миллийлик ёки байналмилаллик туйғулари етакчилик қилади.

Собиқ шўро психологиясида шахснинг шаклланиши “мен” билан “биз” муносабатларида ҳукм сурувчи, хусусийлик билан умумийлик ўртасидаги қарама — қаршилиқлар негизига қурилган, демак, унинг таркиб топиши ўзига қарши ўзининг кураши қабилида кечади, чунки мафкуралаштирилган инсонга муносабат роботга нисбатан қилинадиган мулоқот даражасига тенглаштирилган бўлиб, унда ҳар томонлама уйғун ривожланиш имкониятлари мавжуд деган ақидага асосланар эди. Инсоннинг субъект сифатида ана шу нарсаларга нисбатан хоҳиши, майли, интилиши мавжудми ёки йўқми — бу нарса инобатга олинмас, унинг эрки, ҳуқуқи билан ҳеч ким ҳисоблашмас эди. Бугун эса субъектга субъект тариқасида муносабатда бўлишнинг мавруди етиб келди, шунинг учун шахснинг мақоми ва аҳамияти оқилона баҳоланиши лозим, бусиз демократик, эркин фикр юритиш ҳукмронлик қилувчи ҳуқуқий жамият қуриш мумкин эмас. Шахсда ўзини ўзи англашнинг такомиллашуви учун кенг кўламдаги ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, моддий, маънавий, тиббий, психологик, педагогик шарт — шароитларни вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилаётган адабиётларда берилган аксарият таърифлар маънавий жиҳатдан эскирган, уларда бугунги кундаги фан ютуқлари ҳисобга

олинмаган ёки уларга киритилмаган, шу боисдан илмий — психологик категорияларнинг моҳияти ва таркибий қисмлари тузилиши, бажариши мумкин бўлган вазифалари акс эттирилмаган. Мисол учун “Нарсалар ёки ҳодисаларни сезги аъзоларига бевосита таъсир қилиш жараёнида киши онгида акс эттиришга идрок деб аталади”, деган таърифни таҳлил қилайлик. Бу таърифда идрокнинг на предметлиги, на яхлитлиги, на структуравийлиги, на аналитик — синтетиклик хусусиятлари мужассамлаштирилган, шунингдек, унинг перцепция, апперцепция, антиципация босқичлари, билвоситалиги, фазо, вақт ва ҳаракатни инъикос қилиш имконияти, шунингдек, феноменлари (аттракция, субцептив кабилар) таъкидланмаган. Шунга ўхшаш таърифлар барча психик ҳодисалар, ҳолатлар, функциялар, индивидуал—типологик хусусиятлар, характер хислатларига нисбатан берилган тавсифларда ҳам рўй—рост кўзга ташланади.

Психологик билимларни ўзлаштириш, улардан амалиётда фойдаланиш учун фаннинг барча соҳалари бўйича маълумотга эга бўлиш лозим. Психология ўқитишни қулайлаштириш фақат методологик муаммолар ечимини қидириш билан кифояланиб қолмасдан, балки таълим бериш, ўзлаштириш, хабарларни қабул қилишнинг янги шакллари, воситалари ва вариантларини яратишни ҳам қамраб олади. Айниқса, бугунги кунда иқтидорли болалар, ақлий салоҳияти юксак ўқувчилар муаммоси муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун иқтидорлилик билан интеллект кўрсаткичи ўртасидаги узвий боғланишлар ва фарқлар аниқроқ таҳлил қилинса, амалиётда учраётган нуқсонлар, қусурлар миқдори бироз камайган бўлар эди.

Ҳозирги даврда психология соҳаларининг кенгайиши, бу фан бераётган билимлардан ижтимоий турмушда, ишлаб чиқаришда, тиббиётда, таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиш эҳтиёжининг ортиши фанимизнинг мавқеи, нуфузи янада ошаётганлигидан далолат беради. Олий ва ўрта махсус ўқув юрларида психология курси ўқитилишининг йўлга қўйилиши унинг татбиқий жиҳатларини кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Айниқса, университетлар ва педагогика институтлари факультетларида, инновацион коллежларда касбий хислатларни шакллантириш аҳамиятига молик ўқув предмети сифатида психология курси алоҳида нуфузга эга бўлиб, бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий қобилиятлари ва маҳоратини таркиб топтиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Шунинг учун психология курсларини юқори савияда, фаол, янги, самарадор методлар ёрдамида ўқитиш муҳим аҳамият касб этади, чунки ўқитиш самарадорлигини оширмасдан туриб, билимлар сифати тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Юқори малакали ўқитувчи мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун психология ўқитишни такомиллаштириш, талабаларда предметга нисбатан қизиқиш уйғотиш зарур.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар психология ўқитишни такомиллаштиришнинг битта йўли ҳисобланади. Унинг иккинчи йўли — малака ошириш факультетлари, институтлари ва курсларида психология курсини юксак савияда олиб боришда, ўқитувчиларнинг мустақил билим олиш кўникмаларини барқарорлаштириш, психологик билимлар даражасини текшириш мақсадида уларни аттестациядан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Психология курсларини юқори савияда олиб боришда психолог кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, мутахассисликка оид касбий малакаларни пухта шакллантириш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, практикумлар, амалий маш

ғулотлар, махсус семинарлар, умумий диагностика, психокорреция, психологик маслахатлар бериш соҳасидаги фаолиятни қайта қуриш, баёний ўқитишдан ҳамкорлик, муаммоли, мустақил таълим шакллариға ўтиш, бунинг учун рейтинг, тренинг тизимларидан унумли фойдаланиш мақсадға мувофиқдир. Иккинчидан, кўп босқичли психолог мутахассислар тайёрлаш тизимини амалға ошириш стандартини амалиётға татбиқ қилиш зарур. Чунки психология фанлари бакалавриатураси, магистратураси, аспирантураси, докторантураси муаммоларини ижобий ҳал қилмай туриб, юқори малакали кадрлар етиштириш тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Бунинг учун ягона принципға бўйсунган кадрлар тайёрлаш тизимидан келиб чиқиб ўқув режасини, дастурларини янғидан яратиш, уларни бутунги кун талабига биноан тузиш лозим.

Юқорида баён қилинган фикрлар асосида олий мактабларнинг психология кафедраларида, ўрта махсус коллежларнинг фан кабинетларида психолог мутахассислар таълим— тарбия ишларида қатнашиши, психология курсларидан сабоқ бериши, шахсни шакллантириш самарадорлигини оширишға хизмат қилади.

Психология ўқитишни қулайлаштириш ва такомиллаштиришнинг яна бир муҳим йўли — ўқитувчиларға ва талабаларға мўлжалланган ўқув қўлланмалари, дарсликлар, услубий кўрсатмалар, тавсиялар, ишланмалар ишлаб чиқишдир. Мазкур муаммо ечимининг навбатдаги йўли — ҳар бир психолог ўқитувчини аттестациядан ўтказиш, шартнома асосида ишлаш мезонига риоя қилишдан иборатдир. Бу муаммо ривожланган мамлакатларда аллақачон ўз ечимини топгандир

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Инсоннинг жисмоний ўсиши психикаға таъсир қиладими ?
2. Ўзлигини англаш нима?
3. Психологик билимлар онгда қандай юзаға келади?
4. Тафаккур нима?
5. Экспериментал лабораторияда нималар ўрганилади?
6. Дастлабки экспериментал лаборатория қачон ва қим томонидан яратилган?
7. Психология терминини изоҳланг?
8. Субъектик ҳодиса деганда нимани тушунаси?
9. Психология сизнингча, гуманитар фанми ёки табиий?
10. Илмий психологик билимлар деганда нимани тушунаси?

5-Мавзу: Шахс хулқи, фаолияти ва муомаласи камолот негизи эканлиги.

Режа:

1. Фаолият шахс онглилигининг бош мезони сифатида.
2. Хулқ, фаолият, муомала интеграцияси шахсни баҳолаш кафолати тариқасида.
3. Хулқ, фаолият ва муомала мутаносиблиги комилликка интилиш ифодаси сифатида.
4. Шахс ва миллат. Шахс ва тараққиёт.

Таянч сўз ва иборалар.

Шахс, фаолият, фаоллик, ҳаракат, шахс назариялари, индивид, индивидуаллик, хулқ, онг, мезон, муомала, тил, тафаккур, муносабат, жамият, регулятор, интеграция, ўлчам, борлик, миллат, тараққиёт.

Шахс ва унинг фаоллиги. Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият - бу унинг **фаоллигидир**. Фаоллик (лотинча “actus” - ҳаракат, “activus” - фаол сўзларидан келиб чиққан тушунча) шахснинг ҳаётдаги барча хатти - ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир. Бу - ўша оддий кўлимизга қалам олиб, бирор чизикча тортиш билан боғлиқ элементар ҳаракатимиздан тортиб, токи ижодий уйғониш пайтларимизда амалга оширадиган мавҳум фикрлашимизгача бўлган мураккаб ҳаракатларга алоқадор ишларимизни тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалаши алоқадор сифатлари орқали баён этилади.

Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади:

А. Ташқи фаоллик - бу ташқаридан ва ўз ички истак-хоҳишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган фаоллик.

Б. Ички фаоллик - бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яъни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади.

Мисол тариқасида ҳаётдан шундай манзарани тасаввур қилайлик: узоқ айрилиқдан сўнг она ўз фарзанди висолига етди. Ташқи фаолликни биз онанинг боласига интилиши, уни кучоклаши, юзларини силаши, кўзларидан оққан севинч ёшларида кўрсак, ички фаоллик - ўша кўз ёшларини келтириб чиқарган физиологик жараёнлар, ички соғинчнинг асл сабаблари (айрилиқ муддати, ночорлик туфайли айрилиқ каби яширин мотивлар таъсири), кўриб идрок қилгандаги ўзаро бир-бирларига интилишни таъминловчи ички, бир қарашда кўз билан илғаб бўлмайдиган эмоционал ҳолатларда намоён бўлади. Лекин шу манзарани бевосита гувоҳи бўлсак ҳам, уни ифодалаган расмни кўрсак ҳам, тахминан қандай жараёнлар кечаётганлигини тасаввур қилишимиз мумкин. Демак, иккала турли фаоллик ҳам шахсий тажриба ва

ривожланишнинг асосини ташкил этади. Бир қарашда ҳар бир конкрет шахсга ва унинг эҳтиёжларига боғлиқ бўлиб туюлган бундай фаоллик турлари аслида ижтимоий характерга эга бўлиб, шахснинг жамият билан бўладиган мураккаб ва ўзаро муносабатларининг оқибати ҳисобланади.

Инсон фаоллиги “ҳаракат”, “фаолият”, “хулқ” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва унинг онги масаласига бориб тақалади. Шахс айнан турли фаолликлар жараёнида шаклланади, ўзлигини намоён қилади ҳам. Демак, фаоллик ёки инсон фаолияти пассив жараён бўлмай, у онгли равишда бошқариладиган фаол жараёндир. Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни фаолият деб юритилади. Яъни, фаолият - инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундаги турли-туман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган, ҳамда ташқи оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шаклидир. Бу - ёш боланинг реал предметлар моҳиятини ўз тасаввурлари доирасида билишга қаратилган ўйин фаолияти, бу - моддий неъматлар яратишга қаратилган меҳнат фаолияти, бу - янги кашфиётлар очишга қаратилган илмий - тадқиқотчилик фаолияти, бу - рекордларни кўпайтиришга қаратилган спортчининг маҳорати ва шунга ўхшаш. Шуниси характерлики, инсон ҳар дақиқада қандайдир фаолият тури билан машғул бўлиб туради.


Фаолият турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар. Ҳар қандай фаолият реал шарт-шароитларда, турли усулларда ва турлича кўринишларда намоён бўлади. Қилинаётган ҳар бир ҳаракат маълум нарсага - предметга қаратилгани учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли ҳаракатлар ташқи оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, маърузани конспект қилаётган талабанинг предметли ҳаракати ёзувга қаратилган бўлиб, у аввало ўша дафтардаги ёзувлар сони ва сифатида ўзгаришлар қилиш орқали билимлар захирасини бойитаётган бўлади. Фаолиятнинг ва уни ташкил этувчи предметли ҳаракатларнинг айнан *нималарга* йўналтирилганига қараб, аввало ташқи ва ички фаолият фарқланади. Ташқи фаолият шахсни ўраб тўрган ташқи муҳит ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлса, ички фаолият - биринчи навбатда ақлий фаолият бўлиб, у соф психологик жараёнларнинг кечишидан келиб чиқади. Келиб чиқиши нуқтаи назаридан ички - ақлий, психик фаолият ташқи предметли фаолиятдан келиб чиқади. Дастлаб предметли ташқи фаолият рўй беради, тажриба орттириб борилган сари, секин-аста бу ҳаракатлар ички ақлий жараёнларга айланиб боради. Буни нутқ фаолияти мисолида оладиган бўлсак, бола дастлабки сўзларни қаттиқ товуш билан ташқи нутқида ифода этади, кейинчалик ичида ўзича гапиришга ўрганиб, ўйлайдиган, мулоҳаза юритадиган, ўз олдига мақсад ва режалар қўядиган бўлиб боради.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча ҳаракатлар ҳам ички-психологик, ҳам ташқи - мувофиқлик нуқтаи назаридан онг томонидан бошқарилиб боради. Ҳар қандай фаолият таркибида ҳам ақлий, ҳам жисмоний - мотор ҳаракатлар мужассам бўлади. Масалан, фикрлаётган донишмандни кузатганмисиз? Агар ўйланаётган одамни зийраклик билан кузатсангиз, ундаги етакчи фаолият ақлий бўлгани билан унинг пешоналари, кўзлари, хаттоки, тана ва қўл ҳаракатлари жуда муҳим ва жиддий фикр хусусида бир тўхтамга келолмаётганидан, ёки янги фикрни топиб, ундан мамнуният ҳис қилаётганлигидан дарак беради. Бир қарашда ташқи элементар ишни амалга ошираётган - мисол учун, узум кўчатини ортиқча барглاردан халос этаётган боғбон ҳаракатлари ҳам ақлий

компонентлардан холи эмас, у қайси баргнинг ва нима учун ортиқча эканлигидан англаб, билиб туриб олиб ташлайди.

Ақлий ҳаракатлар - шахснинг онгли тарзда, ички психологик механизмлар воситасида амалга оширадиган турли-туман ҳаракатларидир. Экспериментал тарзда шу нарса исбот қилинганки, бундай ҳаракатлар доимо мотор ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳаракатлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

Ақлий ҳаракатларнинг кўринишлари



■ **перцептив** - яъни бўлар шундай ҳаракатларки, уларнинг оқибатида атрофдаги предметлар ва ходисалар тўғрисида яхлит образ шаклланади;

■ **мнемик фаолият**, нарса ва ходисаларнинг моҳияти ва мазмунига алоқадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши ҳамда эсда сақлаб турилиши билан боғлиқ мураккаб фаолият тури;

■ **фикрлаш фаолияти** - ақл, фаҳм - фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият;

■ **имажитив** - (“image” -образ сўзидан олинган) фаолияти шундайки, у ижодий жараёнларда ҳаёл ва фантазия воситасида ҳозир бевосита онгда берилмаган нарсаларнинг хусусиятларини англаш ва ҳаёлда тиклашни тақозо этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай фаолият ҳам ташқи ҳаракатлар асосида шаклланади ва мотор компонентлардан иборат бўлиши мумкин. Агар ташқи фаолият асосида психик жараёнларга ўтиш рўй берган бўлса, бундай жараённи психологияда интериоризация деб аталади, аксинча, ақлда шаклланган ғояларни бевосита ташқи ҳаракатларда ёки ташқи фаолиятга кўчирилиши экстериоризация деб юритилади.

Фаолият турлари яна онгнинг бевосита иштироки даражасига кўра ҳам фарқланади. Масалан, шундай бўлиши мумкинки, айрим ҳаракатлар бошида ҳар бир элементни жиддий равишда, алоҳида-алоҳида бажаришни ва бунга бутун диққат ва онгнинг йўналишини талаб қилади. Лекин вақт ўтгач, бора-бора унда онгнинг иштироки камайиб, кўпгина қисмлар автоматлашиб боради. Бу оддий тилга ўгирилганда, малака ҳосил бўлди дейилади. Масалан, ҳар биримиз шу тарзда хат ёзишга ўрганганмиз. Агар малакаларимиз қатъий тарзда биздаги билимларга таянса, фаолиятнинг мақсади ва талабларига кўра ҳаракатларни муваффақиятли бажаришни таъминласа, биз бунга кўникмалар деб атаймиз. *Кўникмалар* - доимо биздаги аниқ билимларга таянади. Масалан, кўникма ва малакалар ўзаро боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам ўқув фаолияти жараёнида шаклландирган барча кўникмалар ва малакалар шахснинг

муваффақиятли ўқишини таъминлайди. Иккаласи ҳам машқлар ва қайтаришлар воситасида мустаҳкамланади. Агар, фақат малакани оладиган бўлсак, унинг шаклланиш йўллари қуйидагича бўлиши мумкин:

- оддий намойиш этиш йўли билан;
- тушунтириш йўли билан;
- кўрсатиш билан тушунтиришни уйғунлаштириш йўли билан.

Ҳаётда кўникма ва малакаларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жисмоний ва ақлий уринишларимизни энгиллаштиради ва ўқишда, меҳнатда, спорт соҳасида ва ижодиётда муваффақиятларга эришишимизни таъминлайди.

Фаолиятни классификация қилиш ва турларга бўлишнинг яна бир кенг тарқалган усули - бу барча инсонларга хос бўлган асосий фаоллик турлари бўйича табақалашдир. Бу - мулоқот, ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларидир.

Мулоқот - шахс индивидуал ривожланиши жараёнида намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири - инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириш, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи орқали (вербал) ва нутқсиз воситалар (новербал) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукамал эгаллашга замин яратади.

Ўйин - шундай фаолият турики, у бевосита бирор моддий ёки маънавий неъматлар яратишни назарда тутмайди, лекин унинг жараёнида жамиятдаги мураккаб ва хилма-хил фаолият нормалари, ҳаракатларнинг символик андозалари бола томонидан ўзлаштирилади. Бола токи ўйнамагунча, катталар хатти-ҳаракатларининг маъно ва моҳиятини англаб етолмайди.

Ўқиш фаолияти ҳам шахс камолотида катта роль ўйнайди ва маъно касб этади. Бу шундай фаолликки, унинг жараёнида билимлар, малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади.

Меҳнат қилиш ҳам энг табиий эҳтиёжларга асосланган фаолият бўлиб, унинг мақсади албатта бирор моддий ёки маънавий неъматларни яратиш, жамият тараққиётига хисса қўшишдир.

Ҳар қандай касбни эгаллаш, нафақат эгаллаш, балки уни маҳорат билан амалга оширишда фаолиятнинг барча қонуниятлари ва механизмлари амал қилади. Оддийгина бирор касб малакасини эгаллаш учун ҳам унга алоқадор бўлган маълумотларни эслаб қолиш ва керак бўлганда яна эсга тушириш орқали уни бажариш бўлмай, балки ҳам ички (психик), ҳам ташқи (предметга йўналтирилган) ҳаракатларни онгли тарзда бажариш билан боғлиқ мураккаб жараёнлар ётишини унутмаслик керак. Лекин ҳар бир шахсни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига мажбур қилган психологик омиллар - сабаблар муҳим бўлиб, бу *фаолият мотивларидир*.

Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси. Юқорида биз танишиб чиққан фаолият турлари ўз – ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеи ҳам сабабсиз, ўз – ўзидан рўй

бермайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ – атворини тушунтириш учун психологияда “*мотив*” ва “*мотивация*” тушунчалари ишлатилади.

“*Мотивация*” тушунчаси “мотив” тушунчасидан кенгроқ маъно ва мазмунга эга. **Мотивация** – инсон хулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини тушунтириб бериш керак бўлганда ишлатилади, яъни: “нега?”, “нима учун?”, “нима мақсадда?”, “қандай манфаат йўлида?” деган саволларга жавоб қидириш – мотивацияни қидириш демакдир. Демак, у хулқнинг мотивацион таснифини ёритишга олиб келади.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулқи ва ўзини тутиши сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади: **а)** ички сабаблар, яъни хатти-ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва ҳоказолар); **б)** ташқи сабаблар – фаолиятнинг ташқи шарт-шароитлари ва ҳолатлари. Яъни, бўлар айна конкрет ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Шахс хулқ-атворини ичкаридан, ички психологик сабаблар туфайли бошқариш одатда **шахсий диспозициялар** ҳам деб аталади. Улар шахс томонидан англаниши ёки англолмаглиги ҳам мумкин. Яъни, баъзан шундай бўладики, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан шаклланган муносабатнинг ҳақиқий сабабини ўзи тушуниб етмайди, “Нега?” деган саволга “Ўзим ҳам билмай қолдим, билмайман”, деб жавоб беради. Бу англолмаган диспозициялар ёки установакалар деб аталади. Агар шахс бирор касбга онгли тарзда қизиқиб, унинг барча сир-асрорларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилса, бунда вазият бошқачароқ бўлади, яъни, диспозиция англолган, онгли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан *мотив* – конкретроқ тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга нисбатан тўрган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тутди. Машҳур немис олими Курт Левин мотивлар муаммоси, айниқса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсани аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва баҳолашга мойил бўлади. Шуниси ажабланарлики, ўша бир конкрет вазият хусусидаги турли шахсларнинг баҳолари ҳам турлича бўлади. Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга боғлиқ ҳолда бир хил вазиятни алоҳида ҳолларда турлича идрок қилишга мойил бўларкан. Шунинг учун ҳам одамнинг айна пайтдаги реал ҳаракатларини ўша маълум шароитдаги ички ва ташқи стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки унда шунга ўхшаш ҳолатларни идрок қилишга ички бир ҳозирлик – диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтириш тўғрироқ бўлади. Шу маънода шахс хулқининг мотивацияси турли шароитлардан орттирилган тажрибага таянган, онгли таҳлиллар, хаттоки, ижтимоий тажриба нормаларининг таъсирида шаклландиган сабаблар комплексини ўз ичига олади. Масалан, техника олийгоҳларида: “Материалларнинг қаршилиги” номли курс бор дейлик. Шу курсни ўзлаштириш ва ундан синовдан ўтиш кўпчиликка осонликча рўй бермайди. Ҳали курс бошланмасданок, ёш талабаларда шу курс ва унинг талабларига нисбатан шундай установа шаклланадики, албатта, бу курс қийин, уни олиб боровчи ўқитувчи ўта талабчан, қаттиққўл ва ҳоказо деган. Бундай мотивация

мана неча авлод талабалар бошдан кечираётган ҳолат. Энди конкрет шахснинг дарс жараёни бошланган кейинги ҳаракатлари конкрет мотивлар билан изоҳланади ва тиришқоқ талаба учун бўлиш ҳам бошқа фанлар қатори тинимсиз изланиш, ўз вақтида дарсларни тайёрлашни талаб қилса, бошқаси учун (дангасароқ талаба учун) бу дарсдан кейин дарс йўқ ва у қачон шу семестр тугагини кутиб ҳаракат қилади.

Ҳар қандай мотивларнинг орқасида шахснинг эҳтиёжлари ётади. Яъни, мақсадли ҳаётда шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ва заруратига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Мисол учун талабанинг ўқув фаолиятини олиш мумкин. Билим олиш мақсади билим, илм олиш, қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж тараққиётнинг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб қониқтирила бошлайди. Болага сотиб олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шарт – шароитлар ва у ердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятнинг ўзи, бола учун мотив ўрнини босади. Яна бир оддий мисол: кўлингизда китоб бор. Сиз ҳали уни ўқишни бошламадингиз. Лекин ўқиш истаги бор, шу истакнинг ортида эса, ўша мазмунни бўлиш ва унинг тагига етиш эҳтиёжи туради. Рус олими Р. Немов шахсдаги мотивацион соҳани қуйидагича тасаввур қилади.

Умуман, ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Биологик эҳтиёжлар – бу – физиологик (ташналик, очлик, уйқу), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.

2. Ижтимоий эҳтиёжлар – бу – меҳнат қилиш, билиш, эстетик ва ахлоқий-маънавий эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлганимиз билан шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни, улар ўша жамият ва муҳитдаги қадриятлар, маданий нормалар ва инсонлараро муносабатлар характериға боғлиқ бўлади. Масалан, энг табиий ва тушунарли ҳисобланган бизнинг емишга – овқатга бўлган эҳтиёжимизни олсак, у ҳам конкрет муҳитга қараб турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Яна мисол учун, тўй маросимлари ёки жуда тўкин дастурхон атрофида ўтирган одам нима учун шунчалик кўп овқат истеъмол қилиб юборганини билмай қолади. Агар бу табиат қўйни ёки пахта даласидаги ҳашар бўлса-чи, бир бурда иссиқ нон ҳам бутун танага роҳат бахш этувчи малҳам бўлиб, очликни билинтирмайди. Камтарона дастурхондан овқат еб ўрганган киши оз-оз ейишга ўрганса, ёшлигидан нормадан ортиқ еб ўрганган одам врач олдиға бориб, ўзи учун оздирувчи дори-дармон сўраса сўрайдики, лекин уйда ўзи емишини назорат қилиши кераклигини билмайди. Демак, бу ҳам маданиятга, этикаға, оила муҳитига бевосита боғлиқ нарса экан –да.

Умуман шахс ижтимоий хулқи мотиви ҳақида гап кетганда, унинг икки томони ёки элементи ажратилади: ҳаракат дастури ва мақсад. Ҳаракат дастури мақсадға эришишинг воситаларига аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам дастурда назарда тутилган воситалар мақсадға эришишни оқлаши керак, акс ҳолда дастур ҳеч нарса бермайди. Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларини яхши тарбиялаш ва ундан идеалларидаги шахс етишиб чиқишини орзу қилиб, унинг олдиға жуда оғир тарбиявий шартларни қўядилар, бола эркинлиги бўғилади, у қатъий назорат муҳитида ушланади. Оқибатда бола кейинчалик бошқариб бўлмайдиган, қайсар, унча-мунча ташқи таъсирға

берилмайдиган бўлиб қолиб, ҳар қандай бошқа ижтимоий шароитда қийналадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мотив ҳар доим анланган, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган ва мақсадлар ва унга етиш воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина ижтимоий хулқ жамиятга мос бўлади.

Мотивларнинг турлари. Турли касб эгалари фаолияти мотивларини ўрганишда мотивлар характерини билиш ва уларни ўзгартириш муаммоси аҳамиятга эга. Шундай мотивлардан бири турли хил фаолият соҳаларида муваффақиятга эришиш мотиви бўлиб, бундай назариянинг асосчилари америкалик олимлар Д. Макклелланд,

Д.Аткинсон ва немис олими Х.Хекхаузенлар ҳисобланади. Уларнинг фикрича, одамда турли ишларни бажаришини таъминловчи асосан икки турдаги мотив бор: муваффақиятга эришиш мотиви ҳамда муваффақиятсизликлардан қочиш мотиви. Одамлар ҳам у ёки бу турли фаолиятларни киришишда қайси мотивга мўлжал қилишларига қараб фарқ қиладилар. Масалан, фақат муваффақият мотиви билан ишлайдиганлар олдиндан ишонч билан шундай иш бошлайдиларки, нима қилиб бўлса ҳам ютуққа эришиш улар учун олий мақсад бўлади. Улар ҳали ишни бошламай туриб, ютуқни кутадилар ва шундай ишни амалга оширишса, одамлар уларнинг барча ҳаракатларини маъқуллашларини биладилар. Бу йўлда улар нафақат ўз куч ва имкониятларини, балки барча ташқи имкониятлар – таниш – билишлар, маблағ каби омиллардан ҳам фойдаланадилар.

Шундай қилиб, мотивлар тизими бевосита шахснинг меҳнатга, одамларга ва ўз – ўзига муносабатларидан келиб чиқади ва ундаги характер хусусиятларини ҳам белгилайди. Уларнинг ҳар биримизда реал шарт-шароитларда намоён бўлишини бирор масъулиятли иш олдиндан ўзимизни тутишимиз ва муваффақиятларга эришимиз билан баҳоласак бўлади. Масалан, масъулиятли имтиҳон топшириш жараёнини олайлик. Баъзи талабалар имтиҳон олдиндан жуда қайғурадилар, хаттоки, кўрқадилар ҳам. Улар учун имтиҳон топшириш жуда катта ташвишдай. Бошқалар эса бу жараёни босиқлик билан бошдан кечириб, ичидан ҳаяжонланаётган бўлсалар ҳам, буни бошқаларга билдирмайдилар. Яна учинчи тоифа кишилари умуман беғам бўлиб, сира қоймайдилар. Табиий, шунга мувофиқ тарзда, ҳар бир тоифа вакиллари ишининг муваффақияти ва фаолиятнинг самараси турлича бўлади. Бунга ҳар бир шахсдаги даъвогарлик даражаси ҳам таъсир қиладди. Даъвогарлик даражаси юқорироқ бўлганлар билган – билмаганини исбот қилишга уринсалар, ана шундай даражаси пастлар бор билганини ҳам яхши айтиб беролмай, яна ўқитувчи билан тортишмайдилар ҳам.

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ижтимоий фаолият мотивларидан ташқари, шахсий хислатларимизни ҳам билишимиз ва онгли тарзда хулқимизни бошқара олишимиз керак.

Мотивларнинг анланганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси. Юқорида таъкидлаганимиздек, мотивлар, яъни хатти-ҳаракатларимизнинг сабаблари биз томонимиздан анланиши ёки анланмаслиги қам мумкин. Юқорида келтирилган барча мисолларда ва ҳолатларда мотив аниқ, яъни шахс нима учун у ёки бу турли фаолиятни амалга ошираётганлигини, нима сабабдан муваффақиятга эришаётганлиги ёки мағлубиятга учраганини билади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий хулқимизнинг сабаблари бизга аён бўлавермайди. Анланмаган ижтимоий хулқ мотивлари психологияда ижтимоий установка (инглизча “attitud”) ходисаси орқали тушунтирилади.

Ижтимоий установка шахснинг ижтимоий объектлар, ҳодисалар, гуруҳлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш ва қабўл қилишга нисбатан шундай тайёргарлик ҳолати, у бу баҳо ёки муносабатнинг аслида қачон шаклланганлигини аниқ англамайди. Масалан, Ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байроғимиз муқаддас, немис инвесторларга ишонамиз, негрларга раҳмимиз келади, тижорат ишлари билан шуғулланадиганларни албатта пулдор, бадавлат, деб ҳисоблаймиз ва ҳақозо. Бу тасаввурлар, баҳо ва ҳиссиётлар қачон ва қандай қилиб онгимизда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юқорида санаб ўтган ҳиссиётларни бошдан кечираверамиз. Мана шуларнинг барчаси ижтимоий установкалар бўлиб, уларнинг мазмун моҳияти аслида ҳар бир инсон ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узоқ муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда рўёбга чиқади.

Америкалик олим Г.Оллпорт ижтимоий установканинг уч компонентли тизимини ишлаб чиққан:

А. Когнитив компонент – установка объектига алоқадор билимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

Б. Аффектив компонент – установка объектига нисбатан субъект ҳис қиладиган реал ҳиссиётлар (симпатия, антипатия, лоқайдлик каби эмоционал муносабатлар);

В. Ҳаракат компоненти – субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш).

Бу уччала компонентлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устуворроқ бўлиши мумкин. Шунини айтиш лозимки, компонентлараро монандлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва тартиб-интизом билан жуда яхши таниш бўлсалар-да, ҳар доим ҳам унга риоя қилавермайдилар. “Тасодифан дарс қолдириш”, “жамоатчилик жойларида тартибни бўзиш” каби ҳолатлар когнитив ва ҳаракат компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги принципнинг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта била туриб, ижтимоий хулққа зид ҳаракат қилса, ва бу нарса бир неча марта қайтарилса, у бу ҳолатга ўрганиб қолади ва установкага айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ижтимоий нормалар ва санкциялар воситасида бундай қарама-қаршилик ва тафовут бўлмаслигига ёшларни ўргатиб боришимиз керак. Бу шахснинг истиқболи ва фаолиятининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Назорат учун саволлар:

1. Шахс ва унинг фаоллигини белгиловчи омиллар нималардан иборат?
2. Фаолиятнинг қандай турлари мавжуд?
3. Жисмоний ва ақлий ҳаракатларни тавсифланг.
4. Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси.
5. Мотивларнинг турлари санаб беринг?
6. Мотивларнинг анланганлик даражаси нималарда акс этади?

6-мавзу: Комил инсоннинг ҳозирги замон назарияси.

Режа:

1. Комил шахс тўғрисидаги назариялар.
2. Шахснинг камолот босқичлари.
3. Муртаклик даври.
4. Индивидлик даври.
5. Ўз-ўзини англаш даври.
6. Инсон камолотининг шахс даври: балоғат ва ихтисос эгаллаш даври.
7. Комил инсон ғояси ва унинг босқичлари.

Узоқ ва яқин чет эл психологларининг қарашларига камолот онтогенетик нуқтаи назардан муайян, қатъий босқичларга ажратилган ҳолда жуда кам тадқиқ қилинган! Шунинг учун биз шахсан ўзимиз таклиф қилаётган схема бўйича мулоҳаза юритамиз ва камол топиш босқичлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларининг моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қиламиз. Уларни қуйидаги даврларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ: муртаклик (эмбрионал), одам (индивид), инсон, шахс, субъект, комил инсон.

Шахснинг камолоти муртаклик давридан бошланиши тўғрисидаги асосли фикрлар А.Валлон, Д.Бромлей тадқиқотларида, айрим психологлар ва психофизиологларнинг мақолаларида учрайди, холос. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, (муртаклик даврининг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш имконияти муайян даражада мавжуд эканлиги нафақат психологлар балки табиатшунослар, биологлар, физиологлар томонидан тавсифлаб берилганлиги, тиббиёт мутахассисларининг эса бу борада уларнинг қарашлари, ёндашувлари шаклланганлиги назарий мулоҳаза юритиш учун асос бўлиб хизмат қила олади.

Муртаклик даврини камолот босқичига киритган тадқиқотчилар А.Валлон ва Д.Бромлей бўлиб ҳисобланади. Жумладан, Д.Бромлей мазкур даврни қуйидаги босқичларга ажратиб таҳлил қилишни тавсия қилади: зигота-эмбрионал-ҳомилатуғилиш олди. А.Валлон эса онтогенезнинг таркибий қисми сифатида уни камолот босқичи қаторига киритади. Мазкур психологлар муртаклик даврини инсоннинг умумий камолоти нуқтаи назаридан таҳлил қилмайдилар, балки улар онтогенезнинг (туғилгандан то умрининг охиригача давр) таркибий қисми сифатида талқин этадилар, холос. Ушбу даврнинг ўзига хос томонлари ва хусусиятларини психологик жиҳатдан ёритиб беришга интиладилар ва бу йўналишда маълум бир ютуққа эришишга муяссар бўладилар.

Уларнинг илмий-амалий мулоҳазаларини асосли далил сифатида қабул қилган ҳолда бу борадаги ўз шахсий мулоҳазаларимизни билдирамиз. Бунинг учун муртаклик даврининг муайян таркиблардан иборат эканлигини изоҳлаш ва

тавсифлашнинг ўзи кифоя. Жаҳон психологлари ва физиологларининг фикрларига қараганда, мазкур камолот даврининг ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маълум бир маънода қулай (сензитив) палла сифатида муайян функция бажаради. Муртакликнинг зигота (уруғланиш) босқичи энг масъулиятли даврлардан бири бўлиб, у ҳам табиий (биологик), ҳам субъектив (шахсий психологик), ҳам ижтимоий (социал) омиллар таъсирида вужудга келади. Бутун масъулият онанинг зиммасига тушади, бинобарин, унинг ҳомилага нисбатан муносабати, унга зарур шарт-шароитлар яратиши, инстинктив хусусиятли ҳимоя функциясининг ишга тушиши, оғрик сезгиларининг кучайиши ва уларга нисбатан чидам-бардош, сабр сифатлари билан қарама-қарши тура олишлик зигота яшовчанлигини таъминлайди. онанинг хотиржамлиги, айрим қийинчиликларни енгиш ҳоҳишининг мавжудлиги, табиий эҳтиёжларни қондириш даражаси, нозик эзгу ниятлар ва ширин ҳиссий кечинмалар билан банд эканлиги зиготанинг бақувват ўсишига замин ҳозирлайди. Аттракция (маҳлиё этувчи) туйғулар оламига онанинг тортилганлиги, стресс (зўриқиш, танглик) ва аффект (ғазабланиш) ҳолатларига берилмаслиги, шижоат, ҳаяжон, ташвишланиш ҳисларидан узоқлиги табиий гўзаллик вужудга келишига имкон яратади. Организмнинг соғломлиги, табиий эҳтиёжлар қондирилиши жисмоний ўсишининг жадал бориши учун пухта негиз юзага келтиради ,бинобарин, комилликка дастлабки асос солинади. Ҳомилалик босқичи бўлғуси шахс учун муҳим аҳамият касб этиб, жисмоний баркамолликнинг, нерв системаси, бош мия катта ярим шарлари, ҳиссий билиш, тана аъзолари пайдо бўлишининг ва ўсишининг манбаи вазифасини бажаради. Ушбу босқичда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

ҳомиланинг жисмоний ўсишини узлуксиз равишда таъминлаш учун оқсиллар, витаминлар ва бошқа турдаги озикаларга нисбатан табиий эҳтиёжини қондириб туриш;

унга салбий таъсир этувчи кўзғатувчилардан сақланиш ижобий ҳис-туйғулар уйғотувчи ҳодисалар тўғрисида кўпроқ ўйлаш; қалтис жисмоний ва соматик ҳаракатлардан ўзини тийиб туриш, зўриқишнинг узлуксиз равишда олдини олиш;

ҳомилага сенсор таъсир ўтказишни одатий психологик ҳолатга айлантириш;

контакт ва дистант мосмала воситаларидан фойдаланиш; шахслараро муносабатда мулоқот маромларига риоя қилиш; биоритмика ва психометрия қоидаларидан оғишмай фойдаланиш; ижтимоий ҳодисаларга нисбатан лоқадйдрок муносабатда бўлиш ва ҳоказо. Табиий эҳтиёжларни қондириш , зарур шарт-шароит яратиш, нафосат туйғулари билан ҳамкорлик режим асосида фаолият ва хулқ ҳаракатларини амалга ошириш ҳам табиий, ҳам маънавий гўзалликни шакллантиради. Орзу, истак, тилак, ҳоҳиш туйғулари билан образларни яратиш ташқи таъсирнинг энг кучли механизми функциясини ўтайди. Ҳужайралар, нейронлар орқали кириб бораётган ахборотлар қанчалик нозик, нафис, гўзал бўлса, ҳомилада гўзалликнинг ҳам табиий шакли, ҳам характерологик жабҳаси ўз аксини топади.

Муртакнинг туғилишолди босқичи ташқи таъсирга берилувчанлиги билан бошқалардан ажралиб туради, худди шу боис бунга алоҳида аҳамият бериш зарур. Ҳомила ўзининг тузилиши, тана аъзоларининг такомиллиги, уларнинг мақсадга мувофиқ ҳаракати билан чақалоққа жуда ўхшаб кетади. Унинг боладан фаркли ўлароқ томони она организми орқали озикланиши ва нафас олишидир. Бу воқелик

илмий тилда плацентар ҳодиса деб аталиб, жамики нарса бир марказдан бошқарилиши ёки таъминланишини билдиради.

Ҳомиладаги идеомотор (ихтиёрсиз) ва мотор (ички ёки ташқи таъсирига мақсадли жавоб реакцияси) ҳаракатлари ортиб бориши туғилишига тайёргарлигидан далолат беради. Ушбу ҳатти-ҳаракатлар жажжи одамнинг қаршилиқ кўрсатишини, зиддиятли вазият вужудга келаётганлиги англатади. Онанинг у билан мулоқотга киришуви тарбиявий таъсир ўтказишнинг реал аломати сифатида намоён бўлади. Сезгир тиббиёт асбоблари ёрдами билан уни текшириб туриш дастлабки диагностик ва коррекцией ишларнинг дебчаси ҳисобланади.

Инсонда юз берадиган субсенсор, субцептив, юксак идрок шакллари туғилишолди бўсағасида ёрқин намоён бўла бошлайди. Ҳаракатнинг суръати, мазмуни, давомийлиги сифатлари бўйича бўлғуси чақалокнинг темперамент хусусиятларини ва унинг нерв системаси типини аниқлаш имконияти мавжуд.

Одам (индивид)лик даври туғилганидан то унда нутқ пайдо бўлгунга қадар вақт бирлигини қамраб олади. Унинг муҳим томонлари мана бундай ҳолатларда кўзга яққол ташланади: эмбрионал давридаги плацентар системаси ўрнини орал (мустақил хазм қилиш) эгаллайди, яъни мустақил нафас олиш, қон айланиш ва бошқалар табиий равишда чақалокда юз бера бошлайди; табиий ҳолатларга ва муҳитга мослашиш (адаптация) теваарак атрофини билиш бошланганлигидан далолат беради; ҳар хил турдаги ҳаракатларни амалга ошириш, жисмларга чанг солиш, уларга интилиш, нарсаларни билишга нисбатаи ҳаракатини билдиради; ота-онани ва қариндош-уруғларни таниш, сезги, идрок хотира жараёнлари ўсишини англатади; жисмларга разм солиш, унинг тузилиши ва ранги билан қизиқиши яққол тафаккурнинг ифодасидир; унда эмоция ва ҳиссиётнинг пайдо бўлиши муомалага киришиш эҳтиёжини намоён этади; эмақлаш, тик туришга интилиш укувининг пайдо булаётганлиги фазовий тасаввурни акс эттиради ва бошқалар.

Мазкур даврда шахслараро муносабатга киришиш, микро ва макро муҳит хусусиятлари ҳамда ҳолатларига боланинг шахсий реакцияси, улардаги ўхшашлик ва фарқни ажрата билиш унинг ўсишини билдиради сўз орқали нарсалар ва ҳодисаларни ифодалаш ҳамда тушунтириш жараёни юзага келгунича қадар муомала, хулқ, ҳаракат орқали табиат ва жамиятни содда тарзда билиш амалга ошади. Худди шу сабабдан камолотнинг дастлабки босқичларидан бири сифатида индивидуаллик даври ўзини ўзи англашга пухта негиз тайёрлайди.

Инсон даври ўзини ўзи англашдан бошланиб, жисмоний, ақлий ва ижтимоий камолотга эришув жараёни амалга ошиши билан тугалланади.

Ушбу давр инсоний хислатларни этник гуруҳ аъзоси сифатида мукамал эгаллаш билан бошқа тараққиёт паллаларидан ажралиб туради. Алоҳидаликка оид хусусиятлар қуйидагиларда ўз аксини топади ва у икки босқичдан иборат бўлади:

I. Нутқнинг пайдо бўлишидан то 6-7 ёшгача:

- болада фазовий мувозанатнинг вужудга келганлиги;
- ўзини ўзи англашдан иборат "Мен" даврининг мавжудлиги;
- нутқда она тили бойлигидан унумли фойдаланиш имкониятининг туғилиши;

- миллий урф-одатларга, хулқ-атвор қоидаларига риоя қила олиши;
- муомала мароми, ижтимоий қадриятларнинг эгаллаши;
- ўйин ҳамда фаолиятнинг бошқа турларини ўзлаштириш негизида миллий ва умумбашарий фазилатларнинг шаклланганлиги;
- индивидуал-типологик хусусиятларнинг аниқ намоён бўлиши;
- барча жиҳатлари билан мактаб таълимига тайёрлиги;
- гуруҳий ҳамкорлик ўқувидан хабардорлиги.

II. Ўсмирлик даври хусусиятларининг акс этиши:

- жисмоний жиҳатдан мукамалликка интилишнинг мавжудлиги;
- фаолият хулқ. ва муомала жараёнларида типологик хусусиятларга эришилганлиги;
- ақлий, ахлоқий, характерологик хусусиятлари шаклланганлиги;
- турли шаклдаги ва тузилишдаги (тенгқурлари, катта ёшдагилар, расмий ва норасмий, реал) гуруҳларда ўзини ўзи англашнинг намоён қилиши;
- ижтимоий ҳаётда ва фаолиятда ўзини ўзи тасдиқдашга имкони борлиги;
- ижтимоий турмушнинг ҳар бир жабҳасида фаоллик кўрсатиши;
- ўқув фанларига дифференциал муносабатнинг қарор топиши;
- муайян эътиқод, дунёқараш, шахсий муносабатнинг мавжудлиги; ташқи таъсирларга берилувчанлиги, хулқ-атворга қатъиятлик етишмаслиги;
- фантазия ва ўзига бино қуйишнинг устуворлиги ва бошқалар.

Мактаб таълимига тайёргарлик босқичида тўпланган билимлар кўлами умрнинг қолган йилларида кутилиши тахмин қилинган қисмининг ярмига тенгдир. Бундан кейинги даврда ўзлаштирилиши мумкин бўлган билимлар шаклан эмас, балки мазмунан сифат жиҳатидан бойиб, такомиллашиб боради, холос. Ўсмирлик даврида инсонга берилган табиий имкониятлар рўёбга чиқдики, ижтимоийлашув, жисмоний ўсиш жадаллашади, натижада етукликка пухта шарт-шароитлар яратади. Табиатга, жамиятга ва шахслараро муносабатга нисбатан шахсий позиция вужудга келади.

Бунинг натижасида мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш, хулқ-атвор ва фаолиятни амалга ошириш имконияти туғилади. Бу ҳолат камолот кўринишини намоён этади, инсоний фазилатлар, хислатлар, сифатлар ва хусусиятлар таркиб топганлигини билдиради.

Инсон камолотининг шахс даври етукликнинг муайян босқичи ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётда алоҳида аҳамият касб этади ва ўзининг кўрсаткичи билан муҳим роль ўйнайди. Шахс даври бир неча тараққиёт босқичларини акс эттириб, унда илк ўспиринлик ва ёшлиқни қамраб олади.

Унинг биринчи босқичи балоғат деб номланиб, 15-16 ёшдаги ўғил-қизларни ўзида жамлайди. Бу босқичда ушбу хусусиятлар кўзга бевосита ташланади:

- жисмоний баркамолликнинг ифодаланиши;
- руҳий жиҳатдан муайян кўрсаткичга эришганлиги;
- хулқ, фаолият ва муомала жараёнларида индивидуалликнинг шаклланиши;
- эътикод, дунёқараш ва позицияда барқарорликнинг мавжудлиги.

Шахс таркиб топишининг иккинчи босқичи ихтисос эгаллаш деб аталиб, 17-18 ва 21-23 ёшдаги баркамол йигитлар ва бокира қизлардан ташкил топади, касбий фаолиятни эгаллашнинг ўзига хослиги билан бошқа тараққиёт паллаларидан ажралиб туради. Ушбу ҳолатлар ўзига хослиги билан намоён бўлади:

- билимлар, кўникмалар ва малакалар эгаллашдаги индивидуаллик;
- фаолиятнинг индивидуал услубининг пайдо бўлиши; касбий мотивациянинг устуворлиги;
- маънавий эҳтиёж, барқарор қизиқиш, қатъиян етакчилиги;
- мутахассисликка муносабатнинг шахсий позицияга буйсунганлиги; -коллеж ва олий мактаб муҳитининг ўзига хослигининг улар шахсиятида ифодаланиши;
- амалиётга ва муҳитга мослашишнинг сифат жиҳатидан тафовутланиши.

Шахс шаклланишининг учинчи босқичи ёшлик давридан иборат бўлиб, ихтисосий етукликни ўзида акс эттиради. Кўпинча баркамоллик аломатлари куйидагиларда ифодаланади: касбий, ихтисосий индивидуаллик, бетакрорлик, ўзига хослик юзага келиши;

- касбий, ихтисосий маҳорат даражасига эришув;
- ўз соҳасида новаторлик хусусиятини намойиш этиш;
- ижтимоий баҳолаш экспертизаси мезонларига батамом мос тушишлик.

Шахснинг маълумот даражасига қарамай, юксак кўрсаткичларга эришуви унинг камолотидан дарак беради. Ўз соҳасида касбий, ихтисосий маҳоратини намойиш этиш етукликнинг юксак даражасини билдиради ва жамоатчилик фикрида илиқ из қолдиради. Новаторлик таклифлари, ихтиролари соҳадаги муваффақиятни ифодалаб келиб, бетакрор шахс эканлигини исботлашга хизмат қилади. Ноёб касб эгаси, феноменал қобилиятли, истеъдодли етук шахс шаклланганлиги ижтимоий-тарихий воқелик сифатида юксак баҳоланади.

Инсон камолотининг навбатдаги даври субъект деб номланиб, ўзига хос хусусиятлари билан умрнинг бошқа паллаларидан ажралиб туради. Ҳар қайси шахс субъект даражасига ўсиб ўтиши мумкин эмас, лекин унинг айрим хусусиятларини эгаллаш имконига эгадир. Субъект ўзининг мана шу хусусиятлари билан шахсдан тафовутланади:

- хулқ-атворда, фаолиятда, муомалада мустақиллик устуворлиги; ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида шахсий позицияга эгалик;
- илғор инсонпарварлик ғояларини илгари суриш ва оригиналлиги, ностандартлиги, инновацион эканлиги билан ажралиб туришлик;

-ғоялари қарор топтиришда объектив ва субъектив тўсиқларни енгиш ва ижтимоий-сиёсий етукликни намоён қилишдир.

Номдор мутахассислар, фан ва техника, жамоат арбоблари, ижодий-тарихий фикрловчилар, сиёсатчилар, давлат раҳбарлари субъект босқичида фаолит кўрсатишлари мумкин. Шунинг учун ушбу вазиятга оммавийликка эришувга интилиш жамиятнинг, тараққиётининг тезлаштириш сари етаклайди, фидоий, толиқмас кишилар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Комил инсон ғояси инсониятнинг асрий орзуси бўлиб ҳисобланади ва ушбу даражага эришиш борлиқни, табиатни, жамиятни билишнинг муҳим манбаи саналади. Комил инсон тўғрисида тасарруф, суфизм илмий мактаблари муайян маълумотлар тўплашга муваффақ бўлганлар, шунингдек бу мавзуга оид қарашлар жахоннинг инсонпарварлик ғоялари билан қуролланган алломаларнинг изланишларида алоҳида ўрин эгаллаган. Уларнинг назарияларига танқидий муносабатни билдириш мавруди бўлмаганлиги сабабли фақат таъкидлаб ўтиш билан кифоятланамиз, бинобарин, тариқат, ҳақиқат, маърифат тўғрисида мулоҳаза юритмаймиз. Аксинча бу борада ўзимизнинг шахсий қарашларимизни баён қиламиз, холос. Бизнингча, ҳозирги замон нуқтаи назаридан мазкур муаммога ёндашсак комил инсонликни тўрт босқичга ажратиб талқин қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Инсон камолоти бу босқичга келиб ўзининг соҳаси бўйича пири ихтисос даражасига эришади. Бунинг натижасида етук инсон ҳаёт ва фаолиятда ижтимоий-тарихий психологик намуна босқичига ўсиб ўтади, ўзининг салоҳияти билан соҳани тараққиёт эттириш манбаига айланади. Индивидуаллик намунаси миллий ва инсоний аҳамият касб этади, тараққиётни ҳаракатлантирувчи механизм вазифасини бажаради. Бу босқичдаги инсонларнинг асосий хусусиятлари қуйидагиларда ўзаксини топади:

-юксак ақл-заковатга эгалик, интеллектуал фаолиятда маҳсулдорлик;

-антиципация кундалик фаолият маҳсуласига айланганлиги, яъни амалга ошириш режалаштирилган фаолият натижасининг олдиндан моделини яратиш;

-хулқ фаолият, муомала жараёнларида ўз имкониятини оқилона баҳолаш ва ўзгалар томонидан худди шундай даражага эришиш;

-соҳага оид талант ва салоҳиятнинг амалий ифодаланишини таъминлаш.

2. Ихтисослараро билимдонлик комил инсон камолотининг навбатдаги юксак босқичи бўлиб, ҳозирги даврда бир неча соҳалар бўйича мукамал билимларга, қарашларга эгаллиги билан тавсифланади. Соҳаларнинг кенгайиши туфайли бу даражага эришиш имконияти тобора чекланиб бормокда, чунки фан ва техниканинг жадал сурьатлар билан ўсиши, ахборотлар салмоғининг сония сайин ортиши вақт такчиллигини келтириб чиқармокда. Фазовий ва визиуал муносабатлар тўғрисидаги миқдор ҳамда сифат ўзгаришлари инсон даъвоси билан унинг имконияти ўртасида зиддиятли ҳолатларни вужудга келтирмокда.

Ихтисослараро билимдонлик ўзига хос икки хусусияти билан бошқа камолот босқичларидан ажралиб туради:

-узлуксиз равишда кашфиётларни амалга оширишга қобиллик;

-ҳар бир ихтисос предметига оид қарашларда мукамалликка, сермахсулликка ва динамизмга эришиш.

3. Комил инсоннинг навбатдаги камолот босқичи ақлий донишмандлик деб аталиб, табиатга ва жамиятга, биосфера ва ноосферага нисбатан супер онглилик кўрсаткичига эришиш билан тавсифланади. Ақлий донишмандлик ахлоқий маданият, юксак ҳис-туйғулар, муомала мароми табиат ва жамият нормаларига риоя қилишлик билан узвий уйғунликда ҳукм суради. Ахлоқий етуклик сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий онг кўринишларига оқилона ёндашишни таъминлайди.

Ақлий донишмандлик ахлоқий, интеллектуал, эстетик ва практик (меҳнат натижасидан лаззатланиш) юксак ҳис-туйғулар манбасига бевосита асосланса, тўқислик мукамаллик намунасини акс эттиради. Маънавий баркамоллик етукликнинг таркибий қисмлари билан бир текис қуроллантиради, хулқ, фаолият ва муомала регулятори функциясини ўтайди.

4. Умумбашарий даҳолик жамият ва тараққиёт тақозоси билан вужудга келувчи имконият ёки заруриятнинг маҳсулидир. Фан-техника, сиёсат, дин, давлат қурилиши соҳасида кескин ўзгаришни амалга оширувчи тарихий шахслар камолотнинг охириги босқичига эришиши мумкин. Бундай даражага эришганлар ўзларининг валелиги, башоратчанлиги билан даврдан, замондан анча илгарилаб кетиш ҳоллари билан тавсифланиди.

Субсенсор, субцептив хусусиятлари билан замондошларидан юксак даражада устунликка эга. Субсенсорика имкониятларига даҳлдорлик комилликнинг юксак даражасини ўзида акс эттиради. Илмий асосларга суяниб буюк башоратларни рўёбга чиқариш унинг янги хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Комил инсонлик тўғрисидаги мулоҳазалар идеал шароитни акс эттиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки реалликдан узоқлашиш унга эришиш имконияти мавжуд эмаслигини билдирмайди, аксинча, инсон ўзини ўзи кашф қилиш, ўзини рўёбга чиқариш, қулай шарт-шароитлар яратиш орқали юксак даражага эришса бўлади. Лекин комил инсонликка қўйиладиган талаблар даражасига нисбий ёндашиш, мезонларни ихчамлаштириш орқали комил инсонни шакллантириш мумкин.

Комил инсон муаммоси инсониятнинг азалий эзгу нияти бўлиб, ижтимоий-тарихий тараққиёт даврининг барча босқичларида ўзининг бирламчилиги, ўта долзарблиги билан алоҳида ижтимоий, маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий аҳамият касб этиб келган. Маънавий меросимиз бўлмиш "Авесто"дан бошлаб комиллик масаласи тадқиқот предметига айланган ва бу нарса то ҳозирги давргача кишилик дунёсининг серқирра олимлари, маърифатпарварларини чуқур қизиқтириб келган ҳамда унинг бетакрор нуфузи бундан кейин ҳам асрлар оша шахслар ақл-заковатининг марказидаш пухта жой эгаллаганича қолаверади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, табиат билан жамият ўртасида ҳукм суриб турувчи алоқалар ва муносабатларни амалга оширувчи, унинг (табиатнинг) неъматларини тартибга келтиришда фаол иштирок этувчи онгли мағрур зот ҳамда оламнинг сирлари, ажойибртларини тушунишга интилувчи кенг савияли, юксак даражага эришувчи, бетакрор комил инсон масаласи ҳар бир давр учун ўта аҳамиятли, қимматли ҳисобланган.

Маънавият ва маърифат масаласи давлат сиёсатининг диққат марказида турганлиги тарихийлик тамойилига бевосита асосланган ҳолда нарса ва ҳодисаларга тўғри ёндашиш, уларни оқилона, одилона, омилкорлик билан эксперт баҳолаш, сохта талқиндан, бузилган

таҳлилдан батамом тозалаш, теран фикрлар, донишмандлик маҳсулалари сарчашмаларидан халқимизга маънавий озуқа бериш умумбашарий боқелик тантанасига айланади.

Энг камида уч минг йиллик ёзма илмий тарихий манбага эгалик, ҳукмронлик қилган аждодларимиз жаҳон маданиятига (цивилизациясига) салмоқли ҳисса қўшганликлари юзасидан кўплаб илмий асарлар яратилган ва изланишлар ҳозир ҳам жадал суръатда давом эттирилмоқда. Аммо биз Ўрта Осиё уйғониш даври ва ундан кейинги асрларда ижод этган алломалар, даҳолар таълимотини таҳлил қилмоқчи эмасмиз, бинобарин, эзгу ниятлар халқ ижодиёти, амалиёти моҳияти билан қоришиб кетган қадриятларнинг илмий илдизини очишга ҳаракат қиламиз, холос.

Аждодларимиз инсонни комилликка эришишининг босқичлари, манбалари, асослари, омиллари, механизмлари юзасидан кенг кўламли мулоҳазалар юритиш билан кифояланиб қолмасдан, балки уни ҳаракатлантирувчи кучи, объектив (табиий) ва субъектив (шахсга оид) шарт-шароитлари ҳақида ҳам илмий-амалий хусусиятли ғоялар яратганлар ва атрофлича таҳлиллаб беришга ҳаракат қилганлар. Аждодларимизнинг вакиллари қайси таълимотга (диний ёки дунёвий) ва илмий платформага (илмий мактабга, назарияга) асосланганлигидан қатъи назар, амалиёт - ҳақиқат мезони эканлигидан келиб чиқиб, унинг бирламчи, устувор мезон, ўлчам сифатида миллий ўзликни англашнинг суръатини ошириш учун ўрганилишга лойиқдир.

Организм (тана ва унинг аъзолари)нинг мўътадил равишда ишлаши инсоннинг барча руҳий ҳолатлари, ҳодисалари, хусусиятлари, хислатлари, механизмлари, қонуниятлари, шунингдек акс эттириш имконияти, хулқ-атвори, турлича фаолият кўринишлари ҳукм суришини мақсадга мувофиқ, амалга ошишини таъминлаб туради. Модомики шундай экан, функция (физиологик ҳолат сифатида), аъзоларнинг ўзаро муваффақлашган тарзда ҳаракат қилиши бирламчи, яъни табиий-биологик негизини ташкил қилиб, унинг негизида инъикос этиш имкониятининг муайян даражалари, босқичлари, фазалари ҳамда ўзаро таъсир (интеракцион), узатув (коммуникатив), перцептив (стереотиплик), индентификацион (рефлексив), интериоризацион, экстериоризацион вазиятлари, экстрополяция шакллари, микро, макро ҳамда мизе муҳитларга алоқадорлиги умумий ҳолатнинг хусусий вазиятларга кўчиши кўп жиҳатдан таъкидлаб ўтилган бирламчиликка боғлиқдир. Маълумки, тана аъзоларининг функционал хусусиятлари уларга келиб тушадиган озуқалар сифати, тузилишига, қабул қилиш муддатига, бошқача сўз билан айтганда, нутратив (ички) ҳолатлар мажмуасига ботиқ бўлиб, муайян мезонлар, меъёрларга риоя қилинган ҳолдагина мўътадил ишлаши мумкин, холос. Ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида инсонларнинг организмларида у ёки бу тарздаги ўзгаришлар юз бериб келмоқда, бунинг натижасида уларнинг катталашуви ёки кичиклашуви, пишиқлашуви ва мўртлашуви билан антропогенетик, феногенотипик, морфологик, конституцион тузилишларга маълум таъсирини ўтказади. Организмнинг таркибларини юзага келтирувчи моддалар (заррачалар) нисбатининг (архикортекс, палеокортекс, ноокортекс қисмлари орасидаги муносабат камайиши ёки ортиши) табиий равишда ўзгариши уларнинг тириклик сифими, ташқи таъсирларга чидамлилиги (мўртлиги), функцияси, яъни ички тузилишининг ўзига хос томонларини келтириб чиқаради. Биосфера билан ноосфера ўртасидаги узлуксиз равишдаги алоқаларнинг мавжудлиги бир текис, муайян қонуният асосида ҳаракатланиш билан бир қаторда нотекис (ғайритабиий, хаотик) ҳаракатлар ҳам амалга ошиб туришлигини илмий жиҳатдан тан олиш зарур эканлигини тақозо этмоқда. Аждодларимиз осмон жисмлари ҳаракатларини кузатиб у ёки бу тарздаги фалакиёт илми-мўъжизаси тўғрисида башорат (прогноз) қилишлари негизида ҳам қандайдир эмас, балки аниқ, амалий кузатишлар (визуал тафаккур) маҳсуласи маълум давр ва даврийлик қонунияти асосида ҳаракатланишнинг ҳам сабаби, ҳам оқибати мужассамлашганлигидан

далолат беради. Мунажжимларнинг башоратлари мутлоқ ҳақиқат бўлмасада,

даражада оқиллик аждодлардан авлодларга ворислик сифатида ўтувчи ижтимоий, илмий-амалий тажриба ётишини унутмаслик жоиз. Хурофат тариқасида ҳар қандай ғояни танқид қилишдан осон йўл йўқ, аммо инкор сиёсий, синфий ёриқлар асосига қурилиши ижтимоий тараққиёт (прогресс), ижтимоий маданият (цивилизация соцуокультура) учун салбий (негатив) оқибатларни олиб келади, жадаллик (интенсификация) ўрнини тўхталиш (тормозлаш) эгаллайди, натижада илмий ғоялар баҳси эски қолипдаги измларнинг (материализм ва идеализм) муросасиз кураши талқини билан ўрин алмашиш хавфи туғилади. Бунда нохуш илмий сафсаталарнинг олдини олиш учун ижтимоий-тарихий тараққиёт даврида инсоният томонидан тўпланган хилма-хил қарашлар, ёндашишлар, талқинлар, тавсифлар, таълимотлар, стереотиплар, хуллас барча маънавий бойликларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш орқали омилкор томонларини топиш ва улардан одилона фойдаланмоқлик даркор. Шу мулоҳазали фикрни такрор-такрор таъкидлаш жоизки, табиатдаги хоҳ қонуний, хоҳ , ғайритабиий (хаотик) ҳаракат бўлишдан қатъи назар, биосферага ҳар хил заррачалар, моддалар борлиқ бўйича кенг тарқилиши, осмон жисмларининг ўзаро бир-бирига яқинлашуви ҳаддан зиёд ҳарорат кўтарилиши, иссиқликнинг меъеридан ортиқча тақсимланиши, нурлар (нурланиш) кўпайишига олиб келиши, уларнинг оқибатида табиий офатлар (кўргиликлар) пайдо бўлиши мумки. Худди шу боисдан аждодларимизнинг маънавиятида давр ўзи учун зарур алломаларни ва бетакрор шахсларни бир асрда ёки ундан ҳам ортиқ даврда (муддатда) яратади, деган башорат куруқ мушоҳада эмас, балки табиатдаги ўзгаришлар, муносабатлар, мувофиқликлар, мурожаатлар, инсон камолоти учун энг қулай (сензитив) моддалар билан таъминлаш тўғрисидаги (унинг мағзидаги) табиий майл, лаёқат, истеъдод, иқтидор, салоҳият кабиларнинг бақувват , ҳаракатчан нишонлари , аломатлари имконияти юзасидан илмий ғоя ётади. Шунинг учун халқ, этнос, улис ўртасида дохий, даҳо ҳар куни туғилмайди, устуворлик қилганда, эволюцион қонуният эса имкон берганда, вазият пишиб етилганда ихтиёрсиз равишда содир бўлади. Аждодларимиз фарзанднинг туғилиши лаҳзасига, кунига, ойига, йилига, ҳафтасига, мавсумига, ота-онанинг ёшига қатъий аҳамият берганлар. Шунингдек поклик, ҳалоллик фарзандлар камолоти учун муҳим негиз эканлиги аждодларимиз таълимотининг устувор йўналиши ҳисобланади. Улар комилликка турлича талқин беришига қарамай, негизида энг муҳим ва асосий учун учта мезон ётиши (жисмоний, ахлоқий, ақлий) тан олинади, лекин бу даражаларга эришиш йўл ва воситалари айрича эканлиги таъкидлаб ўтилади. Шахснинг ҳозирги замон назариялари. Шахснинг ҳозирги замон тузилиши. Асосий (фундаментал) эҳтиёжлар иерархияси. Шахснинг асосий эҳтиёжлари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Камолот қандай тушунча?
2. Муртақлик қандай давр унинг шахс камолатига таъсири борми?
3. Табиий эҳтиёж нима?
4. Қандай эҳтиёжлар ижтимоий бўлади?
5. Индивидуаллик нима?
6. Ўсмирлик қандай давр?
7. Шахс етуқлиги деганда нимани тушунаси?
8. Комилликнинг тўрт босқичи
9. Қуръондан комиллик ҳақида фикрлар келтира оласизми?
10. Умумбашарий даҳолар ҳозир борми?

7-мавзу: Ички регуляция ва унинг психологик баёни.

Режа:

1. Ички регуляция тузилиши ва талқини.
2. Эҳтиёж классификацияси асослари ва уларнинг ҳозирги замондаги талқини.
3. XXI асрда мотивлар ва мотивациялар классификацияси.
4. Қизиқиш мотив сифатида.

Таянч сўз ва иборалар.

Шахс, регуляция, давр, мулоҳаза, эҳтиёж, билиш, замон, нафс, сабр, установка, мотив, мотивация, вазият, муҳит, истак, интилиш, хоҳиш, тилак, орзу, идеал.

Психологик нуқтаи назардан борлиқ тўғрисида мулоҳаза юритилганда, тирик мавжудодларнинг (оддий тузилишга эга бўлганидан тортиб, то мураккабигача) теваарак-атроф билан ҳаётий аҳамиятга эга бўлган, турли хусусиятли боғланишларни таъминлаб турувчи фаолияти (қайси даражаси, шакли эканлигидан қатъи назар) уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусият ҳисобланади. Уларнинг фаоллиги туфайли мураккаб тузилишли фаолият юзага келиб (онгликнинг маҳсули сифатида), турли-туман моҳиятли, ҳар хил кўринишдаги эҳтиёжлар (уларнинг тоифаларга алоқадорлиги, келиб чиқиши жиҳатидан биологик, моддий, маънавий ва бошқалар)ни қондириш учун хизмат қилади. Худди шу боисдан фаоллик фаолиятининг асосий механизмларидан биринчи бўлиб, тирик мавжудодларнинг ўз имконияти даражасида ташқи олам таъсирларига жавоб қилиш укувчанлигининг таркиби саналади.

Борлиқдаги жонли мавжудодларнинг ўзига хос тарзда, муайян йўналишда, маълум даражадаги куч билан хатти-ҳаракатни амалга оширишга ундовчи эҳтиёжлар улар учун фаоллик манбаи вазифасини бажаради. Психологик манбаларга асосланиб фикр юритганимизда, эҳтиёж-жонли мавжудод (ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларига унинг шуларга тобе эканлигини ифода этувчи ва мазкур шарт-шароитларга нисбатан фаоллигини намоён қилувчи ҳолат тарикасида ифодаланади.

Инсоннинг фаоллиги бошқа мавжудодлардан туб даражада ҳам моҳият, ҳам шакл жиҳатдан тафовутга эга бўлиб, юзага келган эҳтиёжларнинг турли вазиятларда қондирилишида ўз ифодасини топади. Жумладан, мавжудодлар ва ҳайвонлар ўзларининг танаси ва унинг аъзолари тузилишига, инстинктларнинг турли-туманлигига биноан, ўз ўлжасини тутиб олишга нисбатан интилишни вужудга келтирувчи табиий имконияти уни олдиндан пайқаш сезгирлиги орқали зудлик билан фаол ҳаракат қилади. Ҳайвонлар эҳтиёжларининг қондирилиши жараёни қанчалик мақсадга мувофиқ равишда кечган бўлса, бу эса ўз навбатида, уларнинг қуршаб олган яшаш муҳитига энгиллик билан мослашувини таъминлайди. Масалан, асалари хатти-ҳаракатининг

туғма, ирсий дастури унинг гулшира (нектар) йиғиш эҳтиёжлари билан чекланиб қолмасдан, балки бу эҳтиёжларни қондириш объектлари (гулларнинг навлари, уларнинг узоқ ва яқинлиги, қайси томонда жойлашганлиги, мўл-кўллиги кабилар ҳам) акс этади. Шу боисдан мавжудодларнинг эҳтиёжларида уларнинг фаоллиги омили сифатида табиий аломатлар, инстинктлар, шартсиз рефлекслар ва ҳоказолар бевосита қатнашади.

Лекин инсонларнинг фаоллиги ва уларнинг фаоллиги манбаи ҳисобланмиш инсоний эҳтиёжлар тубдан бошқача манзарага эга бўлиб, биологик шартланганликдан ташқари, моддий ва маънавий кўринишлардан иборатдир. Одамнинг эҳтиёжи унга таълим ва тарбия бериш жараёнида шаклланади, яъни инсоният томонидан яратилган ижтимоий тажриба, кўникма малака, одат, маънавият, қадриятлар билан яқиндан танишиш, уларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Табиат томонидан вужудга келтирилган жисм, нарса, буюм инсон учун биологик эҳтиёжни қондирувчи ўлжа маъносини ва аҳамиятини йўқотади. Одам бошқа мавжудодлардан фарқли ўларок, ижтимоий-тарихий тараққиёт даврининг хусусий эҳтиёжларига хизмат қилувчи муайян буюмни зарурият талабига биноан тубдан қайта ўзгартиришга, такомиллаштиришга қодир онгли зотдир. Худди шу боисдан одамнинг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёни ижтимоий тарихий тараққиёт даражаси билан ўлчанадиган фаолият шакли ва турини эгаллашнинг фаол, муайян мақсадга йўналтирилганлиги, маълум режага асосланган ижодий кўриниши сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

«Инсониятга хос бўлган эҳтиёжларнинг мазмуни, шакли ва қондирилиши» усули ижтимоий тарихий тараққиёт даврида ривожланиб, ўзгариб ва такомиллашиб боради. Ҳозирги замон кишисининг эҳтиёжлари ва уларнинг қондирилиши аждодларникидан ҳам, авлодларникидан ҳам тубдан фарқланади, лекин этнопсихологик хусусиятлар таъсири ўз аҳамиятини етарли даражада йўқотмайди. Шахснинг эҳтиёжларини тўлатқис қондириш уни комил инсон сифатида камол топтиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланса-да, лекин бу унинг устувор эканлигини билдирмайди, чунки бошқа таъсирчан омиллар ҳам мавжуддир. Камолотга эришишнинг муҳим шарт-шароити ҳисобланмиш меҳнат инсоннинг эҳтиёжига айланмаса, у ўз эҳтиёжларининг енгил, осон йўллар билан қондиришга ҳаракат қилса, инқирозга учрайди. Енгил йўл билан ўз эҳтиёжларини қондириш ижтимоий қонун ва қоидаларга зид хулқ-атвор манбаига айланишига, жиноий хатти-ҳаракат келиб чиқишига, текинхўрлик иллатининг намоён бўлишига замин ҳозирлайди.

Ҳуқуқий, демократик жамият кишиси шахсини шакллантиришга нисбатан қўйилаётган энг муҳим талаблардан бири-унда меҳнат қилиш эҳтиёжини, меҳнатдан фахрланиш туйғусини ва ундан лаззатланиш ҳиссини таркиб топтиришдан иборатдир. Меҳнатга нисбатан эҳтиёжнинг вужудга келиши саноатда ва қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш, меҳнат фаолияти умумдорлигини ошириш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш имкониятини яратади ва фақат меҳнатдагина ўз имкониятини намоён этувчи, бунёдкор, ватанпарвар, фидоий шахсларни шакллантиради. Кишиларнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондирувчи, баъзан оғир ва зерикарли туюлган меҳнат тури ватанпарвар, комил инсонликка интилувчи шахс учун қувонч, қониқиш, хатто роҳат-фароғат ҳис-туйғуларининг манбаига айланиши мумкин.

Юксак малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган «Таълим тўғрисида» ги қонунда ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да ўқувчилар ва талабаларнинг меҳнат

тарбияси ва касбга йўналтирилишига алоҳида аҳамият берилгандир. Республика фуқароларида маънавий эҳтиёжларни вужудга келтириш ва шакллантириш истиқлол шарофати билан муҳим аҳамият касб этиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим бўғинига айланди. Ҳуқуқий, демократик жамиятнинг асосий вазифаларидан бири- инсоний эҳтиёжларни таркиб топтириш, уларни баркамол шахс камолотига йўналтириш, маънавиятни эгаллаш билан узвий боғлаб амалга оширишдан иборатдир.

Инсон бир даврнинг ўзида ҳам индивидуаллик, ҳам ижтимоийликни акс эттирган бўлганлиги сабабли унинг эҳтиёжлари шахсий ва ижтимоий хусусиятга эгадир. Бошқача сўз билан айтганда, ундаги тор маъноли шахсий хусусиятга эга бўлгандай туйғу уйғотувчи (табиат инъомига алоқадор) эҳтиёжларни қондириш жараёни ҳам ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг маҳсули (деҳқонлар, ишчилар, ходимлар ва бошқа касбдаги) одамларнинг саъи-ҳаракати, ҳамкорликдаги меҳнатининг моддий тарздаги ифодаланишидан фойдаланишида акс этади.

Ушбу масалага бошқача тарзда ёндашилса, унда ўз эҳтиёжларини қондириш учун ижтимоий муҳит негизида яратилган воситалар ва усуллардан фойдаланилади, натижада у ёки бу шароитга нисбатан эҳтиёж ҳис этади. Масалан, ёғочдан болтага даста ясаш учун унда хоҳиш мавжудлигининг ўзи етарли эмас, балки бир қатор шарт-шароитлар, дастгоҳ, дурадгорлик асбоблари бўлиши лозим, унинг сифатига нисбатан эҳтиёж ҳам туғилади. Худди шу боисдан унда ўз хоҳиш-истакларини рўёбга чиқарадиган талаб билан имкониятга қаратилган эҳтиёж вужудга келади. Инсондаги тор маънодаги эҳтиёжлар унинг шахсий талабларини қондириш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳамкорлик фаолиятида юзага келувчи жамоавий эҳтиёжлар яккаҳоллигига оид хусусият касб этади. Айтайлик, маъруза ўқишга таклиф қилинган ўқитувчининг машғулотга пухта тайёргарлиги ўз предметининг ўта фидойиси эканлиги учун эмас, балки жамоа нуфузига доғ туширмаслик масъулияти, ижтимоий бурч ҳиссига нисбатан эҳтиёж сезганлиги туфайли амалга ошади. Шахсий эҳтиёж гуруҳий, жамоавий муносабатлар уйғунлашиб кетганлиги сабабли ўзаро қоришиқ хусусиятга эга бўлади. Ҳар қандай индивидуал фаолиятга нисбатан эҳтиёжнинг туғилиши ижтимоий аломат, умумийлик, ҳамкорлик хусусиятини касб этиб, фаолиятга ёндашувда яккаҳоллик умумийликни, умумийлик эса алоҳидаликни узлуксиз равишда бетўхтов акс эттириб туради.

Психология фанида эҳтиёжларни таснифлаш уларни келиб чиқиши ва ўз предметининг хусусиятига биноан амалга оширади.

Одатда ўзларни келиб чиқишига биноан эҳтиёжлар табиий ва маданий турга ажратилади.

Табиий эҳтиёжларда инсон фаолиятининг фаоллиги, ўз шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш, ўз авлоди ҳаётини сақлаш, уни қўллаб-қувватлаш учун зарурий шарт-шароитларга тортилганлик, тобелик акс этади. Табиий эҳтиёжлар таркибига одамларни овқатланиш, ташналикни қондириш, жинсий мойиллик, ухлаш, иссиқ ва совуқдан асраниш, мусаффо ҳавога интилиш, тана аъзоларига дам бериш кабилар киради. Табиий эҳтиёжлар узок вақт давомида қондирилмаса, унинг оқибатида инсон ҳалокатга маҳкум бўлади, ўз сулоласи ҳаёти ва фаолиятини хавф остига қолдиради.

Табиий эҳтиёжлар инсонда ҳайвонот аждодларникига ва ибтидоий жамоа аъзолариникига ўхшаш бўлса-да, лекин улар ўзининг психологик моҳиятига кўра

мавжудодларниқидан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан тафовутланади. Эҳтиёжларни қондирилиш усуллари, шакли, қуроли тобора такомиллашиб боришдан ташқари, уларнинг моҳияти, мазмуни ҳам ўзгариб бормоқда, мисол учун ҳозирги замон кишиси эрамиздан олдинги аждодларимизга нисбатан бошқача тарзда ўз эҳтиёжларини рўёбга чиқаради ва уларни қондиришга интилади. Уй рўзғор буюмларининг ўзгариши эҳтиёжларини қондириш йўллари такомиллашувидан дарак беради. Шунинг учун инсонларнинг табиий эҳтиёжлари ижтимоий тарихий хусусиятга эга, чунки улар ижтимоий тарихий тараққиёт маҳсулидан иборатдир.

Инсон фаолиятининг фаоллиги инсоният маданиятини маҳсули билан боғлиқлигини ифодалаб, маданий эҳтиёжларни юзага келтиради. Маданий эҳтиёжлар, маданият тўғрисида мулоҳаза юритилганда унинг ижтимоий илдизлари кишилиқ тарихининг дастлабки манбалари билан узвий боғланиб кетишини таъкидлаб ўтиш лозим. Лекин табиий эҳтиёжлар маданий эҳтиёжлар билан ўзаро уйғунлашган бўлиб, биринчиси иккинчисини тақозо этади, чунки улар бири-бирининг негизидан келиб чиқади. Худди шу боисдан маданий эҳтиёжлар объектига табиий эҳтиёжларини қондирувчи уй-рузғор буюмлар, меҳнат фаолияти орқали бошқа кишилар билан боғланиш воситалари, маданий алоқалар ўрнатиш усуллари, шахслараро муомалага киришиш услублари, ижтимоий турмуш заруриятига айланган нарсалар, ўқиш ва тажриба орттириш йўллари киради. Одатда жамият таълим ва тарбия тизимини эгаллаш, халқ анъаналари, маросимлари, байрамлари, одатлари, расм-русумлари, хулқ-атвор кўникмаларини ўзлаштириш жараёнида ранг-баранг маданий эҳтиёжлар вужудга келади, янгича маъно касб эта бошлайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, табиий эҳтиёжлар қондирилмас, улар инсонни ҳалокат ёқасига етаклайди, бироқ маданий эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги ундай оқибатларга олиб келмайди, аммо одамда маданий фазилатларнинг шаклланишига путур еткази, унинг камолотини секинлаштиради.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, маданий эҳтиёжлар ўзининг даражасига кўра, жамият томонидан ўз аъзолари олдига қўйилаётган талаблар билан боғлиқлигига биноан, улар ўзаро бир-бирларидан кескин тафовут қилади. Масалан, ҳозирги замон ёшларининг билим олишга нисбатан тинимсиз изланишини, яъни билим олиш эҳтиёжининг моҳиятини энг сўнги мода бўйича кийинишга одатланган худди шу ёшдаги тенгдошининг эҳтиёжларини бир хил мезон билан ўлчаш ва баҳолаш адолатдан эмас. Чунки эҳтиёжларнинг моҳиятига, уларни қондириш учун амалга ошириш кўзда тутилган фаолият натижасига, уларнинг хусусиятига ижтимоий ёки индивидуал йўналганлигига биноан, ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида баҳоланади. Ижтимоий жамият томонидан ўз фуқаролари олдига қўйилаётган талабларига, жамиятнинг ҳуқуқ асосларига, халқ анъаналарига, юриш-туриш қоидаларига, маънавият ва қадрият тизимига, маслак ва дунёқараш моҳиятига мос тушадиган эҳтиёжлар юксак онглиқ, ижтимоий фаоллик, маънавий камолот учун хизмат қилади, жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири бўлиб маданий эҳтиёжларни туғилиш ва уларни қондирилиш даражаси ва маънавиятни эгаллашдаги роли ҳисобланади.

Психология фанида эҳтиёжлар ўз предметининг хусусиятига кўра моддий ва маънавий турларга ажратилади, уларни келтириб чиқарувчи механизмлар манбаи турлича эканлиги эътироф этилади.

Инсоннинг овқатланиш, кийиниш, уй-жойига эга бўлиш, маиший турмуш ашёларига интилиш, комфорт ҳиссини қондириш билан боғлиқ маданият предметларига нисбатан эҳтиёж сезиш моддий эҳтиёжлар мажмуасини юзага келтиради. Маънавий маданиятни яратиш ва ўзлаштириш, шахснинг ўз фикр мулоҳазалари ва ҳис-туйғулари бўйича бошқа одамлар билан муомалага киришиш ҳамда ахборат алмаштириш, бадий ва илмий адабиётлар билан танишиш, маҳаллий матбуотни ўқиш, кино ва театр кўриш, мусиқа тинглаш қабилага эҳтиёж сезиш, яъни ижтимоий онг маҳсулига тобелик манавий эҳтиёжлар тизимини вужудга келтиради.

Маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлар билан узвий боғлиқ бўлиб, вужудга келган маънавий эҳтиёжларни қондириш жараёни моддий эҳтиёжларнинг таркибига кирувчи моддий нарсалар ёрдамида амалга оширилади чунончи, китоб, ёзув қоғози ва бошқалар.

Эҳтиёжларнинг турлари ҳақида фикр билдирганда яна шу нарсага эътибор бериш керакки, келиб чиқишига биноан табиий турга тааллуқли эҳтиёж ўз предметига кўра моддий гуруҳга, худди шу мезонлар бўйича бир даврнинг ўзида маданий эҳтиёжнинг моддий ёки маънавий эҳтиёж туркумига киритиш мумкин. Шу тариқа эҳтиёжнинг келиб чиқиши ва предмети хусусияти бўйича икки мезонга асосланиб муайян гуруҳларга ажратилади. Инсон онгининг тарихий тараққиётига нисбатан ва эҳтиёжларнинг объектига бўлган муносабатига биноан, ҳар хил таснифланади ва худди шу мезонларга кўра улар ранг-баранг турларга ажратилади. Уларнинг изчиллиги, барқарорлиги, доимийлиги, кўлами, аҳамиятлилиги, предметлилиги, ижтимоийлиги, индивидуаллиги каби хусусиятлари билан ўзаро бир-бирдан фарқланади.

Мотивация муаммосини ёритишда психология ва экспериментал психологияда бир қатор тушунчаларга таянилган: ирода, инстинкт, кўзғалиш, эҳтиёж, ҳаракатлантирувчи куч, мотив, сабаб ва бошқалар. Бугунги кунга келиб эса мотивация нафақат таълимни ёки хулқ-атворни, балки идрок, тасаввур ва тафаккурни тушунтиришда ҳам қўлланилмоқда. Мотивацияни дастлаб иродавий акт сифатида ўрганилганлиги фанда мавжуд.

1. **Бихевиоризм.** Асосий ғояси-хулқ-атвор мотивларини «стимул-реакция» тамойилига таяниб, яъни ташқи таъсирларга организмнинг жавоб реакцияси мотивлар сифатида талқин этилди.

Асосий вакиллари: Дж. Уотсон, Мак-Даугалл

Мотив ва мотивация муаммоси жаҳон психологиясида турли туман нуқтаи назардан ёндашиш орқали тадқиқ қилиб келинмоқда. Узоқ ва яқин чет элларда ўзига хос психологик мактаблар вужудга келган бўлиб, уларнинг негизида илмий позициялар ва концепциялар моҳияти жиҳатдан фарқланувчи ғоялар ва йўналишлар мужассамлашди. Ҳозир уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Рус ва собиқ совет психологияси намояндалари К.Д.Ушинский, И.М.Сеченов, И.П.Павлов, В.М.Бехтерев, А.Ф.Лазурский, В.Н.Мясишев, А.А.Ухтомский, Д.Н.Узнадзе, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, П.М.Якобсон, В.С.Мерлин, Л.И.Божович, В.И.Селиванов, В.Г.Асеев ва бошқалар мазкур муаммо юзасидан тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ушбу муаллифларнинг қарашлари олдинги ҳисоботда берилганлиги учун уларга қайтатдан тўхталишга ҳожат йўқдир.

Назорат учун саволлар:

1. Ички регуляция тузилиши хақида маълумот беринг?
2. Психология фанида эҳтиёжлар турларини таснифланг?
3. Эҳтиёжларнинг вужудга келиш шакллари.
4. Шахс установаки ва англанилмаган майллар нима?
5. Мотивациянинг ўрағнилиш назариялари хақида?

8-мавзу: Мотивация. Мотивларнинг назарий муаммолари.

Режа:

1. Инсоннинг мотивлар оқими.
2. Илк болалик даврида хулқ-атворнинг мотивлари.
3. Ўқув фаолияти мотивлари.
4. Ташқи мотивлар.
5. Инсоннинг мотивлари оқими тўғрисидаги мулоҳазалар.

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар .

Шахс, давр, мулоҳаза, эҳтиёж, билиш, замон, нафс, сабр, установа, мотив, мотивация, вазият, муҳит, истак, интилиш, хоҳиш, тилак, орзу, идеал.

Рус ва собиқ совет психологияси вакилларида ташқари Европа ва Америка мамлакатларида мотивацияга оид 30 (ўттиз)дан ортиқ илмий концепциялар мавжуддир. Ана шу психологик мактабларнинг айрим намояндаларининг тадқиқотлари юзасидан мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламиз: интереспектив психология, бихевиоризм, гештальпсихология, психоанализ, структуравий психология, ассоцианистик психология, эмперик психология, аналитик психология, гуманистик психология, антропологик психология ва ҳоказолар.

Бихевиоризмнинг асосчиси Д.Ж. Уотсон (1878-1938) психология фанининг бош вазифаси хулқни тадқиқ этишдан иборат деб тушунади. У психик ҳодисалардан мутлақо воз кечиб, хулқни икки шаклга, яъни ички ва ташқига ажратади, улар ўзаро жавоблар стимули билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади. Бихевиоризм учун «хулқ» асосий тушунчага айланиб, унинг психикаси билан алоқаси четлаб ўтилгандир. Шунга қарамасдан, баъзи бихевиористлар, жумладан Е. Торндайк, Е. Толмен, К. Халл, Д. Хебб кабилар хулқ мотивациясига муайян даражада эътибор қилганлар. Улар ўзларининг изланишларида хулқ мотивациясининг «куйи даражалари» ни ўрганиб, каламушларда тажриба ишларини олиб бориб, жониворда очлик, ташналик ва уларнинг турлича даражаларини реакция тезлигига нисбан намоён бўлиш хусусияти, ҳар хил шароитда мотивациянинг кучи тўғрисида муайян қонуниятлар очишга интилганлар. Ҳозирги замон бихевиористлари стимулни ташқи кўзғатувчи сифатида талқин қиладилар ва организмнинг ички энергиясини фаоллаштирувчи деб ҳисоблайдилар. Небихевиористик назариялар янги кўзғатувчилар, доайвалар пайдо бўлишига асосланган бўлиб, улар инсоннинг органик эҳтиёжларини қониқтириш билан стимул натижасининг уйғунлашуви тарикасида таҳлил этилади. Уларнинг таъкидлашига кўра,

иккиламчи кўзғовчилар органик кўзғатувчиларнинг гўёки қобиғига ўхшайди, холос. Вильям Макдугалл (1871-1938) мотивациянинг ирсий (табиатдан бериладиган) хусусиятга эга деган ҳолатни асослаш учун туғма инстинктлар масалалари билан мазкур воқеликни боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, туғма инстинктлар ҳам инсонларга, ҳам ҳайвонларга бир текис тааллуқли бўлиб, улар одамларнинг мотивида олдин 14 та, кейинчалик эса 18 тагача «асосий инстинктлар» сифатида ҳукм суриши мумкин. Умуман олиб қараганда, бихевиористлар учун бир катор ҳолатлар ўзига хосликка эга:

1. Бихевиоризм мотивация моделини топиш билан шуғулланиб ва хулқ принципларини вужудга келтира бориб, ҳайвон хулқи ҳамда уларда кашф этилган хулқ мотивацияси қонуниятларига асосланиб инсоннинг хулқ мотивацияси юзасидан хулоса чиқаришга ҳаракат қилади.

2. Бихевиоризм инсонни биологик мавжудод сифатида қараб, унга биологик жабҳада ёндашади, оқибат натижада унинг ижтимоий моҳияти тадқиқот предметидан четда қолиб кетади.

3. Бихевиоризм ҳам инсонга, ҳам ҳайвонларга хос бўлган хулқнинг умумий принципларини топишга интилади.

4. Бихевиористлар инсонни шахс сифатида таракқий этиш жараёнини ифодаловчи ўзига хослигини ё четлаб ўтадилар ёки ўта содда тарзда изоҳлашга мойилдирлар.

5. Ҳайвонларнинг хулқ мотивацияси шакллари жуда содда тарзда тушунтиришга асосан тадқиқот натижаларини инсоннинг мураккаб ва бошқа бир сифат босқичидаги мотивациясига кўчириш ишончли далилларга эга эмас.

6. Инсон мотивациясини ўрганишда фойдаланилаётган бихевиоризмнинг тушунчалари, чунончи, бирламчи майллар, организмни қитиқловчи туғма эҳтиёжлар кабилар одамнинг мотивация доираси тузилиши моҳиятини жуда юзаки оча олади, холос.

Психоаналитик концепциялар негизида мотивация ортганлик равишда инсон майлларига хосдир, деган ғоя ётади. Уларнинг манбаи майлни акс эттирувчи қайсидир органдаги ёки унинг қисмидаги соматик жараён тушунтирилади.

З.Фрейднинг концепциясида майллар ва инстинктлар тушунчалари ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқдир. Онгсизли таълимотининг асосчиси З.Фрейд хулқ мотивалари ва эҳтиёжлари муаммосини ишлаб чиқаётир, мотивациянинг манбаи инстинкт, у тур ва индивиднинг сақланиш шартидир деб тақдирлайди. Мазкур ҳолатни муаллиф индивиднинг энергетик потенция сифатида талқин этади. Энг асосий масала шуки, З.Фрейд мотивация регулятори ва мотивация энергиясининг ирсий манбаи сифатида «у» тушунчасига қандай маъно юкламоқчи. Унингча, «у» тушунчасининг мазмуни туғма ва ўзгармасдир. Худди шу боис мантиқ қонунлари ва ақл даражалари, кўрсаткичлари унга ҳеч қандай аҳамият қасб этмайди З.Фрейд аффеktiv, импульсив шаклдаги мутлақлашган кўзғовчиларни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Ушбу кўзғатувчилар (турткилар) нинг импульсивлик, тахминийликнинг аффеktiv моҳияти, нотанқийдийлик, онгли ва иродавий назоратга итоат этишда қийинчилик кабиларнинг динамик хусусиятларини мутлақлаштириш бўлиб, уларнинг асосида қуйи генетик ва структуравий даражадаги кўзғатувчилар ётади. З.Фрейд такидлаб ўтган динамик

хусусиятлар ва хоссалари моҳиятида мотивациянинг чуқур асосий манбасини кўради. Унинг концепциясида инсон хулқи ва ҳаракатининг двигатели жинсий инстинкт ҳамда унинг трансформацияси устувор ўрин эгаллайди.

Ушбу мулоҳазани янада мукамаллаштириш мақсадида нофрейдистлар ҳисобланмиш А.Адлер, К.Юнг кабиларнинг назарияларини таҳлил қилишга ўтамыз. А.Адлернинг фикрича, инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч, унинг фаолияти мақсадини аниқловчи, уларга эришиш йўллари ҳукуматга ва қудратга эгадир. Хорни, Фромм ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган маълумотлар моҳияти Фрейд томонидан киритилган психика тушунчаси ва унинг ҳаракатлантирувчи назариясини алмаштиришга интилиш яққол кўзга ташланади. Хорнинг нуқтаи назарича, инсон қанчалардир туғма кучларга эга бўлиб, унинг негизи болаларча ёрдамга муҳтожликка қурилгандир, бу ҳолатлар бирламчи безовталаниш туйғусида ва туғма кўрқинч ҳиссида ўз ифодасини топади. Хорнинг таъкидлашича, инсон хулқининг мотивацияси бошқа мотивлар ёрдами билан аниқланиши мумкин, жумладан, бирламчи безовталаниш (болаларча ёрдамга муҳтожлик келтирувчи) атроф-муҳитга нисбатан душманлик ҳиссини туғдиради, хавфсизликка эҳтиёж эса инсонни бошқа одамлар томонидан баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашга нисбатан ички интилишни вужудга келтиради. Фромм ҳам ўз қарашларида либидо масаласига катта эътибор бермайди, чунки уни қизиқтирган муаммо инсон хулқи жабҳаларда ижтимоий ва психологик омилларнинг ўзаро таъсир ўтказиш жараёнидир. Инсонни индивидуализациялаш унда танҳолик ҳиссини вужудга келтиришга олиб келади, шунингдек, ўз қадр-қийматини англаш сари етаклайди. Танҳолик ҳиссиётидан фориғ бўлишга интилиш туйғуси инсон мотивациясини ва унинг хулқ шаклларини аниқлайди. Неофрейдистларнинг илмий асарларида инсон хулқига таъсир қилувчи интим омилларига ва унинг мотивациясига муайян даражада аҳамият берилган бўлса-да, лекин оқибат натижада хулқнинг ҳаракатлантирувчиси сифатида англашилмаган туғма кучлар асосий ўринда туради.

Гештальтпсихология мактаби намояндалари учун мотивация ўзига хос талқинга эга бўлиб, унинг моҳиятини экспериментал тарзда ўрганишга, очиб беришга интилиш кўрсаткичи билан бошқалардан ажралиб туради. К.Левин (1890-1947) мотивларни экспериментал ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, уларни мутлақо мустақил ҳолат сифатида тушунтиришга ҳаракат қилган ва бу борада муайян муваффақиятларга эришган. Гештальтпсихология мактабининг намояндаларига образ тушунчаси қанчалик ўта аҳамиятли бўлса, К.Левиннинг майдон назарияси учун мотив категорияси худди шундай муҳим хусусият касб этади. Образ ва мотив ўзаро алоқасиз ҳукм суриши таъкидланади, мотивацияни амалга оширувчи вазиятнинг предметли, маъновий мазмуни эса инкор қилинади. К.Левин халқни мана бундай изоҳлашга интилади, муайян муваққатли микроинтервалда шахснинг бевосита яққол муҳит билан муносабатларидан келиб чиқувчи воқелиқдир. Унинг мазкур назариясида инсонда ҳар хил маъно англатувчи иккита мотивацион ўзгарувчи ҳукм суриши тан олинади, уларнинг биттаси туғма, ҳайвонлар турткисига ўхшаш ва турмуш давомида эгалланган фақат инсонгагина хос бўлган. Гештальтпсихологларнинг асарларида шундай ҳолатлар ҳам мавжудким, уларда хулқ мотивацияси муаммолари шахснинг муҳим (асосий) хусусиятларини таҳлил қилиш негизидан келиб чиқиб қаралади. Ушбу ҳолат Г.Оллпорт концепциясида яққол кўзга ташланади, унингча, энг муҳим жиҳат бу инсон хулқини ўзгариш сабабларини очишдир. Шунинг билан бирга мазкур вазиятга олиб келувчи мотивларнинг омилларини текшириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини англаб

олиш қийин эмас. Бу борада индивиднинг жавоблари ўзига хослиги билан ўзаро таъсир ўтказиш ўртасида қандайдир алоқа мавжудлигини ўрнатиш ҳам иккинчи даражали нарса сифатида талқин қилинмайди.

Собиқ совет психологиясида инсон хулқ-атворини ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган мотивлар чуқур ва етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Уларнинг психологик механизмлари, узлуксизлигини таъминловчи омиллар, зарур шарт-шароитлар моҳияти, вужудга келиш имкониятлари тўғрисида жуда юзаки маълумотларгина муайян даражада тартибга келтирилган, туб маънодаги мотивлар табиати изчил равишда, педагогик ва ёш психологияси фанлари қонуниятларига асосланган ҳолда тадқиқ қилинмаган. Бу эса республикамизда уларнинг кенг кўламда ўрганишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мотивларнинг фалсафий методологик аҳамияти шундан иборатки, улар сабаб-оқибат, ички мураккаб боғланишлар тузилишини юксак даражада ривожланган тизим сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашув эса ўз навбатида материя ривожланишининг олий маҳсули эканлиги тўғрисидаги хулосага олиб келади. Чунончи, мақсадга йўналтирилган ва мақсадга мувофиқлаштирилган ҳар хил мазмундаги саволлар, ахборотлар, маълумотлар, хабарлар кишилар фаолиятининг онгли хусусияти таъкидлаб ўтилган мулоҳазалар моҳияти таркибига киради. Мотивлар тузилишини амалий (тадбиқий) йўналишга қаратиш-инсон шахсига мотивацион, иродавий, ахлоқий, ҳиссий, когнитив, регулятив таъсир ўтказишнинг омилкор шакллариининг илмий асоси юзага келишига муҳим имкон ва зарур шарт-шароитлар яратади. Инсоннинг меҳнат фаолияти тизимининг мураккаблашуви ишлаб чиқаришда ахлоқий, маънавий, нафосат, руҳий тарбия жабҳалари ҳамда радио, телевидение ва тарғибот-ташвиқот таъсирини самарали олиб бориши, касбий тайёргарликнинг экстремал ва стресс ҳолатларнинг шароитлари барқарорлашуви, такомиллашуви, яхшилануви, мақсадга мувофиқлашуви каби омилларнинг барчаси шахс мотив доирасининг ўзгаришига боғлиқ. Шахснинг мотив доираси унинг эҳтиёжларида, иродавий сифатларида (актларида) ва функционал имкониятларида ўз аксини топади.

Мотивнинг тадқиқот тарихидан келиб, унга ёндашсак, бу ҳолда у инсонлар (гоҳо ҳайвонлар хатти-ҳаракати) ҳаёти ва фаолиятини руҳий жиҳатдан бошқарувчиси сифатида талқинидан иборат ўзига хос туридир. Мотив тушунчаси, асосан, сут эмизувчи ҳайвонларга тааллуқли эканлиги илмий манбаларда таъкидлаб ўтилади. Инсонларга алоқадор мотивлар тушунчаси кўзғатувчилар ва кўзғовчиларнинг барча турлари (кўринишлари, модалликлари, шакллари) ни ўз ичига олади (чунончи, мотивлар, эҳтиёжлар, қизиқишлар, мақсадлар, интилишлар, мотивлашган установкалар ва бошқалар).

Мотив кенг маънода хулқ-атвор детерминацияси белгиланишига қарамай, кўпгина чет эл тадқиқотчилари шахс мотивларини жуда тор маънода талқин қилиб, уни илмий жиҳатдан текширадилар, ҳаттоки улар шартсиз рефлектор актларининг миқдорини, аффектив, стресс ва экспрессив реакцияларни мотив тизимига киритмайдилар. Бир қатор психологлар мотивни энергетик, маъновий ва маънавий томонларини ўзаро солиштирадилар, улар мотивни соф маънодаги энергетик биоқувват фаоллигининг манбаи сифатида талқин қилиб, унинг маъновий ва маънавий жабҳаларини ҳисобга олмай туриб, ўзига хос равишда тушунтиришга интиладилар. Жумладан, З.Фрейд (856-1939) мотивнинг қонун -қоидаларини фақат динамик энергетик ҳолат тариқасида талқин қилади. Бир гуруҳ чет эл психологларининг фикрига қараганда, мотив – бу тажриба ва реакцияларнинг энергетик жабҳасидан иборатдир

(ушбу таърифга нисбатан муносабат ўта баҳсли бўлганлиги сабабли муаллифларга танқидий фикр билдиришни тадқиқотнинг бошқа бўлимида билдирамиз).

Собиқ совет психологлари мотивларни тушунтиришда ва унинг таркибий қисмларини белгилашда динамик ва маъновий (маънавий) томонларининг уйғунлигидан келиб чиққан ҳолда талқин қиладилар. Уларнинг айрим намояндалари қарашларини таҳлил қилиш билан чекланамиз, холос.

С.Л.Рубинштейн мотивнинг психологик моҳияти тўғрисида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: мотивация – бу психика орқали ҳосил бўладиган детерминациядир; мотив – бу шахс хулқ-атворининг когнитивистик жараёнини бевосита ташқи олам билан боғловчи субъектив тарзда акс этиш демакдир. Бизнингча, шахс ўзининг мотивлари ёрдамида борлиқ билан узвий алоқада бўлади. Инсоннинг хулқ-атвори (хулқи)ни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлувчи мотивлар шахснинг тузилишида (таркибида) етакчи ўрин эгаллайди. Мотивнинг тузилиш (структуравий) таркибига шахснинг йўналиши, унинг характери, эмоционал ҳолати (ҳис-туйғуси), қобилияти, ички кечинмалари, фаолияти ва билиш жараёнлари киради. Психология фанида тўпланган назарий маълумотларнинг кўрсатишича, шунингдек, бир қатор психологларнинг фикрича, характер шахс мотивларининг динамик томонлари асосини ташкил қилади, деган таълимот мавжуд. Жумладан, характернинг у ёки бу сифатлари соф динамик хусусиятли тавсифларни ташкил қилса, қолганлари эса фақат динамик табиатинигина эмас, балки унинг маънавий ва маъновий жабҳаларини ҳам юзага келтиради.

Мотив ҳиссиёт билан ҳам боғлиқ бўлиб, улар хулқ-атвор моҳиятидан ташқарида бўлмайди, балки ҳиссий кечинмалар, мотивлашган омиллар тизими билан узвий алоқага эгадир. Ҳиссиётнинг энг муҳим функцияларидан бири шундан иборатки, унда инсон учун муҳим аҳамият касб этувчи дақиқалар унинг учун қанчалик зарурият эканлигини белгилашга хизмат қилади. Ҳиссиётнинг бу соҳадаги бошқа бир функцияси нисбатан умумийроқ бўлиб, одамнинг ташқи оламга, шахслараро муносабатга, ҳис-туйғуларга негизлик муаммоси ҳисобланиб, унинг учун аҳамиятли воқеа ва нарсаларга нисбатан боғловчилик хусусиятига эга бўлган мулоқоти заиф эмоционал ҳолатлар доирасидан ташқарига чиқиб, фаол, барқарор, турғун жараёнларни ўз ичига олади.

Юқоридаги мулоҳазалардан ташқари, мотивлар функционал-энергетик томонларини динамик бошқариш вазифасини амалга оширади.

Инсоннинг қобилияти бевосита мотивлашган механизмлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг муҳитини белгилайди ва динамик, маънавий таъсир этиш муносабатини ўзида акс эттиради. Мотив билан қобилиятнинг муносабатлари психик фаолликнинг бевосита бажариш негизи ҳисобланган фаолият орқали намоён бўлади. Мотивлашган тизимнинг таркибларини амалиётда рўёбга чиқарувчи нафақат фаолиятнигина аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, балки фаолиятнинг кейинги истиқбол ривожини ёки унинг бошқа соҳалар билан қоришиб кетиш эҳтимоли даражасини ҳам белгилайди. Лекин муайян инсоннинг функционал имконияти, фаолияти ва худди шу фаолиятнинг объектив томонларининг яққол рўёбга чиқиши мотив барқарорлашуви, ривожланиш (такомиллашув) га йўналганлиги ҳам фаолиятнинг объектив шарт-шароитига мослаша боради. Умуман шаклланиш жараёни, шахснинг ривожланиши мотивнинг фаолиятига, фаолиятнинг эса мотивга ўзаро таъсири билан тавсифланади, бизнингча, мазкур таъсирнинг кўрсаткичи, мезони вазифасини бажаради.

Мотивларнинг ривожланиши туфайли тарбиявий талабларни англашда, эҳтиёжларни ичдан қайта қўришда хулқ-атвор қоидалари, мезонлари ёрдами билан фаолият доирасининг кенгайишида, шахснинг борлиқ билан муносабати кабиларда ўзгаришлар содир бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мотивларнинг ривожланиши, мотивлашган янги маълумотларнинг пайдо бўлиши, фаолият муҳити доирасидаги ўзгаришлар туфайли амалга оширилади. Мотив механизми шахс сифатларини қайта қуриш, уларни ривожлантириш жараёнининг фаоллашуви тарзида юзага чиқади, шу билан бирга инсон камол топиш жараёнига, фаолият муҳити ва шароити аста секин ёки тез ўзгариши – мотивларнинг такомиллашуви, барқарорлашуви каби омилларга таъсир этади. Инсонни меҳнат фаолиятида қайта тарбиялаш ва муайян фазилатларни шакллантириш юқоридаги мулоҳазалар моҳиятидан иборатдир. Бу ўринда фаолият фаол вазият ҳисобланиб, мавжуд эҳтиёжлар, қизиқишлар доирасидаги психологик ҳолатлардан узоқлашиб боради, сўнгра янги қизиқиш, эҳтиёж ва интилишларни шакллантиради, мотивлар моҳияти ва шаклларни ўзгартиради.

Ушбу мулоҳазани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мотивациянинг фаолият даражасидан ташқари чиқиши эҳтимоли ёки фаолиятнинг мотивация доирасидан ташқари чиқиши имконияти тўғрисидаги талқинлар нисбий хусусиятга эга. Бинобарин, мотивация фаолиятдан ташқарида ва фаолият эса мотивациядан алоҳидаликка эга деган хулосага келмаслик мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатни яққолроқ намоён қилиш ниятида қуйидаги ҳаётий ҳақиқатга мурожаат қиламиз. Ҳар бир талаба олий мактабга ўқишга қираётганида унда диплом олиш мотиви пайдо бўлади, ўқишга жойлашганда эса ўқув предметларини ўзлаштириш жараёни ўқишга нисбатан интилиш, эҳтиёж, қизиқиш, сафарбарлик каби психик омиллар юзага келади.

А.Н.Леонтьевнинг фикрича, фаолиятнинг тузилиши: мақсадга қаратилган хатти-ҳаракатлар ва операциялардан иборатдир. Одатда фаолият ўзининг предмети ва мотивига эга бўлиб, агарда мотив билан предмет (жисм, нарса) ўртасида мутаносиблик (мослик) вужудга келса, демак шундагина у туб маънодаги фаолиятга айланади.

Масалан, бир талаба имтиҳондан (рейтингдан) ўтиш учунгина бирламчи манбаларни ўқийди, лекин бошқаси эса ўзини текшириш ва ҳақиқий билимларни эгаллаш учун дарс тайёрлайди. Биринчи ҳолатда талаба ёки ўқувчида мотив имтиҳонга қаратилган бўлиб, ўқув предмети мазмуни бундан мустаснодир, худди шу боисдан унинг фаолияти фақат хатти-ҳаракатлар тизимидан иборатдир, деган хулоса чиқаришга имкон беради.

Иккинчи ҳолатда эса мотив ўқув предметини ўзлаштиришга қаратилганлиги сабабли унинг интилиши фаолиятига ўсиб ўтади.

Инсон мотивациясининг тадқиқ этиш борасидаги изланишлар турли хил жабҳалардан келиб чиқиб баҳолашга мойил. Инсон мотивларини классификациялашда уларнинг моҳиятини ҳисобга олган ҳолда иш тутилади:

Биринчи гуруҳга тааллуқли мотивлар шахснинг ижтимоий эҳтиёжлари билан боғлиқ

ғоявий мотивлар (дунёқарашга доир)

сиёсий мотив (ташқи ва ички сиёсатга)

ахлоқий мотивлар

нафосат мотивлари

Иккинчи гуруҳ мотивлари вужудга келиши, шартланганлигига кўра умумийликка эга.

1.Кенг ижтимоий мотивлар (ватанпарварлик)

2. Жамоавий мотивлар

Фаолиятга қаратилган мотивлар (фаолиятли протестуал)

Рағбатлантирувчи

Учинчи гуруҳ мотивлари фаолият турига кўра

ижтимоий-сиёсий мотивлар

касбий мотивлар

ўқиш ва билишга оид мотивлар

Тўртинчи гуруҳга мотивлар ўзининг пайдо бўлиш муддатига кўра бирлашган

Доимий мотивлар

қисқа муддатли мотивлар

узоқ муддатли мотивлар

Бешинчи гуруҳ мотивлари вужудга келиш кучига кўра

кучли мотивлар

ўрта суръатли мотивлар

бўш мотивлар

Олтинчи гуруҳ мотивлари хатти-ҳаракатнинг вужудга келишига кўра

1.Реал

2. Долзарб

3.Потенстиал мотивлар

Бир қатор хорижий психология вакиллари инсон мотив ва мотивацияларини таҳлил этишда хулқ-атвор хусусиятларига таяниб таҳлил этишган.

Р.Б.Кеттелл ва Лершлар ўз изланишларида мотив ва мотивацияга факторли таҳлил ва факторларнинг диспозицион характеридан келиб чиқиб ёндашди. Р.Кеттелл тадқиқотлари етти босқичдан иборат бўлиб, дастлаб у хулқ-атвор индикаторларини, яъни бевосита мотивларнинг кучини ифодаловчиларни аниқлашга киришди. Бунда хулқ-атворни белгиловчи мотивацион компонентлар факторли таҳлил бўйича ажратилди. Мотивацион компонентлар бу ҳар хил мотивлар эмас балки, бир мотивнинг турли хил ифодаланиши тарзида қаралади. Бу компонентлар таркибида ётувчи хулқ-атвор филтрациялари индикаторлари алоҳида мотивларни ифодаланишига кўра индивидуал фарқлар аниқланган. Кеттелл мотивацион компонентларни олтига ажратди. Улардан учтаси Психоаналитик терминологиядаги, яъни «У», «Мен» «Устун Мен» асосланди Ушбу компонентлар қанчалик «индивид-муҳит» муносабатлар бирлигида ўрин олган бўлса, мулоқотмандликда ҳам шундай аҳамият касб етди.

А.Мюррей ўз тадқиқотида мотивларни эҳтиёжларга асосланиб таҳлил этишга жазм қилди ва натижада 20 хил психоген эҳтиёжларни ажратиб чиқди ва улар латин алфавитига кўра тартибланди:

1.жабрланиш	11.зарар кўришдан қочиш
2.эришиш	12.муваффақиятсизликдан қочиш
3.аффилияция	13.
4.агрессия	14.тартиб
5.мустақиллик	15.ўйин
6.зиддиятлашув	16.маъно ҳосил қилиш
7.хурматлаш	17.жинсий муносабат
8.ҳимоя	18.
9. етакчилик қилиш	19.Ёрдам излаш
10.Ўзига эътибор қаратиш	20.тушуниш.

А.Мюррейнинг изланишлари натижасида Тематик апперстепция тести (ТАТ) психология тақдим этилди.

К.Левин эса инсон мотивациясининг намоён бўлиши шароитида бир неча турдаги низолар вужудга келишини ажартиб кўрсатади:

«интилиш-интилиш» низоси

«Қочиш-қочиш» низоси

«Интилиш-қочиш» низоси

«қўш интилиш-қочиш» низоси

Қизиқиш шахснинг муҳим психологик жабҳаларидан бири ҳисобланиб, унда инсоннинг индивидуал хусусияти бевосита мужассамлашади. Қизиқиш-инсонларнинг дунёқараши, эътиқодлари, идеаллари, яъни унинг олий мақсадлари, езгу ниятлари, орзу умидлари билан бевосита муҳим роль ўйнайди ҳамда уларнинг муваффиқиятли кечишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Қизиқиш билимларни онгли, пухта, барқарор, англаган ҳолда ўзлаштиришда, кўникма ва малакаларни шакллантиришда, шахс қобилияти, зеҳни, уқўвчанлиги ривожлантиришга, оламни мукамалроқ тушунишга, билим савиясининг кенгайишига ёрдам беради.

Қизиқиш мотив сингари борлиқнинг мўъжизакор томонларини билишга, фан асосларини эгаллашга фаолиятнинг турли-туман шакллариغا нисбатан ижодий ёндашишни вужудга келтиради, меҳнатга, таълимга масъулият билан муносабатда бўлишни шакллантиради, ҳар қайси яккаҳол (индивидуал) шахсда ишчанлик, ғайрат-шижоат, егилмас иродани таркиб топтиришга пухта психологик шарт шароитлар яратади. Қизиқишнинг психологик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашилганда, қизиқиш, инсонда интилиш, фаолик, ички туртги, эҳтиёжни рўёбга чиқариш манбаи ролини бажаради.

Жаҳон психология фанининг йирик намояндалари шахснинг қизиқишини унинг яхлит руҳий дунёси билан, бинобарин, одамнинг ақлий фаолияти, билиш жараёнлари,

иродаси, характери, темпераменти, ҳиссиёти, қобилияти билан, умуман олганда инсон тузилишининг барча қирралари билан боғлиқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қилганлар.

Қизиқиш муаммоси психологик нуқтаи назардан Н.А.Рибников, Н.Ф.Добринин, Н.Д.Левитов, М.Ф.Беляев, Л.А.Гордон, Л.И.Божович, Н.Г.Морозова, М.Г.Давлетшин, М.В.Воҳидов, В.А.Токарева, Е.Ғ.Ғозиев ва бошқаларнинг назарий методологик хусусиятга эга бўлган асарларида ҳамда махсус экспериментал тадқиқотларида ривожлантирилди.

Ҳозирги замон психологиясида қизиқиш объектив борлиқнинг инсонлар онгига субъектив тарзда акс этишларидан бири сифатида тан олинади. Қизиқиш шахснинг муайян воқеликдаги, маълум вазиятдаги турли нарса ва ҳодисаларга танлаб муносабатда бўлишида, инсоннинг ўзига хос қарор қабул қилишида, ўзини ўзи назорат эта билишида, мақсадга интилувчанлигида, юзага келган объектив ва субъектив тўсиқларнинг енгишида ифодаланади.

Психология фанининг йирик намояндаларининг таълимотича, қизиқиш одамларнинг эҳтиёжлари негизида юзага келади, яққол ижтимоий тарихий шарт-шароитда, вазиятда вужудга келади, шаклланади, барқарорлашиб боради ҳамда уларнинг шахсий турмуш шароитида ва фаолиятида, ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиши сингари омилларда гавдаланади. Умумий талқинларга асосланиб мулоҳаза билдирилганда, қизиқиш алоҳида жараён, маълум психологик функция эмас, чунки у ҳис-туйғу, ирода, онг, қолаверса жамики психик ҳолатлар, ҳодисалар ва ички кечинмаларнинг ўзида мужассамлаштирган, мураккаб тизимли руҳий воқеликдир.

Қизиқишни психологик моҳиятининг дастлабки кўриниши-бу уни одамлар томонидан англаб етиши ёки тушуниш имкониятидир. Шахс қизиқиш маҳсулини, унинг оқибатини англаш, тасаввур этиш орқалигина объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга онгли, танлаб муносабатларда бўлади. Лекин бу воқелик (англаш, тушуниш) инсонда бирданига содир бўлмайди, балки муайян вақт давомида унда билиш жараёнлари, шахсий фазилатлари, индивидуал-типологик хусусиятлари ривожланиши туфайли юзага келади.Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қизиқишнинг психологик моҳияти намоён бўлиши ақлий жараёнлар муҳим роль ўйнаши ҳодисаси қайд қилиниши у фақат интеллектдан ташкил топади, деган маъно англабмайди, албатта. Худди шу боисдан, қизиқишни психологик моҳиятининг иккинчи кўриниши-унинг ҳис туйғулар, эмоционал ҳолатлар билан уйғунлашган, мужассамлашган тарзда ифодаланишидир. Маълумки, ҳис-туйғулар, шунингдек, эмоционал ҳолатлар (эмоционал тон, кайфият, шижоат, эҳтирос ва бошқалар) шахснинг борлиқдаги аниқ воқеликка, нарса ва ҳодисаларга, муайян фаолиятга нисбатан интилишни, саъи-ҳаракатларни кучайтиради, жадаллаштиради, сафарбарликни объектга йўналтиради. Инсон ўз шахсий қизиқишини қондиргандан кейин унда ёқимли ҳис-туйғулар уйғонади, руҳий қониқиш эса ўз навбатида лаззатланиш (праксик) ҳисни вужудга келтиради, бунинг натижасида фрустрация (руҳи тушиш) унинг шахсиятини эгаллайди.

Қизиқишни психологик моҳиятининг учинчи кўриниши-унинг иродали сифатлари билан ёинки ирода акти билан умумлашган тарзда вужудга келишидир. Иродавий зўр бериш, муайян қарор бўйича интилиш, баъзи қийинчиликларни енгиш, мустақиллик намоён қилиш қизиқишни қарор топтиради, шахсни мақсад сари етаклайди.

Қизиқишни психологик моҳиятининг тўртинчи кўриниши- уни олий нерв фаолияти хусусиятлари ва темперамент типлари билан бирга мужассамлашган ҳолда намоён бўлишидир.

Қизиқишнинг нерв-физиологик механизмлари тўғрисида мулоҳаза юртилганда, даставвал рус олими И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг «бу нима?» рефлекси, яъни ориентировка (мўлжал олиш) рефлекси қизиқишнинг моддий негизини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади. И.П.Павлов ва унинг шогирдларидан кейин П.К.Анохин, Н.А.Бернштейн, Б.М.Теплов, В.С.Мерлин, В.Д.Небилистин ва бошқалар инсондаги қизиқишнинг нерв-физиологик механизмларини бош мия катта ярим шарлари пўстлоғида ориентировка рефлекси негизида мураккаб муваққат боғланишларнинг вужудга келишидир, деган йўсинда талқин қилмоқдалар. Қизиқишнинг моддий асослари- ўзаро индукция қонуни, пўстлокдаги оптимал кўзғалиш ўчоғи ва динамик стереотиплар (И.П.Павлов), доминанта (А.А.Ухтомский), ориентир мураккаб психофизиологик ҳодиса эканлиги (Е.Н.Соколов) ва бошқалар бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда қизиқиш шахснинг индивидуал психологик хусусиятидан иборатдир, деган хулоса одатий нарсага айланиб қолди.Шунга қарамасдан, баъзи манбаларда қизиқиш-муайян соҳа бўйича тўғри мўлжал олишга, янги омиллар билан танишишга, воқеликни тўла ва чуқур акс эттиришга ёрдам берадиган мотивдир, деган таърифга ҳам эгадир. Шунга мутаносиб тарзда қизиқиш билиш жараёни тусини кашф этадиган, ижобий ҳис-туйғуларда йўналтирилган объект билан чуқурроқ танишишга, у ҳақда кўпроқ маълумотга эга бўлиш, уни моҳиятини англаб етишга нисбатан шахснинг истагида намоён бўлади, қабилида мулоҳазалар ҳукм суради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахснинг иштиёғини қондиришга йўналтирилганлигини акс эттирувчи қизиқишнинг қондирилиши, ҳеч қачон унинг сўнишини ифодаламайди, аксинча объектнинг номаълум қирраларини аниқлашга нисбатан интилиш давом этаверади.Шу билан бирга қизиқишлар билишнинг, унинг жараёнлари функционал ҳолатининг доимий кўзгатувчи механизми сифатида вужудга келади ва акс эттиришда давом этади.

Психологияда қизиқиш мана бундай типларга ажратилиши мумкин: 1) мазмунига кўра: шахсий ва ижтимоий; 2)мақсадига биноан: бевосита ва билвосита; 3) кўламига қараганда: кенг ва тор; 4) қизиқишлар даражаси бўйича: барқарор ва беқарор ва бошқалар.

Қизиқишнинг мазмун жиҳатидан ўзаро тафовутланиши қуйидагиларда мужассамлашади: билиш эҳтиёжларининг объектлари қайсилар, билишнинг мазкур фаолият мақсади билан мутаносиблиги, шахснинг яшаётган муҳитига нисбатан муносабати кабилар. Шахсда нималарга нисбатан қизиқиш уйғонади, унинг билиш эҳтиёжлари объектнинг ижтимоий қиймати қандай аҳамият касб этади? Инсоннинг шахсий қизиқиши келиб чиқишига кўра бирламчи бўлишига қарамасдан, у бир даврнинг ўзида ижтимоийлик хусусиятини касб этаверади. Унинг касбий фаолиятига нисбатан қизиқиши охир оқибатда жамият учун наф келтириши, равнақи учун қийматлидир. Ижтимоий хусусиятли қизиқишларнинг пайдо бўлиши шахсий аҳамият касб этиш сари етаклаши муқаррар. Чунки умумийлик (ижтимоийлик) билан хусусийлик (шахсга оидлик) уйғунлашган ҳолда ҳукм суради ва улар бир босқичдан бошқа бир босқичга автоматик равишда ўтаверади ёки улар доимо ўрин алмаштириб

туришади. Шахс ўз қизиқиши туфайли бирон-бир нарсани кашф етса, индивидуал эҳтиёжини қондиради, шунингдек, жамият, жамоа учун ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга бу нарса хизмат қилади. Шу боисдан жамиятнинг, жамоанинг энг долзарб вазифаларидан бири-ёшларнинг мустақил, фаол билишга, ижтимоий аҳамиятга мойилик меҳнат фаолиятига нисбатан қизиқиш уйғотишдан иборатдир. Токи уларда жиддий, сермазмун, жамият томонидан рағбатлантирилувчи, меҳр-муҳаббатга сазовор қизиқишлар шакллансин.

Қизиқишнинг мақсад жиҳатидан фарқи бевосита ва билвосита намоён бўладиган қизиқишларнинг мавжудлигини аниқлайди. Бевосита қизиқишлар воқеликнинг, жисмлар ва ҳодисаларнинг эмоционал жозибалилиги, ҳис-туйғуларга эга бўлишлиги, ташқи таъсирларга берилувчанлиги туфайли вужудга келади. Бевосита қизиқишлар ўрганилаётган нарсанинг маъноси билан унинг шахс фаолияти учун аҳамияти мос тушган тақдирда пайдо бўлиши мумкин. Психологияда бевосита қизиқишнинг юзага келишини фаолиятнинг мақсадини англаш билан боғлиқ бўлган билишни эҳтиёж деб аташ қабул қилинган. Меҳнат ва ўқиш фаолиятида ҳамиша ҳис-туйғуга, жозобага таяниб иш тутиш имконияти мавжуд бўлмаслиги сабабли жисмоний ва ақлий меҳнатни онгли идора қилишда муҳим аҳамият касб этадиган бевосита қизиқишларни таркиб топтириш масаласи ишлаб чиқариш ҳамда таълим тизими олдида турган муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, у ёки бу нарсаларни (ҳодисалар моҳиятини) билиш, кўриш, идрок қилиш, англаб етиш учун қизиқарли туюлган ички кечинмалар бевосита қизиқишни акс эттиради. Билвосита қизиқишлар меҳнат фаолияти ёки таълим олиш жараёнининг муайян ижтимоий аҳамияти билан унинг шахс учун субъектив аҳамияти ўзаро мос тушганида билвосита қизиқиш юзага келади. Бинобарин, шахс мазкур жараёнда бу нарсалар мени қизиқтиргани учун жуда қизиқарлидир, деган хулосага келади. Меҳнат фаолияти ва таълим жараёнини онгли ташкил этиши етакчи ва устувор роль ўйнайдиган билвосита қизиқишларни таркиб топтириш учун махсус тренингларга, омилкор йўл-йўриқларга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Одамларнинг қизиқишлари ўзининг кўлами билан бир-биридан фарқ қилади. Шундай шахслар тоифаси ҳам мавжудки, уларнинг қизиқишлари фақат биргина соҳага қаратилган бўлади. Бошқа бир тоифага тааллуқли одамларда эса қизиқишлар қатор соҳаларга, фанларга, объектларга йўналтирилганлигини учратиш мумкин. Лекин турли соҳага нисбатан қизиқишларнинг бири иккинчисига салбий таъсир этиши мумкин эмас, агарда улар оқилона бошқариш имкониятига эга бўлса. Қизиқишнинг торлиги кўпинча салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши мумкин, лекин айни чоғда уларнинг кенглиги ҳам нуқсон тариқасида таҳлил қилинса бўлади. Бироқ шахснинг баркамол шахс бўлиб камол топиши қизиқишлар кўламини тор эмас, балки кенг миқёсда бўлишни тақозо этади.

Қизиқишлар ўзларининг даражасига қараб барқарор ва беқарор турларга ажратилади. Барқарор қизиқишга эга бўлган шахс узоқ вақт давомида ёқтирган предметларига, объектларига, ҳодисаларга нисбатан ўз майлини ҳеч ўзгаришсиз сақлаб тура олади. Шу боисдан инсон эҳтиёжларини ўзида мужассамлаштирувчи, шахснинг руҳий фазилатига айлана бошлаган қизиқишлар барқарор қизиқишлар дейилади. Барқарор қизиқиш шахс қобилиятининг ривожланганлигидан дарак бериши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда, мазкур қизиқиш ташхис қилувчанлик

хусусиятига эга. Бироқ инсонларда барқарор қизиқишнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун уларнинг меҳнат фаолияти ва ўқув жараёнидаги қизиқишларининг ташқи ифодасини атрофлича ўрганишга тўғри келади. Одатда қизиқишнинг ташқи ифодаси шахснинг ўзига ўзи баҳо бериш, ўзини ўзи таҳлил қилиш фаолиятларида намоён бўлади. Барқарор қизиқиш тўғрисида мулоҳаза юритилганда, унинг бошқа таркибий қисмлари ва қирраларини ҳисобга олиш лозим, чунки бу нарса кўп жиҳатдан шахснинг иродавий сифатлари, характерининг вазминлигига боғлиқ.

Қизиқишнинг барқарорлиги унинг нисбатан жадал тарзда намоён бўлиши ҳамда узоқ давом этиши билан ифодаланади. Шахснинг зарурий эҳтиёжларини юксак даражада акс эттирадиган, шунингдек, унинг психологик тузилишига хос хислатларга айланиб борадиган қизиқишлари барқарор қизиқиш дейилади. Барқарор қизиқиш қобилиятнинг бир кўринишига ўхшаш бўлиб, мақсадга йўналганлиги билан муҳим ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий аҳамиятга, қийматга эгадир.

Қизиқишларнинг баъзи ҳолатларда беқарор бўлишлиги инсонларнинг ёш, жинс, типологик хусусиятига боғлиқдир. Бундай тоифадаги одамларда қизиқишлар ғоятда эҳтиросли кечади, бироқ қисқа муддатли бўлиши мумкин. Масалан, бир вақтнинг ўзида улар бир нечта фанларга, табиат ҳодисаларига қизиқади, барча нарсага иштиёғ билан киришиб, муаммо моҳиятига чуқур кириб бормасдан, бошқа ҳолатлар билан машғул бўлиб кетадилар. Ундай хусусиятли шахслар машғулотларга тез киришади ва шундай йўсинда сўниб туради ҳам. Қизиқишлар салоҳиятли вояга етган одамларнинг, ёшларнинг ўз истеъдодларини мақсадга йўналтирган тарзда амалга ошишини таъминлайди.

Шахсдаги қизиқишларни ривожлантириш ва барқарорлаштириш учун уларнинг негизини ташкил этадиган фаолият билан машғул бўлишга, мақсадга мувофиқ равишда шуғулланишга, майл уйғотишга пухта замин ҳозирлаш зарур, токи қизиқишлар мотив, эҳтиёж, эътиқод функциясини бажаришга айлансин.

Шундай қилиб, қизиқишлар-шахс фаолияти асосларининг танҳо йўналиши эмас, лекин унинг энг муҳим жиҳатидан иборатдир.

Психология фанининг сўнги даврдаги маълумотларига асосланган ҳолда қизиқишнинг бир нечта даражаларга ажратиш мумкин: а) синчковлик, б) қизиқувчанлик, в) билишга қизиқиш, г) турғун ёки касбий қизиқиш. Синчковлик қизиқишнинг бирор нарсага нисбатан кучли интилишдан иборат қисқа муддатли тури ёки даражасидир. Қизиқувчанлик шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, уларнинг билишга нисбатан фаол муносабатидан иборат қизиқиш даражасидир. Билишга қизиқиш англашинилган даражадаги, мақсадга мувофиқлашган, жисмоний ва ақлий фаолиятнинг янги қирраларини эгаллашга йўналтирилган қизиқиш туридир. Турғун қизиқиш шахснинг касбий кўникмалар, малакалар ва билимларни эгаллашга йўналтирилган, касбий тайёргарлик даражаси билан уйғунлашган, мақсадга эришиш йўлида фаоллик кўрсатувчи қизиқиш туридир.

Шахслар ихтиёрига пиктограмма, анаграмма, турли хусусиятли тестларни ҳавола қилиш уларда қизиқишнинг ички механизмларини келтириб чиқаради. Бу нарса ўз навбатида уларда ўз қизиқишини ўзи бошқариш кўникмасини шакллантиради, ҳар қандай кўзғолувчига жавоб беришдан иборат стереотип ҳосил бўлади.

Қизиқишнинг бу тури ва унинг юқори босқичи шахснинг воқелиқдаги ички боғланишларни, муносабатларни билиб олишга йўллайди ҳамда руҳий тўсиқлар ва қийинчиликларни енгадиган, муваффақиятсизликлардан чўчимайдиган, қатъиятлик, интилувчан, толиқмас индивидуал хусусиятни шакллантиришга ёрдам беради. Одамларда ўзини ўзи бошқариш, шахсий қизиқишини идора қилиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини қўлга олиш, ўзини ўзи такомиллаштириш сингари шахс хусусиятларини шакллантириш ижтимоий, тарихий ҳамда ижтимоий психологик аҳамият касб этади.

Шахснинг установкаси ёки англанилмаган майллари

Психология фанида хулқ-атвор ва фаолиятга қаратилган англанилмаган майллар орасида муайян даражада тадқиқ этилгани установка (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) муаммоси ҳисобланади. Ушбу умумий психологик масала грузин психологи Д.Н.Узнадзе ва унинг шоғирдлари томонидан кенг қўламда ўрганилгандир.

Установка инглизча сеп дейилади, ўзбек тилида эса кўрсатма бериш, англанилмаган майллар, йўл-йўриқ кўрсатиш маъносида қўлланилиб келинади. Лекин кейинги атамалар унинг ҳақиқий моҳиятини, маъносини ўзида мукамал акс эттирмайди, шунинг учун терминни ҳеч ўзгаришсиз қолдирса ҳам бўлади.

Одатда установка деганда, билиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжни маълум услубда қондиришга руҳий жиҳатдан тайёр туришлик тушунилади. Установка шахснинг ўзи англаб етмаган муайян руҳий ҳолати ёки майлидир. Бундай ҳолатда шахс бирон бир эҳтиёжни қондириш мумкин бўлган маълум фаолиятга нисбатан руҳан тайёр туради. Установканинг мавжудлиги ва унинг қонуниятлари экспериментал тарзда таъкидлаб ўтилган илмий мактаб намояндалари томонидан аниқланган. Мазкур тажрибада синалувчига иккита, биттаси катта, иккинчиси эса кичикроқ соққачани узлуксиз равишда бир нечта (10-15) марта кўзи юмуқ ҳолда пайпаслаб таққослаш таклиф қилинади. Экспериментнинг навбатдаги босқичида соққачалар алмаштирилиб, барабар жисмлар ҳар хил туюлади, яъни синалувчида иллюзия (нотўғри акс эттириш) ҳолати юзага келади. Бундай психологик воқеанинг вужудга келишига асосий сабаб шуки, объектив жиҳатдан ўзаро тенг соққачалар таққосланганлигида улар бир бирига тенг эмас, деган майл билан фавқулодда субъектив шароитда иш тутилганлигидир. Ушбу ҳолат оддийроқ қилиб тушунтирилганда, таққослаш жараёни установка (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) асосида амалга оширилганлиги учун шундай оқибатга олиб келгандир.

Д.Н.Узнадзенинг таъкидлашича, инсонда установка билан боғлиқ психофизиологик ҳолат марказий нерв системасигина эмас, балки унинг периферик қисми фаолиятини ҳам маҳсули бўлиб ҳисобланади. Д.Н.Узнадзенинг тажрибаларида синалувчининг ўнг қўлига навбат билан аввал катта, кейин кичик соққачалар бериб турилади ва бу вазият 10-15 марта такрорланади. Тажрибанинг охириги босқичида синалувчининг чап қўлига бир-бирига тенг соққалар берилади. Бунинг натижасида унинг чап қўлида ҳам иллюзия, яъни нотўғри идрок қилиш вужудга келади. Кўз билан идрок қилишда иккита ўзаро тенг объектларни қайд қилишдаги установка ўнг кўзга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Экспериментал тарзда ўрганилган установкали вазиятларни такрорлаш евазига инсонинг ўзига сезилмаган ҳолда муайян объектларда субъектга тааллуқли «фиксал установкалар» (қайд этилган установкалар) вужудга келганлиги аниқланган. Демак, установкани экспериментал тадқиқот этиш натижасида

англанилмаган майллар аста-секин қайд қилинувчи (фиксацион) даражасига ўсиб ўтиш мумкин.

Ижтимоий турмушда Д.Н.Узнадзенинг натижаларига ўхшаш қатор маълумотлар шахсда мустахкамланиб қолганлиги туфайли установа функцияларини бажариб келмоқда: 1) бошланғич синф ўқувчиларининг олдида турган установакалар худди шундай тоифага кирганлиги сабабли ўқитувчининг барча топшириқларини дарҳол бажаришга тайёр турадилар; 2) ҳисобчиларга нисбатан кўрс, расмиятчи дейишлик; 3) олимларга нисбатан паришонхотирлик; 4) савдо ходимларига нисбатан уздабуронлик, даромат қилишга устаси фаранглик; 5) боланинг ҳақгўйлиги, сир тутмаслиги; 6) қариянинг сўзи тугагунча-ўсалнинг жони узилиши тўғрисидаги фикр мулоҳазалар установакага яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, баъзи жамоаларда, гуруҳларда, оилаларда установакага асосланиш, уларга ишонч нохуш оқибатларга олиб келади. Авторитар тафаккур, миллий стереотип, етник расм-русумлар ҳам установакага мисолдир. Даволовчи шифокорнинг установакаларига беморнинг риоя қилиши ирқчилик муносабатлари, илмий унвонли зиёлиларга берилган супер (орттирма) баҳолар ва бошқалар установаканинг англанилмаган шаклини ўзида мужассамлаштиради. Шунини таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда шахс учун англанилмаган установака ўз позициясини аниқ намоиш қилишда эътиқот сифатида гавдаланади, англанилмаган омиллар тариқасида акс этади.

Грузин психологлари томонидан установаканинг турлича хислатлари (қўзғалувчанлик, динамиклик, статиклик, пластиклик-дағаллик, лабиллик-стабиллик, иррадиация-генерализация) ва типлари (диффуз, дифферианстиаллашган, фикстациялашган) аниқланган. Уларнинг фикрича, установаканинг баъзи бир хислатлари мутаносиблиги унинг ҳар хил типларининг вужудга келтиради. Психоз ва неврозлар установаканинг патологик ўзгаришларида ўз ифодасини топади. Шунингдек, установака инсон ҳукмронлигини ва қудратини ташкиллатиришнинг юксак даражаси саналади. У хулқ- атворининг батартиблиги ва изчиллигининг асоси ҳисобланади. Уларнинг мулоҳазаларича, установака инсонинг муайян шаклда муносабат билдиришга юксак йўсинда умумлашган тайёргарлик ҳолати, реакциянинг яққол натижасининг кодлаштирилган нейродинамик модели, мазкур реакция вақтини олдиндан пайқаш, қолаверса яхлит фаолият тузилишининг ажралмас жабҳаси ҳисобланади. Шунинг учун установака ўзгарувчанлик ва барқарорлик жипс бирлигини аниқлашга хизмат қилади. У ўзининг ўзгарувчанлик билан муносабат билдириши жавоб қайтаришнинг барқарорлигини таъмилайди.

Установаканинг юксакроқ босқичи англаниш кўринишга эга бўлади. Гуруҳий ва жамоавий муносабатларда унинг аъзоларини ишонтириш (уларга таъсир ўтказиш) орқали муайян йўналишга сафарбар қилиш; фикрларда умумийликни вужудга келтириш ҳолатлари бунга ёрқин мисолдир ишониш ва ишонтириш одамларнинг характер хислатига, хулқ-атворида бевосита боғлиқ. Бу ҳолат психологияда экспериментал тарзда тадқиқ этилган. Масалан, синалувчиларга маълум вақт оралиғида соатига қарамай, секундларини ўз ичида санаш орқали бир минутнинг чўзилишини аниқлаш имкониятига эга бўлганлар. Кейинчалик бу санаш сигнал бериш билан текширилиб турилган, баъзан «ёлғон» сигналлар, яъни лампочка ёниш билан тажриба бўлинишга йўл қўйилган. Қатнашчиларда экспериментаторга ишонч бўлганлиги сабабли хатоларга йўл қўйилган.

Ишонувчанликни аниқлашда «конформизм» (келишув, мураса-ю, мадора) дан фойдаланилган. Ички ва ташқи келишувчанлик (конформизм), ичдан келишмовчилик (ноконформизм) гуруҳий ишонувчанлик моҳиятини ўрганиш учун объект сифатида фойдаланилган. Бир гуруҳ одамларнинг очик овоз бериш конформизмининг намоён бўлишидир. Лекин конформизм «сохталик»ни ҳам келтириб чиқариш мумкин, унинг акс эттирувчиси эса конформист деб аталади, кўпинча идеаллардан воз кечиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Хулқ-атвор ва фаолиятнинг англанилмаган омиллари қаторига майллар киради. Ҳали дифференциялашмаган, етарли даражада англанилмаган эҳтиёждан ташкил топган хулқ-атвор ва фаолиятини амалга оширишга ундовчи омил майл деб аталади. Мойиллик ҳолатига кириб бораётган шахс учун жалб қилаётган объектида уни нима кизиқтираётгани ва қайси аломат ўзига тортаётгани сабаби ноаниқлиги. Фаолият мақсади субъектига номаълумлиги туфайли майл ҳукм суради. Бундай психик ҳолат инсонларда тез-тез учраб турса-да, лекин ўзининг тезкор ўткинчилиги билан бошқа воқеалардан ажралиб туради. Одатда ушбу моҳиятли психик ҳолатни ҳаракатлантирувчи эҳтиёж сўниши ёки тилакка айлантириш мумкин. Бинобарин, у хоҳиш, ният, орзу, фантазия каби шаклларга айлантириш туфайли шахс томонидан англанилади. Бундай шаклдаги майлларнинг одамларда мавжуд бўлиши уларнинг яқин ва узоқ келажакка интилишлардан далолат беради.

3. Фрейд майлларга нисбатан ўзига хос назария яратган бўлиб, у аксарият ҳолатда жинсий (инстинктив) майллар тўғрисида мулоҳаза юритади (либидо-жинсий майл), «едип комплекс» («Шоҳ Едип» асари бўйича), «психоанализ» атамалари орқали кўрқин, ҳимоя, бегоналашиш сингари инстинктив мойилликни талқин қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлик, ҳар қандай англанилмаган майллар ўзидан ўзи йўқолиб кетмайди, балки улар бир босқичдан, кўринишдан иккинчи турга, шаклларга алмашади, мутлақо бошқача янги сифатга эга бўлади. Улар мақсадга, талабга ўсиб ўтиши билан англанилганлик даражасига эришади. Кўнгил ғашлик, руҳан безовталаниш, номаълум хатти-ҳаракатлар сабаби инсонга номаълум бўлса, улар англанилмаган даражада эканлигини билдиради ва майл функциясини бажаради.

Шахснинг эътиқоди ва дунёқараши. Жаҳон психологияси маълумотларининг кўрсатишича, хулқ-атворнинг муҳим мотивларидан бири бўлиб эътиқод ҳисобланади. Баъзи манбаларда унга мана бундай таъриф берилган: эътиқод-шахсни ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда қарорга келишга ундайдиган муҳим мотивлар тизимидир. Бошқа сўз билан айтганда, эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни-бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнинг муайян тарздаги тушунилиш демакдир. Бу билимлар фалсафий, эстетик, табиий-илмий нуқтаи назардан тартибга солинса ва ички уюшган тизими ташкил этилса, у тақдирга шахснинг дунёқараши сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ. Психология фани дунёқарашнинг шаклланиш жараёнини тадқиқот қилади, ижтимоий тарихий тараққиёт ҳодисаларининг тўғри баҳоланишини, эволюцион йўсинда таркиб топишини, ахлоқий принциплар, дидлар юз беришини, табиат ҳодисаларига ва жамиятнинг қонуниятларига нисбатан қарашларнинг шаклланиши қай тарихи юз беришини ва бошқаларни аниқлайди.

Назорат учун саволлар:

- 1.Мотив ва мотивация муаммосини изоҳланг?
- 2.Мотивация муаммосини ўрганилиш назарияларини айтинг?
- 3.Қизиқишларнинг психологик моҳиятини тушунтиринг?
- 4.Шахс установакиси ва англанилмаган майллар нима?
- 5.Шахс қизиқишларини ривожлантириш ва барқоролаштириш нималарга боғлиқлиги?

9-мавзу: Психологик принципларининг XXI асрда талқини.

РЕЖА:

1. Принципларнинг психологик ҳолатлар,ходисалар, хусусиятлар, хислатлар, механизмлар орасида тутган ўрни ва мавқеи.Билиш жараёнлари ва профессионал фаолият.
2. Психология принциплари ҳақида умумий маълумот.
- 3.Тарихийлик принципи ва унинг инсоншунослик фани учун аҳамияти.

Таянч сўз ва иборалар:

Тамойил, ҳолат, ҳодиса, хусусият, хислат, механизм, детерминизм, концепция, онг, фаолият, назария, монизм, давр, ўзгариш, тарихийлик.

Жаҳон психологияси фанида хулқ-атвор,муомала ва фаолият муваффақиятини таъминловчи омилларнинг энг муҳими тарикасида инсоннинг эмоционал ҳаёти ётиши аксарият назариётчи психологлар томонидан таъкидлаб ўтилади. Бу талқиннинг ҳаққонийлигига ҳеч қандай эътирозлар бўлиши мумкин эмас.Чунки мазкур омил экспери-ментал психологиянинг мустақил соҳа сифатида вужудга келишидан эътиборан устувор, далил такозо қилмайдиган атрибут сингари тадқиқот предмети моҳиятига сингиб кетган. Шунини алоҳида таъкид-лаб ўтиш лозимки,инсон муомаласининг, хулқ-атворининг кечиши, фаолиятининг муваффақиятли, сермахсул яқунланиши кўп жиҳатдан шахснинг эмоционал ҳолатларига «эмоционал тон, кайфият, стресс, аффект ва ҳоказо», изоҳланиши мураккаб бўлган руҳий кечинмалар-га,юксак ҳис-туйғуларга боғлиқ.

Уйин, меҳнат, ўқиш, муомала ва рошқа фаолият турларининг муваффақиятли кечиши, шахслараро муносабатларда хулқ-атворнинг намоён бўлиши ижобий

психологик ҳолат сифатида баҳоланса, эмо-ция ва ҳиссиётнинг барқарор, мақсадга йўналган тарзда ҳукм суриши эҳтимоли эътироф этилади. Ҳис-туйғуларнинг мустаҳкамлиги, барқа-рорлиги, мукамаллиги сифатларнинг мавжудлиги уларнинг динамик стереотиплар типига айланганлигидан далолат беради, фаолият ва хулкнинг шахс томонидан онгли равишда бошқариш услуби шакл-ланганлигини билдиради. Табиатнинг таркибий қисмлари ва жамият-нинг аъзолари билан турли шаклдаги, ҳар хил хусусиятли муноса-батга киришиши, улар билан муомала қилиш маромларини даврий «муваққат тарзда» ўзгаришни вужудга келтиради. Ана шу ўзгариш туфайли муваффақият ва муваффақиятсизлик, омад ва омадсизлик, оптимизм ва пессимизм, романтика ва реалия, симпатия ва антипатия, прогресс ва регресс, жўшқинлик ва тушқинлик, фаоллик ва сустлик каби биринчиси ижобий (позитив), иккинчиси эса салбий (негатив) Рухий ҳодиса келиб чиқади. Фаолият ва хулкнинг Ёмалиётида бир тепинг барқарорлигининг бузилиши унга киес килинган муваффақиятнинг бирламчи омили тугрис даги илми маълумотларнинг шуоҳа остида колдиради. Бинобар жамики нарсанинг бошлангич асоси, манбаи эмоция деган гоғни унинг кииматини умумий фонда бирмунча кадрензлантиради лек иккинчи, устувор ва етакчи, умумий ва хусусий объектив ва субъектив, муҳим ва номуҳим мезонлар, аломатлар, ўғ, чамлар ёрдами билан баҳоланиши ушбу психологик масала моҳиятини оқилона талкин ки лиш заруриятини вужудга келтиради.

Объектив (табиий) шарт-шароитлардан ташқари, инсон омили билан узвий боғлиқлиги субъектив (шахсга оид, унинг киёфасига боғ-лнк) шарт-шароитлар муомаланинг, фаолиятнинг, хулкнинг ижтимо-ий турмушда самарали амалга ошишини узлуксиз равишда таъминлаб туради. Субъектив шарт-шароитларнинг қаторига шахснинг барқа-рорлиги, характернинг мустаҳкамлиги, эҳтиёж, мотив, маслак, салохиятининг пухталиги, ўзини ўзи бошқариш услубининг қатъий равишда шаклланганлиги, биологик шартланган хислатлар эса ўзаро уйғунлашганлиги кабилар киради.

Одатда объектив (табиий) ва субъектив (шахсга оид) шарт-шароитлардаги ўзгаришлар туфайли ижобий (позитив) ёки салбий (негатив) хусусиятли психологик ҳолатлар, ҳодисалар, хислатлар, ке-чинмалар устуворлиги юзага келиб, моддий асос функциясини бажа-рувчи олий нерв фаолиятини, марказий нерв системасининг ритми-касини, ишчанлик кобилиятини пасайтиради. Бунинг оқибатида фао-лият, хулк ва муомала амалга оширишда одатий саъй-ҳаракатлар, операциялар, маромлар бузила бошлайди, фавқулодда асабийлик, руҳий нуқсонийлик, қонуниятдан четга оғишлик, нохуш кечинмалар ҳокимлиги етакчилик қилади. Худди шу сабабдан, фаолият, хулқ ва муомаланинг муваффақияти шубҳа остида қолиши мумкин, чунки маҳсулдорлик, собитқадамлилиқ, мақсадга йўналганлик сифатлари-ининг доминантлиги йўқолади, натижада ушалмаган эзгу ниятлар ар-мон тарикасида юксак ҳис-туйғулар сифатида даврий ҳукм суришда давом этаверади.

Инсонинг табиатга ва жамиятга нисбатан муносабати тасодифлар-сиз, фавқулоддаги вазиятларсиз амалга ошиши мумкин эмас, чунки эҳ-тимоллар даражасидаги кутилманинг йўқлиги режасиз вазиятларни шахсининг идрок майдонида келтириб чиқаради. Ҳаёт ва фаолият стра-тегияси ва тактикасининг экстремал тарзида ўзгариши индивидуал ва ижтимоий хусусиятли вазиятларнинг пайдо бўлишга олиб келади. Вазиятлар стихияли, хаотик (бетартиб, тасодиф) хатти-ҳаракатларни вужуд-га келтириб, текис, одатий, даврий, барқарор хусусиятлар ритмикасини издан чиқаради, натижада инсоннинг

мотивацион, эмоционал, когнитив, регулятив, хулқий, иродавий тузилиш таркибларининг функцияси бузилади. Шахс тузилишга фавқулоддаги вазиятларнинг ички ларзаси фаолият, хулқ ва муомаланинг онглилик ҳолатидан онгсизликка ўтишини тақозо этади, бинобарин, муваффақиятсизлик реалияга айланади. Хўш, нима учун шахс тасодифларнинг олдини олишга тайёр эмас ёки кўпинча бу борада кучсизлик, ожизлик килади?

Ушбу муаммо ечимини жуда содда тарзда ҳал қилиш ҳам мумкин:

1) шахс онгли зот, яратувчилик кудратига эга бўлишидан катъи назар-у табиатнинг таркибий қисми, инстинктлар, шартсиз рефлекс-лар таъсирига берилувчандир: 2) шахснинг тана аъзолари (организми) фавқулоддаги ҳодисалар ва вазиятларга мослашган эмас (стихия, ҳа-локат, тасодиф, стресс, аффект, хавф-хатар-риск); 3) шахс комиллик даражасига эришмаганлиги туфанли сабабий боғланиш оқибатларини, фобия (кўрқиш) билан боғлиқ ҳис-туйғуларни олдиндан сезиш, пайқаш, уларга нисбатан акс таъсир бериш имкони йўқ; 4) шахсда ик-кинчи қиёфанинг шаклланмаганлиги (тест, тренинг, тренировка билан куролланмаганлиги) унинг хавф-хатар курбонига айлантириши шубҳасиз.

Жаҳон психологияси фанининг маълумотларига караганда, му-ваффақиятсизликдан ҳеч ким ҳимояланган эмас, чунки ижтимоий иммунитет жуда кучсиз аксил таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Маълумки, жисмоний, ахлокий ва ақлий баркамоллик туб маънодаги комил инсон тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради ва таркибларнинг тўла муносиблиги, уйғунлашганлиги, ўзаро тақозо этувчан-лиги асосий мезон вазифасини бажаради, комиллик даражаси субъ-ектнинг маънавий дунёсига айланмас экан, у тақдирда ҳеч ким тасодифлар, фавқулоддаги вазиятлар шахс томонидан одатий ҳодиса сифатида осойишта қабул қилинмайди.

Муваффақият гарови (кафолати) функциясини бажарувчи омил-ларнинг генезиси тўғрисидаги фикр юритилганда, энг аввало, улар-нинг бирламчилиги, асосий манба эканлигини назарда тутиш назарий ҳамда методологик муаммолар ечимини оқилона топишга пухта негиз ҳозирлайди, бошланғич ҳаракат нуктасини белгилаб беришга хизмат қилади. Назарий мулоҳазаларга биноан, фаолият, хулқ ва муомала-нинг бир текис, самарали кечиши генетик нуктаи назардан куйидагиларга боғлиқ:

1. Объектив (табиий) ва субъектив (шахсга оид) шарт-шароитлар мавжудлигига.
2. Объектив ва субъектив шарт-шароитлар ҳукм суришини ўзгартирувчи тасодифий ва фавқулоддаги вазиятлар таъсирчанлигига, устуворлигига.
3. Эмоция ва ҳиссиётнинг ижобий (позитив), салбий (негатив) хусусият касб этишига.
4. Инсоннинг шахслилик ва характерологик хусусиятларининг барқарорлигига.
5. Шахснинг комиллик даражасига эришганлигига ва хоказо.

Шахснинг ҳаёт ва фаолиятида муваффақиятга эришиш, мақсадига мувофиқ саъй-ҳаракатларни унга йўналтириш учун куйидаги-парга эътибор қилиш заруратининг заруратидир: объектив ва субъектив шарт-шароитлар ўзгарса, уларга туза-тишлар (коррекция) киритишгатайёргарликка;

- 1) фавқулоддаги вазиятларга кўникиш учун шахсга тренинг ёрда-ми билан таъсир ўтказишга, унда иккинчи қиёфани шакллантиришга;

2) организмнинг ҳар қандай стихияларга чидамлигини ортти-ришга;

3) комилликка интилиш ҳис-туйғуларни такомиллаштиришга;

4) шахс имкониятларни рўёбга чиқишга кўмаклашишга ўзини ўзи кашф қилиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи такомиллашти-риш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқа-риш. ўзига ўзи таскин бериш, ўзини ўзи қўлга олиш ва хоказо. Инсон ҳаётини ва фаолиятини ўзгартирувчи асосий омиллар мавжуд бўлиб, улар муайян даражада шахснинг таъсирига берилувчандирлар.

Назорат учун саволлар:

1. Умумий психологиянинг асосий принципларини айтинг?
2. Хулқ ва муомаланинг самарали кечишини генетик нуқтаи назарлардан изоҳланг?
3. Шахснинг комиллик даражасига эришишининг психологик омиллари?
4. Муваффақиятларга эришишда саъй-ҳаракатларнинг ўрни қандай?

10-мавзу: Детерминизм, онг ва фаолият бирлиги ва монизм принциплари ва уларнинг XXI асрдаги талқини.

Режа:

1. Детерминизм принципи ва унинг XXI асрдаги талқини. Унга нисбатан муносабатларнинг концепцияларда акс этиши.

2. Онг ва фаолият бирлиги принципи. Унинг ижтимоий-тарихий аҳамияти ва ҳозирги замондаги таҳлили.

3. Монизм принципининг шахс бетакрорлиги концепциясига нисбатан қафолат эканлиги. Монизмнинг давр талабига биноан ўзгариш хусусиятлари.

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар.

Детерминизм, концепция, онг, фаолият, назария, монизм, давр, ўзгариш, тарихийлик.

Умумий психологиянинг асосий принциплари, детерминизм, онг ва фаолият бирлиги, психиканинг фаолиятида ривожланиши бўлиб ҳисобланади.

1. Детерминизм (лат. *caelestipala*) белгилайман. маъносини билдиради) принципи табиат ва жамият ҳодисалари, шу жумладан, пси-хик ҳодисаларнинг объектив сабаблар билан белгиланиши ҳақидаги таълимотдир. Шу боисдан психика, онгнинг объектив борлиқ ва нерв системаси билан белгиланиши илмий психологиянинг буюк ютуғи ҳисобланади. Шунинг учун детерминизм психиканинг турмуш тарзи билан белгиланишини ва турмуш тарзи ўзгаришига мутаносиб ра-вишда у ҳам ўзгаришини англатади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоиз-ки; ҳайвонлар психикасининг ривожланишини биологик кунун тарзи-Даги табиий танлаш мезони билан ўлчанади.

Ҳайвонлардан фарқли ўларок инсонда онг шаклланишининг пайдо бўлиши муайян босқич-лар орқали ривожланиши моддий ишлаб чиқарилиш воситаларини "Ратиш ҳамда такомиллаштириш, маҳсулотларни қайта ишлаш қо-Унлари билан белгиланади. Инсон онгининг ижтимоий-тарихий та-Раққиёт хусусиятига эга эканлигини англаши (тушуниш) шахс онги-нинг ижтимоий борлиққа (макро, микро, мизе муҳитига) боғлиқлиги ҳақидаги ҳам таоиятшунослик, ҳам инсоншунослик умумий принцип-га асосланган буюк хулоса кишилиқ жамиятининг оламшумул танта-наседир.

2. Онг билан фаолият бирлиги принципини психология фанида қабул қилиниши шундай маънони англатади: а) онг билан фаолият бир-бирига карама-карши воқелиқ эмас; б) онг билан фаолият айнан бирор-бирига ўхшаш ҳам эмас; в) онг билан фаолиятнинг бирлиги уларнинг ҳукм суриши механизидир (Э.Ф.). Фаолият ўзининг тузи-лиши бўйича ички ва ташқи таркибларига эга бўлса-да, воқелиқ ташқи ифодаси билан ажралиб туради. Онг бўлса фаолиятнинг ички режасини, унинг дастурий жабаҳасини акс эттиради. Реал вақтларнинг ўзгарувчан (ривожланишини англатувчи) модели онгда юзага келади, одам атроф муҳит билан муносабатга киришганда ундан мўлжал ола-ди, натижада нуқсонларга йўл қўймайди. Фаолият онг ёрдамида амал-га ошади ва ўз навбатида онг мазкур жараёнда' такомиллашади (муаммо ва унинг ечими вариациялар, инвариантлар туртки вазифа-сини ўйнайди).

Илмий тадқиқот нуқтаи назаридан онг билан фаолият бирлиги принципи, биринчидан, ҳулк-атвор, фаолиятни мақсадга мувофиқ амалга оширишга қафолат беради; иккинчидан, ҳаракат, саъй-ҳара-катларни муваффақиятларга зришишнинг таъминловчи ички психо-логик механизмни аниқлашга имкон беради; уларнинг бирлиги психи-канинг объектив конуниятларини очишга муҳим имконияти, пухта шарт-шароит яратади.

Агарда психика фаолият самараси ва маҳсули сифатида талкин қилинса, у тақдирда психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиш принципи тўғри тушунилган бўлади. Мазкур принцип рус психолог-лари Л.С.Виготский, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.М.Теплов, Б.Г.Ананьев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

3. Психиканинг тараққиётини диалектика нуқтаи назаридан ту-шуниш психик тараққиёт инсоннинг меҳнат фаолиятига, таълимга, ўйин фаолиятига боғлиқ эканлигини аниқлашдан далолат беради. Иж-тимоий тажрибани ўзгартириш жараёнининг юз бериши шахс учун психик тараққиётнинг шакли сифатида хизмат килади ва дастурий билимларни эгаллашга мустаҳкам замин ҳозирлайди. Ҳар қайси фао-лият тури инсон психикасини ривожлантириш манбаи ва механизми ролини бажаради. Психологларнинг ушбу принципга тааллуқли фикрларидан намуналар келтирамиз: 1) Л.С.Виготский; таълим психиканинг ривожланишини йўналтиради, шу билан бирга бу жараёнда нгли фаолиятнинг янги, мутлақо бошқача шакллари яратилади; 2) П.П.Блонский: тафаккур кичик мактаб ёшида ўйинлар билан, ўспи-пинлик ёшида ўқиш билан боғлиқ тарзда ривожланади; 3) С.Л.Рубин-штейн; онг фаолиятда пайдо бўлиб, ана шу фаолиятда шаклланади; 4) Б.М.Теплов: қобилият факат ривожланишда мавжуд бўлади; лекин ривожланиши фаолият жараёнидан бошқача муҳитда юз

бермагандек, кобилият тегишли якқол фаолиятдан ажралмаган ҳолда пайдо бўла олмайди.

Маълумки, психика юксак даражадаташқил топган материянинг хусусияти ва миянинг маҳсулидир. Психика борлиқнинг сезги орган-лари орқали инсоннинг миясига бевосита таъсир этиши асосида ву-жудга келиб, билиш жараёнларида, шахснинг хусусияти ва ҳолат-ларида, диққати, ҳис туйғулари, характер хислатларида, кизикиши ҳамда эҳтиёжларида ўз ифодасини топади.

Психиканинг негизида миянинг рефлектор фаолияти ётади. ташқи дунёдан кириб келадиган кўзғатувчиларга ички ёки ташқи био-логик органлар жавоб реакциясини билдиради. Бош мия катта ярим шарларида вужудга келадиган муваққат нерв боғланишлари психик ҳодисаларнинг физиологик асослари ҳисобланади ва улар ташқи таъсирнинг натижасида ҳосил бўлади.

Психофизиологик қонуниятларга биноан миянинг функцияси муваққат нерв боғлаишларининг бирлашиш механизми ҳамда анали-заторлар фаолияти механизмлари таъсирида ҳосил бўлади.

Психикани тадқиқ этиш инсоннинг бутун онгли фаолиятини-унинг ҳам назарий, ҳам амалий ҳаёт фаолиятини ўрганишдир «Одам-нинг онглилиги унинг турли-туман фаолиятида, хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Инсон шахси ҳар хил шакл ва мазмунга эга бўлган на-зарий ҳамда амалий фаолиятларда тарқиб топади. Бунда муҳит, ирсий белгилар, ижтимоий таъсир асосий омиллар ҳисобланади.

Инсон ўзи яшаб турган даврни, моддий турмушни акс эттиради, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсири остида билимларни ўзлаштира бо-Ради, ижтимоийлашади. Ижтимоий муҳитда унинг ҳис-туйғулари, ха-рактери, қобилияти, иқтидори, тафаккури, эҳтиёжлари, эътиқоди, уни фаолликка даъват қилувчи ҳаракат мотивлари, истаклари, тилаклари, хоҳишлари аста-секин ўзгариб боради.

Инсоннинг билиш фаолияти ривожланиши унга ўзини қуршаб ¹Урган борлиқни янада чуқурроқ, тўлароқ, аниқроқ акс эттириш им-кониятини яратади ва у борлиқнинг асл моҳиятини, турли йўсиндаги ўзаро боғланишлари, мураккаб муносабатлари ва алоқаларни тобора аниқроқ ёритади. Шу билан бирга мазкур жараёнларда шаклланиб кел-лаётган инсоннинг борлиққа, воқеликка, жисмларга, кишиларга ва ўзига муносабати вужудга келади.

Инсон онгининг ривожланиши унинг ташқи олами фаол акс эт-тиришда намоён бўлади. Инсоннинг моддий турмуши, у ҳаёт кечира-ётган тузумнинг моддий асосига змас, балки уни қуршаб олган одамларнинг турмуш тарзлари, умуминсоний қиёфалари, дунёқараши, маслағи, ижтимоий воқеликка муносабатлари, интилишлари, ижод маҳсуллари ва хатти-ҳаракатларининг мажмуасидир.

Инсоннинг борлиқни акс эттириши фаол жараёндир. Инсоннинг ривожланиши объектив борлиққа ва ўзига фаол таъсир кўрсатишида содир бўлади. Уйинни қузатиши,

меҳнати, ўқиши, адабий асарни му-толаа қилиши, кизикишининг барқарорлашуви ва бошқалар шахснинг психик ривожланишини ифодалайди.

Ривожланиш инсон шахсининг таркиб топиши жараёнидир. Ри-вожланиш ўзаро боғлиқ қатор босқичларда амалга ошади. Шахс ақл-заковатнинг кўрсаткичи, сифати, хусусияти унинг атрофдаги одам-лар билан кундалик муносабатлари ва амалий фаолиятида вужудга келади, ўзаро таъсир натижасида унда ақлнинг ижодий маҳсулдорлиги, теранлиги, тезлиги, мустақиллиги, танқидийлиги, чуқурлиги орта боради.

Назорат учун саволлар:

1. Умумий психологиянинг асосий принципларини айтинг?
2. Детерминизм принципини тушунтиринг?
3. Онг ва фаолият бирлиги принципини изоҳланг?
4. Монизм принципи ва унинг психология фанидаги моҳиятини ёритинг?
5. Фаолият, хулқ ва муоммалани генетик нуқтаи назардан шарҳланг?

11-мавзу: Онгнинг психологик тавсифи ва унинг даражалари тўғрисида баҳслар.

Режа:

1. Онгнинг XXI асрдаги талқини.
2. Онгсизликнинг психологик талқини ва унинг ўзига хослиги.
3. Онгостлиликнинг психологик моҳияти, ҳолати ва талқини.
4. Ўта онглилик тарихий омил, шахснинг бетакрорлигини далиллаш негизи сифатида.

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар.

Онг, инъекос, умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик, даража, психофизиологик механизм, онгостлилик, ўта онглилик (супер), даҳолик, тараққиёт (прогресс), индивидуал, гуруҳий, ижтимоий, миллий, англаш.

Психология фанининг асосий категориялари ичида (шахс, мотивация, фаолият, муомала ва ҳоказо) онг алоҳида ўрин эгаллайди ва у борлиқда инсоннинг юксаклик даражасини эгаллашга муҳим замин, кафолат негизини яратади. Инсонни ҳайвонот оламидан ажрачиб чиқишининг бош омили ҳам онг ҳисобланади, худди шу боисдан у тараққиёт ва камолотнинг энг зарур мезони, ўлчами сифатида муҳим рол ўйнайди. Психологик нуқтаи назардан онг олиб қаралганда - у ижтимоий-тарихий (филогенетик) ва индивидуал (онтогенетик) тараққиётнинг маҳсули ҳисобланмиш инсонгагина хос бўлиб, психик акс эттиришнинг ва ўз-ўзини бошқаришнинг юксак даражаси саналади. Онг категорияси амалий жиҳатдан тавсиф қилинганда: а) у ҳам хиссий, ҳам ақлий образларнинг узлуксиз равишда ўзгариб турувчи мажмуаси сифатида, б) бевосита субъектнинг олдида унинг «ички тажрибаси» тариқасида, в) амалий фаолиятдан қутилувчи маҳсулни олдиндан сезувчи (пайқовчи) психологик ходиса тарзида ҳукм суради.

Онг муаммоси бир қанча фанларнинг, жумладан фалсафа (унинг асосий масаласи- бу онгнинг турмушга нисбатан муносабатидан иборатдир), мантик, лингвистика, этнография, антропология, социология, нейрофизиология, педагогика кабиларнинг тадқиқот предметига айлангандир.

Психология фани индивидда онгнинг вужудга келиши, унинг тузилиши, ривожланиши ва ҳукм суришини тадқиқ қилади. Онг предметга фаоллик, йўналганлик, интенциаллик хусусиятларига эга: а) онг доимо ниманидир тушуниш сифатида; б) рефлексияга нисбатан қобилиятлилик; в) ўз-ўзини кузатиш, яъни ўзлигини англаш; г) мотивацион-қадрий хусусият яққолликнинг ёки равшанликнинг турлича даражаси ёки босқичи эканлиги.

Психологик маълумотларга қараганда ҳар қайси индивиднинг онги ноёб, бетакрор, аммо у ихтиёрий эмас, чунки биринчи навбатда махсус тизимда ҳукм сурувчи тузилиш билан унга боғлиқ бўлган ташқи омиллар ҳамда ҳеч қандай алоқаси бўлмаган омиллар шартлангандир. Худди шу туфайли онгни тадқиқ қилинишнинг иккита муҳим қийинчилиги мавжуд: а) барча психологик ҳолатлар индивиднинг кўз ўнгида шундай намоён бўладиким, бунда биринчидан, улар қай тариқа англашилмокда (онгсизликнинг роли қанчалик), иккинчидан, англаш даражасига етказишнинг махсус ташқи ва ички ташқи натижасида инсон томонидан англашиллади, учинчидан, бевоситаликда онг функциясида янглишлик вужудга келади.

Ўз-ўзини кузатиш натижаларига кўра, онг ўзининг яққол психологик ўзига хослигидан маҳрумдир, чунки унинг ягона аломати шундан иборатки, бунда унинг шарофати билан индивид олдида (у ёки бу аниқлик равшанлик даражасида) яққол психологик функциялар моҳиятини юзага келтирувчи турли ҳолатлар, ҳодисалар намоён бўлади. Худди шу боисдан онг психикани ҳукм суришининг сифатга эга бўлмаган умумий шарти (шароити) тариқасида талқин қилинган, бунинг натижасида у мажозий белгиланган.

Жаҳон психологияси фани концепцияларида бу ҳодиса аксарият ҳолларда «онгнинг нури», «онгнинг майдони», ҳатто «психик функцияларнинг умумий ҳокими» каби таҳлил этилган, гоҳо у қайсидир психик функциялар билан ғайритабiiй равишда (кўпинча диққат, тафаккур билан) айнийлаштирилган. Шу муносабати билан биринчи галда онгни яққол ўрганиш, текшириш тўғрисида умуман гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Иккинчи ҳолда эса ушбу масала унга мутаносиб функция билан алмаштирилади. Бундай талқинларнинг барчаси шундай фикрни туғдирадики, гўёки онг илмий психология фани учун шунчаки қайд қилиниш, яъни фикция, холос (У.Жеймс). Онгни тадқиқ қилишдаги иккинчи қийинчилик ҳам бевосита биринчисидан келиб чиқади: а) онг бир қатор психик функциялар каби ташқи фазода локализациялашмайди; б) онг психик функциялардан фарқли ўлароқ вақтни (замонни, даврни) муайян қисмларга ажрата олмайди.

Тадқиқотчилар онгни ўрганиш учун оммабоп, содда психологик методларнинг қўлланганликлари туфайли унинг маълум тавсифини топа олмадилар, жумладан вақтнинг аниқ бирликлари ёрдамида уни ўлчаш, муайян вақт оралиғида онгни солиштириш. Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, онгни конструктив тарзда талқин қилишнинг муҳим жабҳаси К.И.Кант томонидан кўтарилган онгнинг барқарор, инвариант тузилиши ва схемаси мавжудлиги, узлуксиз

равишда ўрин алмаштириб турувчи сенсор оқим, ахборотлар ва унинг муайян даражада ташкил қилувчанлиги тўғрисидаги юксак ғояси ҳисобланади. Бир неча асрлар давомида онг муаммоси ғоявий- назарий курашнинг ўткир майдонига айланиб келган ва бунда табиий илмий материалистик ёндашув диний назарияларга қарши кураш олиб борган. Онг муаммосининг ечимида илмий диалектик материалистик таълимот ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, бу борада Гегель ғоясига эътироз муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур таълимотга биноан; онгнинг тузилиши ижтимоий маданий хусусият касб этиб, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида филогенетик тарзда, устувор индивидуалистик ҳамкорлик жараёнида ижтимоий устувор индивидуалистик тузилишнинг таъсирида, энг аввало ишлаб чиқариш амалиёти негизида у шакллангандир. Илмий диалектик таълимотдан келиб чиққан ҳолда собиқ совет психологиясида онгнинг онтогенезда шаклланиши тўғрисида умумлашган илмий назария ишлаб чиқилган. Умумлашган назарияга биноан, индивид рангининг тузилиши онтогенезнинг илк даврида боланинг катталар билан муомала (мулоқот) қилиш фаолиятида ўзлаштириш (эгаллаш, ўзиники қилиб олиш, ўз маънавий дунёсига айлантириш жараёни) нинг шарофати билан шаклланади. Бундай тарздаги ўзлаштиришнинг қатъиятлик имконияти филогенетик тарихий тараққиётнинг негизида ҳам мавжуддир. Предметли фаолиятнинг атрибути бўлмиш муомала, унинг тузилиши таркибида акс этувчи қуйидаги асосий хусусиятларга, хоссаларга эгадир: 1) ижтимоий келиб чиқиши ва тузилиши; 2) унинг ижтимоий регламентацияси; 3) рухий қуроллар ва аломатлар билвоситалигида ифодаланиши; 4) икки субъектнинг ўзаро алоҳидалиги ва бетакрорлиги; 5) объектга йўналганлиги кабилар.

Шахслараро муносабатда ҳамкорлик фаолиятининг тузилиши онг структурасини вужудга келтириб, унинг қуйидаги асосий хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади: а) ижтимоий хусусияти, ҳатто символик ва вербал тузилишга эга бўлган белгилар билвоситаланганлигини қамраб олинганлиги; б) рефлексияга, яъни ўз қўзини тушунишга нисбатан қобилятлилик; в) ички диалогизм, яъни ички нутққа, фикрлаш механизми негизига қурилиши; г) предметлилик яъни ҳар қандай психологик ҳолат муайян яққол тасвирларга ва аломатларга эга бўлишлиги ва ҳоказо.

Энди онгнинг психологик тавсифидан келиб чиққан ҳолда унинг шакллари юзасидан қисқача мулоҳаза юритамиз. Онгнинг генетик жиҳатдан талқини онгсизлик бирламчилигини билдириб, у ўзига хос хусусиятга эга эканлигини, инсон фаолияти ва ҳатти-ҳаракатида муайян даражада рол ўйнашини тан олишни тақозо этади. Чунки инсон онгининг юксакроқ шакллари узоқ ижтимоий-тарихий тараққиётнинг кейинги даврида вужудга келгандир. Худди шу боисдан онгнинг пайдо бўлиши тўғрисида мулоҳаза юритилганда ижтимоий борлик, ижтимоий тараққиёт, уларга нисбатан муносабат услуби асосий мезонлар вазифасини бажариб келган ва ҳозир ҳам худди шундай бўлиб қолаверади.

Психологик талқинга кўра, онгсизлик, биринчидан, воқеликнинг ходисалари билан шартланган руҳан жараёнлар, актлар ва ҳолатларнинг мажмуаси; иккинчидан, ташқи ва ички таъсирларга нисбатан субъектнинг ўзига хос қандай ҳисобот бермаслиги; учинчидан, психик акс эттиришнинг шакли, яъни воқеликнинг образи: тасвири, тимсоли ва унга нисбатан субъектнинг муносабати рефлексиянинг махсус

предмети сифатида вужудга келмаганлиги; тўртинчидан, қисмларга ажралмовчи яхлитлик таркибига эга эканлиги ва ҳоказо.

Онгсизликнинг онглиликдан фарқи шуки, унинг томонидан акс эттирилувчи воқелик субъектининг кечинмалари билан, унинг борлиққа муносабати билан кўшилиб, аралашиб кетади. Шунинг учун онгсизликда субъект томонидан амалга оширилувчи ҳатти-ҳаракатлар натижасини ихтиёрий равишда назорат қилиш ва баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Онгсизликда воқелик субъектнинг ўхшашлик, айният сингари мантиқий шаклларига асосланиб акс эттирилади.

Бу ҳолат бевосита эмоционал ҳис қилиш, эмоционал юқиш ва идентификациялашга даҳлдорлик туйғуси орқали турлича ҳодисалар ўзининг тузилиши, моҳияти жиҳатидаи ўзига хосликдан қатъи назар бир тизимга бирлаштирилади, психологик объектлар ўртасидаги у ёки бу хусусиятли аломатлар ўртасидаги тафовутлар, мантиқий қарама-қаршилиқлар очилмасдан намоён бўлади, инъикос этилади.

Онгсизликда ўтмиш билан келажак кўпинча бир даврда ҳукм сураётгандай, гуёки улар бирон-бир психик актга бевосита бирлашган тарзда акс эттирилади, бунга туш кўриш жараёни ёрқин мисолдир. Онгсизлик борлиқни бола томонидан билишнинг илк шаклларида, ибтидоий тафаккурда, интуицияда, аффектив ҳолатларда, саросимага (паникага) тушишда, гипноз ҳолатида, туш кўришда, одатий ҳаракатларда, субсенсор идрокда, ихтиёрсиз эса олиб қолишда, шунингдек сабаблари ва оқибатлари шахс томонидан тубдан англашилмайди. Одатда онгсизликнинг намоён бўлишининг тўрт туркуми психологлар томонидан тан олиниб келинмоқда.

I. Устунлилик ҳолатлари.

II. Фаолиятнинг англашилмаган кўзгатувчилари. Англашилмаган мотивлар ва маъно англатувчи установкалар, одатда улар шахсга оид маъно касб этиб, келажакка ҳоҳиш, истак орқали шартлангандирлар. Бундай ҳолатларнинг туркуми гипноз ҳолатидан чиққан субъектнинг ҳатти-ҳаракатини ўрганишда қўлга киритилган, ушбу жараёнда унга аниқ, ҳаракат дастури орқали кучли таъсир ўтказилган (масалан, бозорга бориш ва айтилган нарсаларни харид қилиш кабилар) қўйилган дастурий топшириларни бажариш жараёнида инсон ўз хулқ-атвори сабабларини изоҳлай ва тушунтира олиш имкониятига эга бўлмайди. Мазкур ҳодисаларнинг психологик табиатини психоаналитик позициясидан туриб тушунтиришга ҳаракат қилган Зигмунд Фрейд «онгсизликнинг динамик қисилиши» терминини фанга олиб киради. З.Фрейд, онгсизлик деб, ижтимоий нормалар талаби билан низоли ҳолат, қарама-қаршилиқ туфайли онгга кира олмагаи, амалга ошмай қолган майллар қисилиш механизми ёрдами билан бегоналашиб индивид янглиш айтган сўзида, гапда янглишиб кетишида, туш кўришида ва ҳоказоларда акс этишини тушунади.

Онгсизликнинг шунга ўхшаш тарзда намоён бўлиш хусусияти шундан иборатки, субъектнинг амалга ошмай қолган майллари психотерапевтик ҳолатлар

билан сабабий боғлиқлигини англаши мазкур майллар билан шартланган кечинмаларнинг йўқолишига олиб келмайди (масалан, кўрқувнинг йўқолишига), чунки англаниш субъект томонидан қандайдир у билан юз бераётган, гуё шахсга алоқасиз, бегона ҳодиса сифатида идрок қилинади.

Хулқ-атвордаги онгсизлик самарадорлиги уларни келтириб чиқарувчи ҳодисалар шахснинг бошқа одамлар билан ҳамкорликда бошидан кечиришида (масалан, психологик сеанс чоғида) ёки гуруҳий психотерапия даврида ўзгаларда кечишида содир бўлса индивидни қониқтиради. Чет эл психологиясида, энг аввало З.Фрейднинг психоанализида ва унинг издошлари қарашларида онгсизликнинг юзага келишини тор маънода, чекланиб тушуниш унинг динамик жабҳаларини шаклланишининг бир томонлама таҳлил қилиш билан шартланганлигидир. Чунки онгсизликнинг ижтимоий-тарихий шартланганлиги тан олмаслик онгсизликнинг инсон билан борлиқнинг ўзаро таъсиридан бевосита ажратиб олмаслик бир қатор англашилмовчиликларга олиб келади, уларни дифференциялаш орқали шу контекстдагина унинг асл моҳияти, функциялари шахс хулқ-атворида очилиши мумкин, холос.

Бундай чекланишлар собиқ совет психологиясида установка назариясида, психологик ҳодисалар ўрганишда фаолиятли ёндашувда психикани диалектик материалистик тушунишдан келиб чиққан ҳолда англашилмаган мотивларнинг функциялари, табиати, маъно англаувчи установкалар инсон ҳаётида шахсий маъно касб этувчи ғояларида бартараф қилиб борилди.

III. Фаолиятни бажариш усулларининг англашилмовчи регуляторлар (автоматлашган хулқ-атвор стереотиплари ва операцион установкалар) уни кечишининг барқарор ва йўналган хусусиятини таъминлайди. Улар автоматлашган ва ихтиёрсиз ҳаракатлар регуляцияси негизида ётади (масалан, топширикни ечиш жараёни) ва англашилмаган ҳодисаларни олдиндан сезиш (пайқаш) образлари ҳаракат усуллари билан шартланган бўлиб, турли вазиятлардаги ўтмиш тажрибаларига бевосита таянади. Автоматлашган одатий хулқ-атвор йўлида кутилмаган тўсиқлар пайдо бўлганда улар субъект томонидан англашиниши мумкин.

Англашилмаган автоматлашган хулқнинг психофизиологик механизмлари тўғрисидаги илмий тасаввур, назария Н.А.Бернштейннинг «Ҳатти-ҳаракат тузилиш даражалари» концепциясида ишлаб чиқилган.

IV. Субсенсор идрок қилишининг вужудга келиши.

Онгсизликнинг табиати тўғрисида илмий тасаввурларнинг тобора ўсиши, уни пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, келтириб чиқарувчи механизмлари ва функциялари инсон хулқ-атворининг регуляцияси, шахс ҳаётининг яхлит объектив манзарасини яратишнинг зарур шарт-шароити ҳисобланиди. Лекин бу муаммо ҳали тўлақонли илмий маълумотларга эга эмас, худди шу сабабдан унинг

психофизиологик асослари, механизмлари, ҳаракатга келтирувчи кучлар тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритиш имкониятини бермайди.

Онг тузилмаси.

1. Онгнинг таркиби:

- а) образни ҳис қилиш имконияти;
- б) борлиқдаги нарсаларнинг кадр-қиймати;
- в) атроф-муҳит объектларининг маъно касб этиши.

2. Онгнинг функциялари:

- а) акс эттирувчанлиги;
- б) ижодийликнинг вужудга келтирувчанлиги;
- в) баҳоловчанлиги;
- г) бошқарувчанлиги;
- д) рефлексивлиги;
- е) маънавийлиги,

3. Ўзини ўзи англашнинг омиллари:

- а) оилавий муҳит таъсири;
- б) миллий муҳит ва миллий тил воситалари;
- в) маърифий, маънавий, маданий қуршов;

4. Онгнинг хислатлари:

- а) борлиқ, объектлари ва жамият субъектлари билан муносабат ўрнатиш;
- б) биосфера ва ноосфера ҳодисаларини англаш (тушуниш, билиш);
- в) табиий ва ижтимоий ҳолатлар ҳамда ҳодисаларга ҳамдардлик (эмпатиянинг намоён бўлиши).

5. Онгнинг хусусиятлари:

- а) реактивлиги;
- б) сезгирлиги;
- в) рефлексивлиги;
- г) тараққиётнинг ихтиёрсизлиги (спонтанлиги);
- д) полифониклиги;
- е) диалогизмга мойиллиги.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Онг нима?

2. Онтогенез нима?
3. Онгнинг структураси
4. Онгсизлик нима?
5. Онглилик нима?
6. Онгнинг қандай шакллари бор?
7. Идрок ва онг ўхшашлиги ва фарқи?
8. Онгнинг генетик талқини нимада?
9. Ҳайвонларда ҳам онг борми?
10. Онгсиз одамлар ҳам мавжудми?

12-мавзу. Инсон онги, ақл-идрокини шакллантиришда интеллектуал тестларнинг ўрни.

Режа:

1. АҚШлик психолог Ф. Фрименнинг интеллектуал ғояси.
2. А.Тёрстоуннинг интеллект «бирламчи ақлий потенциаллар»и.
3. Т.Рибоннинг интеллект тараққиёти назарияси.
4. Ш.Бюлернинг интеллектуал тараққиёт босқичлари.
5. Интеллект тараққиётига таъсир қилувчи омиллар.
6. Интеллектуал тараққиётга таъсир қилувчи салбий ва ижобий омиллар.

Илмий психологик манбаларда қайд қилинишига кўра, интеллект лотинча сўздан олинган бўлиб, у одатда ақл-идроқ англаш, тушуниш, фаҳмлаш деган маънони англатади. Бизнингча, интеллект шахснинг муайян даражада мустаҳкам, барқарор ақлий қобилиятлари мажмуаси тузилишидан иборатдир.

Ўз даврида АҚШлик психолог Ф.Фримен интеллект олти таркибдан иборат деган ғояни илгари суради ва уларни қуйидагича тартибда жойлашувини хаспўшлаб кўрсатади:

- сонли операцияларга нисбатан қобилиятлик,
- луғат бойлиги кўлами,
- геометрик шакллар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли томонларини ажратишга нисбатан ўқувчанлик,
- шахс нутқининг тезлиги ёки суръати, шахснинг фикрлашга, мулоҳаза юритишга нисбатан қобилиятлилиги,

- хотиранинг маҳсулдорлиги ёки ноёб хислатлилиги.

Яна бир салоҳиятли психолог Л.Тёрстоун умумий интеллектнинг турли жабҳаларини тадқиқ қилиб, уларни умумлаштириб "бирламчи ақлий потенциаллар" деб атади. Муаллиф етти хилдаги потенциаллар ўзаро фарқланишини таъкидлаб ўтади:

- инсоннинг ҳисоблаш қобилияти кўрсаткичи,
- оғзаки сўзнинг ихчам ифодаланиши кўрсаткичи, нутқ ёрдами билан тез ўқиш техникасининг эгаллаганлиги,
- оғзаки маълумотларни тўла идрок қилиш ёки идрок қилинган сўзларни тушуниш, англаш,
- фазовий операцияларни амалга ошириш имконияти ёки шахснинг чамалаш қобилияти (ўқувчанлиги),
- хотиранинг мустаҳкамлиги ёки унинг барқарорлиги,
- фикрлашга, мунозара юритишга қобилиятлилиги,
- шахс идрок қилишининг тезлиги ёки унинг суръати.

Француз психологи Т.Рибо идрок кўламининг кенгайиши, билимларнинг кўпайиши, диққатни бир даврнинг ўзида бир нечта объектга қарата олиши - инсон интеллект тараққиётига олиб келади ва у уч босқичдан иборат бўлиши мумкин эканлигини таъкидлайди:

- шахс имитацияси ёки унинг ташқи тақлиди,
- инсон идентификацияси (ўқувчилар ўқитувчининг билимларини ўзига сингдириш жараёни, унинг шахсий фазилатлари ва хусусиятларини ўзлаштириб бориш ва бошқалар),
- рефлексия (инсон ўзини-ўзи англаш ҳамда бўлғуси фаолиятни амалга ошириш, муайян режалар тузиш, уларни мақсадга мувофиқ ҳаёт ва фаолиятга татбиқ этиш имкониятлари туғилиши кабилар).

Ш.Бюлер интеллектуал тараққиёт қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши шарт деб ҳисоблайди:

- синкретизм (тушунчаларни бир-биридан ажрата олмаслик ҳолати),
- агглютинизм (мактаб ёшига яқин болаларда фантазиянинг кучайиши, вақтни ноадекват, нотўғри идрок қилиш, ҳар бир образларни муайян бўлакларига биноан бир умумиятга яхлитлаш, бирлаштириш),
- хаёлот (ижодий хаёл) ёрдамида инсон ўзи туғилиб ўсган Ватанига бирон-бир жихатдан ёрдам бериши,
- реализм (реализм, яъни атроф муҳитдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан яқин тузилмани яратиш, турмуш тажрибаларига мумкин қадар яқинлашиб келишдан иборат фикрлашнинг кўриниши сингари).

Жаҳон психологлари тўплаган илмий материалларни умумлаштириб интеллект муаммосини тадқиқ қилишда диққат-эътиборни қуйидаги омилларга қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- интеллектнинг ёш давр хусусиятлари боғлиқлиги,
- жинс хусусиятига ва фарзанд дунёга келиш тартибига алоқадорлиги,
- миллат, этнос, элат ва халққа тааллуқлилиги,
- оиланинг ижтимоий-иқтисодий статуси билан уйғунлашуви,
- ота-оналарнинг маълумотлилиги, ижтимоий келиб чиқиши,

- биологик шартланган шахс фазилатлари, сифатлари, хислатлари қанчалик роль ўйнаши ва хоказолар.

Узлуксиз равишда ўтказилган изланишлар натижасида психология фанида бир қатор илмий назариялар (концепциялар) вужудга келдики, уларнинг ҳар қайсиси интеллект муаммосини ўзига хос тарзда тушунтиришга ва талқин қилишга олиб келди:

- муаммо ечими услуби ва стратегияси,
- интеллектуал операциялар тизими ёки тузилмаси,
- вазиятларга нисбатан алоҳида ёндашишнинг самарадорлиги ёки маҳсулдорлиги (маъновий, миёдорий ва мантиқий жабҳалар), унинг функционал томонлари, йўналишлари,
- алоҳида, яккаҳол ёндашиш, билиш жараёнининг шахсдан фаолликни тақозо этиш хусусияти, ҳолати,
- когнитив услуб шаклланиши имконияти ва бошқалар.

Шахсий кузатишларимизга қараганда, интеллект тараққиёти мана бундай омиллар билан узвий боғлиқ эканлиги кўзга яққол ташланди:

- билиш, ўқиш мотивларининг англашилган ҳамда юксак регулятив даражаларининг мавжудлиги, барқарорлиги, пухталиги,
- янгиликни қидириш, муаммо ечимини топиш, муайян воситалар танлаш ҳамда тадқиқий, ижодий фаоллик намоён бўлиши,
- мустақил ечишларга эришиш эҳтимоллик даражасининг юксаклиги, илгарилаб кетиб ечиш имконининг мавжудлиги ва "айтиб бериш", лўқма ташлаш жараёнида эркинлик, қўрқинч ҳиссининг йўқлиги,
- юксак нафосат ва маънавий дид тимсоли ҳамда намунасини яратишга нисбатан қобилиятлилик уларни баҳолаш ва ўлчаш функциясининг туғилиши, унинг бошқарувчанлиги.

Кўпгина мумтоз тестлар шахснинг интеллект даражасини аниқлашда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Булар қаторига Стенфорд-Бинэ шкаласини келтириб ўтиш мумкин. Стенфорд-Бинэ шкаласи қизиқарли топшириқ ва масалалардан тузилган бўлиб, улар текширилувчиларнинг ёшига қараб тақсимлангандир. Биз қуйида ана шу интеллект тест сўровномаларидан намуналар келтирамиз ва уларни шарҳлаб беришга ҳаракат қиламиз.

I. 4 ёшли болалар учун (ҳар бир вазифани бажариш вақти 2 ой):

- ҳар хил узунликда кесилган шакллар ва ишларни таққослаш,
- турли типдаги шакллар ўртасидаги фарқларни аниқлаш,
- 4 та танга пулни санаб чиқиш,
- квадрат чиз ва уни изоҳла, тушунтир,
- берилган саволларга тўғри, аниқ ва тушунарли қилиб жавоб қайтариш талаб этилади, ташқаридан ёрдам бериш ман қилинади, тўртта рақамни тўғри ва тесқари санаш, такрорлаш талаб қилинади.

II. 9 ёшли болалар учун (бажариш муддати 2 ой давомида):

- бугунги кун, ҳафта, ой, йил номларини айтиб чиқиш, тушунтириш,
- 5 та жисм ёки предметни гуруҳларга ажратиш (белгисига қараб),
- хариддан кейин қайтим берилишини изоҳлаш,

- 4 та рақамни тескарисига такрорлаш,
- берилган 3 та сўздан гап тузиш (бола, дарс, копток),
- учта ҳар хил сўзга қофия танлаш.

Маълумки, ҳар қандай психологик тестнинг диагностик аҳамияти унинг бир қанча умумий талабларни қониқтиришга боғлиқдир, жумладан, стандартлаштириш, ишончлилик, валидлик. Ана шу талабларга суянган ҳолда Стенфорд-Бинэ шкаласини ҳам таҳлил қилиб чиқамиз.

Ушбу шкала тадқиқотчилари учун ҳар томонлама яхши, қулай ва ихчам қилиб тайёрланган. У барча учун тушунарли бўлган инструкцияга ва миқдорий жиҳатдан натижаларни ишлаб чиқиш, ҳисоблаш ишламасига эга. Тестларнинг ҳар бирида уни ўтказиш йўллари, вақтнинг тақсимланиши, текширилувчиларга бериладиган оғзаки инструкция ва тегишли кўрсатмалар, саволларни изоҳлаш усуллари батафсил айтиб ўтилган.

Стенфорд-Бинэ тести катталар ҳамда унча юқори бўлмаган синалувчилар учун ишончлидир. Лекин болалик давридан тортиб то ўспиринлик ёшигача ўзгариб боради. Масалан, икки ярим ёшдан беш ёшгача ишончлилик коэффицентлари 0,33 (140-149 балл бўлганлиги учун) дан 0,91 (60-69 балл йиққанлар учун) гача; 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар ва ўқувчиларда ишончлилик коэффицентлари 0,91 (140-149 гача балл тўплаганлиги учун) дан 0,98 (60-69. балл олганлиги учун) гача ўзгариб туради. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Стенфорд-Бинэ тестига киритилган ҳар бир савол, топшириқ тестнинг олдиндан белгиланган мақсадни очишга йўналтирилган бўлиб, пировард натижада мазкур саволлар олдиндан кўзланган мақсадни дарҳақиқат аниқлаб беради.

Инсон интеллектуал тараққиётидаги тезкорлик кутилмаган ходисалари нафақат моддий негиз хоссалари билан изоҳланади, балки идрок майдонининг пайдо бўлиши, "сунъий" тизимининг вужудга келиши, фазовий алоқалар, биологик ва психологик имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш эвазига моддий асоснинг иккиланувчи "табиий ва сунъий" манбалар ва бош омил эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Энди синалувчиларнинг интеллектуал тараққиётига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омиллар туркуми тўғрисида маълумот бериб ўтаемиз:

- билим масканларида замонавий техник воситаларининг мавжудлиги,
- турли хилдаги тўғарак секция, билим уйлари фаолият кўрсатиши ва унда зарур шароитларнинг яратилганлиги,
- оила муҳиtida яратилган моддий ва маънавий шарт-шароитлар ҳамда шахсларнинг руҳан рағбатлантириш йўлга қўйилганлиги,
- шахслар билан ўзаро мулоқот ўрнатишнинг узлуксизлиги ва оилада шахслараро илик психологик муҳитнинг ҳукм суриши,
- турли телевизион бахслар, зукколик, ижодкорлик, тезкорлик бўйича мусобақалар уюштирилиши ва уларда қатнашиш имконияти яратилганлиги,
- ортиқча информация ва хабарлар кўламини камайтириш (масалан, автомат ўйинлар, видеолар),
- зарарли одатлар ва қилиқлар билан шуғунламаслик муаммосининг қўйилиши, унинг ечими (ичиш, чекиш ва бошқалар),

- болалар ва ўқувчиларни рўзғор ишлари билан банд қилиб қўйишлик ва оила муҳитида меҳнатнинг шахсларо оқилона тақсимланганлиги,
- ҳозирги даврда айрим касбларнинг нуфузи камайиб кетаётганлиги туфайли ўқувчилар ва талабалар ўртасида ўқув мотивларига кучли таъсир ўтказаётганлиги,
- коллеж ва олий ўқув юртларида таълим-тарбия тизимини янгилаш, янги педагогик технология асосида тубдан қуриш зарурияти мавжудлиги,
- ўғил ва қизларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғулари барқарорлигини таъминлаш ва уларни шакллантиришнинг энг, қулай йўллари излаб топиш, лоқайдликни олдини олиш,
- ўқувчилар ва талабалар ўртасида борлиққа, жамиятга, шахсларо муносабатга, исрофгарчиликка, фидоийликка нисбатан қарашларини кескин ўзгартириш масалалари вужудга келмоқда.

Бизнингча, юқорида баъзи бир қусурли ҳолатларнинг олдини олиш учун интеллектуал тестлар моҳиятига миллий ва умумбашарий фазилатлар тўғрисидаги ғояларни сингдириш юқори натижалар беради.

13-мавзу: Когнитив психология ва борлиқ муаммоси.

Режа:

1. Билиш жараёнларининг имкониятлари тўғрисидаги XXI аср маълумотлари таҳлили.
2. Ҳиссий билиш жараёнлари ва ақлий билиш жараёнлари ва уларнинг янги жабҳалари юзасидан мулоҳазалар.
3. Когнитивизм ва когнитив ёндашувлар таҳлили.
4. Математик моделлаштириш моҳияти.

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар.

Билиш, жараён, имконият, сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл, интеллект, когнитивизм, ёндашув, валидлик, ҳаққонийлик, репрезентативлик, модель, моделлаштириш.

Кадим замонлардан файласўфлар руҳда иккита воқеяликни ажратганлар, билиш, мантиқий ва эмоционал, ҳиссий. Икки ярим минг йил давомида психологик ғояларнинг тараққиёти фалсафа таркибида мутафаккирлар баъзан ҳиссий баъзан эса мантиқий билиш шакллари таърифлашга ҳаракат қилганлар. XIX асрнинг охирига келиб психология мустақил экспериментал фан сифатида шаклланди. Экспериментал тадқиқотлар давомида бизнинг психика тўғрисидаги билимларимиз кенгайди ва аниқлаштирилди. Ўша даврда психиканинг билишни асосини ўрганувчи жиҳати ҳозирги кунда когнитив психология деб номланади. Инсон қандай қилиб кўради, сезади, эшитади, нимани эслаб қолади, нимага диққат эътиборини қаратади, қандай

фикр бритади ва қарор қабул қилади – буларнинг барчаси когнитив психологиянинг предмети ҳисобланади.

Руҳ ҳақида азалдан ажралмас эканлиги маълум. Шу туфайли когнитив жараёнлар ҳиссий жараёнлардан алоҳида ҳолда мавжуд бўлмайди деб айтиш мумкин. Айнан когнитив психология тушунчаси 45 йиллар илгари АҚШ ва Буюк Британияда вужудга келиб, бу давлатларда психологиясида ҳақиқий инқилобий ўзгаришга сабаб бўлиб, замонавий психология фанининг ҳақиқий юзини очиб берди.

Когнитив психологиянинг характерли жиҳати шундаки, унда билиш механизмлари инсон психикасининг марказий масаласи деб тушунтирилади. Бундай ёндошув - инсоният информацион (ахборот) тараққиётининг асоси ҳисобланади. У инсон психикасини ахборотларни қабул қилиш ва қайтаришдан иборат бўлган жиҳатининг марказидир деб тушунади. Компьютерлар, Интернет, оммавий ахборот – буларнинг барчаси инсон психикасининг когнитив психологияга оид феноменлари таркибига киради. Когнитив ёндошув психологияга аниқлик киритилишини таъминлайди. У математик методлар ва компьютерли моделлаштириш кабиларни ривожланишига сабаб бўлди. Хозирги замон психологияси инсон руҳиятини тадқиқ этиб, ўз предмети моделларини аниқлаштиришга эришди. Бу тараққиётда когнитив ёндошувнинг хизмати катта. Когнитив ёндошув когнитив психология доирасидан чиқиб, социал психология, шахс ва ҳиссий психологияси каби тармоқларга тарқалмоқда. Жумладан, социал психологияда когнитив ёндошув кишининг олам ҳақидаги муайян билимлари ва уларни эгаллаш усуллари белгилаб берувчи ижтимоий хулқини тушунишни англатади. Шунингдек, когнитив психология доирасида билиш жараёнлари ҳам фақат нафақат когнитив ёндошув балки, бошқа йўналишларда ҳам тараққий этмоқда.

Когнитив психология когнитив жараёнларни ҳосил бўлиши, вужудга келиши, шаклланиши, ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. **Когнитология** латинча *cognitus* сўзидан олинган бўлиб, **билиш** деган маънони беради. Демак, когнитив психология – билиш жараёнлари ва билиш фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этади.

Билиш жараёнлари классификациясини кластер методи асосида тармоқлаш.

Сезгининг пайдо бўлиши:

Қўзғалувчи

Қўзғалиш – физик жараён

Рецептор – физиологик жараён

Қайтарма алоқа

Ўтказиш йўли

Бош мия – психик жараён.

Сезгиларнинг пайдо бўлиши ҳақида 2 та назария мавжуд:

1. Рецептор назарияси

2. Рефлектор назарияси

Рецептор назариясига мувофиқ сезгилар рецепторларнинг ўзида ҳосил бўлади.

Билиш жараёнларининг ҳар бири когнитив жараён ҳисобланади.

Асосий фалсафий анъаналар (механик табиий билиш, эмпиризм ва рационализм, ўз-ўзини кузатишга танқид ва соф ақл). Илк экспериментал психология, Г. Гельмгольцнинг, Г.Фехнернинг ва Ф. Дондерснинг методик ёндошувлари; В.

Вундтнинг қарашлари; илмий психологиядаги инкироз. Хулқий ва физикалистик йўналиш- хулқ психологияси хақидаги фан, гештальт хақидаги фан, психология фанидаги иккинчи инкироз. Романтизм ва позитивизм, натурфилософия ва нейропсихология, физиология, фаолият психологияси.

Ахборот ёндошуви - кибернетика ва статистик алоқа назарияси, муҳандислик психологияси, ўтказиш қобилиятини чекланганлигини излаш. Ментал моделлар ва компьютер билан аналогия. У.Найссернинг когнитив психологияси. Символли ёндошув тамойиллари. Билиш модуллиги ва коннекционизм.

Инсоннинг билиш психологияси фалсафий ва психологик жиҳатдан қуйидагиларга асосланади:

- «нимани билади» — оламнинг тузилиши хақидаги билимлар;
- «ким билади» — юилиш хусусиятига эга бўлган инсоннинг тузилиши тўғрисидаги билим;
- «қандай билади» — фалсафадан олинган маълумотлар, тасаввурлар (билиш назарияси)

“Инсон нима учун билади?” – деген саволга на фалсафа ва психология ва на табиий фанлар жавоб бера олмайди. Психологлар инсон индивидуал билишининг қонуниятлари, механизмларини очиқ беришга ҳаракат қилади. Инсон ўзини ойнада кўрганидек, ўзининг ижодий маҳсули сифатида ўзини билади ва кашф этади. Инсоният ҳаётини янгилаган компьютер инқилоби, психологларнинг инсоннинг билиши ва билиш фаолияти механизмлари тўғрисидаги тасаввурларини ҳам ўзгартириб юборди.

Когнитив психология – бу билиш психологияси бўлиб, ўз йўналиши муаммолари юзасидан илмий ютуқлари билан умумий психология тузилишида марказий ўринни эгаллайди.

Ҳозирги кунда ҳам файласуфлардан Сукротнинг “Ўз-ўзингни бил” ва Р. Декартнинг “Мен фикрляпман, демак мен мавжудман” формуласи долзарб бўлиб қолмоқда.

XX асрда танқидий рационализм ғоясининг вужудга келиши ва тарқалишида инсонни билиш хусусиятига эга бўлган зот сифатида тадқиқ этишда Карл Пуппер ва унинг издошларининг ҳиссаси катта. Карл Пуппернинг билиш назарияси қуйидагиларга асосланади:

Биринчидан, ҳамма одамлар муаммоларини ҳал этади. Муаммо (Муаммо деб ечилиши, ҳал этилиши керак бўлган, аммо ҳал этиш усуллари ва воситалари айни пайтда мавжуд бўлмаган муаммодир) лар бўлиши табиийдир.

Иккинчидан, ҳар қандай муаммо юзасидан чексиз гипотезалар яратилиши мумкин.

Учинчидан, муаммо гипотезага асосланиб синаш ва хато қилиш йўли билан ечилади ва албатта фаол тажриба жараёни, йўлида.

Тўртинчидан, инсон қайси фараз тўғри ёки қайси нотўғри эканлигини олдиндан билмайди.

Бешинчидан, хато фаразлар бекор қилинади ёки тўғриланади ва шу тариқа билиш яна қайтадан бошланади.

Карл Пуппернинг билиш назариясига оид қарашлари билишда ўрганиш, муаммонинг ечимини излаб топиш ҳал қилувчи роль ўйнайди деб ҳисобловчи **индуктивизмга** зид ҳисобланади. Карл Пуппернинг фикрига ҳар бир инсон фаол мвжудот бўлиб, ўз фаолияти жараёнида хилма-хил янгиликлар ва улар билан боғлиқ тўсиқ, қийинчиликларга дуч келади.

А. Н. Леонтьев 1975-йилда психологияга оид асарларида инсон ҳар доим дунёнинг субъектив моделини онгида акс эттиради.

Табиатда, жамиятда мавжуд жараёнлар, воқеа-ҳодисалар инсонни доимо билишга ундайди. Кейинги йилларда турли соҳаларда, жумладан, физика, механика, кимё, биология, генетика ва бошқа соҳалардаги тадқиқотлар инсон билишининг имкониятлари чексизлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги замон билиш психологиясининг ривожланишида психофизиология, нейропсихология ва нейрофизиология бўйича ХХІ асрда олиб борилган тадқиқотлар муҳим таъсир кўрсатади, яъни бу даврда мия, нейронлар маълумотларни қайта (мияда) ишлаш каби соҳаларида инқилобий натижалар қўлга киритилади. Шундай қилиб, когнитив психология ўз предметини тадқиқ этишда қуйидагиларга асосланади:

1. **“Нимани билади?”** – дунёнинг тузилиши ҳақидаги билимлари.
2. **“Ким билади?”** – билиш хусусиятига эга бўлган инсонни билишга оид билимлар.

“Қандай қилиб билади?” – бу билиш назариялари ёки фалсафий шакллари.

Ҳиссиётда шахс психикасининг ўзига хос жабҳалари, инсон фаолиятининг айрим жиҳатлари сифатида ҳаракатдаги, теvarак-атрофдаги воқеликни одам бош миясида турли-туман шаклда ичдан акс эттирилади. Шунинг учун ҳиссиёт борлиқда содир бўлаётган нарса ва ҳодисалар юзасидан шахс учун аҳамиятли, кадр-қийматли аломатлари туйғусидан дарак берувчи сигналлар системаси тарзида талқин қилинади. Яққол воқелиқда сезги аъзоларига таъсир этувчи ҳар хил кўзғовчиларидан баъзи бирлари алоҳидаланади, ўзаро мос тушганлари эса бирлашади, фавқулодда намоён бўла бошлаган ҳис-туйғулар билан улар аралашиб кетади. Бунинг натижасида муайян кўзғовчилар тирик мавжудодлар учун хотиржамлик ёки безовталиқ сигналига айланади, ҳиссий кечинмалар эса инсоннинг шахсий тажрибасини шакллантирувчи шартли рефлекслар тизимини барқарорлаштирувчи омил тариқасида акс этади. Ҳиссиётнинг бундай тарзда сигнал функциясининг бажариши унинг импрессив (лотинча *impressio*-сўздан олинган бўлиб, таассурот деган маъно англатади) жиҳати деб номланишда ўзига хослиги шундаки, ҳиссиёт тасаввур қилинаётган образларга, фикран режалаштирилаётган мақсадларга майл, фаоллик, интилиш уйғотади, шахснинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларининг муваққат ёки узлуксиз мотивига айланади. Ушбу физиологик жараённинг моҳиятини тушунтирилишда И. П. Павлов мана бундай ёндашади: тирик мавжудодларнинг табиий муҳитга мослашувида қатъийлашадиган ёки заифлашадиган динамик стереотиплар туфайли ҳиссий ва эмоционал кечинмаларнинг ижобий ёки салбий кўриниши вужудга келади. И. П. Павловнинг талқинича, динамик стереотип-бу ташқи таассуротларнинг маълум таркибда такрорланиши натижасида ҳосил қилинган шартли рефлекслар таъсиридаги нерв боғланишларининг барқарор тизимидир. Тирик мавжудод ҳаёти ва фаолиятида қийинчиликларга, қаршилиқларга учраса, динамик стереотип «заифлашуви» юзага келади, бунинг оқибатида салбий эмоционал ҳолатлар, кечинмалар ҳосил бўлади.

Ҳис-туйғулар ва эмоционал ҳолатлар кечишининг турли шакллари, кўринишлари нафақат сигнал функциясини бажаради, балки улар шахснинг фаолияти, хулқ-атвори

устидан бошқарувчанлик функциясини амалга оширади. Юксак ҳислар бу маънода устувор роль ўйнайди (виждон ҳисси, масъулият ва ватанпарварлик туйғуси, эмпатик, яъни ҳамдардлик кечинмалари ва бошқалар). Ҳатто эмоционал ҳолатлар, ҳодисалар, ҳаракатлар шахснинг тана аъзолари ўзгаришида ўз ифодасини топади ва ички ҳиссий кечинмаларнинг ташқи аломатларини акс эттирувчи муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Овоз оҳанги, суръати, тембри, частотаси ўзгариши, мимика, имо-ишора, пантомимика, организмнинг қизариши, оқариши, нафас олиш ва қон босимидаги беқарор ҳолатлар ихтиёрсиз ёки ихтиёрий, онгли равишда кечишидан қатъи назар эмоциянинг экспрессив (лотинча *expressio*-деган атамадан олинган бўлиб, ифодалаш деган маънони билдиради) жабҳаси дейилади.

Шахс ҳиссиётнинг субъекти ҳисобланиб, мазкур ҳолатнинг намояндаси, уни акс эттирувчи тариқасида оламни англаш, билиш жараёнида ўзининг шахсий фаолиятини (хулқ-атворини) мақсадга мувофиқ амалга ошириш учун ҳиссий кечинмаларни ўзгартириш қудратига эга. Ҳис-туйғулар шахсдан ажралган ҳолда вужудга келмайди, шунинг учун улар ҳиссиёт субъекти билан бирга ҳукм суради, бинобарин, ҳиссий кечинмалар аниқ инсонга тааллуқли бўлади, холос. Инсонда эмоционал таассурот қолдирадиган, юз тузилишида таъбассум ёки қайғу, гоҳо ажабланиш уйғотадиган нарса ва ҳодисалар ҳиссиётнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Шахсдаги эмоционал ўзгаришлар унинг ҳаёти ва фаолиятида, шахслараро муносабатида, инсонлар билан муомалага киришишда, айрим ҳолларда бирон бир воқелик тўғрисида ҳаёл сурганда, армон туйғуси одамга хотиржамлик бермаганида юзага келади.

Ҳиссиёт субъектив ички кечинмаларда ифодаланса ҳам уни аниқлаш мумкин, чунки дилдаги қайғу аламлар, афсусланиш, ачиниш, қувониш, ўзидан нолиш, кўз ва юз ҳаракатларидаги безовталаниш, ҳадиксираш, ҳаяжонланиш ташқи тана аъзоларида, нутқ фаолиятида, сустлик, лоқайдлик ҳукмронлик қилганида бевосита ифодаланади. Ҳис-туйғулар ихтиёрсиз равишда вужудга келмайди, шунинг учун улар қатъий равишда детерминациялашган (сабабий боғланган) психофизиологик хусусиятга эгаллиги туфайли у ёки бу ташқи кўзғатувчи таъсирига нисбатан муносабат билдириш (жавоб реакцияси) тарзида ҳосил бўлади. Вазият, шарт-шароитлар ҳиссиётнинг механизми тариқасида хизмат қилиши мумкин. Шунинг ҳам аниқлаштириш лозимки, вазият ҳам, шароит ҳам табиий (биологик), субъектив (шахслараро муносабат) кўринишларда вужудга келганлиги сабабли ҳиссиётнинг моҳияти, сифати ва шаклига бевосита ўз таъсирини ўтказди. қаттиқ совуқ, фавқулоддаги чанг-тўзон, хонада тоқ бўлмаслиги, кўпол муомала, лоқайд муносабат, авторитар хулқ-атвор ва бошқалар вазиятга, шароитга яққол мисол бўла олади.

Ҳиссиётнинг детерминизм (сабабий боғланиш) принципига асосланганлигидан қатъи назар шахс ўзининг фаолиятида, хулқида, муомаласида ҳиссиётини, эмоционал ҳолатларини идора қилишга, баъзи ҳолларда ўзини тутиб туришга, воқеликка ёки ҳодисаларга нисбатан олдинги баҳосини ўзгартиришга, ички мураккаб кечинмаларини онгли равишда бошқаришга интилади. Шахсда вужудга келувчи субъектив ҳолатлар, ҳис-туйғулар ўзининг юзага келиши, намоён бўлиши, моҳияти жиҳатидан ҳаммиша объектив воқеликнинг тимсоли, инсон миясига сингдирилган, қайта ишланган кўринишидир. Объектив борлиқ юзага келтирадиган субъектив ҳис-туйғулар, кечинмалар моддий тана аъзоларидагина акс этиш билан чекланмасдан, балки муайян ўзгаришлар шахснинг фаолиятида, нутқида, мулоҳазасида, хулқида бевосита ифодаланади.

Шахс ҳиссиёт объектига нисбатан қандай шахсий муносабатда бўлиши фавқулоддаги ҳолатда «Мен» лик ифодаланиши ҳис-туйғуларнинг сифати дейилади. Масалан, шахснинг муҳаббати, раҳм-шафқати, ҳаяжонланиши, қаҳр-ғазаби, безовталаниши, руҳан эзилиш каби сифатларнинг муайян таснифи (классификацияси) мавжуддир. Сифатлар икки хил йўсинда вужудга келиши мумкин, жумладан, шахснинг ўз эҳтиёжини қондиришга ва унга қаршилик (тўсқинлик) қилишга алоқадор нарса ва ҳодисаларга нисбатан муносабатлари сон-саноксиз бўлиши мумкин. Ҳиссиётнинг сифатлари шахснинг нарса ва ҳодисаларга нисбатан эмоционал муносабатининг ўзига хос ва зарурий аломатлари бўлиб ҳисобланади. Психологияда шахснинг ҳаётий ва табиат омилларига нисбатан эмоционал муносабатлари ижобий ва салбий туркумларга ажратилади. Ижобий сифатлар нарса ва ҳодисаларга нисбатан эҳтиёж мақсадга мувофиқ равишда қондирилса, у ҳолда роҳатланиш, қувонч ҳислари ифодаси юзага келади. Эҳтиёжларни қондиришда тўсиқлар, халақит берувчи омиллар намоён бўлса, у тақдирда нохуш кечинмалари, норозилик ҳислари туғилади. Ижобий ва салбий сифатлар бевосита йўсиндаги эмас, балки билвосита йўл билан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, ҳаёт қувончларини эслаш дадилликни уйғотса, муваффақиятсизликни хаёлга келтириш ҳадиксирашни ҳосил қилади.

Шахс индивидуал эҳтиёжларидан ташқари, ижтимоий эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ мотивлар таъсири туфайли ҳам ижобий ёки салбий ҳиссиёт сифатларини акс эттириши кузатилади. Масалан, талабанинг танловда қатнашиши қувонч ҳисларини юзага келтирса, иккинчи турдаги муваффақиятсизлик хафагарчилик туйғусини намоён этади. Шахснинг мақоласи (газета, журналда) босилиб чиқса фахрланади, кимнингдир томонидан у танқид қилинса руҳан эзилади. Ота-она фарзандини мақтаса қувонади, койиса эса хафа бўлади ва ҳоказо.

Ҳиссиётнинг ижобий ва салбий сифатларидан ташқари, унинг иккиёқламалик (юнонча *amphi* иккиёқлама вазифа, латинча *valentia* «куч» деган маъно англатиб келади) ва ноаниқликдан иборат асосий ҳислатлари мавжуддир. Бу руҳий ҳолатларда шахсда иккиланиш ҳоллари, ноаниқ тушуниш муносабатлари акс этади, лекин роҳатланиш билан қаноатланмаслик ҳисларини бир-бирига қўшиш мумкин эмас.

Амбивалент (иккиёқлама) ҳиссиётда роҳатланиш билан азобланиш туйғулари ўзаро қўшилиб кетиш билан чекланибгина қолмасдан, балки уйғунлашган, аралашган ҳолда уларнинг кечиши муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Масалан, рашк ҳиссида муҳаббат билан нафрат бир-бири билан узвий боғланиб кетади. Хўранда қорни очлиги учун шўр овқатни еб биологик эҳтиёжни қондириб, бир томондан роҳатланиши, иккинчи томондан эса нохуш ҳисни кечириши мумкин. Ташналиқдан илиқ сувни ичиб ҳам роҳатланиши, ҳам нохушликка берилиши кузатилади. Кийими юпун шахсга қалинроқ тўн берилса, бир томондан қувонади, иккинчи томондан эса уялади. Ошиқларда севиш ва ўзидан нафратланиш ҳолати кечади ёки ҳижрон ширин қайғу, лекин ёқимли истироб тарзидаги кечинмалар иккиёқлама ҳиссиётга ёрқин мисолдир.

Шахснинг эмоционал дунёси узлуксиз тарздаги зиддиятлар, низолар ва уларнинг ҳал қилиниши, олдининг олинишини акс эттиришдан иборат жараёнлар мажмуасидир. Асосан ижобий, салбий ва иккиёқлама ҳиссиётни келтириб чиқарадиган омиллар қуйидагилардан иборатдир: 1) шахс билан муҳит ўртасидаги (табиий муҳит, ижтимоий муҳит орасидаги) ҳар хил мазмун ҳамда шаклдаги муносабатлар; 2) тана аъзолари, ички

организм таркиблари муҳитидаги муносабатларнинг нисбий мувозанати ўзгариб туриши; 3) фавқулоддаги вазиятлар туфайли юзага келадиган ҳар хил кечинмалар ва бошқалар.

Ҳис-туйғуларнинг яна битта (тўртинчи) сифати шахснинг ҳиссиёт объектларига нисбатан эмоционал муносабатларининг қисқа муддатли акс эттишини таъминловчи ташқи таъсирининг ноаниқлиги ифодаланишидир. Шунингдек, объектларнинг таассуротлари узоқ муддатли хусусиятга эга бўлса, бундай эмоционал ҳолатлар муносабатларнинг сифати бўлиши мумкин; Шахс ўзининг турмуш тажрибасига номаълум, яп-янги нарсаларга дуч келса, бу воқелик уни тўлқинлантириши, ҳайратлантириши, унда ҳавас ва қизиқиш уйғотиши мумкин. Бу ҳиссий воқелик (ҳодиса) янги таассуротни англашнинг ҳиссий жабҳаси бўлиб ҳисобланади. Табиий ва ижтимоий муҳитнинг англаб олиш чигал ҳодисаси эҳтиёж билан боғланишдан ҳамда муайян барқарор муносабат юзага келтиришдан олдин ҳиссий ҳолатнинг предметиға айланади. Шунинг учун маълум кечинмаларнинг негизида танҳо «бу нима рефлекс»ини тушуниш эҳтиёжи ётади. Билиш фаолияти билан уйғунлаша борган англаш ҳисси бекарорлиги, қисқа муддатлилиги билан тафовутланади ҳамда объектга нисбатан энгилроқ салбий ёки ижобий муносабат сифатиға айланади.

Ҳиссиётнинг мазмуни турли-туман бўлиб, у шахснинг ҳаёти ва тараққиёти имкониятлари билан боғлиқ объектларга, хатто бевосита роҳатланиш (азобланиш) ҳисларини юзага келтирувчи нарсаларга нисбатан муносабатларида ифодаланади. Демак, шахснинг ҳиссиётлари турлича моддий ва маданий эҳтиёжларига асосланади, уларни қондиришга ёрдам берадиган омил ижобий эмоцияни юзага келтиради, сўнг барқарор ҳиссиёт сингари мустаҳкамланади. Инсон эҳтиёжини қондиришга ҳалақит берадиган нарса салбий эмоционал ҳолатни вужудга келтиради ҳамда ҳиссиёт тариқасида мужассамлашади.

Ҳиссиётнинг мазмуни тўғрисида мулоҳаза юритилганда шу нарсани эслатиб ўтиш жоизки, ҳис-туйғулар барқарорлиги, мақсадга мувофиқлиги: биринчидан, шахсга ҳеч қандай хавф-хатар, таҳдид солмаётганлигини, иккинчидан, инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида уни бахт-омад кутаётганлигини, учинчидан, шахслараро муносабати, жамиятда тутган мавқеини, тўртинчидан, тана аъзоларининг саломатлигини рўй-рост акс эттиради. Бу кўринишларнинг барчаси ижобий сифатлар устуворлик қилаётганлигидан дарак беради, бинобарин, ютуқларга эришиш эҳтимоли даражаси юксаклиги, ижтимоий ёки шахсий кутилма эса қафолатланганлигини англатади. Шахс шахслараро муносабатнинг маҳсули бўлганлиги туфайли ундаги ҳиссиётларнинг мазмуни, инсон камол топиши билан узвий боғлиқ тарзда, кўлами кенгайиб боради, бунинг натижасида эмоционал ҳолатлар шахсий тор доирадан ташқари чиқиб, табиат ҳодисалари, жамият муаммолари (иқтисодий, сиёсий, тарихий, маънавий жабҳалар) га тааллуқли муносабатларни ўзида маънавий, мазмуний, шаклий жиҳатдан мужассамлаштиради. Худди шу боис масъулият ва лоқайдлик, мулоқотмандлик ва одамовилик, ғазаб ва шавқ, симпатия ва антипатия, оптимизм ва пессимизм, хурсандлик ва хафалик, қаҳрамонлик ва кўрқоқлик, қувонч ва қаҳр, иштиёқ ва зерикиш, эгоистлик ва альтуристлик, софдиллик ва ғаразгўйлик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, самимийлик ва лаганбардорлик кабиларнинг барчаси келиб чиқиши (генезиси) жиҳатидан ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги жабҳалари билан ажралиб турувчи: а)шахснинг шахсий нуқтаи назари; б)ижтимоий ҳаётда эгаллаган мавқеи; в)ҳаёт ва фаолиятда фаоллиги; г)жамиятдаги ҳамкорлик фаолиятда қатнашиши; д) гуруҳ ёки жамоада шаклланган

шахслараро муносабатлари билан боғлиқ ҳиссиётлардир. Шунини таъкидлаб ўтиш ўринлики, шахснинг баъзи ҳис-туйғулари уларни рўёбга чиқарувчи омилларнинг такроран таъсири натижасида мустаҳкамланиб, унинг(инсоннинг) ҳукмрон, устувор, барқарор эмоционал хусусиятига айланади. Шу сабабдан шахсларнинг хушфёъл ёки жаҳолатли, қизиқувчан ёки совуққон, кўрқоқ ёки жасур, меҳрибон ёки бағритош, хушмуомала ёки кўпол, камгап ёки махмадона деган йўсинда инсон (шахс) сифатида тавсифлаш, баҳолаш мумкин. Миллий тарбиянинг, миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз фуқароларида миллий истиқлол ғояларига содиқлик, фидойилик, ватанпарварлик, масъулиятлилиқ руҳидаги юксак ҳис-туйғуларни шакллантиришдан иборатдир. Мустақиллик идеалларига муносиб шахсларни камол топтириш учун, ватан ишқи билан ёнувчи фаол, шижоатли, иродаси букилмас, барқарор мотивацияга эга бўлган инсоний сифатларни уларда шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Шунини эслаб ўтиш лозимки, ҳиссиёт ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлиб, унинг кучайиши ёки сусайишига қараб қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан башорат қилиш ёки пайқаш мумкин. Шахснинг ҳис-туйғуларида ҳам барқарор, ҳам ўзгарувчан жабҳалари биргаликда ҳукм суради.

Шу сабабдан шахснинг ҳиссиётида ҳукмрон, устувор ҳис-туйғулар мавжуд бўлишига қарамай, улар вазият, шароит янгилашиш боис кескин ўзгаришларга учрайди, динамик стереотиплар заифлаша бошлайди. Шунинг учун психологияда ҳиссиёт ўзгаришининг динамикаси деган атамалар бирикмаси узлуксиз равишда қўлланилиб келинади.

Шахсда намоён бўлаётган ҳиссиёт аста-секин жадаллашиб боргани эвазига у руҳий кечинма сифатида мустаҳкамланиб қолиши мумкин. Масалан, жаҳон халқларида ер куррасининг у ёки бу жойларида кўпуровчилик кўринишларига жирканч назар билан қараш туйғуси уйғонган бўлса, кейинчалик терроризмга (лотинча terror куч ишлатиш билан кўрқитиш демакдир) шафқатсиз кураш, нафрат умумий милитаризмга (латинча *militaris* ҳарбийлаштириш маъносини англатади) йўналтирилди. Халқларда наркотик (юнонча *harkotikos* мияни айнитадиган) моддаларга нисбатан жирканч туйғуси кучайиб бориши, динамикаси сабабли наркобизнесга (инглизча *business* фойда дегани) билан аёвсиз кураш инсоният генини (зотини) бузилишига йўл қўймасликка ўсиб ўтди. Шахс кечираётган ҳис-туйғулар мазмундор, акс эттирилаётган ҳодисалар ранг-баранг, ўзаро таъсирлар, алоқалар, муносабатлар серқирра, кўпёкламалик хусусият касб этса, у ҳолда ҳиссиёт динамикасига пухта негиз ҳозирлайди.

Лекин шунини ҳам таъкидлаш маъқулки, ҳиссиёт динамикаси ҳар хил кечиши, унинг хусусияти, йўналиши биров ўзгариши мумкин. Чунки ҳиссиёт бир йўналишда кучайиб бориш билан бир қаторда унинг сусайиши, ҳатто сўниб бориши, ҳаддан ташқари заифлашуви ҳам кузатилади. Масалан, интизомни бузган ходимни «ҳайдаш» билан кўрқитиш эмоционал таъсирини йўқотади, агарда бирор жазо чораси қўлланилмаса, мабодо талабани дарс қолдириши пўписа қилиш билан чекланса, унда кўрқинч руҳий ҳолати йўқолади. Ана шундай ҳодисалар ва номутаносибликларнинг такрорланиши сабабли эмоционал мослашув (адаптация) жараёни вужудга келади, демак, ҳиссиётда ўзгариш содир бўлмайди. Агарда ҳиссиёт объектининг (нарса, ҳодиса, ҳолат кабиларнинг) мазмуни, маъноси шахсда қизиқиш уйғота олмаса, бундай ҳолда эмоцион тўйиниш юзага келади, олдин қизиқ туюлган нарса кейинчалик зерикарли,

ёқимсиз, нохуш кечинмалар ҳосил қила бошлайди. Шахс бир неча марта сурункасига ахборот, кўшиқ, ҳангома эшита бергач, унда ҳаяжонланиш, роҳатланиш, кайфият кўтарилиши пайдо бўлмайди, аксинча инсонда зерикиш ҳисси уйғонади, уларни эшитиш эса жаҳл чиқзади. Шунинг учун хоҳ маълумот, хоҳ юмор бўлишдан қатъи назар янгилик аломатларисиз инсонда қизиқиш йўқолади.

Назорат учун саволлар:

- 1.Когнитив психологиянинг характерли жиҳатлари?
- 2.Когнитив психологиянинг предметини асосланг?
- 3.Когнитив психологиянинг фанлар билан боғлиқлиги тўғрисида?
- 4.Шахс ҳиссиётининг субъектив кечинмаларини изоҳланг?
- 5.Ҳиссиёт динамикасининг қандай кечишини ифодаланг?
- 6.Когнитив психологияга ёндашувлар назарияларни айтинг?

14-мавзу:Билиш назариялари, ассоциатив назариялар психологияси.

Режа:

- 1.XVIII асрнинг иккинчи ярмида Англияда психология фани ассоциатив оқимининг вужудга келиши.
2. Ассоциациянинг инсон психик фаолиятидаги роли.
- 3.Ассоциатив психология таълимотининг заиф томонлари.
- 4.Ассоционистлар ғоясининг ассоциатив жараёнга йўналтирилганлиги.
- 5.Ассоциалистларнинг икки аспекти.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Англияда психология фанининг ассоциатив оқими вужудга келди. Ушбу илмий оқимнинг асосчиси Давид Юм (1711-1776) бўлиб, унинг маслакдошлари Давид Гартли (1705-1757), Джозеф Пристли (1733-1804) психик ҳодисалар, жараёнлар, тасаввурларнинг яхлит тарзда бирлашишининг асосий қонун сифатида ассоциациялар ҳақидаги таълимотни яратдилар. Илмий психологик нуқтаи назардан қараганда, ассоциациялар тўғрисидаги таълимот бир-бирига зид бўлган икки йўналишга ажратилган ҳолда тараққий этди. Улардан биринчисининг йирик вакили Давид Юмнинг таълимотига, ва унинг мураккаб хусусиятлари, ҳодисалари ва маҳсуллари ўзини ўзи англаш, яъни ўзининг "Мен" эканлигини тан олиш, ўзаро ташқи боғланишлар (ассоциациялар) билан узвий а?яоқадор "тасаввур бирикмалари"дан иборатдир.Давид Гартли ва Джозеф Пристлилар энг оддий ассоциатив тасаввурларни бош мия катта ярим шарларида содир бўладиган физиологик боғланишлар билан айнан бир хил нарса деб тушуниб, уларни ўзаро тенглаштириш, айнийлаштириш даражасига бориб етдилар. Ҳатто Гартли психология фанининг рухий физикаси деб аташга ҳаракат қилди. Пристли барча психик жараёнларнинг мия тебранишларининг маҳсули деб тушунтиришга интилади. Ассоциатив психологиянинг иккинчи оқими (диалектика асосланувчи) вакиллари психик ва физик ҳолатлар ўртасидаги фарқни йўққа чиқариб, психология фанини физиологиянинг айрим

бир тармоғига айлантиришга уриндилар. XVIII асрга келиб ассоциатив психология оқими ҳукмрон мавқени қўлга киритди ва ассоциациянинг инсон психик фаолиятидаги роли тарафдорлари Англияда Джемс Миль (1773-1836), Джон Стюарт Миль (1806- 1873), Александр Бен (1818-1903), Герберт Спенсер (1820-1903), Францияда Т.Рибо (1829-1916), Германияда Теодор Циген (1802-1950), Юлиус Эббингауз (1850-1909) кабилар пайдо бўлдилар. Ассоциатив психологиянинг жаҳондаги барча вакиллари психик жараёнлар, чунончи сезгилардан ва уларнинг образлари ҳисобланмиш тасаввурлардан ҳосил бўлади, деб исботлашга ҳаракат қиладилар. Ассоцианистларнинг таълимотига қараганда, тафаккур руҳнинг алоҳида бир йўсиндаги қобилияти ҳам эмас, на махсус психик қобилияти ҳам эмасдир ёхуд у ҳам тасаввурларнинг ассоциациялар қонунига биноан ҳаракатланишдан иборатдир. Жумладан, улар инсон томонидан фикр юритиш, мулоҳаза ва муҳокама қилиш сингари мураккаб жараёнларни икки тасаввурнинг ассоциацияга боғлиқ, равишда бирлашишидан иборат деб примитив (ўта содда) нарсага айлантириб юбордилар. Тафаккурнинг ўзига хос шакллари (тушунча, ҳўкм, хулоса) ҳам жуда бузиб талкин қилинади. Мазкур таълимотга биноан, хулоса чиқариш икки ёки ундан ортиқ ҳукмларнинг боғланиши, яъни ассоциациясидир. Даставвал улардан ассоциатив йўл билан янги ҳукм ҳосил қилинади, навбатдаги босқичда эса янги хулоса чиқарилади. Тушунчалар юзасидан мулоҳаза юритилганда ҳам юқоридаги чалкашликка барҳам берилмайди. Тушунчалар сўзларнинг ўзаро ўхшаш тасаввурлар билан боғлиқ равишда амалга ошадиган ассоциацияси, яъни ўзаро боғланишидир деб тушунтирадилар. Кейинги даврларда тафаккур муаммосининг ўрганилиши шу нарсани кўрсатдики, тафаккурга хос бўлган ўзига хос хусусиятлар ва хоссаларни тасаввурларнинг оддий ассоциатив йўл билан примитив (ўта содда) боғланишларга айнан тенглаштириш мумкин эмас, чунки юксак билиш жараёни бўлмиш тафаккур тузилишидаги барча унсурларнинг (элементларнинг) юзага келиши ва ривожланиши ассоциатив жараёнлардан кескин тафовутланади. Ассоциатив психология таълимотини чуқурроқ таҳлил қилиш унинг заиф томонлари ва жиҳатлари борлигини намоёи қилди. Жумладан, тафаккурда ҳам тасаввур образларининг, ҳукм, хулоса чиқариш ва тушунчаларнинг ички ҳаракати ҳосил бўлади. Мазкур ҳолатда ушбу ҳаракат олдин идрок қилинган объектлар маҳсуласи ва тасаввур образларининг таъсирида юзага келмайди, аксинча инсон олдида турган мақсад, эзгу ният, шунингдек вазифалар билан белгиланади ва онг ёрдами билан бевосита бошқарилади. Инсоннинг фикр юритиши мақсадга йўналтирилган маҳсулдор жараён бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун тафаккур объекти бетўхтов, узлуксиз равишда бирон-бир амалий ёки назарий муаммони (масалани) ҳал қилишга, янгилик кашф этишга қаратилган изланишда бўлади.

Ассоцианистлар ғояси ассоциатив жараёнларга йўналтирилган бўлиб, суст (пассив) ҳаракатни тақозо қилади. Улар томонидан кашф этилган қонунга биноан, тасаввурлар ҳаракати онг таъсиридан ташқари ўзича ўзи рўй беради. Аммо тасаввурларнинг ҳаракатида фаоллик туради, лекин у беихтиёр равишда амалга ошади, гўёки онгсизлик ҳукм суриб турганга ўхшайди. Илмийлик нуқтаи назаридан ёндашилганида, аксинча тафаккур фаол, жараён бўлиб, у иродавий зўр бериш, мақсадга интилиш, ихтиёрий диққат ёрдамида вужудга келади. Шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, лекин улар унинг моҳиятини белгилаб бермайди, шунинг учун иккинчи даражали аҳамиятга эга. Олиб борган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ундай суст билиш ҳолатлари инсон руҳий тараққиётининг юксак босқичларида ҳам учрайди, бироқ узлуксизлик тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Ассоцианистларнинг фикрича, ассоциатив жараёнларда аввап сезилган, идрок қилинган, хотирада из қолдирган, тажрибаларда учраган нарсалар ва ҳодисалар акс эттирилади, холос. Худди шу боис ассоциатив жараёнлар миямизда янги образларни ҳосил қилиш имкониятига эга бўлмаган репродуктив (маҳсулсиз) жараёндир. Тафаккур эса иродуктив (маҳсулдор) билиш жараёни ҳисобланиб, Ҳиссий билиш тана аъзолари (органлари) ожизлик цилган объектив борлиқнинг мураккаб қонунлари, қонуниятлари ва ички механизмлари ҳамда боғланишларини ўзида акс эттиради.

Инсон рухий дунёсининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар ассоциациялар принципи билан узвий алоқада бўлиб, бунда асосий эътибор ассоциацияларда тасаввурларнинг намоён бўлиши ва фаоллашуви (жадаллашуви) билан боғлиқ, жиҳатларига қаратилган. Ассоциацион принцип психология фанида бир бутун (яхлит) ассоцианизм йўналишига хизмат қилади. Ассоциацияларнинг асосий қонуни ассоциациялар пухта ва ишончлидир деган тарзда ифодаланиб, ўхшашлик контраст (қарама-қаршилик), фазовий ва вақт жиҳатидан яқинлик, сабабийлик, ўзига хослик ассоциацияларига қаратилган.

Ассоцианистларнинг бош муаммоси (масаласи) ассоциацияларнинг рухий тузилмага зга бўлган бирлик сифатида қабул қилиниши, шунингдек ассоциацияларни изоҳлаш, тушуштириш принципи тарикасида фойдаланишдан иборатдир. Ассоцианистлар рационал (аклий) нарсаларни ҳиссий нарсаларга тенглаштирадilar, субъектни (яккаҳол шахсни) ўзининг ва унинг фаолиятини, маслагини, фаоллигини, таҳлил қилишини инкор қилдилар. Ҳар қандай аклий жараён тоифасига (типига) ихтиёрсиз равишда тасаввур образларининг ҳаракати қабул қилинган. Уларнинг талқинича, тафаккур - бу ҳамма вақт образли тафаккур демакдир, жараён эса - образларнинг ихтиёрсиз ҳолатида ўрин алмаштиришдан иборатдир, деган тезисни илмий муҳокама қилиш учун)фтага ташлайди. Тафаккур тараққиёти - ассоциацияларнинг тўпланиш жараёнидир. Тафаккурга ассоцианистик муносабатда бўлиш унга шаклан мантикий (формалогик) тавсиф беришдан ўзгача нарса эмас, албатта.

Ассоцианистларнинг йирик вакилларида бири Т.Циген тушунчаларни "ассоциациялар тасавури", ҳукмларни "ассоциациялар тушунчаси", хулоса чиқаришни эса "ассоциациялар ҳукми" деб атайдди.

Ассоцианистлар ҳар қандай ассоциациялар икки жабҳада (аспектда): биринчидан, ассоциацияларнинг намоён бўлиши ва вужудга келтирилган ассоциацияларни фаоллаштириш моҳиятини очишни, иккинчидан, аклий фаолиятларни ассоцианизм нуқтаи назардан экспериментал тадқиқот қилиш, ассоциацияларни фаоллаштиришва сўз-мантиқ ассоциациялар тезлигани тадрижий (изчил) ўлчашни тушунтиришдир.

Уларнинг фикрига караганда, фикр юритиш жараёнлари ҳеч қандай экспериментал ўрганишга бўйсунмаслиги учун уни инсоният маданияти маҳсуллари таҳлил этиш орқалигина тадқиқ қилиш мумкин, холос.

Ассоцианизм таълимоти инсон аклий фаолиятининг репродуктив (маҳсуласиз, хотирага асосланган) жиҳатларининг тадқиқ қилганлиги учун уни репродуктив тафаккур назарияси деб атаса ҳам бўлади.

XX асрнинг ўрталарида жаҳонпсихологиясида ассоцианизм таълимотининг ютуқ ва камчиликлариагрофлича изоҳлаб берилди.

Жумладан, рус психологи Л.С.Виготский тушунчаларнинг ассоцианистик нуқтаи назардан талқин қилинишига эътироз билдириш билан бир даврда уни умумлаштиришнинг содда шакллари (элементлар, эмпирик) ҳисобланган комплексларнинг бевосита ўхшашлик ва қарама-қаршилик (контраст) ассоциацияларни вужудга келиш қоидалари билан узвий боғлаб ўрганди. Рус психологларидан яна бири А.Н.Леонтьев ассоциацияларни умум изоҳлаш принципига кагъий эътироз билдирди, лекин психологик реаллик (реалия, воқелик) сифатида ассоциацияларни сўзсиз тан олиб, уни объектив баҳолади.

Россия федерацияси психологларидан Ю.А.Самарин, П.А.Шеварев, Н.А.Менчинская, Е.Н.Кабанова-Меллер, А.Ф.Эсаулов ва бошқалар йигирманчи аср фан ютуқларига,

диалектика таълимотида асосланган ҳолда ассоциациялар йўналишини тараққий эттирдилар, амалий ва назарий жиҳатдан улкан муваффақиятларни қўлга киритдилар. Масала ечиш, муаммоли вазият ва унинг туркумлари, босқичлари юзасидан тадқиқот ўтказган тадқиқотчиларнинг аксарияти ассоциацияларга алоҳида аҳамият бериб, уларни ҳатто тафаккурнинг механизмлари деб таъкидладилар. Бизнингча, билишнинг муайян босқичини талқин қилишда ушбу таълимот муайян аҳамият касб этиши турган гап. Лекин билиш таълимоти сифатида тарихий омил тариқасида психология тарихида ассоцианизмнинг ўзига хос ўрни мавжуд, чунки унинг йирик вакилларида бири Ю.Эббингаузнинг ҳиссаси, ғояларининг аҳамияти бетақордир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Ассоциация нима?
2. Ассоциатив таълимот қаерда вужудга келган?
3. Ассоциатив таълимот намоёндаларидан кимларни биласиз?
4. Тафаккурнинг ўрганилиши
5. Ассоцианистларнинг асосий ғояси нима?
6. Ассоциатив назариянинг камчилиги нимада?
7. Дастлаб инсонлар руҳий дунёси қандай тасаввур қилинган?
8. Ассоциацияларнинг икки аспекти қандай?
9. Л. С. Виготскийнинг Ассоционистик назариясининг моҳияти нимада?
10. Давид Юнг Ассоциацияларни қандай изоҳлаган?

15-мавзу: Шахснинг индивидуал типологик хусусияларига ХХІ асрдаги ёндашувлар.

Режа:

1. Темпераментнинг умумий масалалари.
2. Характер тўғрисида ҳозирги замон талқини.
3. Қобилият, уларни ташхис (диагноз) ва башорат қилиш шарт-шароитлари мавжудлиги.

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар.

Темперамент, Гиппократ, Э.Кречмер, олий нерв фаолияти, аценник, пикник, шизоид, циклоид, И.П.Павлов меҳнат, ўқиш, тренинг, макро, микро, мизе муҳит, характер, структура, қобилият, истеъдод, талант, генейлик, резерв, диогноз, башорат, шарт-шароит.

Кишилар ўртасидаги индивидуал-психологик тафовутларда психиканинг динамик (ўзгарувчан) деб аталмиш хусусиятлари муҳим ўрин эгаллайди. Бунда энг аввало психик жараёнлар ва ҳолатлар интенсивлиги даражаси, шунингдек, уларнинг у ёки бу

тезликда кечиши назарда тутилади. Маълумки, одамлар хулқ-атвор ва фаолият мотивлари нисбатан тенг бўлганда, бир хил ташқи таъсир этганда, бир-биридан таъсирчанлигига ва кўрсатаётган энергиясига кўра сезиларли даражада фарқ қиладилар. Жумладан, бир хил киши секинликни, бошқаси шошилини ёқтиради, бир хил одамларга ҳиссиётларнинг тез уйғониши хос бўлса, бошқасига эса совуққонлик хосдир, бошқа бировни кескин имо-ишоралар, маъноли мимика, бошқасининг ҳаракатларида оғир-босиқлик, юзининг кам ҳаракат қилиши ажратиб туради.

Ҳаракатланиш хусусиятларига қараб фарқланишлар ҳар қандай тенг шароитларда индивиднинг умумий фаоллиги, ҳаракатчанлиги ва эмоционаллигига биноан юз беради.

Шахс-қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёб. Ана шу қайтарилмаслик, ноёбликнинг асосида унинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Инсоннинг индивидуаллигини изоҳловчи хусусиятлардан бири бу— темпераментдир.

Темперамент латинча «темпераментум» деган сўздан олинган бўлиб, бунинг маъноси «аралашма», «қотишма» демакдир. Темперамент деганда биз одатда, кишининг табиий туғма хусусиятлари билан боғлиқ бўлган индивидуал хусусиятларини тушунамиз. Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик психик фаолиятини таъминловчи сифатларини ўз ичига олади. Киши темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар киши бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир малакаларни бошқаси билан алмаштирган пайтларда реаксияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуқтаи назардан қараганда, ТЕМПЕРАМЕНТ-шахс фаолияти ва хулқининг динамик ва эмоционал-ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.

Психология фанининг ижтимоий тарихий тараққиёти даврида темпераментга нисбатан билдирилган мулоҳазалар, унинг моддий асоси тўғрисидаги талқинлар хилма-хил бўлиб, шахснинг психологик хусусиятларини ўзига хос тарзда тушунтириш учун хизмат қилиб келган. Темперамент тўғрисидаги даълабки таълимотни грек олими, врач Гиппократ (ерамиздан аввалги 460-356 йилларда яшаган) яратган бўлиб, унинг типологияси ҳозирги давргача қўлланилиб келинмоқда. Унинг фикрича организмнинг ҳолати асосида «шарбат» ларнинг, у яъни организмда мавжуд суюқликларнинг (қон, лимфа, ўт) миқдорий нисбати билан боғлиқдир. Бу шарбатларнинг аралаштирилгандаги нисбати грекча «красис» («гўзал» маъно) сўзи билан айтилган. Бир неча аср кейинроқ ишлаган римлик анатом ва врач Гален биринчи бўлиб темпераментнинг кенгайтирилган таснифини беради: у 13 та турни ўз ичига камраб оладиган темперамент турини аниқлаган. Темперамент турлари сони қадимги тиббиёт олимлари томонидан кейинчалик тўртга камайтирилади.

Гиппократнинг таъбирича, инсон танасида тўрт хил суюқлик мавжуд бўлиб, улар ўт ёки сафро, қон, қора ўт, балғам кабилардан иборат.

Унинг мулоҳазасича:

- 1) ўтнинг хусусияти-қуруқликдир, унинг вазифаси-тана аъзоларида қуруқликни сақлаб туриш ёки баданни қуруқ тутишдир.
- 2) қоннинг хусусияти-иссиқликдир, унинг вазифаси танани иситиб туришдир.
- 3) қора ўт хусусияти-намликдир, унинг вазифаси-баданни совутиб туришдан иборат.

Гиппократ таълимотига мувофиқ, ҳар бир инсонда шу тўрт хил суюқлик мавжуд бўлиб, унинг биттаси устиворлик касб этади. Мазкур аралашмалардан қайси бири салмоқлироқ бўлса, шунга қараб инсонлар темперамент жиҳатидан фарқланадилар, чунончи холерикда-сарик ўт, сангвиникда-қон, меланхоликда-қора ўт, флегматикда балғам устун бўлиши таъкидланади (1-жадвал).

Гиппократ бўйича темперамент типлари:

1. Холерик темперамент (лотинча холерикус-ўт)-ҳиссиётнинг тез ва кучли қўзғалувчанлиги, барқарор бўлиши билан фарқ қилади. Холерик темпераментли кишиларнинг хиссиётлари уларнинг имо-ишораларида, мимикаларида, ҳаракатлари ва нутқларида яққол кўришиб туради. Холериклар қизғинлик ва тажангликка мойил бўладилар. Бундай темпераментли кишилар чакқон, умуман ҳаракатчан, серғайрат ва ҳар доим урунувчан бўладилар. Улар бир ишга тез киришадиган ва бошлаган ишни охирига етказадиган бўладилар. Холерик темпераментлилар аразчан, сержахл ва тажанг бўладилар. Бир нарсдан хафа бўлсалар, бу хафалик уларда узоқ сақланади. Улардаги кайфият анча барқарор ва давомли бўлади. Бунга мисол қилиб А.Дюманинг «Уч мушкетёр» асаридаги Атосни олишимиз мумкин.

2. Сангвиник темперамент (лотинча сангуис-қон)-ҳиссиётнинг тез, кучли қўзғалувчанлиги, лекин беқарор бўлиши билан фарқ қилади. Сангвиник темпераментли кишиларнинг кайфияти тез-тез ўзгариб, бир кайфият ўзига тескари бўлган иккинчи бир кайфият билан тез алмашиб турмоғи мумкин. Сангвиниклар жуда фаол, ҳар бир нарсага ҳам қаттиқ кулаверади, ёлғон далилларга жаҳли чиқади. Атрофдаги нарсалар, маърузалар диққатини тез жалб этади. Имо-ишораларни кўп ишлатади, чехрасига қараб кайфиятини аниқлаб олиш қийин эмас. Жуда сезгир бўлишига қарамай, кучсиз таъсир (қўзғатувчилар)ни сеза олмайдилар, серғайрат, ишчан, толикмас. Ҳатти-ҳаракати жўшқин, нутқ суръати тез, янгиликни тез пайқайди, ақл-идроки тийрак, топқир, кизиқишлари, кайфияти, интилишлари ўзгарувчан. Кўникма ва малакаларни тез эгаллайди. Кўнгли очик, дилкаш, мулоқотга тез киришади. Ҳаёлати (фантазияси) юксак даражада ривожланган: ташқи таъсирларга ҳозиржавоб ва ҳоказо. Бу темперамент турига А.Дюманинг «Уч мушкетёр» асаридаги ДъАртанянни мисол қилишимиз мумкин.

3. Меланхолик темперамент (грекча меланхоле-қора ўт)- хиссиётнинг секин, лекин кучли қўзғалувчанлиги ва барқарор бўлиши билан фарқ қилади. Меланхоликлар барқарор, давомли бир кайфиятга мойил бўладилар, лекин хиссиётларининг ташқи ифодаси заиф бўлади. Тортинчоқ, ғайратсиз. Аразчан, хафахон. Жимгина йиғлайди, кам кулади. Меланхолик темпераментли одамлар суцкаш бўладилар. Меланхолик темпераментли одам ишга бирдан киришмаслиги мумкин, лекин бир киришса, бошлаган ишни охирига етказмай қўймайди. Бундай темпераментлилар мўмин-қобил, ювош бўладилар, кўпинча биров савол билан мурожаат қилса, уялиб, тортишиб жавоб берадилар. Уларни даров хафа ёки хурсанд қилиш енгил эмас. Лекин бир нарсдан хафа бўлсалар бу хафалик узоқ давом этади, барқарор бўлади. Қатъийлиги ва муцақиллиги заиф. Тез толади. Ортиқча ишчан эмас. Диққати беқарор. Ҳис-туйғуси суц ўзгаради. Улар бир ишга тез ёпишиб киришмайдилар, лекин қандайдир иш бошласалар, бунда чидам ва матонат кўрсатадилар. Бунга А.Дюманинг «Уч мушкетёр» асарининг Арамис образи мисол бўла олади.

4. Флегматик темперамент (грекча пхлегма-балғам)- хиссиётнинг жуда секин, кучсиз кўзғалиш ва узоқ давом этмаслиги билан фарқ қилади. Флегматиклар хистуйғуси кам ўзгарувчан, шунга кўра бундай шахсни кулдириш, жахлини чиқариш, кайфиятини бўзиш қийин. Кўнгилсиз ходиса, хавф-хатар ҳақидаги хабарга хотиржамлик билан муносабатда бўлади. Вазмин, кам ҳаракат. Имо-ишораси, мимикаси кўзга яққол ташланмайди. Бу хил темпераментли кишилар ниҳоят оғир, ювош, босиқ, ҳаракатлари салмоқли бўлади. Агар бир фаолиятга киришсалар, уни қатъият билан давом эттирадилар. Флегматиклар ташаббус кўрсатишга мойил бўлмайдилар, лекин улар фаолияти йўлга қўйилса, анча кунт билан иш кўрадилар. Бунга А.Дюманинг «Уч мушкетёр» асаридаги Портос образини мисол қилсак бўлади.

Ҳар қайси киши темпераментини батамом бир тип доирасигагина «сиғдириб» бўлмайди, албатта. Тип тушунчасининг ўзи фақат бир-бирларига ўхшаш бир гуруҳ кишиларнигина ўз ичига олишлигини назарда тутати. Ҳар қайси киши темпераментида ўзига хос индивидуал хусусиятлари бўлади, бу хусусиятларни батамом бир темперамент типига киритиб бўлмайди. Бу хусусиятлар айни индивидуал хусусиятлардир, яъни шу шахсининг ўзигагина хос хусусиятдир. Кўпчилик кишиларда бир тип темперамент аломатлари иккинчи бир тип темперамент аломатлари билан қўшилган бўлишини кўрамыз, чунончи, холерик темпераментли кишида меланхолик ёки флегматик темперамент аломатлари бўлиши, сангвиник темпераментли кишида холерик ва флегматик темперамент аломатлари бўлиши мумкин ва хоказо.

Кишиларни фақат уларда қайси темперамент белгилари устун бўлса, шунга қараб маълум бир темперамент типига киритиш мумкин.

Немис психиатри Э.Кречмер ва америкалик психолог У.Шелдонлар темперамент ташқи кўрсаткичи баданнинг жисмоний тузилишига, унинг баъзи қисмлари ўртасидаги алоқага, организм таркибларининг муносабатларидан тўзилган организмнинг умумий тўзилмасига боғлиқдир, деган назариялари жаҳон психологиясида уцувор ўрин эгаллади. Уларнинг фикрича, тана тузилиши билан темперамент хусусиятлари орасида муайян мутаносиблик мавжуддир.

Е.Кречмер тана тузилиши бўйича одамларни қуйидаги типларга ажратган:

1) Аценик тана тузилиши типи-баланд бўйли, чўзинчоқ юзли, узун ва ингичка бурунли, ингичка тана тузилишли инсонлар бўлиб, уларнинг елкалари тор, оёқлари узун ва ориқдир.

2) Пикник тана тузилиши типи-ўрта ёки бўйли, семиз, кенг яғринли, қориндор, юмшоқ юз тузилишли, бош тузилиши думалоқ, бўйни қисқа инсонлардир

Темперамент хусусиятларининг илмий сабаблари И.П.Павловнинг юксак нерв фаолият типлари ҳақидаги таълимотида очиқ берилди.

И.П.Павлов итлар устида кўп тажрибалар ўтказиб, рефлексларни текшириш натижасида хайвонлар нерв системасининг:

а) кўзғалиш ва тормозланишнинг кучига;

б) бу жараёнларнинг мувозанатига;

в) уларнинг илдамлик (лабиллик) даражасига қараб бир-биридан фарқ қилишни аниқлади.

И.П.Павлов ажратишича, нерв системасининг кучи хужайралардаги физиологик моддаларнинг захира миқдори билан белгиланади. Нерв системасининг кучи кўзғалиш жараёнига ҳам, шунингдек, тормозланиш жараёнига ҳам тегишлидир. Нерв системасининг кучи, аввало, кучли кўзғовчиларга «бардош» бера олиш қобилиятида кўринади.

Нерв системасидаги мувозанат, И.П.Павлов таълимотига мувофик, нерв системасининг кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг куч даражасини тенг ҳолда тутиб тура билиш қобилиятида кўринади.

Нерв системасининг илдамлиги мия пўцининг бирон қисмидаги кўзғалишнинг тормозланиши билан, ёки, аксинча, тормозланишнинг кўзғалиш билан нақадар енгил алмашилишидан иборат.

Юқорида кўрсатилган белгиларига қараб, нерв системасининг қуйдаги тўрт асосий типларини ажратиладики, бўлар И.П.Павлов фикрича, Гиппократнинг 4 темперамент типига тўғри келади:

а) кучли мувозанатлашган ва эпчил тип. Серхаракат тип. Бу тип сангвиник темперамент асосини ташкил этади;

б) кучли, мувозанатлашган, инерт (суцкаш) тип. Оғир вазмин тип. Флегматик темперамент асосини ташкил этади;

в) кучли, лекин мувозанатлашмаган, яъни кўзғалиш тормозланишдан устун чиқадиган, кизгин, жўшқин тип. Бу холерик темпераментнинг асосини ташкил этади;

г) кучсиз тип. Меланхолик темпераментнинг асосини ташкил этади.

И.П.Павлов нерв фаолиятининг бундай типлари кишиларга ҳам хос деб ҳисобланади. «Ҳайвонлар нерв системаси типларини классификатсиялашнинг элементар физиологик асосларига суяниб туради,-дейди И.П.Павлов,-ана шу типларни кўпчилик кишиларга нисбатан ҳам қабул қилиш лозим».

Бизга маълумки, ҳар қандай одамлар бошқа одамдан ўзининг индивидуал-психологик хусусиятлари билан ажралиб туради. Бундан маълум бир одамга хос бўлган хислатлар назарда тутилади. Психологияда характер деганда мазкур шахс учун типик ҳисобланган фаолият усулларида намоён бўладиган, типик шароитларида кўринадиган ва бу шароитларга шахснинг муносабати билан белгиланадиган индивидуал психик хусусият йиғиндиси тушунилади. Характер термини фанда қадимги юнонча «тамға», «хусусият» маъносини англатади. Теофрац ўзининг характерга бағишланган «Трактат»ида 30 хил характерни кўрсатади.

Характер-ижтимоий муҳит таъсирида таркиб топи, шахснинг атрофдаги воқеликка ва ўз-ўзига бўлган муносабатида ифодаланадиган, унинг муайян шароитлардаги хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган барқарор индивидуал психик хусусиятлар йиғиндиси. Характерни ташкил қилувчи хусусиятлар характер хусусиятлари дейилади.

Шахсининг индивидуаллиги психик жараённинг ўтиш хусусиятларида (яхши хотира, хаёл, зеҳни ўткирлик ва ҳ.к.) ва темперамент хусусиятларида намоён бўлади. Характер - шахсининг ва муомалада таркиб топадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлар бўлиб, индивид учун типик хулқ-атвор усулларини юзага келтиради.

Кишининг характерини ташкил этувчи индивидуал хусусиятлар биринчи навбатда иродага - (дадиллик, қўрқоқлик) ва хиссиётга (хушчақчақлик, қовоғи солиқлик, тушкунлик ва ҳ.к.) тааллуқли бўлади.

Характернинг шаклланиши шахсининг ривожланиш даражасига кўра турли хилдаги шароитлар билан қўшилган ҳолда (оилада, дўцлар даврасида, меҳнат ва ўқув жамоасида, асоциал уюшмада ва ҳ.к.) юз беради. Унинг учун референт бўлган гуруҳда шахсининг индивидуаллашуви шаклланади. Кишининг характерини била туриб, унинг у ёки бу ҳолатларда ўзини қандай тутишини, киши хулқ атворини қандай изга солишини олдиндан билиш мумкин. Жумладан, ўқувчиларга жамоат топшириқларини тақсимлаётиб, уларнинг нафақат билимларини ва малакаларинигина эмас, балки характерини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Шахсининг индивидуал хусусиятлари турли-тумандир. Масалан: камтарлик, мағрурлик, худбинлик, самимийлик, роцғўйлик, баҳиллик, тортинчоқлик, қувноқлик ва ҳоказо.

Характер хислатлари икки катта гуруҳга бўлинади:

1. Характернинг маънавий сифатлари-меҳнатсеварлик, ҳалоллик, роцғўйлик, меҳрибонлик, ташаббускорлик, камтарлик кабилар.
2. Характернинг ирогдавий хислатлар-мақсадга интилув-чанлик, қатъийлик, жасурлик, мардлик, матонатлилик, ўз-ўзини тута билиш кабилар.

Инсон шахсининг характерини ҳамиша кўп қирралидир. Унда алоҳида хусусиятлар ёки томонлари ажралиб кўрсатилиши мумкин, лекин улар бир бирларидан ажратилган, алоҳида ҳолда мавжуд бўлмайди, балки, маълум даражада характернинг барқарор тузилишини ташкил этган ҳолда ўзаро боғлиқ бўлади.

Кишининг характерини, биринчидан, у бошқа одамларга қандай муносабат билдираётганида намоён бўлади.

Иккинчидан, кишининг ўзига муносабатида - обрўталаблик ва ўз қадрини ҳис қилиш ёки камтарлик.

Учинчидан - характер кишининг ишга муносабатида намоён бўлади (виждонлилик, маъсулият, ишчанлик, жиддийлик).

Тўртинчидан - характер кишининг нарсаларга муносабатида намоён бўлади. (Нарсаларига, кийимига ва ҳоказо).

Характер хислатлари ичида энг устун кўзга ташланадиган хусусиятлар мажмуи характер актсентуатсияси дейилади. (Сурбетлик, молпарастилик, виждонсизлик роцгўйлик, ёлғончилик, сахийлик, очкўзлик, дилкашлик ва ҳоказолар).

Характер актсентуатсиясига қараб одамларни қуйидагича фарқлаш мумкин: интроверт тип - одамови, ичимдагини топ, бошқалар билан тил топишга қийналадиган тип, экцроверт тип - ҳис хаяжонга берилганлик, кўп гапирадиган, мақтанчок, кўп нарсага беқарор қизиқадиган тип. Бошқариб бўлмайдиган тип – оралик тип, гайритабий, сунъий қиликлар, эътирозларга мурасасизлик, баъзан ўринсиз шубҳаланиш билан қараш. ўз салбий қиликларини била туриб давом эттириш - худбинликнинг олий шақли.

Шундай қилиб, характер - шахснинг ижтимоий муносабатлар тизими, ҳамкорликдаги фаолиятига ва бошқа одамлар билан муомаласига жалб этиладиган ҳамда шу билан ўз индивидуаллигига эга бўлаётган, тириклик пайтида эришган нарсасидир. Психология тарихидан характерни бош суягининг шақлига, юз тузилишига, қадди-қоматига ва ҳоказоларга боғлиқ деб қараш кўп бўлган.

Қобилиятлар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, кўникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади. Шу хусусиятлар мазкур билим, кўникма ва малакаларга тааллуқли бўлади. Малакалар, кўникма ва билимларга нисбатан қобилиятлари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади.

Қобилиятлар фақат фаолиятда, шунда ҳам амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолиятдагина намоён бўлади. (Расм солиш қобилияти бор ёқлигини шу фаолиятда аниқланади). Масалан, Алберт Эйнштейн (1879-1955, немис физиги) ўрта мактабда унча яхши ўқимаган ўқувчи эди, унинг келажакдаги гениаллигидан, афтидан ҳеч нарса далолат бермас эди.

Қобилиятлар билим, малака ва кўникмаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлди.

Қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шартли ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал психологик хусусиятдир. Шундай қилиб, қобилият одамларни сифат жиҳатидан бир биридан фарқлайдиган индивидуал психологик хусусиятдир.

Қобилиятларни сифат хусусияти деб қараб чиқадиган бўлсак, у одамнинг мураккаб психологик хоссалари сифатида намоён бўлади, ва мақсадга етиш учун жуда зарур бир неча ёлларни эгаллаганлигини билдиради. Кишида у ёки бу фаолиятга қобилият бўлиб, бошқа бирига бўлмаслиги мумкин, лекин унинг ўрнини тўлдириш, (компенсация) имконияти борлигидан фойдаланиб уни пайдо қилиш мумкин. (Масалан, кар-соқов, кўр-олима О. И. Скороходова фаолияти).

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Шахснинг индивидуал типологик хусусиятларига нималар киради?
2. Темперамент типларини изоҳлаб беринг?
3. Меҳнат ва ўқув фаолиятида темпераментнинг роли?
4. Характер ҳозирги замонда қандай талқин қилинмоқда?
5. Характер хислатлари ва шахснинг муносабатлари?
6. Характернинг физиологик асослари ҳақида нималарни биласиз?
7. Характер назарияларини изоҳлаб беринг?
8. Характер ва муҳитнинг қандай боғлиқлиги мавжуд?
9. Қобилият, истеъдод, талант, генейлик тўғрисида қандай мулоҳазалар мавжуд?
10. Қобилиятларнинг табиий (биологик) ва ижтимоий (социал) шартланганлиги муносабатлари.

16-мавзу: Шахс назариялари тўғрисидаги умумий тасаввурлар.

Режа:

1. Шахс психологиясининг предмети. Ижтимоий шаклланган назариялар.
2. XX асрда шахс назариялари ривожланишининг умумий тавсифи: ғарб психологиясида академик, психодинамик ва гуманистик анъаналари. Россия шахспсихологиясининг хусусиятлари.
3. Россия психологиясининг хусусиятлари.
4. Шахснинг психодинамик назариялари.

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар.

Шахс, психология, назария, тимсол, академик, психодинамик, гуманистик, анъана, психоанализ, метапсихология, ортодоксал, индивидуал, аналитик.

Жаҳон психологияси фанида шахснинг камолоти, унинг ривожланиши тўғрисида хилма-хил назариялар яратилган бўлиб, тадқиқотчилар инсон шахсини ўрганишда турлича позицияда турадилар ва муаммо моҳиятини ёритишда ўзига хос ёндашишга эгадирлар. Мазкур назариялар каторига биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитивистик, психоаналистик, бихевиористик кабиларни киритиш мумкин. Қуйида санаб ўтилган назариялар ва уларнинг айрим намояндалари томонидан шахсни ривожлантиришнинг принциплари тўғрисидаги қарашларига тўхталиб ўтамиз.

Биогенетик назариянинг негизида инсоннинг биологик етилиши I бош омил сифатида қабул қилинган бўлиб, қолган жараёнларнинг та-раққиёти ихтиёрий хусусият касб этиб, улар билан ўзаро шунчаки \ алоқа тан олинади, холос. Мазкур назарияга биноан, тараққиётнинг! бош мақсади - биологик детерминантларига (аниқловчиларига) қара-тилади ва уларнинг моҳиятидан социал-психологик хусусиятлар кел-, тирилиб чиқарилади.

Тараққиёт жараёнининг ўзи, даставвал биологик етилишнинг (универсал босқичи сифатида шарҳланади ваталқин қилинади.

Биогенетик қонунни Ф.Мюллер ва Э.Геккеллар кашф қилишган. ' Биогенетик қонуният органнинг тараққиёти назариясини ташвиқот қилганда ҳамда антидарвинчиларга қарши қурашда муайян даражада тарихий роль ўйнаган. Бирок органнинг индивидуал ва тарихий та-раққиёти муносабатларини тушунтиришда қўпол хатоларга йўл қўйган. Жумладан, биогенетик қонунга кўра, шахс психологиясининг индивидуал тараққиёти (онтогенез) бутун инсоният тарихий та-раққиётининг(филогенез) асосий босқичларини қисқача такрорлайди, деган ғоя ётади.

Немис психологи В.Штерннинг фикрича, чакалок (янги туғил-бола) хали у одам эмас, балки фақат сут эмизувчи ҳайвондир, у ти ойликдан ошгач, психик тараққиёти жиҳатидан фақат маймунлар паражасига тенглашади, икки ёшида эса оддий одам ҳолига келади, дeш ёшларда ибтидоий лода ҳолатидаги одамлар даражасига етади, мактаб давридан бошлаб ибтидоий даврни бошидан кечиради, кичик мактаб ёшида ўрта аср кишилар онгига ва ниҳоят етукли даврдагина Иб-18 ёшларда) у ҳозирги замон кишиларининг маданий даражасига эришади.

Биогенетик назариянинг йирик намояндаларидан бири бўлмиш америкалик психолог С.Холл психологик тараққиётнинг бош қонуни деб "рекапитуляция қонуни" ни (филогенезни қисқача такрорлашни) ҳисоблайди. Унинг фикрича, онтогенездаги индивидуал тараққиёт филогенезнинг муҳим босқичларини такрорлайди. Олимнинг талқи-нига биноан, гўдақлик ҳайвонларга хос тараққиёт палласини қайта-ришдан бошқа нарса эмас. Болалик даври эса қадим.ги одамларнинг асосий машғулоти бўлган овчилик ва балиқчилик даврига айнан мос келади. 8-12 ёш оралиғида ўсиш даври ўсмирларда ёшидан иборат бўлиб, ёввойиликнинг охири ва цивилизациянинг бошланишидаги камолот чўккисига ҳамоҳангдир. Успиринлик эса жинсий етилишдан (12-13) бошланиб то етуклик даври кириб келгунга қадар (22-25 ёш-гача) давом этиб, у романтизмга эквивалентдир. С.Холлнинг талқини-га қараганда, бу даврлар "бўрон ватазйиқлар", ички ваташқи низолар (конфликт) дан иборат бўлиб, уларнинг кечиши давомида одамда "индивидуалдик туйғу" си вужудга келади. Шахс ривожланишининг ушбу назарияси ўз даврида бир талай танқидий мулоҳазалар манбаи вазифасини ўтади, чунки инсон зотидаги ривожланиш босқичлари филогенезни айнан такрорламайди ватақрорлаши ҳам мумкин эмас.

Биогенетик концепциянинг бошқа бир тури немис "конституци-он психологияси" (инсоннинг тана тузилишига асослаган назария) намояндалари томонидан ишлаб чиқилган. Э.Кречмер шахс (психоло-гияси) типологияси негизига бир қанча биологик омилларни (масалан, тана тузилишининг типи ва бошқаларни) киритиб, инсоннинг жисмо-ний типи билан ўсишининг хусусияти ўртасида узвий боғлиқлик Мавжуд, деб тахмин қилади. Э.Кречмер одамларни иккита катта гу-Рухга ажратади ва унинг бир бошқа циклоид тоифасига хос (тез кўзгалувчи, ҳис-туйғуси ўта барқарор), иккинчи учида эса шизоид тоифасига (одамови, муносабатга кийин киришувчи, ҳис-туйғуси чек-ланган) хос одамлар туришини айтади. Бу тахминини у шахс ривожланиши даврига кўчиришга ҳаракат қилади, натижада ўсмирлард. циклоид хусусиятлари, (ўта кўзгалувчанлик, тажовузкорлик, аффеқ. тив табиатлилик, илк ўспиринларда эса шизоидлик хусусиятлари бўлади, дея хулоса чиқаради. Лекин инсонда биологик шартлангац сифатлар ҳамиша етакчи ва ҳал қилувчи роль ўйнай олмайди, чункц шахснинг индивидуап-типологик хусусиятлари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Биогенетик назариянинг намояндалари америкалик психологла! А.Гезелл ва С.Холл тараққиётнинг биологик моделига чамалаб иш кўрадилар, бу жараёнда мувозанат, интеграция ва янгиланиш никлла-ри ўзаро ўрин алмашиниб туради, деган хулосага келадилар.

Психология тарихида биологизмнинг энг яққол кўриниши Зиг-мунд Фрейднинг шахс талкинида ўз ифодасини топган. Унинг таъли-мотига биноан, шахснинг барча хатти-ҳаракатлари (хулки) онгсиз биологик майллар ёки инстинктлар билан шартланган, айникса би-ринчи навбатда, у жинсий (сексуал) майлига (либидога) боғлиқдир, Бунга ўхшаш биологизаторлик омиллари инсон хулкини белгиловчи бирдан-бир мезон ёки бетакрор туртки ролини бажара олмайди.

Биогенетик назариянинг карама-қарши кўриниши - бу аксил кутбга жойлашган соиоогенетик назария ҳисобланади. Социогенетик ёндашишга биноан, шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш (социализация) усуллари, уни қуршаб турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан ҳолда тушуйтирилади. Ижтимоийлашув назариясига кўра, инсон био-логик тур сифатида тугилиб, ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитлари-нинг бевоситатаъсири остида шахсга айланади.

Ғарбий Европанинг энг муҳим нуфузли назарияларидан бири -бу роллар назариясидир. Ушбу назариянинг моҳиятига биноан жами-ят ўзининг ҳар бир аъзосига статус (ҳақ-ҳуқук) деб номланган хатти-ҳаракат (хулк) нинг барқарор усуллари мажмуасини таклиф қилади. Инсон ижтимоий муҳитда бажариши шарт бўлган махсус роллари шахснинг хулк-атвор хусусиятида, ўзгалар билан муносабат, мулоқот ўрнатишида сезиларли из қолдиради.

АҚШда кенг тарқалган назариялардан яна биттаси - бу индиви-дуал тажриба ва билимларни эгаллаш (мустақил ўзлаштириш) наза-риясидир. Мазкур назарияга биноан шахснинг ҳаёти ва унинг воқеликка нисбатан муносабати кўпинча кўникмаларни эгаллаш ва билимларни ўзлаштиришнинг самараси кўзгатувчини узликсиз рааишда мустахкамланиб боришнинг маҳсулидир. (Э.Торндайк, Б.Скин ва ҳоказо).

К.Левин томонидан тавсия қилинган "фазовий зарурат майдони" назарияси психология фани учун (ўз даврида) муқим аҳамият касб этади. К.Левиннинг

назариясига кўра индивиднинг хулқи (хатти-харакати) психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ (интилиш), мақсад (ният) лар билан бошқарилиб турилади ва улар фазовий зарурат майдонининг кўлами ва таянч нуқтаеига йўналтирилган бўлади.

Юқорида таҳлил қилинган (шарҳланган) ҳар бир назария шахс-нинг ижтимоий хулқи (хатти-харакати) ни ўзгалар учун ёпик ёки маҳ,-дуд муҳит хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиради, бу ўринда одам хоҳлайдими ёки йўқми бундан катъи назар мазкур шаро-итга мослашмоғи (кўникмоғи) зарур, деган ақидага амал қилинади.

Бизнингча, барча назарияларда инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий вазиятлари ва объектив шарт-шароитлари мутлақо эътиборга олинмаганга ўхшайди.

Психологияда психологик ёндашиш ҳам мавжуд бўлиб, у био-генетик, социогенетик омилларнинг кимматини камситмайди, балки психик жараёнлар тараккиётининг биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Ушбу ёндашишнинг урта мустақил йўналишга ажра-тиб таҳлил қилиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўз моҳияти, маҳ-сули ва жараён сифатида кечиши билан ўзаро тафовутланади.

Психиканинг иррационал (аклий биийш жараёнларидан гашка-ри) таркибий қисмлари бўлмиш эмоция, майл ва шу қабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария психодинамика дейилади. Мазкур назариянинг йирик намояндаларидан бири - бу америкалик психолог Э.Эриксондир. У шахс ривожини 8 та даврга ажратади ва уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос бетакрор хусусиятга эгадир.

Биринчи давр - гўдақлик. Ушбу даврда гўдақда онгсизликка ^сосланган ташқи дунёга нисбатан "ишонч" туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабабчиси ота— онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигининг нишонасидир. Агарда гўдақда ишонч негизи пайдо оўлмаса, балки борлиққа нисбатан ишончсизлик ҳисси туғилса, у так-Дирда вояга етган одамларда маҳдудлик, умидсизлик шаклида акс этувчи хавф вужудга келиши, эҳтимол.

Иккинчи даврда, яъни илк болаликда жонзодда ярим мустақил-Пик ва шахсий кадр-киммат туйғуси шаклланади ёки аксинча, уларнинг қарама-қаршиси бўлмиш уят ва шубҳа ҳисси ҳосил бўлади. болада мустақилликнинг ўсиши, ўз танасини бошқаришга кенг имконият яратиб, бўлғусида шахс хусусиятларига айланувчи тартиб ва ин. Ж тизом, масъулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғуларини таркиб топти. I ришга пухта замип ҳозирлайди.

Учинчи давр - ўйин ёши деб аталиб 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган ! болаларни ўзига камраб олади. Мазкур даврда ташаббус туйғуси, қай-сидир ишни амалга ошириш ва бажариш майлини таркиб топтиради, Мабодо унда хоҳиш-истакни рўёбга чиқаришнинг йўли тўсиб қўйил- I са, ушбу ҳолатда бола ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Мазкур ёш дав- I рида давра, яъни гуруҳий ўйин, тенгқурлари билан мулоқотга I киришиш жараёнлари муҳим аҳамият касб этади, натижада боланинг [турли роллар синаб кўришига, хаёлотли ўсишига имкон яратилади. I Худди шу даврда болада адолат туйғуси, уни тушуниш майли туғила | бошлайди.

Тўртинчи давр - мактаб ёши деб номланиб, ундаги асосий ўзга- I ришлар кўзлаган мақсадга эришиш қобилияти, уддабуронлик ва маҳ- I сулдорликка интилиш туйғуси билан ажралиб гуради. Унинг энг муҳим қадрияти - омилқорлик ва маҳсулдорликдан иборатдир. Ушбу ёш даврининг салбий жиҳатлари (иллатлари) ҳам кўзга ташланади ва .

уларнинг каторига ижобий хислатлари етарли даражада бўлмаганли-ги, онги ҳаётнинг барча кирраларини камраб ололмаслиги, муаммо-ларни ечишда акл-заковатнинг етишмаслиги, билимларни ўзлашти-ришда қолоклиги (сустлиги) ва ҳоказо. Худди шу даврда шахсда меҳнатга нисбатан индивидуал муносабати шакллана бошлайди.

Бешинчи давр - успиринлик - ўзининг бетакрор хислати, инди-видуаллиги ва бошка одамлар билан кескин тафовутланиши билан тавсифланади. Шунингдек, ўсмирлик шахс сифатида ноаниқлик, му-айян ролнинг уддаламаслик, катъиятсизлик сингари нуксонларга (ил-латларга) эгадир. Мазкур даврнинг энг муҳим хусусияти "ролни кечиктириш"нинг ўзгариши ҳисобланиб, бирмунча тараккиёт боски-чига кўтарилишининг дақиқасидир. Унда ижтимоий ҳаётда бажараёт-ган ролларининг кўлами кенгаяди, лекин уларнинг барчасини жиддий эгаллаш имконияти мавжуд бўлмайди, ваҳоланки бу кезде ўспирин ролларда ўзини синаб кўриш билан чекланади, холос. Эриксон ўспи-ринларда ўз-ўзини англашнинг психологик механизмларини батафсил таҳлил қилади, унда вақтни янгича ҳис қилиш, психосексуал кизиқиш, патоген (касаллик қўзғатувчи) жараёнлар ва уларнинг турли кўринишлари намоён бўлишини шарҳлайди.

Олтинчи давр - ёшлик бошка одамга (жинсга) нисбатан психо-логик интим яқинлашув қобилияти (укуви) ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради. Айниқса, жинсий майл бу соҳада алоҳида ўрин тутаяди. Бундан ташқари, ёшлик танҳолик ва одамовилик каби беҳосият хусусиятлари билан тафовутланади.

Еттинчи давр етуклик даври деб аталиб, қаёт ва фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатга, ижодиётга, ғамхўрликда, пушт колди-ришда, тажриба узатишда ва бошкаларда) маҳсулдорлик туйғуси унга узлуксиз равишда ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошиши-да туртки вазифасини бажаради. Шунингдек, мазкур даврда айрим жиҳатларда турғунлик туйғуси нуксон (иллат) сис]атида ҳукм суриши ҳчтимолдан ҳоли эмас.

Саккпзинчи давр, яъни қариллик инсон тарикасида ўз бурчини уддалай олганлиги, турмушнинг кенг қамровлиги, ундан қаноатлан-ганлиги (коникканлиги) туйғулари билан тавсис]ланади. Салбий хусу-сият сис]атида ушбу ёшда ҳаётдан, фаолиятдан ноумидлилиқ, улардан кўнгил совиш ҳис-туйғуларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Донолик, софлик, гуноҳлардан фориғ бўлишлиқ бу ёшдаги одамларнинг энг мух.им жиҳати, саховати ҳисобланади, бинобарин, ҳар бир алоҳида олинган ҳолатга нисбатан шахсият ва умумият нуктаи назардан қараш уларнинг олий ҳиммати саналади.

Э.Шпрангер "Успиринлик даври психологияси" деган асарида кизларнинг 13 ёшдан 19 ёшгача, йигитларнинг эса 14 ёшдан 22 ёшга-ча киритишни тавсия қилади. Ушбу ёш даврида юз берадиган асосий ўзгаришлар Э.Шпрангер бўйича:

- а) шахсий "Мен" ни кашф қилиш,
- б) рефлексиянинг ўсиши,
- в) ўзининг индивидуаллигини англаш (тушуниш) ва шахсий хусусиятларини эътироф қилиш,
- г) ҳаётини эзгу режаларининг пайдо бўлиши,

д) ўз шахсий турмушини англаган ҳолда куриш установакиси ва ҳоказо. Унинг фикрича, 14-17 ёшларда вужудга келадиган инқирознинг моҳияти уларга катталарнинг болаларча муносабатидан қутулиш туйғусини туғилишидан иборатдир. 17-21 ёшларнинг яна бир хусусияти - ўзининг тенгқурлари ва жамоатчилик куршовидан "узилиш инқироzi" ва танҳолик туйғусининг пайдо бўлишидир. Бу ҳолатни тарихий шартланганлик шарт-шароитлар ва омиллар вужудга келтиради.

Э.Шпрангер, К.Бюлер, А.Маслоу ва бошқалар персонологик назариянинг йирик намояндалари бўлиб ҳисобланадилар.

Когнитивистик йўналишнинг асосчилари каторига Ж.Пиаже, Дж. Келли ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ж.Пиаже интеллект назарияси иккита муҳим жнҳатга ажратил-ган бўлиб, у интеллект функциялари ва интеллектнинг даврлари таълимотини ўз ичига қамраб олади. Интеллектнинг асосий функция-лари каторига уюшқоклик (тартиблилик) ва адаптация (мосла-шиш,қўниқиш) дан иборат бўлиб, интеллектнинг функционал нвариантлиги деб юритилади.

Муаллиф шахсда интеллект ривожланишининг қуйидаги босқичларга ажратади:

- 1) сенсомотор интеллекти (туғилишдан то 2 ёшгача),
- 2) операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан то 7 ёшгача),
- 3) конкрет операциялар даври (7-8 ёшдан 11-12 ёшгача),
- 4) формал (расмий) операциялар даври.

Ж.Пиаженинг ғояларини давом эттирган психологларнинг бир гуруқини когнитив-генетик назарияга бириктириш мумкин. Бу йўналишнинг намояндалари каторига Л.Колберг, Д.Бромлей, Дж.Биррер, А.Валлон, Г.Гримм ва бошқалар киради.

Француз психологи А.Валлон нуктаи назарича, шахснинг ри-вожланиши қуйидаги босқичларга ажратилади:

- 1) ҳомиланинг она корнидаги даври,
- 2) импульсив ҳаракат даври - туғилгандан то 6 ойликгача,
- 3) эмоционал (ҳис-туйғу) даври - 6 ойликдан то 1 ёшгача,
- 4) сенсомотор (идрок билан ҳаракатнинг уйғунлашувн) даври - 1 ёшдан то 3 ёшгача,
- 5) персонализм (шахсга айланиш) даври - 3 ёшдан то 5 ёшгача.
- 6) фарқлаш даври - 6 ёшдан то 11 ёшгача,
- 7) жинсий етилиш ва ўспиринлик даври - 12 ёшдан то 18 ёшгача.

Яна бир франциялик йирик психолог Заззо ўз ватанидаги таълим

ва тарбия тизимининг тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммога бошқачароқ ёндашиб ва уни ўзига хос талкин қилиб; ин-соннинг улғайиб боришини қуйидаги босқичларга ажратишни тавсия килади:

1. Биринчи босқич - боланинг туғилганидан 3 ёшигача.

2. Иккинчи босқич - 3 ёшидан 6 ёшигача.
3. Учинчи босқич - 6 ёшидан 9 ёшигача.
4. Тўртинчи босқич - 9 ёшидан 12 ёшигача.
5. Бешинчи босқич - 12 ёшидан то 15 ёшигача.
6. Олтинчи босқич - 15 ёшидан 18 ёшигача.

Схемадан кўришиб турибдики, Р.Заззо шахс ривожланишининг босқичларига индивидуаллик сифатида таркиб гопиш, такомиллашиш назариясидан келиб чикиб ёндашгани шахс шаклланиши палласининг юкори нуктаси, яъни ижтимоийлашуви билан чекланишга олиб кел-ган. Шунинг учун унинг таълимоти инсоннинг онтогенезда такомил-лашуви, ўзгариши, ривожланиши хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини бермайди.

Г.Гримм шахс ривожланиши куйидаги босқичлардан иборат эканлигини тавсия қилади:

- 1) чакалоклик - туғилганидан то 10 кунгача,
- 2) гўдаклик - 10 кунликдан то 1 ёшигача,
- 3) илк болалик - 1 ёшдан то 2 ёшигача,
- 4) биринчи болалик даври - 3 ёшдан то 7 ёшигача,
- 5) иккинчи болалик даври - 8 ёшдан то 12 ёшигача,
- 6) ўсмирлик даври 13 ёшдан то 16 ёшигача ўғил болалар, 12 ёш-дан 15 ёшигача кизлар,
- 7) ўспиринлик даври - 17 ёшдан то 21 ёшгача йигитлар, 16 ёш-дан 20 ёшгача қизлар (бокиралар),
- 8) етуклик даври: биринчи босқич - 22 ёшдан 35 ёшгача эркак-лар, 21 ёшдан 35 ёшгача аёллар, иккинчи босқич - 36 ёшдан 60 ёшгача эркаклар, 36 ёшдан 55 ёшгача аёллар,
- 9) кексайиш (ёши қайтган давр) - 67 ёшдан то 75 ёшгача эркак-лар, 55 ёшдан то 75 ёшгача аёллар,
- 10) қариллик даври-76 ёшдан то 90 ёшигача (жинсий тафовут йўқ),
- 11) узок умр кўрувчилар 91 ёшдан бошлаб то чексизликкача.

Дж.Биррон шахс ривожланишини куйидагичатасаввурэтади:

- 1) гўдаклик - туғилгандан то 2 ёшгача,
- 2) мактаболди давр - 2 ёшдан то 5 ёшгача,
- 3) болалик даври - 5 ёшдан то 12 ёшгача,
- 4) ўспиринлик даври - 12 ёшдан то 17 ёшгача,
- 5) йлк етуклик даври - 17 ёшдан то 20 ёшгача,

- б) етуклик даври - 20 ёшдан то 50 ёшгача,
- 7) етуклик даврининг охири - 50 ёшдан то 75 ёшгача,
- 8) қарилик даври 76 ёшдан бошлаб.

Д.Бромлейнинг таснифи бошқаларникига мутлақо ўхшамайди, чунки унда шахснинг ривожланиши муайян даврларга ва босқичларга 83кратилган: биринчи давр - она корнидаги муддатни ўз ичига камраб олади (зигота-эмбрион-ҳомила-туғилиш), иккинчи давр (болалик):

а) гўдаклик - туғилгандан то 18 ойликгача, б) мактабгача босқичдан ол-динги - 19 ойликдан то 5 ёшгача, в) мактаб болалик - 5 ёшдан 11-13 ёшгача, учинчи давр (ўспиринлик) - 1) илк ўспиринлик - 11 ёшдан ю 15 ешгача, 2) ўспиринлик - 15 ёшдан то 21 ёшгача, тўртинчи давр (етуклик) - 1) илк етуклик даври - 21 ёшдан то 25 ёшгача, 2) ўртд етуклик даври - 25 ёшдан то 40 ёшгача, 3) етукликнинг сўнгги босқи-чи - 40 ёшдан то 55 ёшгача, бешинчи давр (қарилик) - 1) истефо босқичи - 55 ёшдан то 65 ёшгача, 2) қарилик босқичи - 65 ёшдан то 75 ёшгача, 3) энг кексалик даври - 76 ёшдан то чексизликгача.

Шундай қилиб, биз чет эл психологиясида шахс ривожланиши-нинг йўналишлари ва назарияларини қисқача шарҳлаб ўтдик. Қилин-ган таҳлиллардан кўриниб турибдики, Европа мамлакатлари ва АҚШ психологлари орасида бу соҳада битта умумий назария хали ишлаб чиқилмаган. Бунинг бош сабаби шахснинг тузилиши, уни шаклланиш қонуниятлари, унинг камолотида объектив ва субъектив таъсирлар-нинг роли, микро ва макромухитнинг таъсири, ривожланишнинг та-янч манбалари бўйича умумийликнинг йўқлиги, аниқ методологияга ва илмий платформага асосланмаганликдир.

Собиқ Совет психологиясида шахснинг ривожланиши муаммоси Л.С.Виготский, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович сингари йирик психологларнинг асарлари-да ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик ушбу масапа билан шугул-ланувчилар сафи кенгайиб борди. Худди шу боисдан шахснинг тузилиши, илмий манбаи, ривожланишнинг ўзига хослиги бўйича ён-дашувда, муайян даражада тафовутга эга. Ҳозирги даврда шахснинг ривожланиши юзасидан мулоҳаза юритилганда олимларнинг илмий карашларини муайян гуруҳга ажратиш ва ундан сўнг уларнинг моҳия-тини очиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, онтогенезда шахс тараккиё-тини бир неча босқичларга ажратиш ва уларнинг ҳар бирига алоҳида илмий психологик таъриф бериш нуктаи назаридан ёндашиш қуйида-ги назария ва йўналишларни ташкил қилади. Жумладан, ривожла-нишдаги инкирозга биноан (Л.С.Виготский), мотивашюн ёндашиш (Л.И.Божович), фаолиятга кўра муносабат (Д.Б.Эльконин), шахснинг ижтимоийлашуви хусусиятига эътиборан (А.В.Петровекий). шахсни тутган позициясини ҳисобга олиб (Д.И.Фельдштейн) ва ҳоказо.

Л.С.Виготский жаҳон психологлари шахснинг тузилиши ва ри-рожланишига оид назарпяларни танкидий таҳлил қилиб, камолотни ^{ву}жудга келтирувчи руҳий янгиланишлардан келиб чиккан ҳолда жа-раённи қуйидаги босқичларга ажратади.

1. Чакалоклик даври инкирози (кризиси).

2. Гўдаклик даври - 2 ойдан 1 ёшгача. Бир яшарлик инкироз.
3. Илк бодадик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача. 3 яшарлик инкироз.
4. Мактабгача ёшдаги давр - 3 ёшдан 7 ёшгача. ? яшарлик инки-роз.
5. Мактаб ёши даври - 8 ёшдан 12 ёшгача. 13 яшарлик инкироз.
6. Пубертат (жинсий етилиш) даври - 14 ёшдан 18 ёшгача. 17 яшарлик инкироз.

Л.С.Виготский ўз асарларида ривожланишнинг ҳар бир даврининг ўзига хос хусусиятларига чуқур илмий таъриф бера олган. Тадқиқотчи шахснинг ривожланишида энг муҳим руҳий янгиланиш-лар юзасидан ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этувчи мулоҳаза-лар билдирган. Бироқ унинг фикрлари ичида ўта мунозарали, баҳсбоб ўринлар талайгина. Ҳозирги замон психология фанида Л.С.Виготскийнинг шахснинг ривожланиши назарияси илмий, тари-хий, ижтимоий аҳамият касб этади, тараққиётни келтириб чиқарувчи инкирозларнинг роли тўғрисидаги мулоҳазалари ва олга сурган ғоя-лари шу куннингталаби билан ҳамоҳангдир.

Собиқ Совет психологиясининг йирик намояндаси, Л.С.Виготскийнинг шогирди Л.И.Божович шахс шаклланишини му-айян даврларга бўлишда мотивларга асосланади, шунинг учун бу ён-дашувни мотивацион деб юритиш мумкин. Л.И.Божович мулоҳазасига биноан, шахснинг шаклланиши ушбу даражалардан иборат: биринчи босқич - чакалокдик - туғилгандан то 1 ёшгача, ик-кинчи босқич - мотивацион тасаввур - 1 ёшдан 3 ёшгача, учинчи босқич - "Мен" ни англаш даври - 3 ёшдан 7 ёшгача, тўртинчи босқич - ижтимоий жонзод эканлигини англаш даври - 7 ёшдан 11 ёшгача, бешинчи босқич: а) ўз-ўзини англаш даври - 12 ёшдан 14 ёшгача, б) ўз ўрнини белгилаб олиш (топиш) даври - 15 ёшдан 17 ёшгача.

Л.И.Божович шахс шаклланишининг ҳар бир босқичини психо-логик тавсифини бериб, уларни келтириб чиқарувчи омиллар, манба-лар, турткилар, механизмлар негизини очиб беришга ҳаракат қилган. Олима фикрининг йўналиши шахс психологияси билан узвий боғлиқ бўлиб мотивацион ёндашувга бевосита таҳлил ва шарҳ бўйсунди-рилган.

Д.Б.Элькониннинг шахс шаклланиши классификацияси етакчи фаолият назариясига (А.Н.Леонтьев таълимотига) асосланиб, қар бир тараққиёт палласида у ёки бу кўринишдаги фаолпаят устунлик қилиш эҳтимолига суянади. Инсоннинг шахс сифатида камол топиши жараё-нидаги етакчи фаолият ролп ушбу назариянинг асосини ташкид қилади.

Д.Б.Эльконин шахс шаклланишининг куйидаги босқичларга аж-ратади:

- 1) гўдаклик даври - туғилгандан то 1 ёшгача; асосий фаолият -бевосита эмоционал мулоқот,

- 2) илк болалик даври - I ёшдан то 3 ёшгача; асосий фаолият - предмет билан манипуляция (нозик ҳаракат) килиш,
- 3) мактабгача даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача; асосий фаолият - ролли ўйинлар, асосий фаолият - ўқиш.

5) кичик ўсмирлик даври - 10 ёшдан то 15 ёшгача; асосий фаолияти - шахсий ички (интим) мулоқот,

б) катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик ёш даври - 16 ёшдан то 17 ёшгача; асосий фаолият - ўқиш-касб танлаш.

Д.Б.Элькониннинг шахс шаклланиши босқичлари муайян кўлам-даги психологлар томонидан илиқ қарши олинишига қарамасдан, маълум даражада муназаробоп ўринлар йўқ эмаслигини эътироф қилинди. Бизнингча, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари фақат алоҳида олинган фаолият доираси таъсири билан чегараланиб қол-маслиги, балки оралик босқичлари ҳам мавжудлиги ва ундан келиб чиққан ҳолда руҳий янгилинишларда ҳам ўзгариш бўлиши эҳтимол-дан ҳоли эмас. Шунга қарамасдан, Д.Б.Элькониннинг мазкур назария-си психология фанида, айниқса, ёш давлари психологиясида энг оммабоплардан бири бўлиб қолмоқда.

Болалар психологияси фаннинг йирик намояндаси А.А.Люб-линская шахс тараққиётини муайян босқичларга ажратишда педагогик психология позициясидан турган ҳолда фаолият нуқтаи назардан унга ёндашади, маълум даврларга ажратади ва уларни атрофлича шарҳлаб беришга интилади.

1. Чакалоклик даври - туғилгандан то бир ойликгача.
2. Кичик мактабгача даври 1 ойдан то 1 ёшгача.
3. Мактабгача ёшидан олдинги давр - 1 ёшдан то 3 ёшгача.
4. Мактабгача ёши даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача.
5. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилик даври - 7 ёшдан то 11 (12) ёшгача.
6. Урта синф ўқувчиси даври (ўсмирлик) - 13 ёшдан то 15 ёшгача.
7. Юқори синф ўқувчиси даври - 15 ёшдан то 18 ёшгача.
8. Педагогик психологиянинг таниқли намояндаси В.А.Крутецкий инсоннинг онтогенетик тараққиётини мана бундай босқичлардан таркиб топиш эҳтимоли мавжудлигини асослаб беришга ҳаракат қилади.

1. Чакалоклик (туғилгандан то 10 кунликгача).
2. Гўдаклик даври (10 кунликдан то 1 ёшгача).
3. Илк болалик даври (1 ёшдан то 3 ёшгача).
4. Боғчагача бўлган ёш давр (3 ёшдан то 5 ёшгача).

- 5.Богча ёш даври (5 ёшдан то 7 ёшгача).
- 6.Кичик мактаб ёши даври (7 ёшдан то 11 ёшгача).
- 7.Ўсмирлик ёш даври (11 ёшдан то 15 ёшгача).

Негадир муаллифларнинг аксарияти онтогенезда шахснинг ривожланишини колган босқичларини ҳисобга олмайдилар.

Назорат учун саволлар:

- 1.Шахс психологиясининг предметини тушунтиринг.
2. Ижтимоий шаклланган назарияларни тушунтиринг .
3. Россия шахс психологиясининг хусусиятларини айтинг.
- 4.Россия психологияси назарияларини изоҳланг.
- 5.Шахснинг психодинамик назариялари ҳақида гапиринг.

17-мавзу:Умумийлик ва хусусийлик муносабатлари.

Режа:

- 1.Умумийлик ва хусусийлик тушунчалари.
- 2.Ушбу тушунчаларнинг шахс шаклланишидаги аҳамияти.
3. Жаҳон психолог олимларнинг фикрлари талқини.
- 4.Ўзбекистон психологларининг қарашлари тўғрисида.

Ҳозирги замон психологиясининг таникли вакили А.В.Петровский инсон тараккиётига шахсни таркиб топтиришнинг социал-психологик нуктаи назардан ёндашиб, ўзига хос оригинал классифика-циясини яратади. Ушбу назария негизида юксалиш, етукликка интилиш ғояси ётганлиги сабабли болалик,- ўсмирлик, ўспиринлик даврлари ётади, холос. А.В.Петровскийгача психологлар тараккиётнинг бир текис жиҳатини олиб ўрганган бўлсалар, бундан ўларок у шахс шаклланишининг просоциал (ижтимоий коидаларга риоя қилиб) ва асоциал (аксижтимоий) босқичлари мавжуд бўлиши мумкинлигини далиллаб беришга ҳаракат қилади. Шунинг учун тараккиёт учта

мак-рофазадан иборат эканлигини шарҳлаб, унинг биринчи тури болалик даврига тўғри келиб, ижтимоий муҳитга мослашиш, кўникиш (адап-тация), иккинчиси - ўсмирларга хос индивидуаллашиш (индивидуали-зация), учинчиси - ўспиринлик, яъни етукликка интилиш даврида индивидуал ҳолатларни мувофиклаштириш (бирлаштириш) хусусиятлари билан тавсифланади. А.В.Петровский шахснинг шаклланишини қуйидаги босқичлардан иборат бўлишини таъкидлаб ўтади.

1.Илк болалик (мактабгача ёшидан олдинги давр) - туғилгандан то 3 ёшгача.

2.Боғча ёши даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача.

3.Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи даври - 7 ёшдан то 11 ёшгача.

4.Урта синф ўқувчиси (ўсмирлик) даври - 11 ёшдан то 15 ёшгача.

5.Юкори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври - 15 ёшдан то II ёшгача.

А.В.Петровскийнинг классификацияси канчалик такомил дара-жада бўлмасин, тараккиётнинг оралиқ босқичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини эътироф этишга мойилдир. Чуики ижтимоий коидаларга биноан ўсишми ёки аксилижтимоийми унга қ.а. рамасдан, ҳар икки йўналишнинг ҳам оралиқ жабҳалари бўлиши эҳ. тимолдан холи эмас, лекин бу ғояни чуқурроқ шарҳлаб бериш жоиз.

Д.И.Фельдштейн классификацияси ҳам шахсга ижтимоий ёнда-шувга асосланган бўлса ҳам, лекин у А.В.Петровскийникидан кескин ! фарқ қилади. Д.И.Фельдштейннинг фикрича, инсонни шахс сифатида шаклланиш жараёнида иккита катта тараккиёт босқичини босиб ўтади, улардан бири - "Мен жамият ичида" деган позициядан иборат бўлиб, у ўзига қуйидаги ёш босқичларини камраб олади:

1)илк болалик - 1 ёшдан 3 ёшгача,

2)кичик мактаб ёшидаги ўқувчиси даври - 6 ёшдан то 9 ёшгача,

3)кжори синф ўқувчиси даври - 15 ёшдан то 17 ёшгача.

Шахс тараккиётидаги иккинчи позиция "Мен ва жамият" деб номланиб, у қуйидаги ёш босқичларига тааллуқлидир:

1)гўдаклик - туғилгандан то 1 ёшгача,

2)мактабгача ёшдаги болалар - 3 ёшдан 6 ёшгача,

3)ўсмирлар - 10 ёшдан то 15 ёшгача.

Д.И.Фельдштейн бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўларок, ўсмирлик даврини уч босқичга ажратади. Унинг мулоҳазасига кўра, биринчи босқич (10-11 ёш) ўзига муносабатни кашф қилишдан иборат бўлиб, ўзини шахс сифатида ҳис қилиш ва катъий қарорга келиш би-лан яқунланади. Иккинчи босқич 12-13 ёшдаги ўсмирларни ўз ичига олиб, бир томондан, ўзини шахс сифатида тан олиш, иккинчи томон-дан, ўзига салбий муносабатда бўлиш хусусиятига эга. Учинчи босқич 14-15 ёшли катта ёшдаги қагга ўсмирлардан иборат бўлиб, тезкорликда ўз-ўзини баҳолашга мойил муносабати билан тавсифла-нади.

Болаларда "Мен жамият ичида" позицияси илк болалик, кичик мактаб ёшидаги, юкори синф ўқувчилик даврларида фаоллик кен1' кўламда қулоқ ёяди, чунки мазкур

таракқиёт боскичида фаолиятнинг амалий предметли жнҳатлари жадап ўсишда бўлади. Уларда "Мен ва жамият" позицияси вужудга келиши мактабгача тарбия ёши, ўсмирлик даврларига тўғри келиб, улар томонидан ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг нормалари ва қоидаларини ўзлаштириш, шахслараро муносабат ўрнатиш, ўзаро мулоқотга киришиш хусусияти билан тав-сифланади. Ана шу мураккаб социал-психологик ҳолатларга асосланган ҳолда Д.И.Фельдштейн боланинг ижтимоий таракқиётида унинг жамиятга нисбатан муносабатининг асосий (бош) ва оралик тоифа-ларга ажратади. Болада жамиятга нисбатан оралик муносабатнинг шаклланиши ижтимоиlashув, индивидуалlashувнинг таркиоии қисм аоини эгаллаш ва бир даврдан иккинчисига ўтиши натижасида юзага келади. Асосий (бош) муносабат - шахснинг ривожланишида кескин киш нукталарининг пайдо бўлиши, ички сифат ўзгаришларининг вужудга келиши ва унда янги ҳислатларни гаркиб топишининг маҳсулидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Д.И.Фельдштейннинг шахс ривожланиши назарияси онтогенезда юз берадиган барча пси-чологик ҳолат ва фазилатни изоҳлаб бериш имкониятига эга эмас. Лекин у таълим-тарбия сифатини оширишга ва такомиллаштириш жараёни (фаолияти) га ижобий таъсир ўтказиш хусусияти билан амаллий аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ҳамдўстлик мамлакатлари психологлари томонидан бир қатор пухта илмий-методологик негизга эга бўлган шахс-нинг ривожланиши назариялари ишлаб чиқилган. Уларнинг аксарияти онтогенезда шахснинг шаклланиши қонуниятларини очишга муайян ҳисса бўлиб хизмат қилади, амалий ва назарий муаммоларни ечишда кенг қўламда қўлланилади. Аммо онтогенезда шахснинг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини акс эттирувчи назария яратиш мав-руди етиб келди.

Одамзод муаммоси азалий долзарблиги билан бошқа инсоншу-нослик категорияларидан кескин ажралиб турган ва бундан кейинги инсоннинг ижтимоий-тарихий таракқиётида ҳам худди шундай юксак нуфузга эга бўлиб қолаверади. Жамият мавжуд экан унинг қудрати, ҳаракатлантирувчи қучи, моддий ва маънавий маҳсулот яратувчиси бўлмиш инсоннинг ахлоқи, ақл-идроқи, юксак ҳис-туйғуси, иродавий фазилати, қобилияти ва салоҳияти юзасидан янги маълумотларга эга бўлиш масаласи ўз мавқеини асло йўқотмайди. Худди шу боисдан ин-сон шахси, унинг қамолоти, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омил-лар, фаолият, тажриба ва интилишнинг роли масалалари ХХI асрда тадқиқот этилишга мўхтождир.

Инсон шахсини ўрганиш масаласи билан фалсафа, психология, педагогика, социология, филология, тарих каби ижтимоий ва гумани-тар фанлар шугуллагади. Х^{03И}Р^{ГИ} лаврда инсон муаммоси аниқ, гу-манитар, ижтимоий фанларнинг умумий тадқиқот объектига айланиб бормокда ва бу жараён кейинги асрда янада жадаллашади. Шунга қарамадан, бир томондан, инсонни ўрганишда дифференциация ҳоли-саси юз бермокда, иккинчи томондан, инсон таракқиётининг синтетик (бириқув) тавсифи бўйича интеграция ҳолати кўзга ташланмокда. Ин-сон бир қатор фанларнинг тадқиқот объекти эканлиги йиғик, ихчам. яхлит тарзда тасаввур этиш учун уни **биосоциал** ва **социобиологик** жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, инсон ҳаёти ва фаолиятининг операционал (усул, услуб, уқув, операция, қўникма, малака, олат) механизми унинг онтогенезида функционал (ҳаракатлантирувчи) ме.ханизмга ўсиб

ўтади, бинобарин, унда комилликнинг белгилари, ало.матлари шаклланади, натижада у жисмоний ва маънавий камолот чўккисининг муайян даражасигаэришади.

Муаммони инсон - жамият - табиат - турмуш муносабатларИ нуктаи назардан текширган жаҳон психологиясининг намояндалари [Ц.Бюлер, А.Маслоу, К.Роджерс, Р.Оллпорт, В.Джемс, А.ГезелЛ, Л.Термен, Ж.Пиаже, А.Валлон, С.Л.Рубинштейн, Л.С.Виготский, д.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев каби олимлар одамнинг улар билан ҳар хил турдаги ва кўринишдаги каузал, структуравий, операционшл, мо-гивацион, когнитив, фазовий ва маконий алоқалар тизими мавжуддй-г-ини таъкидлаб ўтгандир.

Жаҳон психологиясидаги турли назарияларга асосланган ҳолда, биринчидан, инсон у ёки бу штокалар тизимига биноан биологик эво-люция маҳсули сифатида ўрганилади. Иккинчидан, ижтимоий-тарихий жараённинг ҳам объекти, ҳам субъекти тарикасида инсоН шахси тадқиқот қилинади. Учинчидан, индивид (одамзод) муайян да-ражада ва кўламда ўзгарувчан, биологик тараккиётнинг генетик дас-турига асосланувчи шюҳида хусусиятли жонзод тарзида илмИЙ жихатдан текширилади.

Бизнингча, инсоннинг жамият ишлаб чиқаришининг етакчи ва асосий таркиби, билиш, коммуникация ва бошқарув жараёнининГ субъекти, тарбиялаш ва тарбияланиш предмети сифатида тадқиқ эти-лиши муҳим аҳамиятга эга. Худди шу боисдан инсон ва унинг бор-лиқ, ижтимоий жамият билан кўп қиррали, мураккаб муносабатга ҳамда алоқага киришиши куйидаги тарзда намоён бўлиши мумкин:

1. Табиатнинг биотик ва абиотик омиллари - инсон.
2. Жамият ва унинг тарихий таракқиёти - инсон.
3. Инсон - техника, технология.
4. Инсон - маданият, маънавият, кадрият ва рухият.
5. Инсон ва жамият - ер ва фазо.

XXI асрда ҳам одам - индивид, шахс, субъект, комил инсон си-фатида психологик илмий тушунчалар негизида тадқин қилинишдэ давом эттирилади, лекин ҳар бир тушунча моҳиятида ва кўламида си-фат ўзгаришлари юз бериши мумкин, чунки ташки ва ички омиллар, таъсир этувчилар, таъсирланувчилар устуворлиги йўқола боради.

Одамга индивид сифатида тавсиф беришда унинг ёш даврй, жинсий ва индивидуал-типологик хусусиятларига асосланилади. Ёш даврнинг сифатлари онтогенетик, эволюция боскичларида изчил равишда намоён бўлади ва такомиллашув жараёнида ўз ифодасини топади, жинсий диморфизм хусусияти эса уларга мутлақо мос тушади. Индивиднинг индивидуал-типологик хусусиятига конституцион (t_a . нанинг тузилиши, биокимёвий индивидуаллик, яъни яккаҳоллик) x_0 . латлар, симметрия ва асимметрия жуфт рецепторлари, эффекторларц функцияси киради. Бу хусусиятлар, ҳолатлар, ҳодисалар, механизмлар ва хоссалар бирламчи ҳисобланиб, хужайра ва молекуляр тузи-лишнинг барча даражаларида иштирок этади. Жаҳон психологияси тўплаган назарий ва амалий маълумотлар-га кўра, ёш, жинсий ва индивидуал-типологик хусусиятлар сенсор (субсенсор, субцептив), мнемик (хотира), вербал (сўз оркали) ва ман-тиқ психофизиологик функцияларининг динамикаси ҳамда органик эҳтиёжлар тузилишини аниқлайди. Индивиднинг бу хусусиятларини иккиламчи деб атаб, уларнинг интеграцияси темперамент хусусиятла-рида ва туғма майлларда ифодаланишини

таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки юқоридаги сифатлар онтогенетик эволюция жараён-дан иборат бўлиб, улар филогенетик дастурга асосланиб ҳукм суради. Ёш даврга оид ва индивидуал ўзгарувчанлик инсониятнинг ижтимо-ий-тарихий тараққиёти таъсири остида ҳар хил кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Индивиднинг динамик хусусиятларига шахснинг ижтимоий муҳитда вужудга келган сифатлари таъсир этиб, унинг ин-дивидуал ўзгарувчилиги омилини янада кучайтиради. Инсоннинг шахс сифатида тавсифланишининг муҳим психоло-гик лаҳзаси унинг динамик хусусиятлари ҳисобланиб, жамиятдаги статуси (иқтисодий, сиёсий, ҳукукий, мафкуравий негизга боғлиқ, яъни унинг жамиятда эгаллаган ўрни, нуфузи, мавқеи (билан белги-ланади) орқали ифодаланади. Статуснинг негизида эса ҳамisha узлук-сиз равишда ўзаро алоқалар тизими ётади. Инсон бажариши лозим бўлган гуруҳий фаолият ва яккаҳол турмушга, касб-хунарга алоқадор, яъни касабавий, оиладаги ҳамда жамоадаги ролнинг ижтимоий функ-цияси, унинг муайян мақсадга, кадриятга, маънавиятга йўналганлиги, шахсни фаоллаштиради, натижада у барча жабҳаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Статус, роль, кадриятга йўналганлик шахс хусусиятлари, сифатлари, фазилатларн, хосиятлари ва хислатлари-нинг бирламчиларини ташкил этади, унинг тузилишида асос бўлиб хизмат қилади. Шахснинг тавсифи фаолият, хулқ мотивацияси хусу-сияти ва ижтимоий феъл-атвор (оддий стереотипдан тортиб, то халқ донишмандлиги намунашари) тузилишини белгилаб, унинг таркибидан иккиламчи аломатлар, белгилар сифатида жой эгаллайди. Шахс-нинг бирламчи ва иккиламчи сис)атларининг ўзаро таъсирини бир-паштпрувчи юксак самара тарзида инсон характери ва майллари юзага келади. Инсоннинг шахс хислатларини ривожлантирувчи, уларни такомиллаштирувчи ва барқарорлаштирувчи асосий шакл -унинг жамиятдаги ҳаёт йўли, муайян из колдириши ва ижтимоий таржимаи ҳоли ҳисобланади. Шахснинг х&п.қига килган хизмати унинг эъзозланишига. ҳаттоки миллий маънавий бойлик, тафаккур гулшани ва сарчашмаси даражасига кўтарилиши мумкин.

Инсоннинг фаолият субъекти сифатидаги асосий тавсифлари қа-торига унинг бу соҳадаги тараққиётнинг маҳсули - онги (объектив фаолиятнинг ннъикоси сифатида (ва фаолияти) воқеликнинг ўзгарти-рувчиси тариқасида) киради. Инсон амалий фаолиятнинг субъекти тарзида унинг шахсий фазилатлари ва хислатларини тавсифлабгина колмайди, балки меҳнатнинг техник воситалари ва технологияси, уларнинг кучайтирувчанлик, тезлаштирувчанлик ва яратувчанлик функциялари сис)атида юзага келадн. Амалий фаолият умуминсоний ва якка шахс тажрибасининг бир қисми тариқасида, эгалланилган, ўзлаштирилган, пухта тажрибадан с|юйдаланиш сингари намоён бўлади. Назарий фаолиятнинг субъекти бўлмиш инсон ўзининг би-лимлари. касбий кўникмалари, аклий малакалари билан тавсифлана-ди, кайсики улар ўзига хос аломатлар.тизими билан бевосита боғлиқ-дир. Акдий фаолият ижодиёт даражасига ўсиб ўтиши натижасида ижодий маҳсуллар, янгиликлар, қонуниятлар вужудга келади ва жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Аждодлар мероси ва авлодлар сапоҳияти маҳсулларининг узвий боғланиши на-зарий ва амалий фаолиятнинг ўзаро уйғунлашувини такозо этади, ваҳоланки, ҳар иккала фаолият турида ижодийлик аломати, маҳсули иштирок қилади, фан ва техника ривожини таъминлайди. Фаолият тажрибалар билан узвий боғланса, унинг самарадорлиги, мақсадга йўналганлиги, амалга ошиш имконияти юксак босқичга кўтарилади.

Инсон ҳаётида ижтимоий ҳодиса сифатида агшон муҳим роль ўйнайди, унинг фаолликка чорлайди, ҳаракат килишга асосий туртки вазис)асини бажаради. Армон

инсон учун гўёки ушалмаган орзу, гам-гин туйғуларнинг жонлашуви, комфортга интилишга даъват этувчи ҳиссиёт, ижтимоий ва яккаҳол турмушни баҳолаш мезони, фаолликка етакловчи мотив, эзгу ниятлар оғушига тортувчи доимий туртки, лоқайдликнинг олдини олувчи ички руҳий имкониятдир. Шахс учун эйдетик образлар қанчалик аҳамият касб этса, барқарор из қолдирса, армон ҳам худди шундай хусусиятга эга бўлиб, улардан фарқ, I ўларок доимийлиги, устуворлиги, мақсадга ундовчилиги билан юқ, рирок нуфузга эга.

Инсоннинг субъектив хислатлари интеграциясининг юксак шакл. ижодиёт (креация) .ҳисобланиб, умумлашган имкониятлар тарзида қобилятлар (истеъдод, иқтидор), тапант ва салоҳият вужудга келади. Одамнинг субъектив хусусиятлари, хислатлари ривожининг асосий шакллари руҳан тайёргарлик, старт, кульминация ва финиш саналмб инсоннинг жамиятдаги ишлаб чиқариш ва ижодиёт фаолиятларини белгилайди. Мазкур тўрт боскич, тўрт мезон, тараққиётни баҳолаш тизими ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари, суръати, давомийлиги билан бир-бирларидан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан ажралиб туради.

Жаҳон психологияси фанида инсон сифатлари (хислатлари, фазилатлари, хосиятлари) ни индивидуал, шахсга оид ва субъектив гуруҳларга ажратилиши анъанавий ва касбий хусусиятга эга, чунки улар одамнинг яхлитлиги, бир бутунлиги. алоҳидалиги тавсифидан иборат бўлиб, бир даврнинг ўзида ҳам табиат. ҳам жамият жонзоди эканлигини англатади. Мазкур яхлитликнинг магзи шахснинг тузилишидир. унда нафакат инсоннинг асосий хислатлари ўзаро кесишади ва умум-лашади. балки унинг ижтимоий ва шахсий кўникмалари муайян тар-кибга келтирилади, коидавий хусусият касб этади.

Бизнингча, индивид, шахс, субъект тараққиётининг тадқиқотида куйидаги ижтимоий-психологик ҳолатларга эътибор қилиниши зарур:

1. Инсон ривожининг детерминатори ҳисобланган асосий омиллар ва шарт-шароитлар (ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, педагогик ва яшаш муҳитининг омиллари).

2. Инсоннинг шахсий ўзига тааллуқли, асосий тавсифлар, унинг ривожланиши ички қонуниятлари, механизмлари, эволю-цион негшда қамол топиш боскичларн, барқарорлашуви ва ин-волюция (ўсишдан қайтиш даври хусусиятлари).

3. Инсонни яхлит, муқаммал тузилишининг асосий таркиб-лари, уларнинг ўзаро алоқалари, шахснинг ташқи таъсирларга жавоби ва муносабати, тараққиёт жараёнида уларнинг муттасил равишда тақомиллашуви каби факторлар.

Уч хил хусусиятли тадқиқот дастурининг таркибий қисмлари инсоннинг амалий, назарий ва ижодий фаолиятининг мезонлари ҳи-собланади. Чунки бевосита фаолиятни амалга ошириш жараёнида яшаш муҳитини ва ижтимоий-тарихин тажрибани эгаллашнинг ҳам интериоризация, ҳам экстериоризация давлари юзага келади.

XXI асрда индивид, инсон, шахс, субъект ва қомил инсонни -паниш турли йуналишларда, вазиятларда, ёш хусусиятлари, алоҳида з_ндашиш негизида, ўзига хос таҳлилга, методологик асосга суяниб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Чунки жаҳон психологияси фани тўпланган назарий ва амалий хусусиятли материаллар мафкуравий нуқтаи назардан таҳлил ҳамда танқид қилмасдан, балки уларни холи-сонабаҳолаш,

илмий жиҳатдан талкин қилиш жоиз. Бинобарин, турли психологик илмий мактаблар томонидан тўпланган натижаларнинг оқил жиҳатларини танлаш ва тадқиқотнинг бошланғич нуктасини белгилашда улардан омилкорлик билан фойдаланиш кўпгина илмий кайтатдан текширувларнинг олдини олади.

Мустақиллик, истиқлол шарофати билан шахсга оид қарашлар, мулоҳазапар моҳияти, унинг мазмуни ва шаклида ўзгаришлар юз берадими, бунинг натижасида эркин фикрлаш, очиқ шаклдаги илмий фаразларни илгари суриш имконияти туғилади. Республикамизда юз бераётган губ ўзгаришлар халқимиз, миллатимиз руҳиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, она юрт мадҳи, аجدодлар меросидан ғурурланиш, маънавият дурдоналаридан фахрланиш ҳислари вужудга келади. Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари ўзининг ҳақиқий, чинакам маъносини касб этади. Кишилардаги ўта сабр-тоқатлилик, итоаткорлик, ташаббускорликнинг етишмаслиги ўрнини эркинлик, ижодиёт, меҳнат, батамом истиқлолга эришиш зарурияти, оиланинг бутлиги, тўқислиги ва уларнинг истиқболи каби сифатлар, фазилатлар, юксак туйғулар, ҳислатлар эгаллаш бошлайди. Бунинг натижасида шахсда табиатга ва жамиятга нисбатан идеал, реал, рационал ва ижодий (креатив) муносабати ўзгармоқда, ҳатто айрим ўринларда борлиқ ва воқелиқдан бегоналашиш, узоклашиш ва яқинлашиш ҳолатлари рўй бермоқда. Бу ҳолатлар ижтимоий хусусият касб этиб, умумбашарий аҳамиятга эга, чунки жаҳон мамлакатлари цивилизациялашиш даражапар тенглашмоқда. Худди шу сабабли ижтимоий гармония тариқасида юқоридаги илмий ижтимоий-психологик тушунчалар қатор (тараккиёт кўрсаткичи ўзаро уйғунликка эга бўлган) мамлакатларга бир текис ёйилиб, ҳаёт ва фаолиятнинг турли қатламларига кириб бормоқда. Мазкур аср одамларида эса ахлоқий, жисмоний ва ақлий комиллик белгилари, кўрсаткичлари ҳамда босқичларининг мезонлари, уларнинг олдига кўйиладиган талабларнинг моҳияти ўзгаради. Демакки, табиатга ва жамиятга нисбатан севинч, севги, меҳр-муҳаббат юксак ҳислари, ватанпарварлик ва Ватан туйғусининг таркиблари, негизи, уларни ҳаракатлантирувчи механизмлари бошқача ёндашишни тақозо этади, замон руҳи ва нафасига мослашишни талаб қилади. Инсониятнинг бундай юксак ҳис-туйғулари, англашилган мо. тивлари шахснинг ўқиш, меҳнат, спорт ва ўйин фаолиятларида, би-лиш ҳамда муомала жараёнларида вужудга келиши мумкин. Борликка ва жамиятга нисбатан муносабатнинг ўзгариши, унинг иерархияси. шакллари, мақоми ва моҳиятида намоён бўлади, уларга йўналтирилган аввалги, эски услубдаги мотивация ўз аҳамиятини нисбий жиҳатдан йўқотади. Ҳозирги кунда ва келажакда шахсга субъектив муносабат муам-мосини ижтимоий жиҳатдан турмушда қарор топтириш учун:

Одам (индивид) - инсон - шахс - индивидуаллик - субъект-комиллик (баркамоллик) иерархиясига риоя қилиш.

1. Шахсга нисбатан субъектив муносабат, яъни унда робот сифатида мажбурийлик тамойилига асосланиб (барча хусусият-ларни бир текис шакллантириш мумкин, деган хато назариядан воз кечиш) инсон қаршилик кўрсатишини ҳисобга олувчи ёндашишни йўлга қўйиш, субъект - субъект алоқасини вужудга кел-тириш.

2. Ҳар қандай субъект - шахс, лекин ҳар қайси шахс субъект эмаслиги муаммосини ечиш. Бунинг учун мустақил фикрлашга эга бўлиш, шахсий позицияни ҳимоя қила олиш, ғояни амалга ошириш йўлида тўсиқларни писанд қилмаслик, мустаҳкам ншонч, катъий маслак, иймон негизида асосланиш, интилишда иродавия барқарорлик

устуворлигига эришиш. Дунёқараш ва уни ҳаётга татбиқ қилишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжудлигига иқроқ бўлиш ҳамда уни тан олиш ва ҳоказо.

Бизнингча, индивид, шахс, субъект ва комил инсон тўғрисида мулоҳазалар юритилганда уларнинг онгсизлик, онгостлилик, онгли-лик ва ўта (супер) онглилик ҳолатлари билан узвий алоқадорлигини унутмаслик лозим. Юқорида келтирилган атамалар онгли мавжудодга тааллуқли эканлиги жаҳон психологияси фанининг илмий манбала-рида атрофлича талкин қилинган, лекин уларнинг иерархияси, моҳия-ти баёнида турлича ёндашув ҳукмрондир. Мазкур мақсадни чуқурроқ очишга йўналтирилган назариялар ўта баҳсли бўлиб, унинг заминида фақат онг ётиши тасдикланади, холос. Аслида эса инсон ихтиёрий диққат, ихтиёрий хотира ва муайян мақсадга асосланиб, бирон-бир фаолият инсон томонидан ташкил қилингандагина онг шахснинг фаолияти регулятори (бошқарувчи) вазифасини бажаради. Бирок функционал ҳолатининг ўзгариши билан онглиликдан онгсизлик ихтиёрсизлик) қа ўтиши, ижод, ташаббус унинг учун муомала, фаолият негизига айланса, у ҳолда шахс онгости (мувофиклашув) ҳолатига аста кириб бориши мумкин. Худди шу боисдан шахс бир даврнинг ўзида ҳар учала ҳолат (онглилик, онгсизлик, онгостлилик) ҳукми осида яшаш, фаолият кўрсатиши, ижод қилиши, муомалага кириши мумкин. Ҳар учала ҳолатнинг омили негизда шахснинг камолоти вжудга келади, уларнинг ҳар қайсиси бу жараёнга ўзига хос улуш қўшади. Онг ҳолатлари табиий равишда бир-бири билан узлуксиз тарзда ўрин алмаштириб туради, чунки инсон ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёрийдан кейинги босқичлар ҳукми билан яшайди ва фаолият кўрсатади.

XXI асрда яшовчи инсон онгли, онгости ва онгсизлик ҳолатла-ридан ташқари ўз-ўзини англаш имкониятига эга бўлади. Худди шу боисдан ўз-ўзини англашнинг қуйидаги гаркибий қисмларга ажратиш мақсадга мувофикдир:

- 1)ўтмишдаги "Мен" ("Ўзлик");
- 2)ҳозирги "Мен" ("ўзлик");
- 3)бўлғуси "Мен" ("ўзлик");
- 4)идеал "Мен" ("ўзлик");
- 5)динамик "Мен" ("ўзлик").

Ўз-ўзини англаш жараёни миллий ўзлигини англаш билан узвий боғлиқ бўлиб, муайян вақт, муддат ўтишини, яъни маълум даврни тақозо этади, лекин у ҳам эволюцион, ҳам революцион йўл таъсирида амалга ошиши мумкин. Ўз-ўзини англаш борлик ва жамиятни инъи-кос этишнинг юқори босқичи санатиб, пировард натижа сифатида юзага келади, инсоннинг донишмандлигини намоёиш килади. Уз-ўзини англаш беш таркибдан иборат бўлиб, у ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг таркиблари бирин-кетин англашиниш имконияти-га эга эмас, Чунки инсонда ўзининг ҳаёти ва фаолияти ютуқлари, нуқ-сонларини, хулқ-атвор кўникмаларини, ақл-идроқ даражаларини, ички имконият захираларини, кадрият ҳамда маънавият кўрсаткичларини оқилона баҳолаш қурби етишмайди. Шахсда танқид ва ўз-ўзини танқид, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш, текшириш ва ўз-ўзини текши-риш, назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш, бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш, такомиллаштириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш, ривожлантириш ва ўз-ўзини риволслантириш мутаносиблиги мақсадга жавоб бера олмайди. Индивидуал ва ижтимоий онгни тобора ривожланиб

бориши мазкур мутаносибликни амалга оширишни таъминл -ди, бу эса муайян муддатни талаб қилади.

Инсон ўз-ўзини англаш жараёнида кўпинча реалликдан бошлайди, ҳозирги ва Ҳавқулоддаги ҳолатни таҳлил қилади, шахсий им« нияти билан таккослайди, маълум мезон ёки намуна, ибрат т:пг_{1а}-унга тенглашишга интилади. Кейинчалик эса келажак, истиқбол п жалари уни кизиктиради, ўзининг нималарга қодирлиги юзасидан му лоҳаза юритади ва бу борада муайян қарор қабул қилишга эришад. декин унинг онглилиги ёки оқиллигига шубҳаланади. Уни бир неч марта гаҳлил қилиш, қиёслаш, унга ўзгартиришлар киритиш, янгилаш орқали бўлғуси "Мен" ига аниқлик киритади ва фаоллик механизмига айлантиради.

Ўз-ўзини англашнинг навбатдаги босқичида шахс ўтмишини таҳлил қилади, ундаги қусурли ва ибратли жиҳатларни ўзаро қиёслаб устуворликни топишга интилади, бу борада айрим силжишларга эри-шади. Ижтимоий ҳаётдан у ўзига идеал бўлувчи шахсни танлайди ва ундаги ижобий хислатлар, хусусиятлар ва кўринишларни, кўрсаткич-ларни ўзида мужассамлаштира боради. Шахс ўз-ўзини англаш даво-мида динамик ҳаракатсиз ҳеч бир нарсани рўёбга чиқара олмаслигига иқроп бўлади, натижада узлуксиз ҳаракатлар аста-секин, бирданига, таваққалига амалга ошириш лозимлигини тушуниб етади. Динамик ҳолатни баҳолаш, текшириш, назорат қилиш, бошқариш натижасида динамик "Мен" шакллана бошлайди. Ўз-ўзини англашнинг беш тар-кибий қисми бир текис инсоннинг маънавий дунёсига анланса, демак-ки, унда мукамаллик, баркамоллик даражаси вужудга келганлигидан далолатдир.

Ўз-ўзини англаш шахснинг фазилатига айланиши учун муайян давр, вақт, муддат талаб қилади, шунинг учун ўқувчилар, талабалар. ва республикамизнинг бошқа фуқаролари билан дастурий тадбир-чоралар ўтказиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

XXI аср одамлари қомилликни эгалловчи, яъни қомил инсон-ликка интилувчи шахслардан таркиб топиши лозим. Қомилликнинг бир нечта мезонлари мавжуд бўлиб, унда жисмоний баркамоллик, ах-локий баркамоллик, бетакрорлик, ақл-заковатлилик сингари шахс-нинг ижтимоий тарбиявий таркиблари ўз ифодасини топади. Қомилликнинг ўзига хос босқичлари, объектив ва субъектив хусуси-ятли шарт-шароитлари, омиллари мавжуддир. Қомил инсон имкония-ти чексиз, ўз иқтидори, истеъдоди, салоҳияти, қобилияти, дониш-мандлиги, қомусийлиги билан ўз замондошларидан сезиларли даражада илгарилаб кетувчи, бетакрор, ўта (супер) онгли, биосфера ва „еосфера муносабатларини англовчи онгли зотдир (онглиликнинг онглилиги устувордир). Бизнингча, бу даражага барча фуқаролар ,рншиш имкониятига эга эмас, чунки бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив омиллари, шарт-шароитлар мавжуддир. Худди шу сабабдан ш\ нчаки интилиш, майл, лаёқат билан юксак қамолот чўққисига эри-шиб бўлмайди, мазкур ижтимоий ҳолатни чуқурроқ тадқиқот қилиш фаразларимизни ё тасдиқлайди ёки инкор қилади.

XXI асрда яшовчи одамлар инсонпарварлик ғояларини ақс этти-рувчи кишиларнинг тимсоли сифатида ҳаёт ва фаолиятда ўз-ўзини на-зорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзига буйруқ бериш, ўз-ўзини ифода қилиш, ўз-ўзини қамол топтириш, ўз-ўзини кашф қилиш им-кониятларига эга бўлмоқлари лозим, бу эса ўз навбатида муайян та-рихний даврни тақозо этади.

Бир пажтнмий жамиятнинг иккинчиси билан алмашиш. шунингдек, мустақиллик ва унинг неъматлари республикамиз фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтиришга муҳим замин ҳозирлашда давом этади. Миллий тунғу, миллий қиёфа, миллий характер, миллий таъб, миллий куй ва рақс, миллий маънавият, қадрият таъсири остида ўзининг туб моҳиятини акс эттира бошлайди. Лекин бу имкониятдан тўла фойдаланиш учун барча халқ етарли даражада тайёр эмас, чунки ҳар бир шахс руҳиятида эҳтиёж билан имконият ўртасида муайян қа-рама-қаршиликлар ҳукм суради. Ҳар бир инсон ўзининг бирданига тенглик аломатини кўйиб бўлмайди, чунки шахслар орасида тафовутлар мавжуд бўлганлиги туфайли "сунъий" дикка йўл қўйиш одатдан ташқари ҳолатдир.

Ўтмишнинг бой мероси, унинг ижтимоий-тарихий анъаналари, расм-русумлари, маросимлари миллий истиқлол туфайли ўз эга^арига кайтарилишига карамай, халқ унинг ҳукмдорига айланишга руҳий жиҳатдан тайёр эмасдир. Фуқароларнинг ижтимоий онги аста-секин ўзгариб бориши натижасида улардаги этнопсихологик хусусиятлар тиклана бошлайди, миллийлик, умумбашарийлик хислатлари ўртаси-Да адолатчилик, тенг ҳуқуқчилик а,тоқа,пари ўрнатилган боради. Бай-налмилалчилик миллийлик, миллий бирлик хусусиятлари билан Уйғунлашишда давом этса, миллатлараро муносабат ўзаро тушунув, Узаро яқинлик, ўзаро мослик негизига курилади.

XXI асрда шахсни шакллантиришда, ахлоқ-одоб қоидаларини ижтимоий турмушда қарор топтиришда дин, шу жумладан ислом ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказишда давом этади. Диний билимларнинг моҳиятига тушунувчилар сафи кенгайди, уларга риоя қилувчилар, итоатгўйлар кўлами ортади, унинг атрибутларини қабул қилувчилар миқдори кўпаяди. Қуръонп Карим, Ҳадислар таъсири шахс шакллантиришда муҳим воситага ва ҳаракатлантирувчи кучга а нади, иймон с)аоллик тушунчасидан ҳаракат, ҳулқ регулятори вазифасини бажаришга ўсиб ўтади, инсонлар ўртасида поклик, ростгўйлик самимийлик, ҳамдардлик, ўзаро ёрдам туйғулари, нисбий тенглик қиёфа келтириб чиқаришга хизмат қилади. Шахслараро муносабатда тенг. лик, жинсий тафовутни одил баҳолаш, ҳақчилик каби умуминсоний хусусиятларни таркиб топтиришда динин адабиётларнинг роли янада ортади, тобора оммавийлашаверади. Лекин дин билан фаннинг бир-бирига қарама-қарши қўйиш вазиятга барҳам бериш ижтимоий-тарихий тараккиётнинг қафолати ҳисобланади, бунга аждодларимиз (Ибн Сино, Ал Форобий, Беруний, Улуғбек ва бошқалар) тажрибаси ёрқин мисолдир.

Ер қуррасида ижтимоий гармониянинг (мувофиқлашувнинг) мавжудлиги, ёшлар ўртасида гарб цивилизациясига (кийиниш, рақс, кўшиқ, ҳулқ-атвор, бегоналашиш, айрим ҳирсларга) нисбатан му-ваққат қизиқиш, интилиш, эҳтиёжнинг ҳукм суриши миллийликни 25-30 йилга кечиктириш хавфини туғдирди. Миллийликнинг кучайиши етуклик даврига тўғри келади, лекин шу вақт оралиғида кўп нарсалар бой берилган бўлади, бироқ мазкур узилишни тиклаш учун авлодлар ўртасида умумий бирлик, миллий стереотип яратилиши зарур.

XXI аср бошида ҳам республикамиз фуқароларининг онгидаги, фикрлаш воситасидаги, турмуш тарзидаги тафовутлар мавжудлиги учун улар ўртасида табақаланиш сақланиб қолади. Экологик маданият, биосфера ва неосферага зарар келтирувчи илмий-тадқиқотлар ин-сон ақл-заковати билан бошқарилади, ажал қуроллари ўрнини хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам, умумбашарий хусусиятлар эгаллайди, жа-

мият ва табиатни асраш одамларнинг эътиқодига айлана боради. Фа-зовий алокалар кенгайиши натижасида фан ва техника маҳсулларша муайян аниқликлар киритилади, уларнинг ривожланишида интегра-ция жараёни юзага келади, тадқиқотлар гуруҳий ва жамоавий фаолият негизида амалга оширилади, бу эса миллатларнинг ўзаро яқинлашишига муҳим имкон яратади, миллатлараро муносабат тенглик асосига қурилса, бир миллат салоҳияти иккинчисига таъсир ўтказади, маъна-вият намуналари билан халқларнинг бойиши шахс камолоти учук муҳим негиз ҳозирлайди.

Миллатлараро руҳий муҳитнинг яратилиши - фан ва техника_{нинг} ривожига ижобий таъсир этади, мутахассислар тайёрлаш сифа_{нинг}и замон талаби даражасига кўтаради. Миллатлараро фикр адмашув. тажрибалар билан ўртоқлашув ХХІ аср одамларининг му_{ка}ммаллик даражаси юксатишига беминнат хизмат килади.

ХХІ асрда ҳам одамларнинг камолоти негизи сифатида оила, мактаб, ижтимоий муҳит, ишлаб чиқариш ўз мавқеини сақлаб қолаверади- Шахсни тарбиялаш куйидаги манбалар асосида амапга ошири-яйиши мумкин:

- 1) муайян тизимли, узлуксиз тарбиявий, дастурий таъсир орқали;
- 2) идеал, намуна тимсолида ўз-ўзини тарбиялаш, такомиллаш-тириш;
- 3) ижтимоий муҳитдаги шахслараро муносабатда таҳлил қилиш, ибрат олиш воситалари ёрдами билан хулқ-одоб, фикрлаш малакала-рини эгаллаш;
- 4) аجدодларимиз яратган бадий, фалсафий, санъат асарларини ўзлаштириш орқали янги хислатларни ўзлаштириш кабилар.

Таълим ва тарбия жараёнида республиканинг тарихи, мадания-ти, узок аجدодларимиздан етишиб чиққан жақонгашта кишилар, илм-фан арбоблари, мутафаккир, маърифатпарварлар тўғрисида билим уруғини сочиш ёшларда ғурур ва ифтихор туйғуларини вужудга кел-тиради. Ўзбекистоннинг фан ватехникаси, унумдор тупроғи, сахий ва заҳматкаш халқи, фойдали қазилмалари, жахон ва умумхалқ бозоридаги пахтаси, ипаги, қоракўли салмоғининг берилиши - уларда мил-лий онгни ўстиради, миллий ўз-ўзини англашга такомиллаштиради, ижтимоий фаолликни жадаллаштиради, уларни ижодий изланишлар сари етаклайди, ақлни пешлаш машқлари вазифасини бажаради.

Ёшлар ўртасида миллий орасталик, соч ўстириш, тараш, ўриш ва кийиниш маданияти, ворислик масъулияти, миллий таъб ҳамда дидга мувофиқ равишда иш юритиш ҳақида маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш, амалий укувлар билан қуроллантириш юқори самара беради.

Ота-боболаримиздан халқимизга мерос қолган сахийлик, меҳмон-дўстлик, росгўйлик, тантилик, садоқатлилик, поклик, одоблилик фази-латлари миллий хараектернинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ушбу хислат ларни таълим-тарбия жараёнида ёш авлод онгида шакллантириш, улар руҳиятини халқ дурдоналари билан бойитиш, миллий қадриятлар-дан оқилона фойдаланишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ахлоқ ва одобли бўлиш, ота-оналар ва катталарга ҳурмат, сами-мийлик, иноклик, кадр-қиммат, виждонлилик, ифбатлилик, ўзаро ёрдам каби инсоний хислатлар ўзбек халқи маънавиятининг рамзи сақлади. Миллий маънавий бойлигимизни ўқувчилар чуқур эгаллашлар учун унинг бебаҳо дурдоналарини кенг кўламда намойиш қилиш миз, булар тўғрисида ёшлар онгига муайян билимларни сингдириш, миз зарур.

Одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибат, оқилона муносабат, тўғри мулоқот, илтифот, эҳтиром халқимизнинг ички гўзаллигини бой маънавий ва руҳий қиёфасини ифодалайди. Халқимизнинг ҳақиқий инсонпарварлиги, маънавий гўзаллиги, ватан, жамият манфаати йўлида жон фидо қилишида, инсон осойишталиги, бахт-саодати учун қайғуришида ўз ифодасини топади. Пок калбли, софдил, диёнатли, виждонли, иродали халқимизнинг олижаноблиги, унинг танишга ҳам, бегонага ҳам бегараз ёрдам кўлини чўзишида намоён бўлади. Халқимизнинг ажойиб фазилатларидан бири - дўстликка садоқатдир. Дўстлик бор жойда меҳру-муҳаббат, вафо, садоқат, адолат, ҳақиқат қарор топади. Бу эса ўз навбатида инсоннинг маънавияти ва руҳиятига, ақл-заковатига тетиклик бахш этади, уни яхшилик, самимийлик сари етаклайди.

Ўзбек оиласида тарбия моҳияти, мазмуни, тарбиянинг кундалик ва истикбол режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида халқ анъаналари ётади.

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш - XXI асда яшаш насиб этган одамларни баркамол шахс сифатидатаркиб топтиришда муҳим роль ўйнайди. Худди шу боисдан ҳам халқимизнинг миллий руҳиятидаги бундай урф-одатлар, анъаналар, удумлар келажак авлодга обида, мерос тариқасида қолдирилиши муқаддас бурчдир.

Юқорида санаб ўтилган ажойиб миллий фазилатларимизнинг барчасини келажак аждодларимиз шахсиятида шакллантириш имкониётига умид қиламан, ўйламанки улуғвор инсоннинг эзгу нияти, албатта рўёбга чиқади.

Ҳозирги замон психология фанининг методологик ва назарий муаммолари қаторида қўлланиладиган асосий категориялар, тушунчалар, таърифларга аниқликлар киритишдан, тезаурус, контекст нуқтаи назаридан уларни талқин қилишдан иборатдир. Ушбу мулоҳазалар моҳиятини ўзини ўзи англаш, ахлоқ, маънавият, тараққиёт, динамика ва шахсга оид тушунчалар тўғрисидаги қарашлар ташкил этади.

Ушбу тушунчалар ўзаро иерархик тузилмага эга бўлиб, бири иккинчиси тақозо этади на ўзига хос муайян тизимни вужудга келтиради, муанинг марказида эса инсон (шахс, субъект, қиммат инсон) туради. Шу фикрни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, психология фанисифатида алоҳида ўрганилмаганлиги туфайли уни таҳлил қилиш йини ўзи англаш, ахлоқ, миллий характер, маънавият, қадрият категориялари билан бевосита боғлиқ равишда амалга оширилади. Бизнингча, ажратиб кўрсатилган категориялар, тушунчаларни ўзига хос тарзда ёритиш психологияни асосий ва устувор атамаси са-

налмиш шахсни яккол англаш имкониятини яратади, ахлокий ўзини ўзи англашнинг ижтимоий-психологик воқелик тарикасида аник на-моён бўлишини ўрганишни кафолатлайди.

Ахлокий ўзини ўзи англаш «ўзини ўзи англаш» нинг хусусий (алоҳида) кўриниши, жабҳаси бўлганлиги туфайли унинг рухий тузи-лиши, табиати, ўзига хослиги, таркиб топиши, ривожланиши ва тако-миллашуви. объектив, субъектив, ички ҳамда ташки шарт-шароит-лари, энг аввало, ўзини ўзи англаш жараёнининг ички хусусиятларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Психология фанида унинг назарий, амалий ва татбиқий томон-лари муайян даражада ўрганилган, ҳозир ҳам изланишар давом этти-рилмокда. чунончи Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, В.С.Мерлин, А.Н.Леонтьев, Л.И.Божович, А.Г.Спиркин, Е.В.Шорохова, И.И.Чес-накова, П.Р.Чамата, К.А.Абулханова-Славская, В.В.Столин, Э.Ғ.Ғо-зиев, Б.Т.Ғаффаров вабошказар.

Ҳозирги замон психология фанидаўзини ўзи англашнинг табиа-тини тушунтиришда. та.тқин килишда икки хил караш, ёндашиш мав-жуд бўлиб, улар бир-биридан кескин даражада тафовутланиб туради. Биринчи ёндашишга караганда, ўзини ўзи англаш-бу ўз йўналишини ўзгартирган онгнинг айнан ўзидир, худди шу боис у инсон онгининг махсус кўриниши демакдир. Ушбу талқин собиқ совет психологияси-да кенг тарқалган назария бўлиб Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Е.В.Шорохова, И.И.Чеснакова, В.В.Столин ва уларнинг шогирдпари томонидан илмий амалий жиҳатдан тадқиқ қилиб келинмокда.

Бу соҳадаги иккинчи мулоҳаза С.Л.Рубинштейннинг илмий иш-ларида ўз ифодасини топган бўлиб, кейинги даврларда унинг шогир-ди К.А.Абулханова-Славская томонидан ўтказилган изланишларда изчил равишда ривожлантирилмокда. Унинг фикрига биноан, онг ва ўзини ўзи англаш жисмоний реал ҳамда юридик шахсга тааллуқли хусусиятлардан иборат бўлиб, улар унинг хаёти ва фаолиятини восита ёки «курол» сифатида таъминлаб турувчи рухий жараён-дир. Бизнц, ча, иккинчи ёндашиш ўзини ўзи англашнинг табиати юзасидан тўғр, (адектив) маълумот бериш имкониятига эга, бинобарин, методо.т нуктаи назардан уни илмий-назарий ва амалий-татбиқий жиҳатдац I тадқиқот килиш юксак кўрсаткичлар бериш мумкин.

Юкоридаги ўзини ўзи англашнинг рухий табиати ҳақидаги икки хил муносабатнинг мавжудлиги- унинг пайдо бўлиши сабабларини йўналиш объектини, тадқиқот предметини турлича ёритилишга олиб келади. Биринчи ёндашишга кўра, ўзини ўзи англашни вужудга кели- [шининг бош сабаби-инсон билан-жамият ўртасидаги муносабатнинг ўзаро номутаносиблигидир. Инсон муайян жамиятда, микро ва миж муҳитда яшар экан, у худди шу муҳитда (макро, микро, мизе) мавжуд бўлган конун-қоидаларга ва тартиб-интизомга бўйсунушга ҳамда шу-лар асосида, уларнинг негизида ўз хулқ-атвори, муносабатларини идо-ра килишга, бошқаришга мажбурдир. Ўз хулқ-атворини ва муносабат-ларини ўзи идора қилиш жараёни (уқуви) эса, уларни юзага

келти-рувчи эҳтиёжларни, хошиш истакдарни, мотив ва майлларни, мақсад ва кизиқишларни (имитация, идентификация, рефлексия боскичлари ке-чишини) бошқаришдан иборатдир. Бундай кўринишдаги, тузилишдаги, мазмундаги англаш ва уни идора қилиш психологик нуктаи назардан эҳтиёжнинг индивидуал онгдаги ифодасини ҳамда улар ўртасидаги бўладиган муносабатларни тартибга солишни тақозо этади. Унинг пандо бўлишининг бош сабаби ҳам, йўналиш объекти ҳам онгдир, яъни у онгнинг ички барқарорлиги натижасида юзага келади ва барка-рорликни (ички мувофиқликни) шакллантириш учун хизмат қилади.

Шу нарсани таъкидлаш ўринлики, биринчи ёндашишнинг намо-яндалари талкинида онгнинг ички бекарорлигини вужудга келтирув-чи элементар (таркиблар, руҳий тузилма қисмлари) юзасидан олади-ган маълумотларга қаратади. Бундай маълумотлар инсон томонидан ўзлаштирилгандан кейин бир хил мазмунга эга бўлмаганликлари ту-файли ўзаро карама-каршиликка учрайди, уларнинг ўзаро мутаносиб-лигини таъминлаш учун инсон ижтимоий онгига мурожаат қилади ва шу йўл орқали маънолар ўртасидаги зиддиятни бартараф этади. Худ-ди шу боисдан ҳам Л.С.Виготскийнинг шахсий фикрича, ўзини ўзи англаш турли хил маънолар ўртасида бирликни (умумийликни) ву-жудга келтириш жараёни сифатида ва ўзлаштирилган онг тариқасида намоён бўлади.

А.Н.Леонтьев талкинига караганда, индивидуал (якка шахсга оид) онгдаги моҳият билан мазмун ўртасидаги зиддият ўзини ўзи ан-глашнинг сабабчисидир. А.Н.Леонтьевнинг шогирди В.В.Столиннинг уқгиришича, ўзни ўзи англашнингасосида(негизида) «менлик» нинг мазмунлари ўртасидаги зиддият ётади.

Б.Г.Ананьев изланишларида акс этишича, ўзини ўзи англашнинг пайдо бўлиш омили - одамнинг индивидуал хосияти, фаолият субъект-лиги шахслилик хусусиятларининг таркиб топишидаги нотекис-лик ва гетерохронликдир. Унинг мулоҳазасига кўра, ўзини ўзи англаш ана шу учала хусусиятни ўзаро мувофиқлаштиради ва худди шу та-рика онгнинг индивидуаллигини таъминлаб туради.

Амалга оширилган психологик таҳлилдан кўриниб турибдики, биринчи ёндашувда ўзини ўзи англаш хулк-атвори ва муносабатлар-ни белгиловчи қамда идора қилувчи мустақил субъектга айланган, натижада реал инсон тадқиқот марказидан узоклашади, унинг ўрни онг ва ўзини ўзи англаш эгаллайди. Бизнингча, ўзини ўзи англашни бу тарзда тушуниш (ва тушунтириш) унинг психологик табиатини ат-рофлича, тўлиқ ёритишга имкон бермайди ва назарий жиҳатдан нотўғри (ноадекват) хулоса чиқаришга, шошилиш карор қабул қи-лишга олиб келади.

Иккинчи йўналишнинг асосчиси С.Л.Рубинштейннинг тадқиқот-ларида асосланиб, биз ўзини ўзи англаш муаммосини тадқиқ этишга асосий диққат-эътиборни, энг аввало, унинг субъектига, яъни инсонга-шахсга қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу фикрни бошқача сўз билан ифодалаганда, ўзини ўзи англашни шакллантириш-нинг манбан онг ва ундаги зиддият бўлмасдан, балки инсоннинг тар-киб топиши ва

ривожланиши саналади. Рухий фаолиятнинг махсус ҳолдаги (вазиятдаги) объектив шарт-шароитлар сифатида одамларнинг ҳаёти, умумий яшаш шароити деб ёзади С.Л.Рубинштейн, - акс эттириш фаолиятининг шарти ҳақида гап кетганда, одамнинг турлича на-моён бўлишининг, умумий шартлари ичидан худди мана шу инъикос этиш фаолиятининг махсус шартини ажратиб.олишимиз зарур бўлади. Узини ўзи англашнинг пайдо бўлишини таъминловчи махсус шартни аниқлаш унинг субъекти тўғрисидаги муаммони ҳал қилишни, муайян йўл-йўриқлар ва оқилона усулларга асосланувчи ечимни талаб қилади. Жаҳон психологияси фанида тўпланган маълумотлардан маълумки, инсон (шахс) ўзини ўзи англаши учун худди шу ўзини ўзи ан-глаш хусусиятининг(жараёнининг) субъекти бўлиши муқаррар.

Назорат учун саволлар:

- 1.Умумийлик ва хусусийлик тушунчаларини изоҳланг?
- 2.Шахс шаклланишида умумийлик хусусиятининг аҳамияти нимада?
3. Жаҳон психолог олимларнинг фикрлари тушунтиринг?
- 4.Ўзбек психологлариининг қарашларига мисоллар келтиринг?

18-мавзу: Миллий психология муаммолари.

Режа:

- 1.Психологиянинг методологиясидаги ўзгаришлар ва уларнинг шахс муаммосига таъсири.
- 2.Шахс камолотида эволюция, революция ва инволюция ҳолатларининг акс этиши масалалари.
- 3.Шахс ва жамият муносабати.

4. Шахс-табиат-жамият муносабатининг ҳозирги замон таҳлили.

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар:

Миллий характер, миллий ҳис-туйғу, миллий онг, миллий хулқ-атвор, миллий тил, миллий таъб, миллий маданият, миллий маънавият, кадрият, урф-одат, анъана, расм-русум, маросим, миллий куй ва миллий рақс, миллий ижодиёт.

Одамлар руҳиятининг миллий хусусиятлари, миллий характери, миллий туйғуси, миллий диди, миллий хулқ-атвори, миллий ўзлигини англаши, миллий стереотиплари шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганувчи фанлараро соҳа этник психология дейилади. Халкнинг одатий мезони асосида ижтимоий ҳодисаларни идрок қилиш, таснифлаш ва баҳолаш стереотипизация (юнонча 81гео8 - қаттиқ., 1ироз - из деган маънони билдиради), деб аталади.

Миллий муносабатлардаги ноёб жабҳалари қаторига этноцентризм (юнон. епоз - халқ, лат. сепйтхт - ўрта деган маъно англатади) ва этник стереотип (юнон. 81гео8 - қаттиқ, 1ироз - из деган маъно англатади) киради. Бегона халқ, ёт маданият руҳий ҳодисалари ва омилларини ўз халкининг кадриятлари, маданий анъаналари орқали таҳлил қилишга мойиллик этноцентризм дейилади. Этноцентризмдан фарқли ўлароқ руҳий омиллар эмас, балки аксарият ҳолларда ижтимоий омиллар билан шартланувчи бошқа халкнинг миллий хусусиятлари тўғрисида юзаки фикрлар мажмуаси этник стереотип деб аталади.

Миллий руҳият фани қуйидага таркибий қисмлардан иборатдир: миллий характер, миллий туйғу, миллий дид (таъб), миллий онг, миллий ўзлигини англаш, миллий анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва бошқалар. Миллий руҳият, миллий тил, маданият, куй, бошқа миллат ва элатларга муносабатда ҳам намоёи бўлади.

Ўзбек халқи ўзининг миллий характери, миллий хулқ-атвори, миллий туйғуси, миждози, диди (таъби) билан бошқа миллатлардан ажралиб туради. Ўзбекларнинг сезгиси, идроки, хотираси, тафаккури, ҳатто салоҳиятининг маълум йўналишга қаратилганлиги, уларнинг эҳтиёжи, қизиқиши, миллий онги ўзига хос бетакрордир. Ўзбекларнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида анъаналари, урф-одатлари, удумлари, расм-русумлари, ахлоқий меъёрлари, турмуш тарзи, шахслараро муносабатлари, муомала мароми ва миллий хусусиятлари вужудга келган. Масалан, ўзбек халқининг миллий руҳиятидаги андишалилик, хушмуомалалилик, ширинсуханлилик, меҳмондўстлик (меҳмонновозлик), сахийлик фазилатлари бошқа миллатларда кам учраши туфайли алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий характер - муайян миллат хусусиятларининг ўзига хос хислатлари мажмуасидан иборатдир. Миллий характер хусусиятлари ўз ичига иродавий сифатларни (мустақиллик, чидамлилик, принципиаллик, ўзини ўзи тута билиш, қатъийлик, матонат кабиларни) ва ахлоқий хислатларни (поклик, интизомлилик, самимийлик, ҳаққонийлик, инсонпарварлик ва бошқаларни) қамраб олади. Ҳозирги замон руҳшунослик фани нуқтаи назаридан ёндашилганда миллий хусусият бошқача тарзда таърифланади. Миллий хусусиятда инсонларга нисбатан муносабатни (яхшилиқ, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурликни) ифодаловчи, меҳнатга муносабатни (меҳнатсеварлик, ялқовлик, масъулиятлиликини), нарса ва ҳодисаларга йўналтирилган

муносабатни (озодалик, тежамкорлик, исрофгарчилик, аяш, аямаслик кабиларни) ва одамнинг ўзига ўзининг муносабатини билдирувчи (иззат-нафслик, шуҳратпарастлик, манфурлик ўзини катта олиш, димоғдорлик, камтарлик сингари) жиҳатлари мавжуд.

Миллий хусусият хислатлари оила, жамоатчилик ишлаб чиқариш ва мактаб муҳити таъсири остида шаклланиб боради. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, инсон ижтимоий муҳитнинг ҳосиласи деб атаймиз, лекин ирсий аломатлар иккинчи даражали деб хулоса қилишга ҳаққимиз йўқ. Одам турли-туман муҳитларда (макро, микро, мизе) ижтимоийлашиб, яккаҳол мустақил шахсга ўсиб ўтади. Худди шу сабабдан инсон шахсининг камолоти учун ақлий тараққиёт эмас, балки ахлоқий етуклик негиз вазифасини бажаради. Маълумки, ахлоқ муаммоси инсоният яралганидан эътиборан то ҳозирги давргача ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Миллий хусусиятда ғайриодатий хатти-ҳаракатлар содир бўйишининг олдини олиш учун миллий ахлоқ асос сифатида зарур.

Миллий туйғу (ғурур, ифтихор) шахслараро муносабатлар жараёнида, ҳиссий таъсирланишда, юксак ҳисларда (нафосат, лаззатланиш, ватанпарварлик, роҳатланиш, кониқиш, бурч, виждон, масъулият кабиларда), ижодий ғоялар туғилишида, миллий завқ ва шавқда, кайфият, шижоат, хуш қуриш, ёқтирмаслик сингари мураккаб ички кечинмаларда акс этади. На миллий куй - бу ўзбек халқ ҳис-туйғуси ва кечинмалари, орзу умиди шу боисдан ўзбекнинг санъати ва адабиётининг миллий-жилоси, мароми, гавдаланиши, миллий руҳи, оҳанги билан бетакрордир.

Онг нарса ва ҳодисаларни тўғри акс эттириш назоратига фаоллиги, борлиққа йўналганлиги, яъни унинг ҳамиша "нима"гадир яратилганлиги хусусиятга эга. Инсон томонидан ўзини ўзи билишга қобилиятлилиги, ўзини ўзи назорат қилишга уқувчанлиги, уларга нисбатан ички сабабий туртки, қадриятга асосланувчи сезгирлиги онгнинг хусусиятлари ҳисобланади. Инсоннинг онга ноёб ва бетакрор бўлишидан қатъий назар, у ихтиёрийлик хусусиятига эга эмас, чунки онг нисбий жиҳатдан ташқи омиллар билан шартлангандир. Бинобарин, даставвал шахс камолот даражаси унинг турмуш муҳитига, мавжуд тузимнинг тузилишига боғлиқ. Фан оламида онгнинг бир неча кўринишлари мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан у уйғунлашгандир. Муайян билимлар тизимини англаш, ўзини-ўзи тушуниш, ўзгаларга муносабат, маълум мақсадни кўзлайдиган алоҳидалик мажмуаси яккаҳол онг дейилади. Ихтисосий хусусиятли билимлар моҳиятини англаш, гуруҳий тафовутларни тушуниш, шахслараро муносабат, ҳамкорлик фаолиятининг мақсадини кўзлашдаги хусусийлик мажмуаси жамоавий онг, дсб аталади. Миллий хусусиятлар, борлиқ, тўғрисидаги билимларни англаш, миллий ўзликни тушуниш, миллий муносабатлар, миллий мақсадни кўзлашдаги оирлик мажмуаси миллий онг дейилади. Умуминсоний хусусиятли билимлар мазмунини англаш, шахсий алоҳидаликни, мўлатлараро муносабат, ижтимоий мақсадни кўзлашдаги умумийлик мажмуаси ижтимоий онг, деб лгалади. Ижтимоий ҳаётда онг бир неча хил вазифаларни бажаради. Жумладан, борлиқни тўғри инъикос қилиш, ижодийлик ва яратувчанликка ундаш, хулқ, фаолият, муомала

кечишини ҳам баҳолаш, ҳам бошқариш, укувчанлик, ақлий имконият ва фаросатлилик қўзгатувчиси, маънавий қадриятларнинг мезони кабилар.

Одамларнинг муайян ижтимоий этник бирликка тааллуқли жанлигини, ўз миллатини ижтимоий тизимда ва халқаро муносабатларда и аллаган мавқеини англаш, миллий қизиқишни, ўз халқининг бошқа ижтимоий бирликлар билан ўзаро муносабатини тушуниш, ғоялар, ҳислар ва интилишда иамоён бўлишини пайқаш миллий ўзлигини англаш дейилади. Миллий ўзлигини англашга кайфият, ҳиссий кечинмалар, ёқтириш, ёқтирмаслик, қамдардлик, тарихий шартланган ҳар хил камолот даражасига эгалик, ўзининг этник бирлигини бошқалар билан қиёслаш киради. Ўзликни англашнинг омилларини оиланинг таъсири, миллий муҳит ва тил, маданий доира, тасодифий вазият ота-она обрўсининг таъсири, алоҳида турмуш шароити, миллий турмуш ҳодисаси) ташкил қилади.

Халқнинг ўзини миллат сифатида танишини, ўзининг жисмоний қувватини, ақлий қобилиятини, юриш-туриш ва уларнинг турткиларини, борликда, шахслараро ҳамда миллатлараро муносабатини тўғри тасаввур этишдан иборат сифати миллий ўзлигини англашни билдиради. Миллий ўзлигини англаш миллий онгнинг шакли ҳисобланиб, ўзини муайян бирликка алоқадор эканлигини билиш халққа нисбатан муносабат бирлигида вужудга келади. Бошқа миллатларни билиш орқали ўз халқини англаш, миллий хулқ фаолият, муомалани таҳлил қилиш орқали ўзлигини пайқаш, ўзгани кузатиш туфайли миллий хусусиятини сезиш, ўзини назорат қилиш ва бошқариш ёрдами билан ўзлигини тушуниш содир бўлади. Худди шу сабабдан миллий ўзлигини англаш халқнинг ўз эҳтиёжларига, қобилияти ва салоҳиятига, майлларига, хулқ-одоб, ички, ташқи турткиларига, кечинмаларига ва мулоҳазаларига нисбатан муносабатининг инъикосидир.

Миллий ўзлигини англаш - муайян халқнинг у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансублигида, ижтимоий муносабатда ўз миллатининг эгаллаган мавқеини аниқ тасаввур қилганлигида, миллий манфаатдорлигида ўз ифодасини гопишдир. Миллий ўзлигини англаш оилавий таъсирнинг, тилнинг, қариндош уруғчилик алоқасининг роли бениҳоя каттадир. Миллий ўзликни англашнинг объектив (тарихий тараққиёт, табиат инъоми) ва субъектив (миллат вакили таъсиридаги ўзгаришлар) омиллари мавжуд. Мазкур омилларнинг етилиши ўзликни англаш жараёнини тезлаштиради.

Ўзбек миллатининг қомат тутиши, кийиниши, ибоси, имо-ишораси, юз ҳаракати, табассуми, хаёлоти, таъзими, маросимлари, ижодиёти, фольклори, эпоси, таъби, диди, очик қалблиги ижтимоий-тарихий шарт- шароитлар маҳсули тариқасида гавдаланади.

Миллий хулқ-атвор одамларнинг миллий хусусиятлари тўғрисида гоҳ, оқилона, гоҳ, холис бўлмаган, тахминий фикр юритишга олиб келиш ҳодисасидир. Миллий юриш-туриш тарзи миллатларнинг бир-бирини ўзаро тушунишни бироз қийинлаштиради. Кўп ҳолларда у турли миллатларнинг муомалага киришишида ижтимоий тўсиқ вазифасини ўтайди. Шунинг учун халқ ва элатларнинг барқарор хулқ-

атворини ўрганмасдан туриб, миллатлараро тенглик ўрнатиш мумкин эмас. Чет эл сафаригаги миллатимизнинг бир вакили хулқига берилган баҳо бутун халқимизга берилган баҳодир.

Ўзбек халқининг қўшиқлари ва рақслари ҳам миллий турмуш тарзини, машғулоти моҳиятини ўзида акс эттиради. Жумладан, қўшиқ ва рақснинг шўх ва ўйноқлиги, ғамгин ва вазминлиги, мураккаблиги ва лапарсимонлиги, инсон қалбига енгил кириб бориши, маросимбоплиги билан бошқа халқларникидан тафовутланиб туради.

Миллий орасталик соч қўйиш, уни ўстириш ва тараш, ўриш ва кийиниш удуми, миллий таъб ва дид, миллий кийимнинг иқлим шароитга мослиги, мавсумбоплиги безаклари билан бошқа элатлардан ажралиб туради.

Ижтимоий тарихий даврдан ўзбек халқига мерос бўлиб келган сахийлик, ростгўйлик, тантилик, садоқатлилик, поклик, одоблилик, багрикенглик, катталарни ҳурмат қилиш, самимийлик, иноқлик, кадр-қиммат, иймон- эътиқод, виқор, виждонлилик, ифбатлилик, ўзаро ёрдам каби инсоний хислатлари ўзбек миллатининг маънавияти ва руҳиятининг рамзидир. Уларнинг ҳис-туйғуларидаги туғишганларига нисбатан илиқ муносабати миллий қиёфани акс эттиради. Буларнинг барчаси халқимизнинг маданияти, тили, адабиёти, санъати ва тарихий обидаларида яққол ифодаланади.

Ўзбек халқининг урф-одатлари, удумлари, расм-русумлари барқарор хусусият касб этишига қарамасдан, улар янги давр, ижтимоий тараққиёт эҳтиёжи ва талабига мувофиқ равишда шаклан ўзгариб боради, янги мазмун ва моҳият касб этади. Миллий анъаналар, миллий урф-одатлар ва маросимлар шаклида намоён бўлади. Урф-одат муайян ҳатти- ҳаракатларнинг узлуксиз такрорланиб туриши ва унга барча тўла амал қилишини англатади. Маросимлар эса урф-одатларнинг барқарор шаклини билдириб, ички яхлитликка, шаклан бежиримликка эга. Маросимнинг энг муҳим хусусиятидан бири - миллатнинг назокати, латофати, нафосатини, ижодкорлигини акс эттиришдир.

Урф-одат, турғун ва барқарор хусусиятга эга бўлиб, халқнинг бир нечта авлоди томонидан яратилади ва ижтимоий ҳаётга татбиқ, этилади. Масалан, ота-онага ҳурмат, кексаларга эҳтиром ўзбекларнинг урф-одати ҳисобланади, лекин у ҳозирги замонда халқ анъаналарининг бир кўриниши сифатида талқин қилинади, холос. Миллий расм-русумлар, маросимлар урф- одатлар таркибига кириб, турмушда уларнинг ўзаро муносабати уйғунлигини англатиб келади. Бинобарин, расм-русумлар, маросимлар урф-одатлар иамоён бўлишининг шакли сифатида юзага келади. Масалан, тўй, меҳмон кутиш, дафн этиш билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар ўзаро умумий жиҳатлари билан ажралиб туради. Бундай маросимлар бошқа туркий халқларда ҳам мавжуд, лекин уларнинг амалга оширилиши жиҳатдан бир- биридан тафовутланади.

Ўзбеклардаги гўзаллик, оилваий бахт, эр-хотин ўртасида меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, беғараз дўстлик оилавий ўзаро ҳамкорлик жараёнида гавдаланади. Ўзбек

оиласида фарзанд туғилиши қувонч ва унутилмас воқеликка айланади. Янги меҳмон билан қутлаб қариндош-уруғлари, дўстлари, ҳамкасабалари чақалоққа совғлар олиб келишади. Фарзандга исм қўйишда оиланинг аъзолари, қариндошлари иштирок этадилар ва бу маросим катта тантана тусини олади.

Ўзбек халқининг ҳар қандай вазиятда ҳам меҳмонни самимий, беминнат, илиқ қарши олиш одати бор. Ўзгаларга меҳр-оқибат, оқилона муносабат, омилкорлик билан муомала қилиш, илтифот, эҳтиром кабилар халқимизнинг юксак ҳис-туйғулари, бой маънавий гўзаллиги ва руҳий қиёфасини акс эттиради. Лекин кундалик турмушда "асалнинг ози ширин", деган нақлга риоя қилган ҳолда ҳаракат қилиш маъқул.

Ўзбек халқининг пок қалби, софдил кўнгли майин ва оташин диёнат, виждон, иймон, эътиқод, ишонч, ирода, ғайрат руҳияти сарчашмасидир. Халқимизнинг фикрича, дўстлик бор жойда меҳру муҳаббат, вафо, садоқат, адолат, ҳақиқат қарор топади. Бу эса ўз навбатида инсоннинг маънавияти ва руҳиятига, ақл-заковатига илҳом бахш этади, яхшилиқ самимийлик сари етаклайди. Халқ фольклорида дўстлик, ҳамжихатлик ҳис-туйғулари кишилар ўртасидаги энг мўтабар, энг гўзал, энг қудратли, юксак инсоний муносабат тарзида талқин қилинади.

Ўзбекларнинг ўзаро самимий саломлашуви миллий урф-одатининг ибратли томонидан бири ҳисобланади. "Ассалому-алайкум", деган мафтункор сўз бирикмаси тинчлик, саломатлик рамзи, осойишталикка, беғаразликка етаклайдиган таъсирчан сеҳрли воситадир. Бу олижаноб одоб- ахлоқ, назокат, нуфуз, ҳурмат-эътибор, очиқ қалблилик, ширинсуханлик, дилкашлик, хуштабассумлик, хуштавозелик каби инсоний хислатларнинг яққол тимсоли ҳисобланади. Бу руҳий ҳолат эркак билан аёл ўртасида содир бўлса, ўзгача гўзаллик касб этади, инсонни инсон руҳан яқинлаштиради ва ҳамкорлик туйғусини вужудга келтиради.

Ўзбек халқи одамлар ўртасидаги дўстли, биродарлик ўзаро мурувват, яқинлик тўғрисида кўплаб ҳикматлар, ривоятлар, латифалар яратган. Уларнинг тарбиявий аҳамияти то ҳозиргача сақланиб келмоқда. Халқ ҳикматларида таърифланишича, кек сақламайдиган инсоннинг ҳамиша руҳи пок, фикри равшан, орзуси порлоқ нияти холис, мақсади юксак, кўнгли мусаффо, дили очиқ, тили ширин бўлар эмиш. Борлиқдаги бутун халқ жавоҳирларини яхлит ҳолда таҳлил қилсак, мана бундай хулосага келиш мумкин: салом-алиқ халқ орасида муомала, муносабат, мулоқот, ишора, ифода, моҳият мувозанатини сақлаб турадиган сеҳрли калитидир. Ана шу калитни оила, мактаб, жамоатчилик ва ишлаб чиқариш жамоаси ҳамкорликда ёшлар қўлига тутқазиш баркамол авлод камол топишига пухта замин ҳозирлайди. Ўзбек халқи тўплаган кўп минг йиллик дурдоналаридан барчани баҳраманд этиш олижаноб эзгулик ва муқаддас фуқаролик бурчидир.

Миллий дурдоналарни таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатдики, одамларнинг руҳияти, маънавияти ва ижтимоий ҳаётда эгаллаган мавқеини, уларнинг илм-савияси ва маълумот даражасини саломлашувига қараб аниқласа бўлади. Ўзаро саломлашув икки шахснинг ҳис-туйғуси, кайфияти, мижози, шижоати, овозининг оҳанги ва суръати, руҳий ҳолатларининг ташқи ифодалари ёрдамида бир-бирига яқинлиги ёки танишлиги

тўғрисида маълумот олиш мумкин. Худди шу боис саломлашишда одамларнинг бири-бирига нисбатан меҳр-муҳаббати, кадр- қиммати, ҳамжихатлиги, беғаразлиги каби инсоний фазилатлари ҳақиқатга яқинроқ акс этади. Муомалага кирувчи мулоқотдошларнинг маънавий ва миллий қиёфаси намоён бўлади. Агарда саломлашувда ғурур, вазминлик, оҳангдорлик турлича жило ва сеҳрга эга бўлса, шахслараро муомаланинг қай маъно касб этиши рўй-рост кўзга ташланади.

Миллий тарбиянинг моҳияти, мазмуни, усуллари, унинг кундалик ва истиқбол режаси, ёшларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятга эга. Мазкур хусусият халқнинг маънавий бойлиги ҳисобланмиш анъаналарининг замиридан келиб чиқади.

Ўзбек халқини бошқа миллатлардан фарқлаб турадиган яна бир муҳим хусусияти - унда армон туйғусининг мавжудлигидир. Армон тушунчаси бошқа халқларда жуда кам учрайди. Унинг моҳияти ҳаддан зиёд чуқур, теран, ҳатто инсон фаоллигини белгилаш имкониятига эга. Армон ўзбекни ҳаракатга чорлайди, уни изланишга даъват этади. Эзгу ниятининг ушалишига ундайди, ўчмас тимсоллар эса хотиротни талаб этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Миллийлик нима?
2. Этник хусусият, этнопсихология нима?
3. Стереотип деганда нимани тушунаси?
4. Характер миллий бўлиши мумкинми?
5. Туйғу нима? Миллий туйғучи?
6. Миллий тарбиянинг аҳамияти нимада?
7. Жаҳон андозаси деган тушунчага сизнингча биздаги миллийлик тўғри келадими?
8. Миллий тарбиядаги сизга ёққан энг маъқул жиҳат нима?
9. Сиз қандай миллий хусусиятингиз билан фахрланасиз ?
10. Камтаринлик - бу миллий хусусиятлардан биридир. Бу тараққиётга қандай таъсир қилади?

19-мавзу: Миллий менталитетнинг тузилиши ва тавсифи.

Режа:

1. Менталитет тушунчаси.
2. Ижтимоий муносабат.
3. Ижтимоий прототип.
4. Миллий маданият.
5. Инсонда менталитетнинг шаклланиши.

- 6.Менталитетнинг миллий онг билан уйғунлашуви.
7. Менталитет шаклланишида инсон онгсизликнинг роли.
- 8.Менталитет ва халқ фольклори.

Менталитет (инглизча *теп!а!йу* деб аталиб) ақлнинг тузилиши, тафаккур деган маънони билдириб келса, ментал (инглизча *теп!;а!*) ақлий, рухий гушунчалари моҳиятини англатади. Ҳозирги даврда мамлакатимизда худди шу маънода бу атамалар оммавий равишда қўлланилиб келинмоқда.

Лекин психологик нуқтаи назардан менталитет моҳиятига ёндашсак, у ҳолда сезиларли даражада кенгроқ маънога эга эканлигига тўла ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Инглиз психологиясида менталитет тушунчасига гаъриф берилганида унинг кўп тузилмавийлиги (ҳар хил тузилишга эга жанлиги) ва серқирралилиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Кўпинча менталитетга ижтимоий жабҳанинг когнитив (билишга оид) модели тариқасида ёпдашилади. Когнитив модель биринчи навбатда ўз ичига когнитив чизма тушунчасини қамраб олади. Кейинги тушунча таркибидан ижтимоий прототип, ижтимоий роль, ижтимоий муносабат (*а!й!;ис!* -аттитюд) жой эгаллагандир. Ижтимоий-психологик категориялар ичида ижтимоий муносабат (аттитюд) муҳим аҳамият касб этади. Ушбу сўз бирикмаси даставвал I .Спенсернинг 1862 йилда чиққан китоби саҳифасида учрайди. Бироқ уни илмий ижтимоий-психологик тушунча сифатида 1918 йилда У.Томас ва Ф.Знанецкийлар қўллаганлар. АҚШли психолог Г.Оллпорт ижтимоий муносабат муаммосини тадқиқ этган биринчи олим ҳисобланади. Ижтимоий ноқеликнинг у ёки бу ҳодисаларига инсоннинг ёки гуруҳнинг муайян тарзда муносабат билдиришига мойиллиги ижтимоий муносабатни англатади.

Ижтимоий муносабат (аттитюд) билишга оид (когнитив), ҳиссий (эмоционал), хулқий таркибларидан тузилган мураккаб ижтимоий-психологик тузилмадир. Унинг билишга оид (когнитив) таркиби ҳодисаларга, ҳолатларга, меъёрларга оид билимлардан, улар тўғрисидаги ҳукм ва хулосалар, маслак қадрият, баҳолаш ҳамда назорат тизимидан иборатдир. Ҳиссий жиҳат инсоннинг ҳодисаларга, воқеликка нисбатан муносабатида акс этувчи туйғулар гизимидан ташкил топгандир. Ижтимоий муносабатнинг хулқий таркиби воқеликка нисбатан шахснинг ижобий ёки салбий ҳатти-ҳаракатини намоён этишга мойиллигини акс эттиради.

Ижтимоий муносабат (аттитюд) энг аввало шахснинг ижтимоий ҳодисаларни психологик жиҳатдан идрок қилишга тайёргарлик ҳолати орқали, иккинчидан, у ёки бу миллат вакилининг миллий маданиятининг хусусиятлари ёрдами билан аниқланади. Мабодо бизда кимнидир идрок қилиш хоҳиши туғилса, ё улар (бошқа одамлар) бизни идрок қилмоқчи бўлсалар бунда ўзаро бир-бирини кўз ўнгига келтириш жараёни менталитет орқали рўёбга чиқади. Ижтимоий муносабат, ижтимоий ҳодисалар, ҳолатлар тўғрисидаги қатъий мужассамлашган аждодлар томонидан тўпланган йўл-йўриқларнинг мажмуаси ёрдами билан юзага келади. Ижтимоий муносабат у ёки бу миллатга хос ижтимоий маданиятнинг бевосита таъсирида шаклланади ва эгалланганлик даражаси билан аниқланади. Масалан, бошқа миллат вакиллари томонидан инглизларни консерватив, вазмин, босиқ инсонлар сифатида идрок қилиш жараёни инглиз снобизми (зпоБ - таъб, дид демакдир, яъни аслзодаларга хос нозик таъблик ташқи кўриниш, феъл- атвор, мужассам қарашлар, теран ақл, фаросат ва хоказо) орқали бунёд этилади. Японларга хос худди шундай рухий ҳолат, яъни ташқи кўринишли феъл-атвор (ҳиссий қатъиятлилик) инсон бошига тушган оғир жудолик ёки муносабат кечинмаларини очик чехра билан ўзгаларга намоёйиш қилиш одатидир (улар

хатто ўлимни ҳам кулимсираб маълум қилишади). Мана шунга ўхшаш мутаносиб мисолларни келтириш мумкин.

Менталитетнинг яна бир бўлаги ижтимоий прототип (юнонча *protolypop* - олдиндан образ ёки намуна яратиш) ҳисобланади. Ижтимоий прототипни таҳлил қилиш натижасида миллий, жамоавий, якка шахсга оид маданият мавжуд эканлиги гавдаланади. Бу ўринда маданиятнинг умумий, хусусий ва алоҳида кўринишлари тўғрисида мулоҳаза юритилади. Шунинг учун ижтимоий прототипга асосланган умуммиллий ва жамиятнинг ҳар бир аъзосига хос бўлган маданият у ёки бу мамлакатда устуворлик қилиши кузатилади. Якка шахсга хос (ранг-баранг кўринишли) маданият устуворлик қиладиган мамлакатлар қаторига АҚШ, Канада, Буюк Британия, Нидерландия, Австралия, Янги Зеландияни киритиш мумкин. Миллий, жамоавий маданиятга риоя қилувчи давлатлар сифатида Хитой, Япония, Корея, Покистон, Ямайка, Ғарбий Африка ҳудудидаги республикаларни шу жумладан, Марказий Осиё давлатларини санаб ўтса бўлади.

Якка шахсда мужассамланувчи маданиятда мутлақо шахсий ўзига хослик бетакрорлик ҳеч кимсага ўхшамаслик оммавий кўринишга эга бўлади. Миллий ёки жамоавий маданият етакчилик қилган мамлакатларда аҳоли ўртасида ҳам ташқи, ҳам ички жиҳатдан ижтимоий ўхшашлик юқори ўрин эгаллайди. Мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мазкур тафовутлар ижтимоий ҳаётнинг, соҳанинг ва муҳитнинг турли жабҳаларида кўзга ташланади: 1) одамларнинг бир-бирларига нисбатан муносабатларида; 2) қариндош-уруғчиликка юксак даражада эътибор берилишида (миллий ёки жамоавий маданият бирламчи мамлакатларда ушбу муносабатларга муҳим аҳамият қилинади); 3) бегоналар билан миллати, элати, жинси, ирки, диний эътиқодидан катъи назар дўст тутиниш ёки дўстона муносабат ўрнатиш иштиёкида; 4) мулоқотмандлик кўринишида; 5) жинойтчиликка мойилликда; 6) оммавий шиорларнинг умумийлигида; 7) модалар услубида ва бошқалар.

Менталитет ўзига хос алоҳида ижтимоий маданиятнинг тузилмаси сифатида ижтимоий ролларни вужудга келтиради. Жамиятда биринчи навбатда аждодларимиздан мерос тариқасида авлодларга қолдириладиган одатлар, қиёфаларни баҳолаш, руҳий ҳодисаларни шарҳлаш, ихтиёрсиз ҳатти-ҳаракатлар эркак ва аёлларда ижтимоий ролни шакллантиради. Эркаклар ва аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий роллари тўғрисидаги маълумотлар урф-одатлар, кечинмалар, маросимлар, расм-русумлар, анъаналар, ривоятлар, фольклор, вазифалар, бурчлар, масъулиятлар, хулқ- атворлар, муносабатлар ва бошқалар ҳар қайси миллатнинг бир неча аждодлари томонидан ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида тўпланганлиги туфайли статик яъни нисбатан ўзгармас, барқарор хусусиятга эга.

XX асримизнинг кейинги ўн йиллигида аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий роли муаммосига тааллуқли бирмунча ўзгаришлар юз бераётганлиги кузатилмоқда. Ҳудди шу боис ижтимоий фанларда феминизация (лат. *Femina* - аёл), яъни аёллашув кучайиб бораётганлиги, шунингдек феминизм (фран. *!et1П1зте* - аёллар ҳаракати) тўғрисида илмий қарашлар вужудга кела бошлади. Ҳатто бизнинг мамлакатимизда ҳам таълим тизимидаги ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассисларнинг аксариятини аёллар ташкил қиладди.

Кўпгина давлатларда аёлларнинг роли, масъуллик кўлами ва уларнинг жамики соҳаларга ёйилиши профессив ўзгарйшлар хислати тариқасида ижобий фаоллашув деб тавсифланмоқда. Сиёсий тузумнинг тараққийси, юксак технологиянинг ривож,

оммавий ахборот воситаларининг кенг қулоч ёйиши менталитетнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Инсонда менталитетнинг шаклланиши илк болаликдан бошланиб, то ижтимоийлашув (балоғатга етиш) давригача у такомиллашиб боради. Бунинг натижасида миллий ифтихор, миллий ғурур, маиший расм- русумлар, урф-одатлар, анъаналарни ўзлаштириш ва ўз тарихини билиш орқали бола маиший бетакрорлик, ўзига хослик билан бевосита танишади. Уларнинг негизида менталитет таркиб топади ва бошқа миллат, элатлар нафақат бир-бирларидан тил билан тафовутланадилар, балки халқ ижодиёти, қуйи, рақси ва ҳатти-ҳаракатининг ўзига хослиги, ранг-баранглиги билан ҳам кескин ажралиб турадилар. Ҳатто уларнинг мавсумий байрамлари, мусиқа асбоблари тузилиши, кўриниши, қатъий қонун-қоидалари бир- бирига ўхшамайди.

Инглиз психологлари Триандис, Бонтемпо ва Вилареаллар томонидан ижтимоий муносабат ва ижтимоий маданиятнинг кўринишлари бўйича қиёсий тадқиқот ўтказилган бўлиб, унда мана бундай натижалар қўлга киритилган:

Ҳаётнинг турли жабҳалари	Миллатнинг йўналганлиги	Яккахол (персонал) йўналганлик
--------------------------	-------------------------	--------------------------------

Ҳаётини қабул қилиш	Барча ижтимоий гуруҳ билан	Шахсий ўзиники
Ҳамкорлик (ички)	Юқори	Уртача
Ҳамкорлик (ташқи)	Паст	Уртача
Муаммонинг йўналганлиги	Одамларга	Муаммо ечимига

Уларнинг маълумотлари таҳлилига қараганда, ҳаётнинг турли даврларида, босқичларида маданиятнинг бир кўриниши иккинчиси билан таққосланганда улардаги нуқсонлар ёки устунликлар турлича тарзда намоён бўлар экан.

Менталитет тўғрисида мулоҳаза юритилганида ихтиёрсиз равишда унинг миллий онг билан уйғунлашиб кетганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Худди шу сабабдан Европа мамлакатларида британча, нидерландча, швецарча, россияча ноҳиявий онгнинг (провинцал) ўзига хос қирралари тўғрисида мулоҳаза юритилади. Бунда марказдан ёки пойтахтдан вилоятнинг, ҳудуднинг қанча масофада жойлашганлиги онгнинг даражаси, кўрсаткичи бўйича тафовутланиши назарда тутилади. Шунингдек, катта шаҳар билан ўрта миёна шаҳар, умуман шаҳар билан қишлоқ кўчманчи қабилаларнинг турмуш тарзи, фикрлаши, онг кўрсаткичи сезиларли даражада фарқланишини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ноҳия ва пойтахт менталлиги ёки бир миллатнинг марказда ҳамда чет жойларда яшаши туфайли бирисида туб миллийлик (менталлик) устуворлик қилса, иккинчисида пастроқ кўрсаткичга эгадир. Марказда ақл-заковат, онг даражаси, фикрлаш суръати, нутқ маданияти коэффициенти юксакроқдир. Ноҳияда унинг аксинча кўриниши устувор бўлиб, миллий кўринишлар (урф-одат, анъана, малаллий сўзлашув) қадимийлиги, яъни миллийлигини сақлаб қолган.

Менталитет нуқтаи назаридан Ғарб ва Шарқ географик номларни идрок қилиш жараёнида ноҳияда ва пойтахтда яшайдиган бир миллатнинг вакиллари ўртасида менталлик яъни миллийликка хослик бўйича фарқ мавжуддир. Ноҳияликлар Ғарб ва Шарқ атамалари юзасида фикр алмашганларида аксарият ҳолларда уларнинг географик жой сифатида тасаввур қиладилар, кўпи билан эса айрим мамлакатларнинг номларини санаб ўтиш билан каноатланадилар, холос (бунда билим камлиги эмас, балки билишга қизиқиш заифлиги кўзга ташланади).

Пойтахтда яшайдиган халқ эса ушбу номларни кенг маънода тасаввур этадилар ва энг камида бир нечта муҳим белгиларига эътибор берадилар:

1) уларнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти ва Жаҳон цивилизациясида тутган ўрни; 2) фан, техника, технологиянинг ҳозирги замон кўрсаткичи; 3) маданияти, санъати, адабиёти, меъморчилиги, жаҳонгашта кишилари; 4) хўжалиги ва етакчи соҳаси; 5) ҳозирги даврдаги мавқеи ва бошқалар. Таъкидланган соҳалар бўйича билимлар билан куролланиш натижасида

онг, касбий тасаввур нуқтаи назаридан менталлик шаклланади ва гараққийпарвар омил сифатида камолотнинг муайян чўққиси сари бошлайди. Пойтахтдашларда миллийлик билан умуминсонийлик жиҳатларида уйғунлашув кучайиб бориши авж олади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўта¹¹¹ лозимки, менталитет шаклланишида онгсизлик ҳолатининг роли муҳим аҳамият касб этади. Дждодлардан авлодларга ўтиб келадиган ижтимоий ҳодисалар, ҳолатлар бўйича шаклланган тасаввурлар ҳеч бир баҳоланмасдан туриб, олдин қандай қабул қилинган бўлса, худди шундайлигича идрок қилиниши онгсизлик ҳаракатининг кўринишидир. Масалан, турли миллатлар ўртасида ўзига хос гасаввурлар мужассамлашиб қолган: қоранинг жаҳли чиққанича -сарикнинг жони узилибди; пешонаси кенг - бой бўлади; кўзи ўйноқининг - ўзи ўйноқи ва бошқалар. Лекин турмушда сарик рангдаги одамларнинг барчаси жаҳлдор эмас, шунингдек пешонаси кенг кишиларни бадавлат, деб бўлмайди. Кўзи ўйноқи инсонларнинг феъли бузиқ дейишга ҳам асосимиз йўқ- Соч- соқоли ўсиб кетган одамларни руҳан касал деб баҳолаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Кўчани қора мушук кесиби ўтса, фалокат юз берармиш, деган ирим бир қатор миллатларда учрайди. Онгсизлик ҳолатида идрок қилинаётган ҳодиса билан ўтмиш тасаввури ўртасида ўхшашлик топилса, шахс ўзича вазиятга нотўғри баҳо бериб, хатоликка йўл қўяди. Халқнинг у ёки бу нарсага ишониши оқибатида шундай натижа билан тугашини ихтиёрсиз равишда кутиши бунга яққол мисолдир. Аждодлар меросига содиқ кишиларнинг кўпчилиги ноҳияларда яшайди. Илмий билим билдн халқ гасаввури солиштирилганда ҳақиқат рўёбга чиқади. Шунинг учун соддадиллик ҳам, зукколик ҳам менталитетнинг кўриниши ҳисобланади.

Халқ фольклори менталитет ўрганилишининг муҳим манбаи саналади. Фольклор санъати, ижодиёти, қадимий кийимлар, куйлар, рақслар, термалар ва улардаги табиийликнинг гавдаланиши ўша миллатга хос менталитетга баҳо беришга имкон яратади. Йигирма биринчи асрда XVIII асрдаги халқ менталитетини намоён қилиш мумкин ва бунда ҳақчиллик, донишлик рўй- рост устуворлик қилади. Тарихий манбалар, халқ дostonлари у ёки бу миллатнинг менталитети тўғрисида тўла маълумот бериш имкониятига эга бўлган асосий манбалар қаторига киради. Сахийлик меҳмондўстлик ватанпарварлик, катталарга муносабат, фарзандга меҳр-муҳаббат, она юрт гупроғини эъозлаш хусусиятлари менталитетнинг ёрқин ифодасидир.

Фольклор туманларда кўпроқ сақланганлиги туфайли миллий менталитетдан келиб чиққан ҳолда унинг маънавий мавқеини кўтариш ва вазиятга оқилона ёндашиш, омилкорлик билан баҳолаш зарур. Чунки миллатнинг қадимийлиги, унинг барҳаётлилиги фольклор орқали акс этади, миллийлик (менталлик) тасаввури, уларнинг ташқи ва ички мужассамлашуви менталитетаинг кўзгуси саналади. Худди шу боис менталлик ҳудудий аҳамият касб этади, бу турмуш шароити ва тарзи, яшаш муҳти (пасттекислик тоғлик) билан белгиланади ҳамда миллий характер, миллиН миждоз, миллий дид шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Шунмиг учуи денгиз соҳилидаги

инглиз билан марказдаги ёки тоғли ҳудуддаги ҳаммиллати ўртасида фарқ, мавжуддир. Бир миллатнинг икки ҳудудда яшаши туфайли қизиқиши, ҳаракатчанлиги, мулоқотмандлиги ва қатъиятлигида тафовутлар вужудга келган. Ана шунга мос равишда ўқишга, меҳнатга нисбатан муносабат ҳар хил бўлади ва давр ўтиши билан барқарорлашиб бораверади, натижада мукамал миллий тасаввурга ўсиб ўтади.

Менталлик жараёнларининг ҳозирги кеча-кундуздаги кечиши ва ривожланиши тарихий-психологик таҳлил этиш орқали миллий менталитетни башорат қилиш мумкин. Миллат вакиллари орасида ичкиликбозлик чекиш, наркомания, таксикомания авж олиши, спиднинг тарқалиши менталитет бузилишига олиб келади. Бу инсоният олдида турган глобал муаммо ҳисобланади ва унинг олдини олиш ер курраси равақининг кафолатидир.

Шундай қилиб, фан оламидаги менталитет (менталлик) атамалари тор маънодаги ақл-заковат, ўзига хос ички ва ташқи кўринишни ақс эттирибгина қолмасдан, балки миллий қиёфадан тортиб то миллий тасаввур ва онгсизлик ҳолатигача бўлган кенг кўламли ижтимоий-психологик тизимдан иборатдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Менталитет нима?
2. Ментал тушунчаси-чи?
3. Аттитюд - нима деган тушунча?
4. Ижтимоий прототип деганда нимани тушунаси?
5. Миллий маданият нима?
6. Миллий маданият сизни қониқтирадими?
7. Ижтимоий маданият нима?
8. Менталитет инсонда қандай шаклланади?
9. Халқ фольклорлари ва менталитетини изоҳланг?
10. Менталитет ва миллий онг?

20-мавзу: Ўзбек миллий ўйинларининг тавсифи.

Режа:

1. Шахс камолотининг ташқи омиллари.
2. Ўйин фаолияти ва унинг тарихи.
3. Миллий ўйинларнинг хусусиятлари.
4. Миллий ўйинлар ва ўйин фаолиятини уюштиришнинг ўзига хос хусусиятлари:
5. Янги тоифага хос миллий ўйинлар.
6. Миллий ўйинларнинг ёш хусусияти ва мавсумийлиги.
7. Миллий ўйинлар келиб чиқиш тарихи билан этнопсихологик ҳолатларни акс эттириши.
8. Миллий ўйинларни ҳаракатга келтирувчи кучлар.
9. Миллий ўйинлар шахсни шакллантириш, бақувват ва соғлом ўсиши учун асос яратиши;
10. Миллий ўйинларни такомиллаштириш.

Шахснинг ахлоқий хислатлари, ақлан баркамоллиги, юксак дид ва фаросатлилиги, шахслараро муносабатга киришувчанлиги, билиш мотивларига бойлиги, ўз-ўзини бошқариш имкониятига эга эканлиги қадрият, маънавият ва руҳият категориялари барқарорлигини билдиради. Шунинг учун ижтимоий гармония, жамият ва жамоа муҳити талаб қилувчи шахс сифатларини ўқувчиларда таркиб топтириш келажакка муносиб замин ҳозирлайди. Умуминсоний хусусиятларини ёш даврлари ва жинс тафовутларини ҳисобга олган ҳолда ёшларда шакллантириш уларда хулқ ва фаолиятнинг мотивацион, эмоционал, когнитив ва регулятив жиҳатларини бир даврнинг ўзида иомоён бўлишини таъминлайди. Шу сабабдан фазилатларни шакллантиришнинг у ёки бу хусусиятли ташқи ва ички таъсирлари болаларга қанчалик эрта етиб борса, шунчалик камолот 1'езлашади.

Шахснинг камоли муайян тизимга эга бўлган ташқи омилларни шакллари, кўринишлари хилма-хилдир: табиий, ижтимоий, гуруҳий, жамоавий, фаолият, феъл-атвор, муомала ва бошқалар. Ана шу омилларнинг генетик келиб чиқишидан энг қадимийси ўйин фаолияти ҳисобланиб, борлиқ, жамият сирлари, мўъжизалари ва тажрибаларни қуриш, идрок қилиш, таъсирланиш ҳамда уларни ўзлаштиришга имкон яратиш. Ёнсон авлодлар яратган маънавий бойликларни, кўникма ва малакаларни ўйин фаолиятида кўради, сўнгра уларни ролда ижро этишга киришади. Ўйинлар одам томонидан бир неча марта такрорланиши, машқ қилиши натижасида инсоний қадрият, маънавият ва руҳият таркиблар эгалланиб борилади.

Ўйин ва ўйин фаолиятининг узок ўтмиши мавжуд бўлиб, унда табиатга, оилавий турмушга, маиший хизматга, касб-корга нисбатан вояга етган одамларнинг муносабати акс эттирилади. Ўйинлар ўзини келиб чиқиши бўйича турли-туман бўлишидан ташқари, улар миллийлик хусусиятларига эгадирлар. Миллат, элат, халқ хусусиятларини ифодаловчи ўйинлар миллий ўйинлар дейилади. Ҳар қайси миллатга хос ўйинлар ёшларнинг жисмоний, ахлоқий: ақлий ва нафосат жиҳатидан ривожланишига йўналтиради. Миллий ўйинлар ҳам болалар, ҳам катта ёшдаги одамлар томонидан севиб ижро қилинади. Ўйин ва ўйин фаолияти муайян тузилишга, тизимга, ролга, мазмунга, сюжетга эга бўлиб, яккаҳол ҳамда ҳамкорликда ижро этилади.

Миллийлик, миллий хусусиятлар этнопсихологиянинг долзарб муаммоларига айланиб бораётганлиги сабабли миллий ўйинлар алоҳида аҳамият касб қилмоқда. Миллий ўйинларнинг илмий жиҳатдан таснифи, ўзига хос кўриниши психик тараққиётнинг негизи ҳисобланади.

Бошқа халқлар ва миллатлардан ўзбек миллий ўйинлари ва ўйин фаолиятини уюштиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

-ўйин ёки ўйин фаолиятида ўзбек халқининг (худудий хусусиятидан қатъи назар) яшаш тарзи, интилиши, хоҳиши, истаги, эзгу нияти, унинг мавсумийлиги, касб-корга тааллуқли жиҳатлари акс эттирилган бўлади. Эмоция, ҳиссиёт, характер, миллий қиёфа, таъб, билиш жараёнлари, хулқ- атвор, уларни намоён бўлиш тезлиги, давомийлиги, кечиши миллий хусусиятга эгадир. Нафақат миллий ўйинлар, балки халқнинг рақслари, уларнинг сюжети, суръати, осойишталиги; унинг қўшиқлари частотаси, тембри, товушлар амплитудаси, бадий ижодиёти хусусиятлари, миллий калорити билан уйғунлашгандир;

-миллий ҳаракатли ва спорт ўйинларининг моҳияти, мазмуни, маъно ифодалиги, манбаи, негизи, уларнинг анъанаси, уларда акс эттирилувчи кечинмалар, сюжетида ўз аксини топган шахслараро муносабат, муомала, характерологик ва шахс хусусиятларидан келиб чиқади;

-ижтимоий ва ижтимоий-психологик омиллардан ташқари миллий ўйинлар табиий, жўғрафий қонуниятларига, уларга нисбатан хайрихоҳлик қатъий, беаёв кураш ёки сажда, ёлвориш, илтижо қилиш миллий идрок, тасаввур, иродавий кучга асосланади;

-ижтимоий тажриба ва уни эгаллаш, шаклланган этник стереотипларга асосланиш натижасидан келиб чиқувчи миллийлик умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик яккахоллик, гуруҳийлик жамоавийлик табиат ва жамиятга муносабатни акс эттириш тарзида ўйин вужудга келиши мумкин;

-табиат мўъжизалари, илоҳий кучларга эътиқод, ақл-заковатдан ҳайратланишни ифодаловчи сюжет ва мазмундан иборат бўлган миллий ўйинлар;

-касбни тасвирловчи, унга барол тиловчи, уни такомиллаштиришга олиб боровчи имконият ва ҳаракатни ҳис-туйғу ёрдамида намоён этувчи, қадрият, маънавият, руҳиятга асосланувчи миллий ўйинлар;

-миллатлараро таъсир натижасида яралувчи, лекин миллийликнинг у ёки бу қирраларини сақлаб қолувчи байналминал хусусиятли ўйинлар;

-ижтимоий гармония таъсири, ижтимоий онг ривожини, маданият, фан ва техника маҳсуласи сифатида туғулувчи янги тоифага хос миллий ўйинлар;

-миллий ўйинлар худудий кўринишлари, такомиллашиш имкониятлари, ёш даврлари хусусияти, жинсий тафовути, мавсумийлиги, мавсумбоплиги, расм-русумга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради;

-миллий ўйинлар муайян сюжет, мазмун, қоида ва муддатга асосланади. Улар унитилиш, янгиланиш, такомиллашиш хусусиятига эга бўлиб, кўникма, малака ва одатларни машқлантиришни тақозо қилади. Бу нарса ижтимоий тажрибани авлодлар томонидан ўзлаштириш тариқасида юзага келиб туради. Оқибат натижада мангулик хусусиятини касб этади, шахсни у ёки бу йўсинда камол топишига ўз таъсирини ўтказувчи ўйинлар туғилади.

Миллий ўйинлар ҳақида мулоҳаза юритилганда аксарият ҳолларда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

-ўғил болаларга мўлжалланган миллий ўйинлар, яъни ўғил болалар ўйини;

■•қиз болалар учун махсус яратилган миллий ўйинлар;

-кекса аёллар учун яратилган миллий ўйинлар мажмуаси;

-кекса эркаклар ижро этувчи миллий ўйинлар;

-воёга етган одамларга қаратилган ўйинлар;.

-аралаш жинслар иштирокида ижро этилувчи миллий ўйинлар; -турли ёшдаги ва жинсдаги одамлар ижросида бажарилувчи миллий ўйинлар;

-махсус ниқоб, жиҳоз, безак талаб қилувчи ролли, сюжетли миллий ўйинлар.

Миллий ўйинларнинг келиб чиқиш тарихи умуминсоний ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлиб, тасодифий, инстинктив ҳолатлар негиздан уларнинг омилини қидириш, ортиқча биоқувватни сарфлашдан иборат деган муаммодан келиб чиқмаслик лозим, чунки ижтимоий-тарихий тараққиётнинг муайян босқичидан ўйинлар ва ўйинчоқлар вужудга келиб, маълум функцияларни бажаришган.

Миллий ўйинлар ўзининг келиб чиқиш тарихи билан этнопсихологик қолатларни акс эттирувчи хусусиятга эга бўлиб, ўзига хос тузилиш, моҳияти, сюжети, мазмуни, кўлами билан элат, халқ, миллат, турмуш тарзи, касб-кори, шахслараро муносабати, қиёфаси, характери, ҳис-туйғуси, хулқ-пайванди каби қиларни қамраб олган бўлади.

Миллий ўйинларнинг таркиби байналминал жабҳаларни ўзида ифодалаб бўлиб, хусусий миллийлик умумий байналминал ўзига хослик моҳияти билан уйғунлашиб кетади. Миллийлик билан умуминсонийлик моҳияти мавжуд бўлган умумийлик аломатлари ўзаро бир-бирларини тўлдириб туради. Улар ўзаро таъсир этувчи умумий қоидаларга, омиларга, ҳаракатга келтирувчи механизмларга асосланиб алоҳидалик, умумийлик, хусусийлик ўртасида узвий, узлуксиз алоқа ҳукм суриб туриши мумкин.

Миллий ўйинларни ҳаракатга келтирувчи кучлар элат ва халқлардаги мавжуд турларнинг эҳтиёжини қондира олмаслиги билан туғилиб келаётган ҳаётий, ҳаёлий, жисмоний талаблар билан имконият ўртасидаги қарама-қаршиликлардир. Табиат билан жамият ҳодисаларини яққол акс эттириш имкониятининг йўқлиги шахслараро муносабатни янги босқичга кўтарилиш туйғуси, эзгу ниятлар ўйинлар ҳамда ўйинчоқлар тарзида иужудга келади.

Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг тақозоси билан барпо бўлувчи шахс томонидан ижод қилинувчи, яратилувчи, кашф этилувчи ўйин турлари ва ўйинчоқлар унинг тарихий ролини асло инкор қилмайди, балки тарихийлик принципи барқарор ўрин эгаллаши ўчун зарур шарт-шароитлар нужудга келтиради.

Миллий ўйинлар акс эттирилаётган воқелик моҳиятидан ташқари ўз ижодкорларининг ёш ва жинс хусусиятларини қамраб олиб, муайян қоидалар на роллар яққол тавсиялар орқали ижро этишни талаб қилади. Ижтимоий тараққиёт тақозоси билан талаблар такомиллашиши, унга мос равишда хусусиятлар ҳам ўзгариб бориши мумкин.

Ўйинлар маълум тузилишга, қатъий таркибларга эга бўлиб, изчил, босқичма-босқич амалга оширишни талаб қилади. Шу жиҳатдан улар интеграл ва иерархик хусусиятларни акс эттиради, бола шахсини шакллантириш, жисмоний бақувват ва соғлом ўсиши учун бевосита хизмат қилади, тарихий тажрибаларни англаган ёки англамаган ҳолда ўзлаштириш учун имкониятлар яратади.

Миллий ўйинлар ўз моҳияти ва сюжети билан мавсумий, кундалик тасодифий тоифаларга мансуб бўлиб, иштирокчилар эҳтиёжи, кузатувчилар, пазоратчилар талаби билан ижро этилишга йўналгандир. Миллий ўйинларнинг психологик табиати, хусусиятлари, уларни шахсга таъсир ўтказиш имконияти; уларни шаклланиш

жараёнининг ўзига хослигини гекшириш, ҳар қайси ўйин турини тажрибадан ўтказиш уларни шаклланиш босқичи, фазаси, даражалари таркиб топтиришда қўлланилиши зарур аоситалар умумийликка хизмат қилиши сингари муаммоларни ҳал қилиш долзарб вазифа бўлиб ҳисоблаиади. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофикдир:

-миллий ўйинларни тўплаш ва уларни муайян қоидага муносиб тарзда гуруҳ, ёки туркумга ажратиш;

-ҳар бир ўйин сценарийсини мақсадга мувофиклаштирилган равишда қайтадан ишлаб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш, уларнинг моҳияти ва сюжетини қайта қуриш;

-ҳар бир миллий ўйинни ташкил қилиш ва бошқариш методикасини яратиш;

-рол, сюжет ва мазмундан келиб чиқиб, иштирокчиларнинг ёш, жинс хусусиятларини ҳисобга олиш;

-миллий ўйинлар сценарийси ва ижро этиш йўллари билан масъул ҳодисаларни таништириш, уларга яққол тавсиялар ва установкалар бериш, тренинглар уюштириш;

-тажриба босқичлари ва материалларни танлаш, шунингдек уларни муайян даражада тартибга келтириш лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Уйин нима?
2. Инсон ҳаётида ўйиннинг роли қандай?
3. Миллий ўйинлардан қандайларини биласиз?
4. Халқнинг яшаш тарзини ифодаловчи ўйинлар борми?
5. Сизга кўпроқ спорт ўйинлари ёқадими ёки интеллектуал ўйинлар?
6. Спорт ўйинларининг соғломлаштиришдан ташқари қандай хусусиятлари бор?
7. Миллий ўйинлар табиий географик шароитга боғлиқми?
8. Сизга қайси халқ ўйинлари кўпроқ ёқади?
9. Миллий ўйинлардан қайси бири ёқади?
10. Миллий ўйин деб фақат қадимий ўйинга суяниш керакми ёки янгиларини ҳам яратиш мумкинми?

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ

ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

5А 201210- Психология

(фаолият турлари бўйича) мутахассислиги учун

«Замонавий психология муаммолари»

фанидан

Г Л О С С А Р И Й



Термиз

Доминант шахс – бошқалар билан муомала ва муносабат ўрнатишда ўз фикрини ўтказиш хислатининг ёрқин намоён бўлиши.

Ёш психологияси – турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Ёш даври низолари – ўзига хос, унча узоққа чўзилмайдиган онтогенез даврлари бўлиб, бу вақтда кескин психик ўзгаришлар юз беради.

Жамоа – мақсадлари жамият мақсадига мс келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳи.

Жамоанинг негизи – умумий фикр, мақсад ва ишлаб чиқаришга тааллуқли қарорларни шакллантирувчи жамоа аъзолари.

Йўналиш – шахснинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини аниқ шароитлардан катъи назар маълум йўлга йўналтирувчи барқарор мотивлар йиғиндиси.

Индивидуаллик – индивиднинг бошқалардан фарқланадиган ижтимоий хусусиятлари ва психикасининг ўзига хослиги, қайтарилмаслиги.

Идрокнинг константлиги – идрок шароити ўзгарса-да, идрок қилишдан ҳосил бўлган нарса образларнинг нисбатан ўзгармаслиги.

Идрокнинг предметлилиги – жамики оламдан олинган маълумотларни ички олам объектига киритиш хусусияти.

Идрокнинг бутунлилиги – сезги аъзларига бевосита таъсир етиб турган объектларни, уларнинг белги ва хусусиятлари билан биргаликда қўшиб идрок этиш.

Истедод – шахснинг маълум фаолиятда ифодаланадиган қобилиятининг юқори даражаси.

Ижтимоий психология – психология фанининг ўзига хос махсус тармоғи бўлиб, унда психик ва жамият тараққиёти қонунлари ўрганилади.

Ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.

Ижтимоий тасаввурлар – шахсга жамият орқали таъсир етган нарса ва ходисаларнинг яққол образи.

Илмий тахмин – текшириш ва тадқиқот олиб бориш мақсадида илгаридан кутилиши мумкин бўлган ҳолатнинг башорат қилиниши.

Ижтимоий психологик эксперимент – асосий методлардан бири бўлиб, ўзгарувчан мустақил турли ҳолат ва жараёнларнинг бошқа номуустақил ҳолат ва жараёнларга таъсир етишдаги аниқ маълумотларига таянади.

Интерактив – шахслараро муносабатларда бир-бирига хулқ-атвор таъсир кўрсатиш жараёни.

Интроверт шахс - шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган

фикрларини баён этиш эҳтиёжининг ниҳоятда пастлиги.

Касб – фаолият шакллари бирлашмаси бўлиб, мазмун, воситалар, ташкилотлар, меҳнат натижалари ҳамда меҳнат субъектини тайёрлашга қўйиладиган талаблар мажмуи.

Контент-анализ – текширилаётган матнда сўз, ибора, абзасларни маъно-моҳиятини такрорланиш даражасига қараб таҳлил этиш усули.

Кузатиш – синалувчини аниқ мақсад, фаолият, вақт, гуруҳ билан боғлиқ равишда текшириш, ўрганиш, маълумотлар тўплаш методи.

Коммуникатив – шахслараро муносабатларда маълумот, ахборот, ғоялар алмашинуви жараёни.

Кичик гуруҳ – аъзолари биргаликдаги фаолият билан шуғулланувчи ва бевосита шахслараро муносабатда бўлувчи кишилар гуруҳи.

Кўникма – одамнинг маълум ишни бажаришга тайёрлигида кўринадиган қобилияти. К. маҳоратнинг асосини ташкил этади.

Лонгитюд тадқиқот – синалувчини узоқ муддат ва доимий равишда ўрганш.

Метод – билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.

Методология – тадқиқот, текшириш усули бўлиб, билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндисидир.

Мотив – маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи сабаб.

Мотивация – одамни фаол фаолиятга ундовчи сабаблар мажмуи.

Малака – машқ қилиш жараёнида иш ҳаракатлар бажарилишининг автоматлашган усуллари.

Меҳнат психологияси - киши меҳнат фаолияти психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганадиган фан.

Меҳнат фаолияти психологияси – бу психологиянинг бир соҳаси бўлиб, инсон шахсини меҳнат субъекти сифатидаги шаклланиши хусусиятларини, меҳнатнинг шарт-шароитлари, йўллари ва усулларини илмий жиҳатдан ўрганади.

Меҳнат – инсон эҳтиёжини қондириш асосида ташқи оламни ўзгартиришга қаратилган мақсадли фаолият.

Мутахассислик – фаолиятнинг аниқ шакли бўлиб, меҳнат егасининг касбий тайёрлиги, меҳнат воситалари, меҳнат жараёни ва мақсадининг махсус хусусиятлари билан белгиланади.

Меҳнат субъекти (егаси) – бу фаол ҳаракат қилувчи, англаш ва ўзгартиришга лаёқатли, онг ва ирода билан иш олиб борувчи индивид ёки ижтимоий гуруҳ.

- Мулоқот* – икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир етиши.
- Меланхолик* – темперамент турларидан бири бўлиб, психик фаолликнинг суст, тез таъсирланувчанлик, хатто арзимаган нарсалар учун ҳам жуда чуқур таъсиротга берилиши билан характерланади.
- Монологик нутқ* – бир одамнинг ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалаш нутқи.
- Монолог* – маърузачи томонидан нутқ сўзланиши, маърузачи актив, тингловчи пассив бўлган жараён.
- Мобил шахс* – шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг юқори даражада кузатилиши.
- Негативизм* – индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилиши.
- Норасмий* – одамларнинг биргаликдаги мулоқот ва фаолиятларида улар орасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч, бир хил қараш ва мақсадларнинг кўзда тутилиши.
- Новербал* – нутқсиз ифодаланган ҳаракат, мимика, ҳолатларнинг бошқа шахсга йўналтирилиши.
- Низолар* – ўзаро таъсир кўрсатаётган кишиларнинг қарама-қарши туриши, бунда фикрлар, позициялар, қарашлар тескарилиги кузатилади.
- Низо турлари* – низоларнинг кимлар орасида юзага келишига кўра фарқлари: шахслараро, гуруҳлараро, шахсий, этник, миллий; намоён бўлиш хусусиятига кўра: очиқ, ёпиқ, узоқ муддатли, қисқа; мавқе ёки даражага кўра: вертикал ва горизонтал; йўналишига кўра: деструктив ва конструктив.
- Низо босқичлари* – уч босқичда, яъни низо олди, низо ва низодан кейинги босқичлар.
- Низо ҳал етиш йўллари* – компромисс, яъни келишув; жойида ҳал этиш; низодан чекиниш; орқага суриш; қочиш.
- Оператив хотира* – хотира турларидан бири бўлиб, фаолият бажариш жараёнида узоқ хотирадан вақтинча фойдаланилади.
- Психика* – юксак даражада ташкил топган материя, мианинг функцияси бўлиб, унинг моҳияти туйғулар, идрок, тасаввур, фикрлар, ирода ва бошқалар кўринишида акс эттиришдан иборат.
- Психик жараёнлар* – у ёки бу психик маҳсулт ва натижаларни (психик образлар, ҳолатлар, тушунчалар, ҳиссиёт ва х.к.) ҳосил қилувчи, шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараён.
- Психология* – одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-ҳиссиёт ва бошқа психик ҳолатлар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.

Психик ҳолатлар – психик ҳаёт шакллари, диққат, ҳиссиёт, ирода жараёнларига айтилади. П.Х. (хушчакчаклик, руҳланиш, сиқилиш, зийраклик, қатъийлик, тиришоқлик в.б.) шахсларда маълум даражада барқарор бўлиб, уларнинг муайян хусусиятига ҳам айланиб қолади.

Пилотаж тадқиқот – тадқиқотнинг муаммоли изловчи тури, асосий тадқиқотгача ўтказиладиган ва соддалаштирилган шакли.

Психодиагностика – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқловчи ва ўлчашни ишлаб чиқувчи психология усули.

Психология методлари – психик ходисаларни ва уларнинг қонуниятларини илмий томондан ўрганишнинг асосий йўл-йўриқ ва усуллари.

Психокоррекция – шахснинг психик ривожланишидаги камчиликларни тузатиш усуллари қўллаш жараёни.

Психологик хизмат – психологияни амалиётда қўллаш тизими. У турли соҳаларда диагностика, консултасия, экспертиза вазифаларини бажаради.

Психологик маслаҳат – шахснинг турли даражадаги ўз муаммоларини яқка тартибда психолог билан таҳлил етишига қаратилган психологик хизмат тури.

Полилог – гуруҳ ичидаги мунозара бўлиб, барча иштирокчилар фаоолашуви кузатилади.

Персептив томон – шахслараро муносабатларда тушуниш, ҳис этиш, идрок етишга қаратилган жараён.

Профессиография – меҳнат субъектининг фаолият таркиблари (унинг мазмуни, воситалари, шароитлари, ташкилот) билан ўзаро муносабати ва боғлиқлигини ўрганиш ва аниқлашга қаратилган комплэкс метод.

Профессиограмма – касбнинг турли объектив характеристикаларининг таснифи.

Психограмма – фаолиятнинг психологик характеристикаларининг таснифи.

Ригид шахс – шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг паст даражада кузатилиши.

Расмий – одамларнинг биргаликдаги фаолиятларида, ижтимоий роллар тақсимоотида мавқе, мартабанинг инобатга олиниши

Реал – биргаликдаги фаолият жараёнида бевосита мулоқот амалга ошиши имконияти.

Референт гуруҳ – шахснинг ҳар томонлама ишонган, ўзига яқин тутган гуруҳи.

Сангвиник – темперамент турларидан бўлиб, чакқон, ҳаракатчан, таассуротлари тез ўзгарадиган, бошқаларга нисбатан дилкашлик, меҳрибонлик хислатлари билан характерланади.

Саноат психологияси – саноат ва ишлаб чиқаришда турли юзага келадиган муаммо

ва ҳолатларни психологик ва ижтимоий омилларини таҳлил қилиб олишга қаратилган хизматлари тури.

Симпатия – бир кишида бошқасига нисбатан кузатиладиган мойиллик ва ёқимлилиқ ҳисларининг ички намоён бўлиши.

Сосолиогия – жамиятда юз берадиган турли-воқеа-ходисаларни ва ўзаро муносабатларни ўрганишга қаратилган фан.

Сўров – асосий методлардан бири бўлиб, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки бавосита маълумот олинади.

Таълим масканлари психодиагностикаси – шахсни таълим тизимда қобилияти, иқтидори, истеъдодини аниқлаб олиш мақсадида олиб бориладиган психологик хизмат тури.

Тест – синалувчини текшириш жараёнида махус қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, бу метод орқали аниқ бир психологик хусусият аниқланади.

Тушунча – нарса ва ходисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини битта сўз ёки сўзлар гуруҳи билан ифодалашдан иборат тафаккурнинг мантиқий шакли.

Тушуниш – бирор нарсанинг маъноси ва аҳамиятини англаш қобилияти, асосий еришилган натижаси.

Таҳлил – тафаккур қилиш усули, бунда мураккаб объектлар қисмларга бўлиниб ўрганилади.

Таққослаш – нарса ва ходисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлашга асосланган фикрлаш операсияси.

Тренинг – машқ қилмоқ, гуруҳларда мулоқотнинг самарали ташкил этиш усули бўлиб, шахснинг мулоқотга ўргатиш ва обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

Темперамент – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, у кишида фаолият ва хулқ-атворнинг динамик ва эмоционал томонлари билан характерланади.

Тобе шахс – мулоқот ва бошқа жараёнларда шахсда кўникувчанлик, бошқа кишиларга боғлиқлик, фикрига бўйсунуш хусусиятларининг таркиб топиши.

Умумлаштириш – воқелиқдаги нарса ва ходисаларни умумий ва муҳим белгиларига қараб фикран бирлаштиришдан иборат тафаккур жараёни.

Уюшганлик – гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётий принциплари, қадриятларини англашлари.

Установа – йўналиш, кишининг теварак-атрофдаги одамларга ва объектларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, уларни идрок қилиш, уларга баҳо бериш ва уларга нисбатан ҳаракатининг тайёрлик ҳолати.

- Фаолият* – инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишга, уни қайта куришга йўналтирилган фаоллиги.
- Фаоллик* – тирик материянинг умумий хусусияти, теварак муҳит билан ўзаро таъсирида бўлишида намоён бўлади.
- Флегматик* – темперамент турларидан бири бўлиб, ҳаракатлар секинлиги, барқарорлиги, эмоционал ҳолатларнинг ташқи кўринишлари кучли эмаслигида намоён бўлади.
- Характер* – кишидаги барқарор психик хусусиятларининг индивидуал бирлиги бўлиб, шахснинг меҳнатга, нарса ва ходисаларга, ўзига ва бошқа кишиларга муносабатларида намоён бўлади.
- Ҳаракат* – мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси. Ҳ. Онгли фаолиятнинг таркибий қисмлари ва мотивларидан биридир.
- Хулоса чиқариш* – тафаккурнинг мантиқий шаклларида бўлиб, бир қанча ҳукмлар асосида маълум хулоса чиқарилади. Ҳ.ч. индуктив, дедуктив ва аналогик турларга ажратилади.
- Холерик* – темперамент тури бўлиб, ҳиссиёт жўшқинлиги, кайфиятнинг тезда ўзгариши, ҳиссиётнинг мувозанатсизлиги ва умуман ҳаракатчанлиги билан ажралиб туриши хосдир.
- Шахс* – ижтимоий муносабатларга кирувчи ва онгли фаолият билан шуғулланувчи бетакрор одам.
- Шахс ижтимоийлашуви* - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт-фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир.
- Шахслараро муносабат* – мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсир етиш натижасида рўй берадиган ижтимоий-психологик ҳодисалар.
- Шакллар* – бевосита ва бавосита тур бўлиб, юзма-юз ёки восита орқали амалга ошиши кўзда тутилади.
- Шаклланганлик* - одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ психологик жараён.
- Шартли* – одамларнинг турли белги, фаолият шаклларида кўра бирор гуруҳга тааллуқли деб қараш.
- Эмоция* – одам ва ҳайвонларнинг субъектив ифодаланган ички ва ташқи кўзғолувчилар таъсирига жавоб реакцияси.
- Эгосентризм* – мен, марказ маъносида индивидуализм ва эгоизмнинг энг тубан тури.
- Экстроверт шахс* – шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган

фикрларини баён этиш эҳтиёжининг юқорилиги.

Эмпатия – бошқа одамларнинг психик ҳолатини тушуниш қобилияти.

Ўқиш – шахснинг билим ва фаолият усуллари эгаллашга ҳамда уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш жараёни.

Ўйин – фаолият турларидан бири бўлиб, болаларнинг катталар фаолиятини, иш ҳаракатларини акс эттиришда ифодаланадиган ва атрофни билишга қаратилган фаолиятдир.

Қобилият – шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирор фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусияти.

Қизиқиш – шахснинг ўзи учун қимматли ва ёқимли нарса ёки ходисаларга муносабати.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-19 жилдлар. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996-2011.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият”, 2008.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь

5. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – таррақиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.
7. Андреева Г.М. Социальная психология.- М., 2010
8. Братусь Б.С. Аномалии личности.- М., 2002
9. Ғозиев Э.Ғ. Социал психология. – Т.:“Университет”., 2013 й.
10. Келвин С.Холл, Гарднер Линдсей. Теория личности., -М.,2005.
11. Л.Хьелл, Д.Зиглер. Теория личности 3-с издание Питер М., 2011.
12. Андреева Г.М. Психология социального познания. М.: Аспект Пресс, 2008.
13. Аверин Психология личности.- М., 2002.
14. Белинская Е.П. Исследования личности. Традиции и перспективы. М. 2002.
15. Джемс У. Психология. -М., 1991.
16. Зейгарник Б.В. Теория личности К.Левина. -М., 1981.
17. Егорова М.С. Психология индивидуальных различий. -М., 1997.
18. Каримова В.М. Ижтимоий психология. -Т 2012й.
19. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. -Т 2010
20. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология курсининг “шахс” бўлими бўйича маърузалар матни.-Т. “Университет”, 1999-50бет.
21. Ғозиев Э.Ғ., Ижтимоий психология Т 2010 й.
22. Леонтьев Д.А. Личностное в личности: личностный потенциал как основа самодетерминации Ученые записки кафедры общей психологии МГУ им. М.В.Ломоносова. Вып. 1 / под ред. Б.С.Братуся, Д.А.Леонтьева. М.: Смысл, 2002.
23. Кон И.С. Ребенок и общество. -М., 1998.
24. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. Т.2. -М., 1993.

Интернет ресурслари

25. <http://textshare.tsx.org>
26. <http://www.mgimo.ru/fileserv/>
27. <http://www.ssu.runnet.ru/...>

28. http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/ru/sch_14.htm

29. <http://www.voppsy.ru>

30. <http://flogiston.ru/arch>

31. <http://psychol.ras.ru>

<http://psyberia.ru>